


44.

Х. Х. КИМСАНБОЕВ, А. И. ЙУЛДОШЕВ,
 М. М. ЗОҲИДОВ, К. Х. ХАЛИЛОВ, И. Р. СИДДИҚОВ,
 Т. А. ҚОСИМОВ

ЎСИМЛИКЛАРНИ КИМЁВИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги
 ўқув-услубиёт маркази қишлоқ хўжалик институтла-
 рининг агрономия факультетлари талабалари учун
 дарслик сифатида тавсия этган


Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлар
 академиясининг мухбир аъзоси, профессор
 X. X. Кимсанбоевнига умумий таҳрири остида



Үшбү дарслык иккى қисмдән иборат бўлиб, биринчи қисмда ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш фанининг пазарий асослари (пестицидлар ҳакида тушунча, уларга қўйиладиган талаблар, уларнинг таснифланиши, ўсимликларни зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлардан ҳимоя қиласидиган воситалар ва уларнинг она табият билан ўзаро мусобабати), шунингдек пестицидларни қўллаш үсуллари, уларнинг заарарли таъсиридан ишонлар ва табиятни муҳофаза қилиш омиллари кўрсатилган. Иккىнчи қисмда қишлоқ хўжалиги соҳасида қўллашиладиган асосий пестицидлар тўғрисида маълумотлар берилган.

Дарслик қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалдапга бўлиб, ўздан қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлайдиганлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Тақризчи: Андижон Қишлоқ хўжалик институти ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедраси мудири, биология Фанлари доктори А. А. Кац.



© «Ўқитувчи» пашриёти, 1997

СУЗ БОШИ

Инсоният тараққиётиниң барча босқичларида ақолини ноз-неъматлар билан таъминлаш асосий масаладыр. Бунда ўсимликларни зарарлы организмлар (зараркунандалар, касаллуклар ва бегона ўтлар) дан оқилюна ҳимоя қилиш асосий омиллардан бири ҳисобланади. Дарҳақиқат В. А. Каспаров, В. К. Промоненковларниң (1990) таъкидлашларыча, Мустақил Давлатлар ҳамдүстлиги мамлакатларида зарарлы организмлар көлтирадиган зарар ўртача 26% ни ташкил этади. ва бу күрсаткыч тахминан 12 млрд рублга түғри келади.

Инсоният биргина зараркунандалар туфайли ҳар йили 203,7 млн т дон, 228,4 млн т қанд лавлаги, 23,8 млн т картошка, 23,4 млн т сабзавот, 11,3 млн т мева, цитрус ўсимликлар ва узум ҳосилини кам олар экан. Шунингдек, ҳар йили зарарлы организмлардан 75 млрд долларга яқин зарар күради. Буни қуйидаги маълумотлардан күриш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Ер юзида экинлар ҳосилининг зарарлы организмлар таъсирида побуд бўлиши, %.
(MADDEN, 1987 й.)

Экин турлари	Зараркунандалар	Касаллуклар	Бегона ўтлар	Жами
Барча тур экинлар				
бўйича	11,6	12,6	10	34,2
Бугдой	5	9	10	24
Картошка	5	22	4	31
Шоли	27	9	11	47

Бу маълумотлар заарарли организмларга қарши ўз вақтида кураш олиб бориш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Олимларимизнинг ҳисоблари га кўра, заарарли организмларга қарши курашни ўз вақтида самарали қўллаш орқали МДҲ мамлакатлари халқ ҳўжалигида ҳар йили 17 млн тонн, 14 млн тонн қанд лавлаги, 10 млн тонн картошка, 3 млн тонн сабзавот, 1,5 млн тонн пахта ва бошқа қўпгина қимматли маҳсулотлар сақлаб қолинади (Т. С. Баталова, Г. А. Бегляров, Н. В. Бондаренко, А. А. Смирнова). Заарарли организмлардан барча давлатлар, жумладан, иқтисодий ривожланган давлатларда ҳам катта моддий зарар кўрилади. Биргина Америка Кўшма Штатлари ҳар йили ўрта ҳисобда заарарли организмлардан 10—13 млрд доллар зарар кўради.

Пахтачилик ҳудудларида ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасига бирмунча ҳисса қўшган олимларимиздан С. И. Алимуҳамедов ва Ш. Т. Хўжаевларнинг (1978) таъкидлашича, Ўзбекистон республикасининг асосий экинни ҳисобланган қимматбаҳо саноат ва техника хомашёси — пахта ҳосилдорлиги ҳам заарарли организмлардан катта зарар кўради. Кейинги йиллар давомида пахта ихтинослашувига оқилона ёндашиб, жаҳон бозорида пахта хомашёсига эътиборнинг ортишини ҳисобга олган ҳолда унинг толасини 1,5 млн тонн даражада барқарор тутиш, айниқса, республикамиз мустақилликка қадам қўйган ҳозирги кунда янада муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, республикамизда дон, картошка, мева, сабзавот ва бошқа экинларни ҳамда чорвачиликни ривожлантиришда ҳам ўсимликларни заарарли организмлардан ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, Ўзбекистон шароити (иссиқ иқлими, унинг географик ўрни ва ер-тупроқ шароити) заарарли организмларнинг кўпайиши учун жуда қулай. Улар экин майдонларида ўзлари учун мўл озиқ ва қулай макон топади, бу эса ўз навбатида маданий экинларни кўпроқ заарarlанишига сабаб бўлади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, пахта далаларидаги асосий заараркунчалардан бири ўргимчакканан Ўзбекистон шароитида 18—20, карадрина 4—6, кўсак қурти тунлами 3—4, ўсимлик бити эса 16—17 тагача ва картошка экиладиган жойларда колорадо қўнғизи 3—4 тагача авлод беради. Шу сабабли бизнинг шароит-

да заарарли организмларга қарши курашнинг ўзига хос усуулларини ишлаб чиқиш ва ундан самарали фойдаланиш ҳосилдорликни оширишдаги муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади.

Ўсимликларни ҳимоя қилишин түғри ва самарали ташкил этиш, албатта, шу соҳадаги юқори малакали мутахассисларнинг (энтомолог ва химизаторларнинг), шунингдек қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариши билан алоқадор бўлгани мутахассисларнинг билим даражасига боғлиқдир. Бу масалани ижобий ҳал этишда ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш фани катта аҳамиятга эга.

Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш дарслити ўзбек тилида илк бор ёзилди. Шунинг учун у баъзи камчиликлардан холи бўлмаслиги мумкин. Шу туфайли дарслик ҳақидаги фикр ва муроҷазаларингизни қўйидаги манзилга ёзиб юборишнингизни илтимос қиласиз:

Тошкент — 129, Навоий кўчаси, 30, «Ўқитувчи» нашриёти, кимё-биология адабиётлари таҳририяти.

КИРИШ

«Үсімлікларни кимёвий ҳимоя қилиш» қишлоқ хұжалык олий ўқув үортлари режасига алоқыда фан сифатида 1964 йилда киритилди. Бу фанни ўрганиш қишлоқ хұжалиги учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашда мұхым ақамиятга эга.

«Үсімлікларни кимёвий ҳимоя қилиш» пестицидлар түғрисидеги фан бўлиб, уларнинг физик-кимёвий ва заҳарлилік хоссаларини, құлланилиш жараёнларини, зарарлы организмлар ва ташқи мұхит омилларига таъсирини ўргатади. Шунингдек, бўлажак мутахассисга зарур бўлган пестицидни таштай олиш, хұжаликнинг пестицидларга бўлган талабини аниқлаш йўлларини, ҳимояланиш воситалари ва пестицидларни қўллайдиган мосламалар билан ишлаш жараёнлари, жадал технология асосида экинлардан мўл ҳосил олиш учун үсімлікларни ҳимоя қилишда кимёвий усульдан моҳирона фойдаланиш йўлларини ўргатади.

«Үсімлікларни кимёвий ҳимоя қилиш» курсининг асосий вазифаси ҳозирги замон пестицидларини түғри қўллай олиш, уларнинг зарарлы организм ва маданий үсімлікларга таъсир этиши механизмларини, пестицидларни самарали ва хавфсиз қўллаш усуулларини ўргатишидан иборат.

Үсімлікларни кимёвий ҳимоя қилишини яхши ўзлаштириш учун, албатта, бошқа бу фан билан алоқадор бўлган фанлар—анорганик ва органик кимё, физик-коллоид кимё, биологияк кимё, физика, үсімліклар ва ҳайвоnlар физиологияси, фитопатология, микробиология, энтомология, умумий дәхқончилек, ботаника ва үсімлікшунослик, агрометеорология фанларидан етарли билимга эга бўлиш керак.

Қишлоқ хұжалигига ишлатиладиган барча пестицидлар ҳам иисон ва иссиқ қоюлы ҳайвоnlарга маълум бир шароитда заҳарли бўлганлиги сабабли, дарслікда

пестицидлар билан ишлаганда кўриладиган шахсий ва жамоат хавфсизлиги тадбирлари батафсил баён этилган.

Пестицидларининг физик-кимёвий ва токсикологик хоссаларини, қўлланиш хусусиятларини, биологик муҳитдаги ҳолатини ва шу каби муҳим масалаларни пухта билib олиш — улардан хавфсиз ва тўғри фойдаланишининг асосий омилидир.

УМУМИЙ ҚИСМ

1-БОБ. ҮСИМЛИҚЛАРНИ ЗАРАРЛИ ОРГАНИЗМЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

Асрийизнинг 70—80- йиллари давомида олимларимиз томонидан маданий үсимликларни зарарли организмлардан ҳимоя қилиш тадбирлари тизими ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу тизим ҳар бир үсимлик учун алоҳида бўлиб, турли минтақалар табиий шароитини ҳисобга олган ҳолда тузилган. Үсимликларни ҳимоя қилиш тизимининг энг мукаммали уларни уйғуллашган ҳимоя қилишdir. Үсимликларни уйғуллаштириш (интегрирлашган) йўли билан ҳимоя қилинганда заарали организмларни йўқотиш энтомофагларни максимал равишда сақлаган ҳолда олиб борилади «интеграция» сўзи лотинча бўлиб, «integrate» — «стикаш», «тўлдириш» деган маънони билдиради. Бу тизимни қўллашдан мақсад үсимликларни ривожланишига қулай шароит яратиб, уларни заарали организмлар таъсирига бардошлилигини ошириш, шунингдек бунда заараркунанда, касаллик ва бегона ўтларининг ривожланишига тўсқинлик қиласиган шароит яратиш ва карантин қилинадиган организмларниг четдан келтирилишига йўл қўймасликдан иборат.

Үсимликларни уйғуллашган ҳолда ҳимоя қилишини жорий этиш натижасида биоценозда турлар ўртасида ўзаро боғланиш қайта тикланади, бунда заарали организм ва энтомофаглар ўртасидаги миқдорий боғланиш ҳам ҳисобга олинади.

Үсимликларни уйғуллашган ҳолда ҳимоя қилиш қўйидаги тадбирлар тизимини ўз ичига олади: ташкилий-хўжалик, агротехник, механик, физик, карантин, биологик ва кимёвий. Одатда үсимликларни заарали организмлардан ҳимоя қилиш учун юқорида қайд этилгац тадбирлар умумлашган ҳолда қўлланилади.

1.1. ТАШКИЛИЙ-ХҮЖАЛИК ТАДБИРЛАРИ

Ташкилий-хўжалик тадбирлари заарли организмлар учун ноқулай яшаш шароитини вужудга келтиришга ва уларни экин майдонларига ўтишини камайтиришга қаратилган.

Ташкилий-хўжалик тадбирлари бир неча йиллар давомида хўжаликнинг истиқбол режаси асосида амалга оширилади. Ана шулардан бири янги ерларни ўзлаштиришdir. Бунда кўчгина зааркунандалар уяси йўқотилади: осиё ва марокаш чигирткаси, отбосар чигирткаси, қир чигирткаси, воҳа чигирткаси, кемирувчи зааркунандалар ва ҳоказо.

Экинзорларни кенгайтириш кўл, дарё ҳамда зовурлар атрофидаги майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилайди, дала четидаги бегона ўтларни йўқ қилади, бу эса ўз навбатида уларда ривожланадиган зааркунандалар сонини камайтиради.

Тут дараҳтларининг маҳсус массивларда жойлаштирилиши ўргимчаккананинг камайишига сабаб бўлади ва унга қарши кураш олиб боришда енгиллик тугдиради.

Иириклиаштирилган экин майдонларида ҳашаротларга қарши ўтказиладиган тадбирларни механизациялаштириш йўконини беради.

Шунингдек, қуйидаги ташкилий-хўжалик тадбирлари ҳам заарли организмларни йўқотишда муҳим ўрин тутади (С. Н. Алимуҳамедов, Ш. Т. Хўжаев, 1979):

1. Усимликларни ҳимоя қилиш бўйича агроном-энтомолог бошчилигига доимий кураш бригадалари ташкил этиш ва уларни зарур асбоб-анжомлар билан таъминлаш, назоратчилар гуруҳи ташкил этиш.

2. Хўжаликларни белгиланган барча талабларга жавоб берадиган, самолёт учиб-қўнадиган майдонча билан таъминлаш.

3. Пестицидларни хўжаликда сарфланиш миқдорига мос келадиган маҳсус омборхоналар қурилиши устидаги назорат олиб бориш, унда санитария хавфсизлиги тадбирларини амалга ошириш, шунингдек пестицидларни қабул қилиш ва тарқатиш ишларини ҳужжатлаштириш учун омборчилар тайинлаш.

4. Усимликларни заарли организмлардан ҳимоя қилишнинг тезкор режаси тузилади. Бунда қуйидаги тадбирлар ҳисобга олинади:

4.1. Заарли организм тарқалған майдоннің ұажи
ми ва кураш усули, био ёки бошқа объектларни киме-
вий ёки биологик усулда дорилаш мүддати ва такро-
рийлігі, пестицид ва биопрепаратларни сарфлаш
мейерлари ва уларнің кераклы миқдорини аниқлаш.

4.2. Аппаратлар ёки транспорт воситалари иш ұажи-
мини аниқлаш, коржома ва шахсий ҳимоя воситаларига
бұлған әхтиёжін белгилаш.

4.3. Самолёт билан ишлашга яроқлы майдонларни
аниқлаш ва уларни картада белгилаш.

4.4. Ҳар бир гектарға сарфланадиган ҳимоя қилині-
воситалари харажатини ва рентабеллігінни аниқлаш.

4.5. Ишчи ва хизматчилар учун иш ҳақи фондини
ажратиш.

4.6. Шахсий ҳимоя воситалары учун ұз вақтида та-
лабнома бериш.

1.2. АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАР

Бу усул ҳар қайси мінтақаның тупроқ-иқлим ша-
роитини ҳисобға олған қолда, ишлаб чықылған барча
агротехник тадбирлар үсімліктерни заарарлы орга-
низмлардан ҳимоя қилишінде ёрдам береді олишиға асо-
сланған бүлини керак. Агротехник тадбирлар үсім-
ліктернің заарарлы организмларига бевосита таъсир эт-
майды. Бу тадбирлар далаларда хавф-хатар түздіра-
диган миқдорда зааркунанда пайдо бўлиши олдини
олади, холос. Шунингдек, бунда үсімліктарнің ри-
вожланишиға яхши шароит яратылади, бу эса үсім-
ліктарнің заарарлы организмларга чидамлилігінни
ва ҳимоя қилиш тадбирларинің самарадорлігінни
оширади. Агротехник усул кўлланилганда бошқа тад-
бирлар билан бевосита бирга кўлланилади, шундагина
унинг таъсирчалығи ортади. Бу усулнің афзаллігі
шундаки, агротехник тадбирлари барча экинлардан
юқори хосил олиш учун кўлланилади, ундан эса үсім-
ліктарни ҳимоя қилиш жараённанда фойдаланилади.
Демак, бунда үсімліктегі ҳимоя қилиш учун алоҳида ха-
ражат килинмайды, шу билан бирга самарадорлик ҳам
юқони бўлмайды.

Агротехник тадбирлар заарарлы организмларнің
хаёт кечириши ва кўпайишини билишга асосланған бў-
лиши керак, шунингдек, бу тадбирлар заарарлы орга-

низмлар энг кўп учрайдиган пайтларда қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

Куйида биз агротехник тадбириниң баъзи йўналишларини мисоллар ёрдамида изоҳлаймиз.

Ўсимлик навлари ва уларнинг заарли организмлар билан муносабатлари. Ҳар қандай мадаций ўсимлик экилган майдонда барча ривожланиш даврида заарли организмларни учратиш мумкин. Масалан, ҳар бир гўза даласида эрта баҳорда кўккүрт туннами, кейинроқ эса шира, трипс, гоммоз ёки илдиз чириш касалликлари ва ўргимчакканга пайдо бўлади. Гўзанинг шионалаш давридан бошлаб эса карадрина, кўсак қурти ва бошқалар учрайди. Буларнинг барчаси билан курашишда ўсимликнинг табиий чидамлилитини ошириш катта роль ўйнайди. Ўсимликнинг заарли организма қарши курашиш қобилияти унинг чидамлилиги деб аталади. Россия энтомологи И. Д. Шапироининг таъкидлашича, чидамлилик—бу ўсимликнинг заарли организмга нисбатан салбий таъсири натижасидир. Чидамлилик жуда мураккаб жараён бўлиб, биринчидан ўсимликда заарли организм учун ноқулай экологик шароит вужудга келса, иккичидан заарли организмда эса шу ўсимликка нисбатан салбий физиологик реакция вужудга келиб, озиқланиш, озиқни ҳазм қилиш ва тухум қўйиш борасида ундан узоқлашишга интилади. Бундай чидамли ўсимлик билан озиқланган заараркунанда танасида антибиоз вужудга келади. Антибиоз чидамли нав билан озиқланган заараркунанда ҳаёт фаолиятига салбий таъсир этишидир.

Экиладиган ўсимлик навларини танлашда ва, айниқса, янги навлар яратишида уларни шу экиладиган худудда қаңдай заараркунандалар учрашини ва уларнинг турли навларга бўлган муносабатини ҳисобга олиш керак. Масалан, Ўзбекистонда ингичка толали гўза навларига ўргимчакканга камроқ тушади.

Ўзбекистон шароитида вилт касаллиги пахта ҳосилига катта зарар етказади. Фақат вилт касаллигига ҳар йили ўртacha 400 минг т пахта ҳосили камаяди. Шунинг учун олимларимиз бу касалликка чидамли гўза навларини яратиш борасида ҳам катта ишлар олиб бормоқладар. Бу борада машҳур селекционер-олим, академик С. С. Мираҳмедов олиб борган ишлар яхши самара берди. Олим вилт касаллигига чидамли гўзанинг «Тошкент» навларини вилтга чидамли ёввойи пахта-

шинг мексиканум навини вилтга чидамсиз С—4727 нави билан чатишириш орқали яратди. Шундай қилиб, ҳозирги вақтда вилтга чидамсиз 108—Ф гўза навининг ўрнини «Тошкент» навлари эгаллади, бу эса ўз навбатида пахта ҳосилининг ошишига сабабчи бўлди.

Алмашлаб экиш. Экинларни алмашлаб экиш зарарли организмлар сонини тартибга солиш ва дала-ларни касаллик қўзгатувчилардан тозалашда асосий омиллардан бири ҳисобланади. Алмашлаб экиш натижасида ернинг унумдорлиги ошади, тупроқда гўзанинг ашаддий душмани — вилт касаллиги қўзгатувчисининг кўпайиши олди олинади ва пахта, беда ҳамда маккажӯхорини турли касаллик ва зааркундалардан сақлайди. Бизда алмашлаб экишда фаол гўза-беда алмашлаб экишга маккажӯхори ёки оқ жўхори, оралиқ ва сидерат экин экилган далалар қўшилган ҳолда амалга оширилади. Алмашлаб экиш вилтга қарши қўлланиладиган асосий тадбирлардан бири ҳисобланади.

Алмашлаб экиладиган майдонларда экин қатор оралари ишланганилиги туфайли бегона ўтлар кескин дарражада камаяди.

Лалмикор ерларда кузги ва қишлоғчи бегона ўтлар кузги дон экинлари орасида яшашга мослашган бўлади. Бундай ерларга баҳори дон экинлари экилса, бегона ўтлар камаяди. Чунки баҳори экинларни экиш учун ср кузда шудгор қилинади, натижада бегона ўтларнинг асосий қисми йўқолади.

Бизга маълумки зааркундалар ва касаллик қўзгатувчилар маълум бир ўсимликка кўпроқ мослашган бўлиб, фақат ўша ўсимликлардагина яхши ҳаёт кечиради, ривожланади ва кўпаяди. Унинг ўрнига бошқа экин экиладиган бўлса, улар иккинчи ўсимликка тезда мослаша олмай, ўз-ўзидан камайиб кетади ёки бутунлай нобуд бўлади. Масалан, дон экинлари қоракуя билан кўпроқ касалланади, гўза эса кўсак қурти, кўкқурт тунламлари билан кўпроқ заарланади. Булар ўрнига бошқа экинлар экилса, касаллик ва зааркундалар сони кескин камаяди.

Тупроққа ишлов бериш ва ўсимлик қолдиқларини йигишириб олиб, йўқотиш. Ерга ишлов бериш — кузда сифатли шудгорлаш, уни экишга тайёрлаш (текислаш, бороналаш, дисклаш, чизеллаш, ғалтаклаш), культивация қилиш ва бошқалар зааркунданда, касаллик

қўзгатувчилар ва бегона ўтларнинг яшаш шароитига салбий таъсир этиб, уларнинг камайишига сабаб бўлади. Зааркунанда тухумлари, уларнинг личинкалари' ва гумбаклари кузги ишлов бериш вақтида ер бетига чиқиб қолиши натижасида қуёш таъсирида қовжираб қолади ёки қушларга ем бўлади. Кузги шудгорлашни оптимал шароитларда чимқирқарли ёки қўш ярусли плугда 30—40 см чуқурликда ағдариб шудгорлаш ва шу даврда тавсия этилган меъёрда гўнг, фосфорли ва калийли минерал ўгитлар бериш кўпгина бегона ўтлар, зааркунандалар ва касаллик қўзгатувчиларнинг камайишига олиб келади.

Яхоб сувлари ер шўрини ювишда катта ёрдам беради, натижада тупроқда нам кўпроқ тўпланади, зааркунанда ва касалликларга чидамли соғлом ниҳоллар текис кўкаради. Агар яхоб сувлари беришни кузги шудгорлашдан кейин зааркунандалар кўп бўлган пайкалларда ўтказсан, тупроқ музлаши натижасида кўсак қуртининг ғумбаги, кўкқурт тунлами, ўргимчаккан ва бошқа зааркунандалар камаяди.

Ягана лаш даврида биринчи навбатда касалланган ғўза ниҳолларини илдизи билан сугуриб олиш ва уларни йўқотиш гоммоз ҳамда илдиз чириш касалликлари тарқалишининг олдини олади.

Чеканка даврида чимдиг олинган гўзанинг учки ўсиш нуқтаси ғўза даласидан чиқариб, кўмиб ташланади, бу билан биз кўсак қуртининг тухумлари ва личинкалари кўп қисмии йўқ қилган бўламиз.

Ўсимлик ҳосил олингач, албатта унинг қолдиқлари йигиб олишиб, пайкалдан ташқарига чиқариб, ёки юборилади. Ўсимлик қолдиқларини, жумладан ғўза поялларини ўз вақтида йигиб олиш вилт ҳамда қора илдиз чириш касалликларининг тарқалиши олдини олишини таъминлайди. Бундан ташқари, гўзапояни ўз вақтида йигиб олиш келгуси йили ғўзанинг ёш ниҳолларини ўргимчаккан ва ғўза битлари билан заарланишдан сақлайди, чунки ғўзапоя қолдиқлари билан ана шу зааркунандаларнинг кўп қисми даладан олиб чиқиб кетилади.

Ўғитларнинг заарли организмларга таъсири. Бегиланган меъёрда ва муддатларда қўлланилган органик, минерал ёки бактериал ўғитлар ҳам ўсимликларни заарли организмлардан сақлашга ёрдам беради. Бунда ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун

тупроқда қулай шароит яратилади, бу эса уларнинг турли зааркунандаларга бўлган чидамлилигини оширади.

Бундан ташқари, ўсимликнинг нормал ривожланиши учун микроўғитлардан ҳам фойдаланилади. Маълумки, ўсимликка асосий озиқ моддалар — N, P, K дан ташқари, оз миқдорда бўлса ҳам марганец, мис, рух, кобалт ва бошқа элементлар зарур. Бу элементлар ўсимликнинг моддалар алмашинувида иштирок этади. Бу элементлар ўсимликка мис кўпороси, аммоний молибдат ёки уларнинг эритмалари ҳолида берилади.

Гўзанинг ёш ниҳолларига азотли ўғитлар бериш, ўсимликни тез, соглом ўсишига ёрдам беради, шуинингдек, экинлар кемирувчи зааркунандалар зааридан ҳоли бўлади. Агар ғўзага фосфорли ўғитларни ўз вақтида берсак, ҳужайра ширасининг осмотик босими ортиши натижасида ўргимчакканага чидамли бўлади.

Фосфорли ўғит билан етарли миқдорда озиқлантирилган беда фитономусга анча бардошли бўлади. Бундан ташқари, тупроққа минерал ўғитлар солиш, ундан туз эритмалари концентрациясини оширади, натижада тупроқдаги баъзи ҳашаротлар, жумладан симқуртлар танасининг намлиги пасайиб, улар нобуд бўлади. Аммоний сульфат, аммонийли селитра ҳам симқуртларнинг камайишига сабаб бўлади.

Шуни унутмаслик керакки, ҳаддан зиёд қўлланилган минерал ўғитлар ҳам мақсадга мувофиқ бўлмайди. Ортиқча миқдорда берилган азотли ўғитлар ўсимлик вегетатив органларининг кўпроқ ривожланишига сабаб бўлади, бу эса донли экинларнинг қоракуя касаллигидан зааррланишини кўнайтиради.

Тупроққа бор, мис, молибден каби микроэлементларни солиш картошка ўсимлигининг турли касалликларга нисбатан чидамлилигини оширади.

Баъзи ўғитлар тупроқ муҳитини ўзгартиради, унга солинган оðак унинг кислоталилигини камайтиради, бу эса тупроқ таркибида замбуруглар ривожланиши олдини олади, натижада лавлаги, карам каби ўсимликларни турли замбуруг касалликларидан сақлайди.

Сугоришнинг заарли организмларга таъсири. Заарли срганизмларни йўқотишида сугориш ва унинг муддатлари ҳам катта аҳамиятга эга. Бедапояларда беданинг ўриб олиниши биланоқ сугориш кўпгина зааркунандалар (фитономус)нинг йўқолишига сабаб

бўлади. Ўза ўсаётган зойада ҳаво памлигининг кўтарилиши баъзи зааркунандаларда турли касалликларни келтириб чиқаради. Тунламлар тупроқда ғумбакка айданаётган вақтда суфорилса, улар кўплаб қирилади, кўкқурт тунлами шикастлаётган вақтда суфорилса, улар ўзлари учун ноқулай шароитда ёруғликка интилади, натижада улардан бир қисми қушларга см бўлади, бундан ташқари, энтомофаглар ҳам шикастлайди.

Экиш ва ҳосилни йигиб олиш муддатлари. Бир қатор заарли организмлар ўсимлик уруглари орқали тарқалади, шунинг учун уруғликларни танлаш ва уларни тайёрлаш усуллари ҳам агротехник кураш чораларига киради. Беда уруғхўри беда уруғларида қишилайди, уруғ яхши тозалаб экилмаса, кейинги йили зааркунанда кўплаб тарқалиб кетиши мумкин. Бундан ташқари, яхши тозаланмаган уруғ ниҳоятда заарли бўлган зарпечак уругларининг ҳам тарқалишига сабабчи бўлиши мумкин.

Сараланган уруғ экилса, униб чиқсан ниҳол зааркунандаларга чидамли бўлади. Ўргимчаккана билан кучли заарланган гўза чигити экилганда, у кечикиб унади ва текис майса чиқармайди.

Экицини оптималь муддатларда ўтказиш кўкқурт тунлами, сўрувчи ҳашаротлар ва касалликларни пайдо бўлишидан олдин нормал, соғлом ниҳоллар етказиш имконини беради. Ўзбекистон шароитида ўзга ўртача ўн кунилик ҳарорат барқарор — +12° дан ошганда ўтказиш керак. Оптималь муддатларда пайдо бўлган ниҳоллар зааркунандалар кўпайиб кетгунча, бақувватланиб олади, кечроқ экилган ёш чигит қайтадан экилган ерларда эса кемиравчи тунлам, ўсимлик бити ва триплар гўзага кўп зарар етказади.

Зааркунандалар сонини камайтиришда ўсимлик ҳосилини ўз вақтида нобуд қилмай йигиб олиш катта аҳамиятга эга. Фалла-донли экинларни ўз вақтида йигиб-териб олиш, уларнинг заарли хасвадан заарланиши олдини олади. Бундан ташқари, зааркунандалар сонини камайтиради, чунки, заарарли хасванинг озиқлаши ва қишига тайёргарлиги етарли бўлмайди.

Уруғлик беда ҳосилини ўз вақтида йигиб олмаслик оқибатида беда қандаласи, беда уруғхўри кўпаяди. Озиқбон беда ҳосилини ўз вақтида йигиб олмаслик ушинг сифатини ҳам пасайтиради. Бедани сифатли ўриш,

беда қаңдаласининг қишки заҳираларини бирмунча камайтиради.

Пахта ҳосилини ўз вақтида йигиб-териб олиш толани кўпгина бактериал ва замбуруғ касалликларидан асрайди. Қартошка ҳосилини вақтида йигиб олиш, ҳосилини калмараз ва бактериал касалликлар билан касалланишидан сақлайди.

1.3. БИОЛОГИК ТАДБИРЛАР

1.3.1. ЗАРАРКУНДАЛАРГА ҚАРШИ БИОЛОГИК УСУЛДА КУРАШИШ

Усимлнкларни зааркундадардан биологик усулда ҳимоя қилиш, уларниң касаллик сабабчиси микроборганизмлардан фойдаланиб заарли турлариши йўқотиш, камайтириш ёки кўпайиб кетиши олдини олишига асослашган. Биологик кураш усулида турли организмлар — йиртқич ва паразит ҳашаротлар, каналар, қушлар ва бошқалардан фойдаланилади. Ҳашаротлар билан озиқланадиган табиий кушандалар — энтомофаглар, каналар билан озиқланадиганлари эса акарифаглар деб аталади.

Биологик тадбирларга, шунингдек ҳашаротларниң жинсий стерилизацияси ҳам киради. Бунда эркак ҳашаротлар атом нурлари ёрдамида жинсий стерилизацияни мумкин. Ҳозирги вақтда ҳашаротларни кимёвий йўл билан ҳам стерилизацияланмоқда, бундай стерилизаторлар хемостерилитаторлар деб аталади. Жинсий стерилизаторларни кенроқ кўламда қўллаш борасида олимларимиз жуда катта ишлар олиб бормоқдалар.

Биологик тадбирларни кенг жорий этиш бирмунча афзалликларга эга:

иқтисодий жиҳатдан арzon;
ташқилий томондан осон;
таъсири жиҳатдан давомли;
атроф-муҳитни ифлослантирмайди;
бошқа фойдали ҳашаротларни заҳарламайди.

Лекин бу усулни камчиликлари ҳам бор: универсал эмас, яъни омборхоналарда қўлланиб бўлмайди, касаллик ёки бегона ўтларга қарши кураш чоралари етар-

лича йўлга қўйилмаган. Шу сабабли бу усулни бир-мунча такомиллаштириш лозим.

Биологик тадбирдан фойдаланиш бир неча йўна-лишда олиб борилади.


Булардан бири энтомофагларни илгаридан кўпайти-риб табии шароитда қўйиб юбориш (фаслга мослаштириб колонизация барпо қилиши). Бунинг учун энтомо-фаглар лаборатория шароитида (биофабрикаларда) урчитиб кўпайтирилади ва улардан зааркунандалар найдо бўлган даврда фойдаланилади. Бу усулда ту-хумхўр трихограммадан фойдаланилади. Трихограмма ўз тухумини 80 га яқин зааркунанда тухумига қўяди, бунда янги қўйилган тухум кўпроқ заарланади. Трихограмма ўз тухумини 80 га яқин зааркунанда тухумига қўяди, лекин кўпроқ тунламлар тухумини хуш кўради. Биола-бораторияларда трихограммани ситотрога тухумларида кўпайтирилади, чунки бу зааркунанда жуда тез урчиш қобилиятига эга. Трихограмма ҳар гектар ерга камида 50 жойда чиқарилади. Кўккүрт тунлами, карам тунламларига қарши 1 га майдонга 15—50 минг дона трихограмма қўйиб юборилади, бу эса 2 марта тақрорлана-ди. Трихограмма, асосан, капалак тухум қўя бошлаган даврда қўлланилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтида, Ўзбекистон фанлар академияси Зоология ва паразитология институтида ва Тошкент Давлат аграр университетида апантелес, бракон паразитлари, шунингдек, олтин кўз йиртқичи ва бошқа кушандалардан самарали фойдаланиш йўлларини аниқлаш борасида катта илмий ишлар олиб борилмоқда.

Энтомофаглар фаолиятига қўмаклашиш ҳозирги даврда етарли даражада йўлга қўйилмаган. Бундан ташқари, ўргимчакканা, ўсимлик бити каби кўпгина заар-кунандаларга қарши курашда биологик усул яхши йўлга қўйилмаган.

Энтомофаглардан фойдаланишиниг иккичи бир йўналиши интродукция ва акклиматизациялашdir, бунда зааркунандаларга қарши энтомофаглар четдан келтирилиб, шароитга мослаштирилади.

Интродукция ва акклиматизацияда ҳозирги вақтда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги четдан келган карантин объектларга қарши келтирилиб, олмадаги қонли битларга қарши курашда фелинус



паразитидан, комстóк құртига қарши қурашда эса исевдафикас паразитидан ва бошқалардан фойдаланилмоқда. Бизда интродукциялашған, лекин акклиматизациялашылған энтомофаглар ҳам учрайди. Улардан мавсум давомида колониялаш йўли билан фойдаланилади: иссиқхона хўжаликларида ўргимчакканага қарши қурашда фитосейлюс, гулхоналарда учрайдиган оранжерия оққанотига қарши қурашда эса энкарзиядан фойдаланилмоқда.

Энтомофаглардан фойдаланишининг яна бир йўли — ареал ичра тарқатишидан иборат. Бунда йиртқич ва паразитлар зааркунандалар бир арсал ичиде кўпайган янги зоналарга келтирилиб, ўша ерда улар зичлиги пайдо қилишади. Масалан, олма дараҳт куяси паразити агнеасисдан Ўзбекистоннинг тоголди зоналарида фойдаланилмоқда.

Энтомофаглар фаолиятига кўмаклашиш ҳам биологик усулиниң бир йўналиши бўлиб, бунда етук энтомофагларнинг қўшимча озиқланиши учун қулай шартшароит яратилади. Боғларда нектар берувчи ўсимликларни кўпроқ ўстириш ўз навбатида калифорния қалқондори ёки олма куяси паразитларнинг кўпайишига ёрдам беради. Бу борада Тошкент Давлат аграр университети доценти А. У. Саъдуллаевнинг илмий изланишлари дикқатга сазовордир.

Юқорида қайд этганимиздек, биологик тадбирнинг зааркунандаларга қарши қўлланилишида микробиологик препаратлар (зааркунандаларнинг касаллик қўзғатувчилари — бактериялар, вируслар ва замбуруглар) дан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Ишлаб чиқаришга жорий этилтган эндобактерии, дендробациллии, боверин ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу препаратлар 50 дан ортиқ зааркунандаларга қарши самарали қўлланилмоқда.

Микробиологик препаратлардан бактороденцид сичқонсизон кемирувчи зааркунандаларга қарши тавсия қилингган.

1.3.2. ЎСИМЛИК КАСАЛЛИКЛАРИГА ҚАРШИ БИОЛОГИК УСУЛДА ҚУРАШ

Ўсимлик касалликларига қарши биологик қураш тадбирлари қўлланилганда антибиотиклар ва антагонистлардан фойдаланилади.

Антибиотиклар — микроорганизмларнинг ҳаёт фаолияти маҳсулидир, улар микроорганизмларга заҳарли таъсир кўрсатади. Ҳозирги вақтда кўпгина экинларнинг касалликларига қарши улар кенг кўламда қўлланилмоқда. Бодрингдаги ун-шудринг касаллигига қарши антибиотиклардан трихотецин қўлланилади, фитобактериомицин эса нўхатнинг фузариоз ва ғўзанинг гоммоуз касалликларига қарши тавсия этилган.

Антогонистлар тупроқ ва бошқа муҳитлардаги миқроорганизмлардан бўлиб, улар бошқа микроорганизмларга дуч келганда уларнинг ҳаёт фаолиятини сусайтиради. Масалан, тупроқдаги триходерма замбуруғи кўпгина касаллик туғдирувчи микроорганизмларни йўқотади, бу қишлоқ хўжалигига триходермин деб аталиб, бодрииг ва ғўзанинг илдиз чириш касаллигига қарши курашда тавсия этилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институти олимлари ҳам гўзанинг вилт касаллигига қарши триходерма замбуруғидан фойдаланиш йўллари устида катта илмий ишлар олиб бормоқдалар.

1.4. ЎСИМЛИКЛАРИНИГ КАРАНТИН ТАДБИРЛАРИ

Ўсимликларни заарли организмлардан ҳимоя қилиш тадбирларидан бири ўсимликлар карантинидир. Ўсимликлар карантини давлат миқёсидаги тадбирлар тизими бўлиб, Ватанимиз ўсимликлар дунёсини бизда учрамайдиган, лекин хорижий мамлакатлардан ўтиб қолиш эҳтимоли бўлган ўсимлик заараркундан ва касалликларини қўзгатувчилари ҳамда хавфли бегона ўтларни ва, шунингдек, мамлакат ичдаги айrim географик ҳудудларда тарқалганинг йўлини тўсишга қаратилгандир. Агар заарарли организмлар мамлакатимизга ўтиб қолган бўлса, ўсимликлар карантини дарҳол уларни йўқотиш чораларини кўради.

Заарарли организмларнинг чет мамлакатлардан келиб қолмаслигини олдини олишга мўлжалланган тадбирлар ташқи карантин ва мамлакат ичда бирор географик минтақада учрайдиганларининг тарқалиб кетмаслигига қаратилган бўлса, ички карантин дейилади.

Ташқи карантинга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ғўзә пушти ранг қурти, картошка куяси, маккажўхори пушти ранг қурти ва бошқа бир неча тур за-

пәркүнандаларнинг ўтиб қолмаслигига мўлжалланган тадбирлар киради.

Ўзбекистонда тарқалиши жиҳатидан чегараланган ва ички карантин аҳамиятига эга бўлган зааркунандалар қаторига комсток қурти, калифорния қалқондори, гулхайри куяси ва бошқалар киради. Бу муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган тадбирларни ўз вақтида изчиллик билан ўтказиш қарантин инспекциясига юкланган.

1.5. ФИЗИК ВА МЕХАНИК ТАДБИРЛАР

Ўсимликларнинг заарли организмларига қарши механик тадбирлар сифатида уларни тўпланишига, туриб қолишига, ҳаракатланиши ёки ўсимликни заарлаши олдини оладиган воситалардан фойдаланилади. Бундан ташқари, ўсимлик қолдиқлари ҳамда ҳашаротлар уясини йўқотиш, ўсимлик ташасини эски пўстлоқлардан тозалаш ва бошқалар механик тадбирларга киради. Заарли ҳашаротларнинг тўпланишлари ёки тухум қўйишлари учун жой тайёрлаш учун гўнг, хас-хашак, дараҳтлар тутқич белбори ва хазон ғарамларидан фойдаласилади. Бундай жойлар олдиндан заҳарлаб қўйилади ёки ҳашаротлар тўплангач, улар турли йўллар билан қириб ташланади.

Механик кураш тадбирларига, шунингдек дараҳтларнинг қуриган ва касалланган шохларини кесиш, йиғилган шох-шаббаларни ёқиб юбориш, мева чириш касаллиги билан касалланган меваларни териб олиш ва бошқалар киради.

Уругларни экишдан олдин тозалаш, улардаги зааркунандаларни бирмунча камайтиради. Омборларда сақланаётган маҳсулотларни қуритиб, ағдариб ва шамоллатиб зааркунандалардан тозаланади.

Кемирувчи зааркунандаларни йўқотишда қопқонлардан фойдаланиш ҳам механик кураш тадбирларига мисол бўлади. Бу усулнинг инсонга, табиатга заари йўқ, самарадорлиги юқори, лекин оғир қўл меҳнатига асосланган ва серҳаражатдир.

Ўсимликнинг заарли организмларига қарши тадбирлардан радиоактив нурланишлари, юқори ва паст даражали температура режимлари, паст босим (вакум), юқори частотали токлар кўпроқ қўлланилади. За-

паркунандаларнинг капалаклари ёргулликка жалб этилади ва улар кимёвий усулда йўқотилади.

Дон ва меваларни зарарсизлантиришда паст даражали ҳароратда совутилади. Омбор узунбурун қўнғизи $+5^{\circ}\text{C}$ да озиқланишдан тўхтайди, $+0^{\circ}\text{C}$ дан бошлаб ўла бошлайди ва -15°C да эса улар бир кеча-кундузда бутунлай қирилиб кетади.

Дон таркибидаги инфекцияни йўқотиш учун уларга юқори ҳарорат таъсир эттирилади. Бунинг учун $+48 - +50^{\circ}\text{C}$ да иситилади.

Физик усул ҳам юқори самарали бўлиб, инсон ва табиатга зарари кам усуздир, лекин бу усулда маҳсус тайёргарликдан ўтган мутахассис ва мукаммал апарат ва жиҳозлар лозим.

1.6. ҮСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА КИМЁВИЙ ТАДБИРЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ВА УПИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ

Үсимликларни кимёвий усулда ҳимоя қилиш заарли организмларни йўқотишда кимёвий моддалар—пестицидлардан фойдаланишига асосланган. Үсимликларни заарли организмлар (зааркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан) дан ҳимоя қилишида қўлланиладиган барча кимёвий моддалар *пестицидлар* деб аталади (пестицид сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, «Pestis»—заарли, юқум, ифлослик ва «cido» — ўлдираман маъноларини англатади).

Үсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш усули бир қатор афзалликларга ва катта универсаллик хусусиятига эга, чунки уни барча қишлоқ хўжалик экинларида кўплаб зааркунанда, касаллик ва бегона ўтларга қарши, шунингдек омборхоналар, иссиқхоналар, элеваторлар ва бошқаларни зарарсизлантиришда ҳам қўллаш мумкин.

Үсимликларни кимёвий усулда ҳимоя қилишининг яна бир афзаллиги уни механизациялашдир, яъни авиациядан фойдаланиш катта майдонларда заарли организмларга қарши курашни ўз вақтида, сифатли қилиб ўтказишга имкон беради.

Пестицидларни қўллаш кутилган самарага тезда эришишин таъминлайди.

Хозирги вақтда пестицидларни завод хамда фабрикаларда саноат усулида ишлаб чиқариш йўли қўйилган ва улар истеъмолчиларга бирмунча арzon баҳоларда

сотилади, демак, бунда харажатларни тезда қоплаш мүмкін.

Санкт-Петербургдаги ўсимликларни ҳимоя қилиш Россия илмий-тәдқиқот институтининг маълумотига кўра, ўсимлик зааркунандалари ва касалликларига қарши кимёвий кураш чоралари яхши йўлга қўйилса, сарфланган харажатнинг ҳар бир сўми хўжалик учун 10—12 сўм қўшимча даромад келтиради, бу эса кимёвий усульнинг юқори иқтисодий самарадорликка эга эканлигини кўрсатади.

Хозирги вақтда пестицидлардан бутуилай фойдаланилмай туриб, ғўздан юқори ҳосил олиш мүмкін эмаслиги равшан бўлиб қолди. Шунингдек, А. Назаровнинг (1992) маълумотларига қараганда баъзи ривожланган мамлакатлар, жумладан АҚШ да шу даврга қадар ғўза зааркунандаларига қарши кураш асосан пестицидларга асосланган бўлиб, бунда биологик усул харажатларни бутунлай қоплай олмайди, деб ҳисоблади. Ғўзанинг ашаддий зааркунандаларидан бири ўргимчакканадир, унга қарши курашда, асосан, пестицидлардан фойдаланилади. Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманида Ш. Шарафутдинов, М. Зоҳидов ва Б. Файзуллаевлар (1989) ўтказган тажрибаларга қараганда, ўргимчакканага қарши ғўза инҳоллари олtingугурт препаратлари билан ишилганда унинг ҳосилдорлиги гектарига 5—7 ц кўпайиши аниқланган, хўжаликнинг софдаромади эса гектарига 217 сўмини ташкил этган. Шунингдек, Тожикистон Республикаси шароитида В. Коваленков (1989) томонидан ўтказилган тажрибалар Би-58 ва дикофол таъсирида пахта ҳосилдорлиги ўртача 1 га ерда 2—3 ц ортишини кўрсатди. Умуман, агар биз ўргимчакканага қарши кимёвий курашни ўз вақтида тўғри ўтказсак, Ватан омборига ҳар йили қўшимча 600 минг т пахта ҳосили тушади.

Ғўза далаларида бегона ўтларга қарши кимёвий воситаларни (гербицидларни) қўллаш қўл меҳнатига ишбатан сарфланадиган харажатларни анчагина камайтиради. Масалан, ғўза далаларида гербицидларни қўллаш қўл меҳнати учун сарфланадиган харажатларни ҳар гектар майдон учун 17 ишчи кунидан 0.3 га камайтиради (Э. Л. Алхасъянц, А. Йўлдошев, Б. Үтанбоеv, 1989). Шу сабабли, маккажўхори, қанд лавлаги, кунгабоқар, ғўза далаларида гербицидларни қўллаш

бегона ўтларга қарши қўл меҳнатини бутунлай сиқиб чиқармоқда.

Шундай қилиб, ўсимликларни ҳимоя қилишда кимёвий усулдан фойдаланиш, шу давргача ва бундан кейинги бир неча 10 йиллар давомида ривожлана боради, шунингдек бу усул ўсимликларни ҳимоя қилишда етакчи ўринни эгаллади.

Олимларимиз ҳисобларига кўра, агар ўсимликларни ҳимоя қилишда кимёвий усулдан воз кечилса, бутун дунёда етиштириладиган экинлар ҳосилдорлиги 25—35% гача камайиб кетар экан, баъзи экинларда (ғўза, қанд лавлаги, дон ва бошқаларда) эса пестицид қўлланилмаса, ҳосил олиш жуда мушкуллашиб қолади (К. В. Новожилов, 1989).

Ўсимликларни кимёвий усулда ҳимоя қилиш, айниқса кимё саноатининг ютуқлари асосида ривожланяпти. Шунингдек, бунга механизациянинг юқори суръатларда ривожланиши ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўсимликларни ҳимоя қилишда такомиллашган трактор ва автопуркагичлар, чанглатгичлар, аэрозол генераторлари, самолёт ва вертолётлардан фойдаланилмоқда.

Лекин кимёвий усулнинг ҳам ўзига яраша камчиликлари бор:

1. Бу усулда қўлланадиган пестицидлар иносон ва иссиққонли ҳайвонлар учун заҳарли.

2. Пестицид қолдиқлари билан озиқ-овқат маҳсулотларининг заҳарланиши ортади.

3. Энтомос ва акарифаглар учун заҳарли.

4. Заарли организмларининг пестицидларга чидамлилиги ниҳоятда тез ортади;

5. Ўсимликларни ҳимоя қилиш учун мўлжалланган харажатлар бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан тез суръатлар билан ортади.

Бу камчиликларни бартараф этиш ҳозирги вақтда бутун дунё олимлари олдида турган асосий вазифадир. Олимларимизнинг тишимсиз ва самарали меҳнатлари эвазига бу муаммо аста-секин ҳал этилмоқда. Энг аввало, пестицидлардан ўз вақтида тўғри, тавсияномалар асосида фойдаланилса, улар ташқи муҳит учун ҳеч бир зарар келтирмаслиги аниқланди.

Кимёвий усулнинг камчиликларини йўқотишнинг яна бир йўли ўта заҳарли пестицидларни иссиққонли

ҳайвонлар ва инсон учун кам заҳарлилари билан алмаштиришдир.

Кўпгина илмий муассасаларнинг тинимсиз самарали меҳнати туфайли 60-йилларда ёқ қишлоқ хўжалигида қўлланишга рухсат этилган акарицидлар ва инсектицидлар рўйхатига жиддий ўзгартишлар киритилди. Бу рўйхатдан иссиққонли ҳайвонлар ва инсон учун ўта заҳарли ва юқори куммулятив таъсирига эга бўлган пестицидлар олиб ташланиб, рўйхатга янги, юқори самарадорликка эга бўлган фосфорорганик бириклилар киритилди, специфик акарицидлар салмоғи оширилди. Агар 1960 йилда рўйхатга 14 инсектицид (олтингугурт, минерал мойлар ва фумигантлардан ташқари) киритилган бўлса, улардан 57% и ўта заҳарли, 7% и заҳарли, 29% и ўртача заҳарлилар гуруҳига оид эди. 1977 йилда эса бу рўйхатга 41 препарат киритили ва унинг 29% и юқори заҳарли, 42% и ўртача заҳарли ва 29% и кам заҳарли пестицидларни ташкил этди.

Сўнгги 20 йил ичиде пестицидларнинг қўлланиш шакллари ҳам жуда катта ўзгарди; агар 1955 йилда, асосан дустлар чанглаш усули билан қўлланилган бўлса, 1974 йилда уларнинг салмоғи 2 мартадан ортиқ камайди. Шу билан бирга ҳўлланувчи қуқунлар ва донадорлантирилган пестицидларнинг салмоғи ошди.

Пестицидлар ассортименти ва уларни қўллаш шаклларининг ўзгаришига кўпгина сабаблар бор. Бу сабаблардан энг муҳими ва биринчи омил — ўткир заҳарлаш таъсирига эга бўлмаган пестицидлар яратиш, улар қўлланилган вақтда кам заҳарли ва кам хавфли ҳисобланади. Иккинчи омил — бу инсон ва иссиққонли ҳайвонлар учун сурункали заҳарли таъсири ниҳоятда кам бўлган пестицидларни яратишдир. Учинчи омил — бу энтомофагларга салбий таъсир кўрсатмайдиган пестицидлар яратишдир. Тўртинчи омил — бу пестицидларни яратишда зарарли организмларнинг чидамлилиги (резистентлиги) ниҳиятга олишдир. Пестицидлар ассортиментини мунтазам равишда яхшилаб бориш ва янгилаш ассортиментдан ҳатто бир гуруҳ пестицидларнинг чиқиб кетишига ва унинг ўрнига янгиларини келишига сабаб бўлади. Бу эса, ўз навбатида зарарли организмларни маълум бир гуруҳ пестицидларга чидамлилигини камайтиради. Хозирги вақтда ана шу талабларга жавоб берадиган пестицидлар яратиш усти-

да күп изланишлар олиб борилмоқда. Фақат кейинги 10 йил ичиде пестицидлар ассортименти 59 та янги препаратлар билан бойиди, шулардан 26 таси Россияда яратилған. Булардан күплари заарлы организмлар учун юқори самарадорликка эга бўлиб, кумулятив таъсирга эга эмас, улар бир вегетация даврида заҳарли бўлмаган қисмларга табиий шароитда парчаланиб кетиши қобилиятига эга. Буларга барча специфик акарипидлар: тедион, кельтан, мильбекс ва бошқалар мисол бўлади. Бундан ташқари, кўпгина инсектицидлар — дилор, валексон, бромофос, карбофос шулар жумласидандир (В. И. Мартиненко, 1991). Бу пестицидлар иссиққонли ҳайвонларга таъсиранлигига кўра кам заҳарлилар гуруҳига кириб, заҳарлилик даражасига кўра биопрепаратларга яқин туради (уларнинг УД50 = 1000—10000 мг/кг га тенг).

Ўсимликлар касалликларига қарши, асосан, органик фунгицидлар қўлланилмоқда ва таркибида мис бирикмалари бўлган пестицидлар аста-секин камайиб бормоқда. Барча тавсия этилган бактерицид ва фунгицидлар — витавакс, поликарбацин, кантан, топаз — иссиққонли ҳайвонлар ва инсон учун кам заҳарлидир (УД50 = 1000—9000 мг/кг атрофида). Улар туироқда, сувда ва овқат маҳсулотларида тўпланиш қобилиятига эга эмас. Шунингдек, таркибида симоб сақлаган препаратлар салмоғи ҳам кескин камайиб кетди. Улар ўрнини ҳозир бронокот, тигам ва шу каби бирикмалар эгалламоқда, уларнинг самарадорлиги гранозандан қолишмайди.

Россияда гербицидларни қўллаш ҳам тез суръатлар билан ривожланган. 1960 йилда гербицидлар 1 млн.га экинзорда қўлланилган бўлса, 1975 йилда, 55 млн. га ни ва 1990 йилда эса 65 млн. га ни ташкил этади (В. Захаренко, И. Ртищева, Г. Судариков, 1992). Узининг иссиққонли ҳайвонлар ва инсон учун хавфсизлиги билан янги гербицидлар аввалгиларидан аича устун туради. Агар 1970 йилда уларнинг УД50 240 мг/кг га тенг бўлган бўлса, ҳозирги вақтда бу рақам 5—10 минг мг/кг га баробар. Гербицидларни қўллашнинг хавфсизлиги, шунингдек уларнинг сарфлаш меъёларини камайиши ҳисобига ҳам ортиб бормоқда. Агар 1959 йилда 1 га майдон учун 50,5 кг микдорида препарат сарфланган бўлса, ҳозирги вақтда ўртача 5,5 кг/га,

баъзилари (зенкор, которан) эса 0,5—1 кг/га миқдоридадир.

Гербицидларни қўллаш, асосан 1960—1970 йиллар давомида жуда тез ривожланди. Бу даврда Россия Қишлоқ хўжалик вазирлиги қошида зааркундалар, касаллик ва бегона ўтларга қарши курашний кимёвий воситалари бўйича Давлат қўмитаси ва Санкт-Петербургдаги ўсимликларни ҳимоя қилиш институтининг токсикологик лабораториялари тармоқларининг ташкил этилиши қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган кимёвий воситаларни ўрганиш, синаш ва қўлланишга оид барча масалаларни чуқурроқ илмий-тадқиқ қилишга имкон яратди. Шу токсикологик лабораториялар атразин, прометрин, пропазин, симазин, тиллам, хлор-ифк, котран, линурон, триаллат, метурин, трефлан каби гербицидларни ишлаб чиқаришда қўлланишга йўлланмаберди. Ҳозирги вақтда қўлланиладиган гербицид препаратлар сони 100 га яқиндир.

Умуман, бутун дунёда ҳозирги вақтда 1000 га яқин кимёвий бирикмалар ўсимликларни ҳимоя қилишда қўлланилмоқда, ана шу бирикмалар асосида бир неча 10 минг хил препаратлар ишлаб чиқарилади. Пестицидларни ишлаб чиқариш 1,6 миллион т (таъсир қилувчи моддасига кўра)ни ташкил этади. Бутун дунёда пестицидларни ишлаб чиқариш ва уларни қўллаш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Бизда эса бундай эмас, қишлоқ хўжалигида энг кам хисобланган пестицидлар ассортиментининг миқдори 130 тадан кам бўлмаслиги лозим, лекин ҳозир Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларида жами 37 та препарат ишлаб чиқарилмоқда. Бир гектар экинзор учун ўрта хисобда 0,3 кг пестицид сарфлашади, Фарбий Европа мамлакатларида эса 2—3 кг. Ш. Ҳўжаев (1989) маълумотларига кўра Ўзбекистонда 1987 йили ҳар гектар гўза майдонига (олтингугурт препаратлари ва дефолиантлардан мустасно) 3,5 кг дан пестицидларниң таъсир этувчи моддаси қўлланилган. Фикримизнинг далили сифатида 2- ва 3- жадваллар маълумотини илова қиласиз.

Республикамизда пестицидларни ишлаб чиқариш ва қўллаш ишлари илгор капиталистик давлатлардан бирмунча оркададир. Жумладан, бизда дунёда қўлланилаган пестицидларниң атиги 6—7% игина ишлатилади, бу кўрсаткич Фарбий Европа давлатларида 25% ни, АҚШ да эса 26% ни, Японияда 17% ни ташкил этади.

(В. Каспаров, В. Промененков, 1990 й.). Шу нарса қизықарлики, Япония ўз ҳудуди ҳажми жиҳатидан биздан кичикроқ, пестицид сарфи бир неча марта ортиқ, шунга қарамай Японияда кишиларнинг ўртача умри дунёда энг юқоридир.

Ривожланган мамлакатларда пестицидлар ишлаб чиқаришнинг нақадар тез суръатлар билан ўсиб бораётганини 28-бетдаги 4- жадвалдан кўриш мумкин.

Пестицидлар қўлланишининг тез суръатлар билан боришини 29-бетдаги 5- жадвалдан кўриш мумкин.

2-жадвал

1987 йилда 1 га ҳисобидаги ердан олинадиган ҳосил ва бунда кимёвий воситаларнинг қўлланишини (М. И. Лунев, 1992 й.)

№	Регионлар	Эчинлар маҳсулоти, сўм/га	Кимёвий воситалар сарфи, кг	
			Ўғитлар	пестицидлар
1.	Россия	288,9	104,2	0,9
2.	Украина	656,7	147,7	2,8
3.	Белорусь	880,7	319,2	2,2
4.	Ўзбекистон	777,0	302,6	5,2
5.	Қазоқистон	171,0	303,8	0,6
6.	Гуржистон	2100,8	237,5	8,8
7.	Озарбайжон	1526,4	208,8	6,5
8.	Литва	653,8	277,0	3,3
9.	Молдава	1465,9	201,5	6,5
10.	Латвия	518,3	302,9	1,8
11.	Қыргизистон	794,4	210,4	1,6
12.	Төмөнкистон	1668,3	281,1	7,5
13.	Арманистон	1129,4	182,0	4,0
14.	Туркменистон	1386,6	241,7	11,9
15.	Эстония	542,7	276,0	1,4

5-жадвалдан кўриниб турибдики, жаҳонда гербицидларга бўлган талаб юқори экан, шунинг учун ҳам улар хариди 1990 йилда 1971 йилдагига қараганда 7 марта ортиқ бўлган. Инсектицидларни қўллаш 1974 йилдаёқ мисли кўрилмаган даражага кўтарилиб кетди. 1990 йилда янги органик препаратлар ҳисобига фунгицидлар хариди ҳам аинча юқорилашди.

3 - жадвал

Бутун дүнё мамлакатларыда пестицидларининг қўлланилиши миқдори ва асосий экшилар ҳосилдорлиги (Edwards, 1986)

№№	Мамлакатлар, регионлар	Пестицидларни сарфлаш мөтебри, кг/га	Ҳосилдорлик, кг/га
1.	Япония	10,79	5480
2	Европа	1,87	3430
3.	АҚШ	1,49	2500
4.	Латин Америкаси	0,22	1970
5	Океания	0,198	1570
6	Африка	0,127	1210

4 - жадвал

Ривожланган давлатларда пестицидлариниг ишлаб чиқарилиши

Давлатлар	Ишлар, пестицид миқдори (минг т ҳисобида)			
	1960	1970	1975	1977
АҚШ	306	469	730	904
Германия	92	170	231	204
Япония	653	685	601	696

Ҳозирги вақтда (1990 йил ҳисобида) кимёвий воситалар ассортименти МДҲ да 667 тадан ортиқdir, 1960 йилда эса 103 тагина эди, холос. Ҳозир ассортиментда 217 та инсектицид, 27 та биопрепарат (1960 йилда улар бутунлай йўқ эди), 94 та фунгицид бор. Гербицидлар 21 тадан 227 тага стди.

Бизнинг Ватанимизда ўсимликларни ҳимоя қилиш хизматини Узбекистон Қишлоқ хўжалик вазирлиги қошидаги Ўсимликларни ҳимоя қилиш бош бошқармаси бошқаради. Давлат карантин инспекцияси ва ўсимликлар зараркундалари ва касалликлари прогнозининг

марказий лабораторияси унинг таркибига киради. Зараркунанда, касаллик ва бегона ўтларга қарши курашнинг кимёвий воситалари бўйича Давлат комиссияси ҳам мавжуд.

Вилоятлар, автоном республикаларда эса, ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси бўлиб, унда диагностика ва прогноз, биология услуги лабораториялари ва карантин инспекцияси мавжуд.

Туманларда туман ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлимлари ўсимликларни ҳимоя қилиш ишларини амалга оширадилар. Булар ихтиёрида диагноз ва прогноз пункти ва биолабораториялар бўлади. Туман ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлимининг бошлиги ҳар бир хўжаликдаги ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича мутахассис агроном-энтомологлар ишига ҳам раҳбарлик қилади.

Бизда ишлатилишига рухсат этилган пестицидларнинг ҳаммаси токсикологик-гигиеник жиҳатдан чуқур ўрганиб чиқилган. Ана шу текширишлар асосида аҳоли саломатлигини сақлаш вазифаларини назарда тутиб, кимёвий моддаларга нисбатан қўйиладиган гигиена талаблари ишлаб чиқилган.

Ўсимликларни ҳимоя қилишда қўлланиладиган кимёвий моддалар қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

5 - икадвал

Жаҳон мамлакатларида пестицидларнинг қўлланиши

Препаратор	Пестицидларнинг қўлланиши (млн. доллар ҳисобида, 1974 йилдаги нарх бўйича)					
	1971 й.	1974 й.	1975 й.	1980 й.	1985 й.	1990 й.
Гербицидлар	1131	2190	2300	3400	5140	7700
Иксектицидлар	842	1822	1950	2450	3100	3900
Фунгицидлар	343	961	1035	1345	1600	1880
Ўсимликлар ўсими- нинг регуляторлари	40	77	100	120	150	180
Фумигантлар	21	69	90	100	110	120
Бошқа шестицидлар	12	19	25	35	50	70
Жами:	2389	5136	5500	7500	10150	13850

1. Зағарлы организмларга нисбатан зақарлы бўлиши керак; бундай хусусиятга эга бўлмаган кимёвий моддалар пестицид сифатида қўлланилмайди.

2. Ҳимоя этилаётган ўсимликка нисбатан зиён етказмаслиги лозим; шунга кўра бу моддалар ҳимоя қилинаётган ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишини тезлатиши керак.

3. Инсон ва уй ҳайвонлари учун зарарсиз бўлиши лозим.

4. Пестицидлар ўз таъсирига кўра универсал бўлиши, яъни бир вақтнинг ўзида кўпгина заарли организмлар (кемиувчилар, ҳашаротлар, каналар, бактерия ва замбуруғ касалликлари ҳамда бегона ўтлар)га таъсир этадиган ва шу билан бирга улар танлаб таъсир этиш қобилиятига ҳам эга бўлиши зарур; бунда улар заарли организмларни ўлдириш билан бирга уларнинг табиий кушандаларига зиён етказмаслиги зарур.

5. Пестицидлар маълум бир стандартга эга бўлиши керак. Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилишда фақат стандарт пестицидлардан фойдаланишга рухсат этилади. Бунда, албатта, препаратурнинг номи, уни тайёрлашдаги техник нормативлар (таъсир қилувчи модданинг миқдори, шунингдек қўшимча моддалар, намлик миқдори кабилар), анализ учун намуна олиш ва миқдорий анализ тартиблари ва бошқалар кўрсатилган бўлади.

6. Пестицидлар маълум даражада транспортабелликка эга бўлиши керак, улар ташиш учун қулай ва ўтга чидамли бўлиши керак.

7. Ўсимликни кимёвий усулда ҳимоя қилувчи моддалар истеъмолчиларга арzon баҳода етказиб берилиши керак.

8. Пестицидлар металларни коррозияламаслиги, бошка материалларни эса бузмаслиги керак.

Бироқ биз қўллаётган пестицидлар ана шу юқорида қайд этилган барча талабларга тўла жавоб бермайди. Шунинг учун фан ютуқлари ва илгор тажриба барча талабларга жавоб берадиган пестицидлар яратишга қаратилмоғи зарур.

Пестицидлар ассортименти таркибида учинчи авлод пестицидлар (сульфанилмочевина асосидаги гербицидлар, системали фунгицидлар ва сунъий пиретроидлар) пайдо бўлди, бу пестицидларни гектарига сарфлаш меъёри камайишига олиб келди, чунки булар таъсир

қилиш мөддаларига күра ниҳоятда кам (5—10—100 г/га) миқдорда сарфланади, буларнинг барчаси ва уйғунлашган ҳимоя қилишнинг жорий этилиши сўнгги 10 йиллар давомида пестицид 30—50% гача қўлланилган майдонлар ҳажмини камайтиришга олиб келди.

Ўсимликларни кимёвий усулда ҳимоя қилиш қадим замонлардан бўён инсониятга маълум эди. XVII аср охирларида ёқ қишлоқ хўжалигига оид адабиётларда заҳарли ўсимликлардан олинган мөддаларни зарарли организмларга қарши қўллаш юзасидан тавсиялар пайдо бўла бошлади. XVIII аср ўрталарида уруғларни дорилаш маҳсадида мис, маргимуш ва симоб препаратларидан фойдалана бошладилар.

Лекин XIX аср ўрталаридағина кимёвий воситалардан кенгроқ масштабда фойдаланила бошлади, бунга сабаб фан тараққиётининг ривожланиши ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабнинг ортишидир. 1867 йилда АҚШ да колорадо қўнгизига қарши париж кўки муваффақиятли қўлланила бошлади. Кейинчалик париж кўки ва маргимуш препаратлари турли мамлакатларда қўлланила бошлади. Аста-секин пестицидлар таркиби фтор (натрий кремнефторид) ва барий (барий хлорид) анерганик бирикмалари билан бойиди. 1880 йилда АҚШ да калифорния қалқондорига қарши заводда тайёрланган кальций иполисульфиди ва 1890 йилда Германияда карболинеум қўлланилди. 1900 йилларда эса минерал-мойли эмульсиялар сўрувчи зааркунандаларга қарши қўлланила бошлади.

Чор Россияси даврида ўсимликларни кимёвий усулда ҳимоя қилиш суст ривожланган эди. Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари ва аппаратураси Россияда ишлаб чиқарилмас ва улар бошқа давлатлардан келтирилар эди. Фақат помешчик хўжаликларида кимёвий ҳимоя қилиш воситалари ишлатилар эди.

1914—1918 йиллардаги уруш ва ундан кейинги граждандар уруши қишлоқ хўжалигини ниҳоятда тушкунликка учратди. Кўпгина зааркунандалар (кемирувчи зааркунандалар, чигирткалар ва бошқалар) нинг ривожланишига ёнг қулай вазият вужудга келди. Шунга кўра бу даврда асосий эътибор ўсимликларни заарли организмлардан ҳимоя қилишга қаратилди. 1918 йилда РСФСР Декончилик халқ комиссарлигига, кейинчалик эса собиқ иттилоғдош республика

ликаларда раҳбар ташкилот—ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлими ташкил этилди. 1924 йилда РСФСР Дәхқончилик халқ комиссарлиги қошида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш мақсадида заҳарловчи моддалар илмий-тадқиқот лабораторияси очилди. Бу лаборатория ўша вақтда ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш усуllibарини ишлаб чиқарадиган марказлашган илмий корхона эди. Ирик олимлар Н. Н. Богданов-Катьков, Ф. В. Болдирев, П. А. Свириденко, Г. И. Коротких, Б. И. Рукавишников ва бошқаларнинг изланишлари туфайли ўсимликларни ҳимоя қилишда авиациядан фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилди.

Асримизнинг 20-йилларида муҳим анорганик пестицидлар (маргимуш, фтор бирикмалари) ишлаб чиқарилмас, мис купороси ва барий хлорид эса жуда оз миқдорда ишлаб чиқарилар эди.

1931 йил ўсимликларни ҳимоя қилишининг кимёвий воситалар ишлаб чиқариш саноатида бурилиш йили бўлди, бу даврда кимс саноати париж кўки, натрий арсенит ва профессор А. И. Боргардт тавсия қилган уруғларни дорилашда қўлланиладиган АБ препарати ишлаб чиқарила бошлади.

30- йил ўрталарида йирик кимёгар олим, академик А. П. Орехов томонидан *Anabasis aphylla* ўсимлигидан анабазин алкалоиди ажратиб олинди ва профессор Н. Н. Богданов-Катьков раҳбарлигига унииг сульфат кислотали тузи ўсимлик ҳашаротларига қарши курашувчи восита сифатида ўрганила бошланди. Бу илмий ишлар анабазин-сульфат препаратининг ишлаб чиқарилишига ва қўлланилишига асос бўлди.

Кейинчалик Н. Н. Богданов-Катьков раҳбарлигига мойчечак ўсимлигидан ажратиб одинган пиретриплар ўрганила бошланди ва улар урушдан олдин қишлоқ хўжалигига кенг миқёсда қўлланилди.

Шундай қилиб, кейинчалик янги пестицидлар синтези соҳасида ҳам катта илмий ишлар олиб борилди. Шу мақсадда 1931 йилда ўғитлар ва инсектофунгицидлар илмий-тадқиқот институти (НИИУИФ), кейинчалик у ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари илмий-тадқиқот институтига айланди.

Бу институт ўз фаолияти даврида янги пестицидларни яратиши, уларнинг хусусиятларини ва зарарли организмларга таъсирини ўрганиш борасида жуда катта самарали илмий ишлар олиб борди. Шунингдек,

институт олимлари бу пестицидларни ишлаб чиқариш технологияси бўйича ҳам кўп амалий тавсиялар бердилар.

Худди шу НИУИФ билан бир даврда Санкт-Петербург Қишлоқ хўжалик академияси қошида ўсимликларни ҳимоя қилиш институти ташкил этилди. Бу институт таркибига кирувчи ўсимликлар зааркунандалари ва касалликларига қарши кимёвий курашни ўрганувчи ва бегона ўтларга қарши курашувчи лабораториялар пестицидларни қўллашнинг энг самарали усуllibарини ишлаб чиқариш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борди.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари республикамиздаги ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот муассасаларида, жумладан Ўрта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтida ҳам олиб борилди.

1940 йилларга қадар бизда ва чет эл мамлакатларидан асосан анерганик пестицидлар (маргимуш, фтор, барий, олтингугурт, мис бирикмалари) ва ўсимликлардан олинадиган пестицидларгина (никотин-сульфат ва анабазин-сульфат) қўлланиларди. Бу пестицидлар жуда кўп камчиликларга (маргимуш, фтор ва барий бирикмалари фақат кемирувчи зааркунандаларга қарши қўлланиларди) эга эди, уларнинг таъсир этиши муддати қисқа эди, шунингдек ҳимоя қилинаётган ўсимликини кўйдириб қўйиш ҳоллари ҳам учраган эди.

1950 йиллар арафасида қишлоқ хўжалигида сунъий органик кимёвий бирикмалар қўлланила бошлаган эди.

Асримизнинг бошларида Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги зарарли организмлардан жуда катта талафот кўрар эди. Шу сабабли ҳам 1911 йилда Тошкент шаҳрида Туркистон энтомология станцияси очилди, машҳур энтомолог Василий Ильич Плотников раҳбарлигига станция олимлари чигирткалар, сичқонсимон кемирувчи зааркунандалар ва бор зааркунандалари билан шуғулландилар.

1925 йилда ана шу станция асосида Узбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси ташкил этилди ва 1958 йилда ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтига айлантирилди. Ша даврда Ўрта Осиёда ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида олимлар В. В. Никольский, Н. Г. Запрометов, С. Каюмов, А. Оси-

пенко, С. А. Журавская, К. И. Мирпӯлатов, Н. С. Мирпӯлатова, Р. О. Олимжонов, М. А. Каримов, В. В. Яхонтов, Н. Г. Носков, И. С. Урунов, У. У. Расулов, Ф. К. Расулов раҳбарлигига илмий изланишлар олиб борилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича С. Н. Алимуджамедов, Ш. Т. Хўжаев, Н. Маҳмудхўжаев, А. Ҳакимов, А. Ш. Ҳамроев, Т. Ҳ. Ҳасанов, Ҳ. Ҳ. Қимсанбоев, Б. Г. Алеев, А. Ҳ. Ҳакимов, А. Жўрақулов каби олимлар баракали хизмат қилмоқдалар. Бу олимларнинг изланишлари қишлоқ хўжалик экинлари заарли организмларига қарши кураш воситалари ва усулларини жорий қилишга қаратилган.

Ўзбекистонда ўсимликлар зааркушандалари ва қасалликларига қарши кимёвий кураш асримиёнинг 30-йилларида жорий этилди. Бунга қадар фақат анорганик моддалар — олтишгугурт препаратлари, маргимуш ва фтор бирикмалари, ўсимликлардан олинадиган кимёвий воситаларгина қўллашилар эди.

40- йилларда хлорорганик бирикмалар — ДДТ ва ГХЦГ ларни қўллаш борасида илмий изланишлар олиб борилди.

50- йиллар давомида ўсимликларни ҳимоя қилишда изчил фосфорорганик воситалар — меркаптофос, ментилмеркаптофос, фосфамид, интратион, антио, фозалон, октаметил ва бошқалар ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Бироқ тиббиёт муассасаларининг ДДТ, меркаптофос, октаметил ва бир қатор пестицидлар токсиколог-гиниеник жиҳатдан баҳоланиши натижаларига кўра уларни ишлаб чиқарилиши тақиқланди ва қўлланилиши ман этилди.

А. М. Пругалов раҳбарлигига 1946 йили ғўзани сунъий йўл билан дефолиация қилиш технологияси ишлаб чиқилди ва қўлланилишга эса бу борадаги изланишлар жорий этилди, кейинчалик А. И. Имомалиев, Ф. Р. Нуридиновлар томонидан давом эттирилди.

Кейинчалик ишлаб чиқаришда қўлланиш учун базудин, фозалон, дилор, гардона, тиодан, омайт ва бошқа кўпгина пестицидлар жорий этилди.

80- йилларда Ўзбекистонда сунъий пиретроидлар ишлаб чиқаришга жорий этилди, булар таъсир қилувчи моддалари миқдори бўйича кам миқдорда сарфлашишига кўра, табиатни заҳарли пестицид қолдиқлари

билан заарланиш даражасини камлиги билан эъти-
борга сазовордир. Ўзбекистонда 1959 йилдан буён
қишлоқ хўжалик экинларида бегона ўтларга қарши
кимёвий кураш масалаларини ўрганиш бўйича изланиш-
лар олиб борилмоқда. Шу кунга қадар ғўза далалари-
да 27 оиласга мансуб 74 тур бегона ўт заарар етказиши
майлум бўлди. Ҳозирги кунда бегона ўтларга қарши
ғўза далаларида прометрин, трефлан, котофор, фюзи-
лад, фосулен, маккажўхорида эса протразий, агелон
каби гербицидлар муваффақият билан қўлланилмоқда.

90- йилларда ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш
бўйича чет эл фирмалари билан алоқа йўлга қўйилди.
Натижада Англия, Германия, АҚШ, Швейцария, Россия,
Хиндистон, Туркия, Франция ва Япония давлатлари фир-
маларининг кўплаб пестицидлари ишлаб чиқаришга
жорий этилди. Бу эса ўсимликларни ҳимоя қилишда
сезиларли даражада бурилиш ясади.

Олимларимиз ўсимликларни ҳимоя қилишда ўз из-
ланишларини заарли организмларнинг пестицидларга
чиdamлилиги, уларга қарши феромонларни қўллаш, ат-
рактантлар, репеллентлардан фойдаланиш муаммола-
рини ҳал қилишга қаратмоқдалар.

2-боб ПЕСТИЦИДЛАРНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ

Юқорида айтганимиздек сўнгги вақтларда пестицид-
лар рўйхати жуда тез суръатлар билан ортиб кетди.
Фикримизнинг далили сифатида ҳозирга қадар бутун
душёда 10000 га яқин пестицид турларида препарат иш-
лаб чиқарилиши ва қишлоқ хўжалиги экинларининг за-
арли организмларига қарши қўлланилишини келтира-
миз. Бу далилларни ҳисобга олиб, пестицидларни ўрга-
нишни осонлантириш мақсадида уларни қўйидагича тас-
нифларга бўлишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.
Пестицидларни бундай таснифланиши, албатта, шарт-
лиdir ва бу иш фақат ўрганиш жараёнини снгиллаш-
тириш учун қилинди.

1. Пестицидлар келиб чиқишига кўра қўйидагича
таснифланади:

1. Анерганик моддалардан олинадиган пестицидлар
(симоб, фтор, олтингугурт, мис бирикмалари, хлоратлар
ва боратлар);

2. Органик моддалардан олинадиган пестицидлар,
булар жуда катта бир гуруҳни ташкил этади;

3. Үсімликлардан олинадиган пестицидлар (пиретринлар, фитонцидлар ва ұоказо);

4. Микробиологик жониворлар (бактериялар, замбуруғлар ва вируслар)дан олинадиган пестицидлар.

II. Пестицидлар кимёвий таркибига күра қуйидагича таснифланады:

1. Фосфороганик пестицидлар (карбофос, фосфамид, фозалон ва бошқалар);

2. Хлороганик пестицидлар (дилор, ГХЦГ ва бошқалар);

3. Сунъий пиретроидлар (амбуш, децис, декаметрин, корсар ва бошқалар);

4. Тио-, дитиокарбамин ва карбамин кислоталар ҳосилаларини сақлаган пестицидлар (карбин, бетанал, эптам, тиллам ва бошқалар);

5. Фенолларнинг нитроҳосилаларини сақлаган пестицидлар (ДНОК, акрекс, каратан ва бошқалар);

6. Минерал мойлар;

7. Симбоний органик бирикмалари (гранозан);

8. Мочевина ҳосилалари;

9. Симм-триазинлар ва ұоказо;

III. Пестицидларни қарши қўлланилаётган заарли организм турларига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Акарицидлар (*acarus* — канап) — ўргимчакканаларга қарши;

2. Инсектицидлар (*insecta* — ҳашарот) — ҳашаротларга қарши;

3. Овицидлар (*ovum* — тухум) — ҳашарот ва каналарнинг тухумларига қарши;

4. Ларвицидлар (*larva* — личинка, қурт) — ҳашарот ва каналарнинг қурт (личинка)ларига қарши;

5. Афицидлар (*aphis* — үсімлик бити) — үсімлик битларига қарши;

6. Нематицидлар (*nematos* — нематод) — нематодларга қарши;

7. Лимацидлар (*lima* — шишимшиқ қурт) — шишимшиқ қуртларга қарши;

8. Зооцидлар, родентицидлар (*Zoon* — ҳайвон) — кемирудувчи зааркунандаларга қарши;

9. Моллюскоцидлар — моллюскаларга қарши;

10. Альгицидлар (*algus* — сув ўти) — сув ўтларига қарши;

11. Арбогицилар (*arbore* — дараҳт) — кераксиз дов-дараҳт ва буталарга қарши;
12. Гербицилар (*herba* — ўт, ўлан) — бегона ўтларга қарши;
13. Бактерицилар (*Bacteria* — бактерия) — бактерияларга қарши;
14. Фунгицилар (*fungus* — замбуруғ) — замбуруғларга қарши қўлланиладиган пестицилар.

Пестициларни қўлланилаётган заарли организмларга қараб бундай таснифларга бўлиш юқорида эслатганимиздек бир қадар шартлидир, чунки кўпгина пестицилар бир вақтла турлича таъсири кўрсата олиш қобилиятига эга, шу сабабли улар бир вақтда турли заарли организмларга қарши таъсири эта олади (улар ҳашаротларни ҳам, личинка ва каналарни ҳам ўлдираверади). Масалан, карбофос ёки каратэ ҳам инсектицидлик, ҳам акарицидлик таъсирига эга. Кўпгина гербициларнинг сарфлаш нормаларини кўпайтирганимизда арбогицидлик хусусиятларини намоён қиласди, шу сабабга кўра улар дов-дараҳтлар, буталарни йўқотиш қобилиятига эга. Олтингугурт препаратлари кўпгина замбуруғ касаллуклари ва каналарга таъсири эта олади, шу сабабли улар фунгицидлик ҳамда акарицидлик хоссасига эгадир.

IV. Пестицилар зааркунандалар организмига киритилиш усулига кўра қўйидаги таснифланади:

1. Меъда-ичак орқали таъсири қилувчи пестицилар — улар зааркунанда организмига озиқ моддалари (пестицид билан ишланган ўсимлик органи) билан тушиб, унга меъда-ичак тизими орқали таъсири қиласди. Улар оғиз аппарати кемирувчи ёки сўрувчи типда тузиленган ҳашаротларга ва сичқон-каламушларга қарши қўлланилади.

2. Заарли организмларнинг заарланмаган тери қоплагилари орқали улар организмига кириб, заҳарлайдиган пестициларни контакт таъсирга эга пестицилар деб аталади. Контакт таъсирга эга бўлган пестицилар зааркунандаларнинг ташқи қоплагичини кўйидиради ва шикастлайди, шунингдек улар озиқ моддалари билан зааркунанда организмига кириб уни заҳарлаш қобилиятига ҳам эга. Контакт таъсирили пестициларга кўпгина хлор- ва фосфорорганик пестицилар киради.

3. Фумигантлар — ҳайвон ва зааркунанда организ-

мига нафас йўли орқали газ ёки буғ ҳолида кириб, уларни заҳарлайдиган пестицидлардир. Бунда заараркунанда (айниқса, ҳашаротлар) организмида пестицид таъсирига қарши ўзига хос ҳимояланиш реакцияси пайдо бўлади, ҳашаротлар ҳавода фумигантлар борлигини сезган ҳамон дарҳол нафас олиш тешикчаларини беркитиб олади ва трахеялар тизимидағи заҳира кислород ҳисобига узоқ давргача ташқи муҳит билан алоқадор бўлмаган ҳолда яшайди. Ҳашаротлар ўз организмидағи кислородни бутунлай сарфлаб тутатгач, трахея тизими карбонат ангидрид гази билан бутунлай қоплангач, нафас олиш тешикчаларини очиб, ташқи муҳитдан нафас олишга мажбур бўлади ва шундагина улар организмига фумигантлар киришига йўл очилади.

Ҳашаротларда ана шундай ҳимояланиш реакциясининг борлиги, уларга қарши қурашда маълум давргача атмосферада фумигантнинг ўлдирувчи дозасини яратиш лозим эканлигини тақозо қиласиди. Бу ҳолат, албатта, омборхона, гулхона, иссиқхоналар каби ёпиқ хоналарда вужудга келтирилиши мумкин.

Ҳашарот трахеяси тизимиға ўтган фумигант трахея ва трахеола деворчалари орқали диффузия жараёни ёрдамида гемолимфага ўтади ва у орқали ҳашаротнинг бутун организмига тарқалиб, ҳаёт учун зарур бўлган тўқима ва органларга таъсир этади ва организми заҳарлайди.

Кемирувчи зааркунандалар ҳашаротларга ва бошқа бўғимоёқлиларга иисбатан фақат меъда-ичак орқали таъсир этадиган пестицидлар ва фумигантлар таъсирида заҳарланадилар. Меъда-ичак орқали таъсир этадиган пестицидлар, зааркунанда организмига озиқ моддалар билан оғиз аппарати орқали тушганда ҳам унда ҳимояланиш реакциясини вужудга келтириши мумкин. Бунда зааркунанда озиқни истеъмол қилишдан тўхтаиди ва унда қусишиб жараёни бошланиши мумкин. Пестицид ошқозонга ўтгач, унда сўрила бошлайди, сўрилиш жараёнига ошқозоннинг муҳити (pH кўрсаткичи) катта таъсир кўрсатади. Пестицид ошқозонда, ичаклар деворида сўрилиб, қонга ўтади ва у билан бутун организмига тарқалади ва уни заҳарлайди.

Фумигантлар кемирувчи зааркунандалар организмига нафас йўли—ўпка орқали кириб, қонга сўрилади ва бутун организмига тарқалиб, уни заҳарлайди.

4. Системали таъсир этувчи пестицидлар, улар ин-

токсикантлар деб ҳам аталади. Улар ўсимлик танасига илдиз ёки тана қисми орқали тезгина сўрилиб, унинг томир тизимида ўсимлик шираси ёрдамида бутун организмга тарқалади ва ўсимликниң барча қисмларини зарарли организмга нисбатан заҳарли қилиб қўяди. Кўпинча бундай пестицидлар каналар, триплар, ўсимлик битларига қарши тавсия қилинди.

Системали таъсир кўрсатадиган пестицидларни ишлатганимизда энтомофаглар кам зарар кўради, чунки улар ўсимлик ширасинигина заҳарлайди ва энтомофаглар пестицид билан бевосита муносабат (контакт) да бўлмайди.

Шуни қайд этиш лозимки, пестицидларни бу таснифланиши ҳам бирмунча шартлидир, чунки кўпгина пестицидлар бир вақтнинг ўзида ҳам меъда-ичак орқали таъсир этиб, ҳам контакт ва фумигант таъсирига дучор бўлади. Масалан, гексахлоран контакт ва меъда-ичак орқали таъсир этиш хусусиятига эга. Метилмеркаントофос эса контакт ва системали таъсирга эга.

V. Пестицидлар зарарли организмларга таъсир қилиш хусусиятларига кўра қўйидаги таснифланади:

1. Ёпнасига таъсир қилувчи пестицидлар, бу гурӯҳга ўз таъсир доирасида барча тирик мавжудотларни ўлдира оладиган пестицидлар киради. Бунда организмниң фойдали ёки зарарли эканлиги танланмайди.

2. Танлаб таъсир қилувчи (селектив) пестицидлар, бу гурӯҳга оид пестицидлар ўз таъсир доираларида бир турдаги организмларни ўлдиради, лекин бошқа турдаги организмларга эса ҳеч қандай зарар етказмайди.

3. АтTRACTантлар — ўзларининг таъми ёки ҳиди билан тирик организмларни жалб эта олиш қобилиятига эга бўлган пестицидлардир.

4. Репеллентлар — ўзларининг таъми ёки ҳиди билан тирик организмларни чўчитиш қобилиятига эга бўлган пестицидлардир.

5. Хемостерилантлар — ҳашаротлар жинсий организмни стерилизация қилувчи пестицидлар.

6. Феромонлар — ҳашаротлар организмida ишлаб чиқарилувчи пестицид туроғига оид моддалар бўлиб, улар ташки мухит шароитида қарама-қарши жинсни ўзига жалб қиласди.

7. Ингибиторлар — ҳужайралар томонидан ишлаб чиқарилган пестицидлар гурӯҳига оид кимёвий модда-

лардир, улар таъсирида ферментлар фаолияти сусайди ёки тирик мавжудотнинг ҳаёт фаолияти пасайди.

8. Гормонлар — организм эндокрин безлари томонидан ишлаб чиқарилиб, унинг ичига қўйилувчи ва унинг ҳаёт фаолиятини бошқаришда муҳим ўрин тутувчи кимёвий моддалардир.

10. Антифидантлар — ҳашаротларнинг иштаҳалари ни сусайтирувчи пестицидлар.

11. Дефолиантлар — ўсимликлар баргининг тўкилишини тезлаштирувчи пестицидлар.

12. Десикантлар — ўсимликларни илдизи билан қуритувчи пестицидлар.

13. Ретардантлар — пестицидлар гурӯҳи бўлиб, ўсимликларнинг ўсишини сусайтиради.

14. Кимёвий иммунизаторлар — ўсимликлар организмида моддалар алмашинуви жараёнининг ўзгариши ҳисобига улар маҳсулдорлигининг ортиши ва шу билан бирга уларда заарли организмлар ривожланишига ишқулай вазият туғдирувчи пестицидлар.

VI. Пестицидлар қўлланилиш жойларига кўра қўйидаги таснифларга бўлинади:

1. Ўсимликларга ишлов бериш учун мўлжалланган пестицидлар.

2. Уруғлар ёки экиш материалларига ишлов бериш учун мўлжалланган пестицидлар.

3. Омборхона, тегирмон ва иссиқхоналарга ишлов бериш учун мўлжалланган пестицидлар.

4. Тупроқни дезинфекция ёки дезинсекция қилиш учун мўлжалланган пестицидлар.

3-б о б АГРОНОМИК ТОКСИКОЛОГИЯНИНГ АСОСЛАРИ

Токсикология кенг маънода заҳарли моддалар ва уларни тирик организмга кўрсатадиган таъсирини ўрганивчи фандир (юонча тохусон — заҳар ва logos — таълимот, ўрганиш деган сўзлардан олинган). Заҳарли моддалар тўғрисидаги фан сифатида токсикология аслида шу моддаларга алоқадор жами масалалар мажмуасини ўз ичига олади, лекин унинг асосий мазмунини заҳарли моддалар туфайли организмда рўй берадиган патологик жараённинг (заҳарланиш ҳодисаси) мөҳиятини ўрганишдан иборат. Токсикология тирик

мавжудот билан кимёвий моддалар ўртасида бўладиган ўзаро таъсири ўрганувчи фандир. Токсикология — кимёвий ҳимоя қилиш фанининг илмий асосидир. Токсикология материя ҳаракатининг икки шакли — кимёвий ва биологик шаклларниң ўзаро таъсирини ўрганади.

Токсикология фанининг энг муҳим вазифаси моддаларниң заҳарлилик даражасини илмий асосда аниқлаш, улар организмга бир марта ёки такорий таъсири кўрсатганида рўй берадиган заҳарланиш манзарасини тасвиrlаш, организмдаги айрим функцияларниң қандай тартиб билан издан чиқиб боришини кузатиш, қандай бўлмасин бирор орган ёки тизимниң бошқаларидан кўпроқ ёки камроқ зарарланишини аниқлаш ва уларни патоморфологик жиҳатдан таърифлаб беришидир. Токсикологияниң иккинчи бир вазифаси, заҳарланиш ҳодисалариниң олдини олиш усулларини ишлаб чиқишидир. Токсикология, шунингдек заҳарли моддаларниң организмга кўрсатадиган зарарли таъсири механизмини ўрганиш ва заҳарниң биологик таъсири асосида ётувчи бирламчи биокимёвий жараёнларни аниқлаб олишидир.

Агрономик токсикология — токсикологияниң бир бўлими бўлиб, қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган кимёвий моддаларни (пестицидларни) ўрганади.

Агрономик токсикологияниң асосий вазифаси пестицидлар синтезининг илмий асосларини яратиш, уларниң инсон ва иссиққонли ҳайвонларга салбий таъсири бўлмайдиган юқори самарали усулларини қўллашни ишлаб чиқишдан иборат.

3.1. ЗАҲАР ВА ЗАҲАРЛАПИШ ТЎҒРИСИДА ТУШУНЧА

Заҳар деб бирон йўл билан жуда оз миқдорда организмга тушганда, уни заҳарланишта ёки ўлимга олиб келувчи моддага айтилади.

«Заҳар» — шартли тушунча бўлиб ҳисобланади, чунки бир модданиң ўзи қўллаш усули ва шароитига кўра бирон зарарли организмга иисбатан заҳарли ёки заҳарсиз бўла олади. Масалан, хлорид кислота меъда ширасининг таркиби қисми бўлиб, маълум бир миқдорда овқат ҳазм қилиш жараённида иштирок этади, лекин уни бевосита қонга юборилса, организмни заҳарлайди.

Маълумки, кучли заҳар ҳисобланувчи стрихинин ёки морфин алколоидлари тиббиётда шифобахш восита сифатида қўлланилади.

«Заҳар» тушунчаси тирик организм билан кимёвий модда орасидаги ўзаро таъсирга боғлиқдир. Заҳар — ҳамма вақт кимёвий модда ҳисобланади. Алоҳида олингани кимёвий модда заҳар бўла олмайди, шунингдек ҳар ҳандай кимёвий модда ўлик табнат моддалари билан ўзаро таъсирашганда ҳам заҳар бўла олмайди ва кимёвий модда фақат тирик организм билан тўқнашиб, унда бирон патологик ўзгариш вужудга келтирганиша заҳар бўла олади. Агар биз организмга тушаётган заҳар миқдорини камайтира борсак, унинг патологик таъсири ҳам камая боради ва маълум бир миқдорда заҳарли таъсири бутунлай йўқолади, бунда заҳар «заҳарлилик» қобилиятини йўқотади. Демак, модданинг заҳарли таъсири кўрсата олиш қобилияти, унинг организм билан тўқнашишда иштирок қиласиган миқдорига боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган барча пестицидлар заҳар ҳисобланади, чунки улар фақат зарарли организмларнига эмас, балки иссиққонли ҳайвонлар ва инсонларни ҳам заҳарлайди.

Заҳарланиш — организмга заҳарли модда таъсири этгацида организмнинг нормал ҳаёт фаолияти бузилиши (касал бўлиб қолиши) дир.

Пестицидларниң заҳарлилиги (токсиклиги) ҳам турличадир. Токсиклик деб пестицидларниң организм ҳаёт фаолиятини қанчалик издан чиқариб, заҳарлай олишига айтилади. Заҳарларниң токсиклик таъсирини белгилаб берадиган асосий омиллардан бири дозадир. Доза ёки дозировка деб организмга маълум бир таъсири, яъни маълум бир самара кўрсата оладиган пестицид миқдорига айтилади. Дозани аниқ белгилаш мақсадида унинг масса бирликларида ифода қилинадиган миқдорини (г., мг. ларда) қўлланилаётган организмнинг масса бирлигига (г., кг ларда) нисбатида ифодаланади, яъни мг/г ёки г/кг.

Дозалар летал, сублетал ва бўсаға (порог) дозаларига бўлинади. Летал ёки ўлдирадиган доза (letum—ўлим), бу организмга таъсири этиб, унда қайта тиклаб бўлмайдиган ўзгаришлар ҳосил қилиши натижасида ўлимга слиб келадиган дозадир. Сублетал ёки заҳарли доза бу ҳам пестициднинг маълум бир кам миқдори

бўлиб, унинг таъсирида организм заҳарланади, лекин бу заҳарланиш ўлим билан тугамайди. Порог ёки бўсаға дозаси деб, пестицидинг организм физиологик ҳолатларида жуда сезгири усуллардан фойдаланилганда қайд қилинадиган маълум ўзгаришларни келтириб чиқарувчи энг кам миқдорга айтилади. Порог доза таъсирида издан чиққан физиологик функциялар тез орада тиклациб, асл ҳолига қайтади.

Турли пестицидларниң бўсаға (порог), летал ёки сублетал дозаларини бир-бирига солиштириб кўриб, ўша моддаларниң қанчалик заҳарлилиги белгиланади.

Пестицидларниң токсиклиги (заҳарлилиги), одатда ҳарфлар символи билан белгиланади: УД (ўлдирувчи доза), ЛД (летал доза), УК (ўлдирувчи концентрация) ва СД (самаравчи доза).

Агар пестицидинг токсиклиги ўлган заарли организмлар сонига кўра ҳисобланадиган бўлса, УД, ЛД ёки УК кўрсаткичларидан фойдаланилади. Масалан, УД₅₀—бу тажриба учун олинган организмларниң 50% ини ўлдирадиган дозадир, УК₂₀—тажриба учун олинган организмларниң 20% ини ўлдира оладиган пестицидлар концентрациясидир.

Агар пестицидинг токсиклиги заарли организмлар ҳаёт фаолияти алоҳида жараёнларининг ўзгариш дарасига (ўсишининг тўхташи, баъзи реакцияларниң пайдо бўлиши ва ҳоказо) кўра ифодаланса, унда СД кўрсаткичи билан белгиланади.

Алоҳида олинган бирон-бир ҳайвон, ҳашарот ёки ўсимлик учун пестицидинг самаравчи дозасини аниқлаш қийиц, чунки ҳар бир организм пестицидларга нисбатан (индивидуал) ўзига хос сезгириликка эга, шу сабабли пестицидларниң токсиклиги уларниң 50% самара бера оладиган дозаси билан белгиланади.

Пестицидларниң токсиклиги тажриба йўли билан аниқланади. Бунинг учун текширилаётган организмлардан маълум бир гуруҳ ажратилиб, уларга пестицидлар турли дозаларда таъсир эттирилади ва маълум бир вақтдан кейин унинг самарадорлиги аниқланади. Пестицид дозасининг самарадорлиги контрол (пестицид қўлланилмаган) варианта нисбатан фоизларда ҳисобланади. Бунда пестицид төмонидан вужудга келганд энг характерли патологик ўзгариш ҳисобга олинади. Натижада дозанинг ортиши билан пестицид самарадорлиги ортишининг статистик қатори ҳосил бўлади.

Олинган маълумотларга қараб, самарадорликнинг пестицид дозасига боғлиқлигининг графиги чизилади. Лекин бунда боғлиқлик эгри чизик ҳолида бўлиб, у маълум бир самарадорликка эга бўла оладиган дозани аниқланашда қийинчиллик түғдиради. Ана шу эгри чизикни тўгрилаш учун пробит-анализ методидаи фойдаланамиз. Бунинг учун координатлар тизимида пестицид дозасини улар логарифмлари билан алмаштирилади ва уларга мос келадиган самарадорлик фоизлари эса шартли бирликлар билан алмаштирилади (б-жадвал). Шундай қилиб, самарадорлик фоизига мос келувчи пробитлар кўрсаткичини б-жадвал ёрдамида оламиз.

Усимликларни ҳимоя қилиш амалиётида кўпинча пестицидлар дозасини «концентрация» ёки «сарфлаш меъёrlари» терминлари билан чалкаштириб юборадилар, бу эса, албатта, нотўгридир.

Заарарли организмларни йўқотишда қўлланиладиган ишчи таркибдаги (суспензиялар, эмульсиялар, дустлар, заҳарли емлар ва бошқалар) пестицид миқдори концентрация деб аталади. «Концентрация» атамаси, шунингдек ҳаводаги газсимон ёки буғ шаклидаги пестицидларнинг миқдорини белгилашда ҳам ишлатилади. Концентрация фоиз, масса ёки ҳажм бирликларидаги ифодаланади /мг ёки г пестицид, 1 л ёки 100 л эмульсия, суспензия ёки эритмада; мг ёки г пестицид 1 кг ёки 100 кг дустда ёки заҳарли емда).

Тажриба йўли билан аниқланган, илмий жиҳатдан асосланган пестицид ёки ишчи аралашманинг ишлаб чиқариш шароитида ӯсимликларни ҳимоя қилиш учун тавсия этилган миқдори пестицидларнинг сарфлаш меъёри деб аталади. Сарфлаш меъёри г, кг ёки л ларда олинган пестицид ёки ишчи аралашмасининг қўлланиш учун мўлжалланган юза (m^2 , га) ёки қўллаш учун мўлжалланган объектнинг ҳажм ёки масса (ц, т, m^3) бирликларига нисбати билан ифодаланади.

Кукунсимон пестицид қўлланилганда фақат сарфлаш меъёри аниқланади. Суюқ ишчи аралашмалар нуркаш учун мўлжалланганда сарфлаш меъёrlаридан ташқари, уларнинг концентрациялари ҳам аниқланади.

**Фонзларни пробитларга айлантириш жадвали
(Г. С. Груздев бўйича олинган)**

Ҳилан (% ҳи- обидда)	Пробит						
1	2,674	26	4,357	51	5,025	78	5,706
2	2,946	27	4,387	52	5,060	77	5,739
3	3,119	28	4,417	53	5,075	78	5,772
4	3,249	29	4,447	54	5,100	79	5,806
5	3,355	30	4,476	55	5,126	80	5,842
6	3,445	31	4,504	56	5,151	81	5,878
7	3,524	32	4,532	57	5,176	82	5,915
8	3,595	33	4,560	58	5,202	83	5,954
9	3,659	34	4,587	59	5,227	84	5,994
10	3,718	35	4,615	60	5,253	85	6,036
11	3,773	36	4,642	61	5,279	86	6,080
12	3,825	37	4,668	62	5,306	87	6,126
13	3,874	38	4,695	63	5,332	88	6,175
14	3,920	39	4,721	64	5,358	89	6,227
15	3,964	40	4,747	65	5,385	90	6,282
16	4,006	41	4,772	66	5,413	91	6,341
17	4,046	42	4,798	67	5,440	92	6,405
18	4,085	43	4,824	68	5,468	93	6,476
19	4,122	44	4,849	69	5,496	94	6,555
20	4,159	45	4,874	70	5,524	95	6,645
21	4,194	46	4,900	71	5,553	96	6,751
22	4,228	47	4,925	72	5,583	97	6,881
23	4,261	48	4,950	73	5,613	98	7,054
24	4,294	49	4,975	74	5,643	99	7,326
25	4,326	50	5,000	75	5,674	99,99	8,719

**3.2. ПЕСТИЦИДЛАРИШ ҲУЖАЙРАЛАРГА КИРИШИ
ВА ТАЪСИРИ**

Заҳарли моддалар таъсир кўрсата оладиган энг бирламчи обьект ҳужайрадир. Ҳужайра ташқи ноқулай муҳитдан ҳимоя қила оладиган тиниқ юпқа парда билан қопланган. Ҳужайрани ўраб олган парда ярим ўт-

казгич (мембрана) хусусиятига эга бўлиб, баъзи бир моддаларни яхши ўтказади, бошқаларини эса тутиб қолиш хусусиятига эга.

Бу парда липоидлар, оқсиллар ва бошқа моддалардан ташкил топган бўлиб, ҳужайраларни ҳам бир-биридан ажратиб туради.

Пестицидларни ҳужайрага кириши тўғрисида бир неча назариялар бор.

Шулардан бири мембрана назариясидир. Бу назарияга кўра барча ҳужайралар ярим ўтказгич мембрана парда билан ўралган деб қарапади. Бу парда орқали моддаларнинг ўтиши улар таркибига, тузилишига ва хусусиятларига bogлиқdir. Бунда моддаларнинг кутблилиги муҳим роль йўнайди. Турли электр зарядига эга бўлган моддалар қутбли моддалар деб атапади. Органик бирикмалардаги қўйидаги гуруҳлар: гидроксил ($-\text{OH}$), карбоксил ($-\text{COOH}$) ва амино ($-\text{NH}_2$) кутблидир, шунингдек метил ($-\text{CH}_3$), этил ($-\text{C}_2\text{H}_5$) ва фенил ($-\text{C}_6\text{H}_5$) гуруҳлар эса кутбсизdir.

Ҳужайраларга кираётган моддалар эритмаси ҳужайра мембранны орқали бўладиган диффузия жараёни орқали амалга ошиди. Углеводородларнинг тўйинган ва тўйинмаган хлорли бирикмалари, тио- ва дитиокарбаматлар ва фосфат кислотанинг мураккаб эфиirlари, оддий эфиirlар концентрат эмульсиялар ҳолида қутбли бирикмалар бўлганлиги сабабли, мембраналар липоидларида яхши эриди ва улар ҳужайрага яхши диффузияланади.

Мис, темир, симоб, рух, кальций каби апорганик бирикмали пестицидлар ҳужайраларга ионлашган ва диссоциалашмаган ҳолда киради. Жуда юқори қутблilik хоссасига эга бўлган моддаларнинг диффузияланиш қобилияти уларнинг молекуляр ҳажмларига bogлиқdir. Молекуляр ҳажмнинг ортиши билан диффузияланиш тезлиги камая боради. Бу ҳолатни ҳужайра пардаси фақат липоид моддалардан тузилган бўлмай, балки улар орасида маълум ҳажмдаги бўшлиқлар (тешикчалар) бўлиб, бу тешикчалар орқали улар ҳажмига мос қутбли моддалар ўта олади, деб тушунтириш мумкин.

Эркин ҳолдаги ионлар, жумладан водород (H^+) ва гидроксил (OH^-) ионлари ҳужайралар протоплазмасига кам ёки бутунлай ўтмайди, ҳатто улар ҳужайра пардаси тешикчаларидан ҳам, кичик ҳажмга эга бўлган-

ларида ҳам. Бу эса тешикчалар деворларининг электр заряди билан зарядланганидан далолат беради ва бу зарядлар ўзига хос зарядларни ўтказиб, қолганларини эса ўзидан узоқлаштиришга ҳаракат қиласи.

Шуни ҳам айтиш керакки, липоидларда эрийдиган моддаларининг диффузияланишига уларнинг молекуляр ҳажмлари таъсир этолмайди. Бундай ҳолларда моддалар молекуляр ҳажмларининг ортиши уларнинг диффузияланиш тезлигини камайтирмайди. Бунда моддалар ҳужайра протоплазмасига липоидларда эриш йўли билангиша ўтади.

Пестицидларнинг ҳужайраларга киришини баъзан ферментатив назария асосида ҳам тушунтирилади. Бунда ҳужайра пардасидаги маҳсус оқсил моддалари ҳужайра энергияси кўмагида пестицидларни протоплазмага ўтказади. Бунда адсорбциялашган молекуляр цитоплазмага маҳсус транспорт тизим (система)лари — мембрана ташувчилари кўмагида ўтказилади. Бундай мембрана ташувчилари сифатида АТФ—азаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Адсорбилашган модда мембрана ташувчи кўмагида аввало мембраннынг бир қисмидан иккинчи қисмига ўтказилади ва ундан кеийнгина цитоплазмага йўналади. Ҳозирги замон маълумотларига кўра бундай йўл билан ҳужайрага шакар ва аминокислоталар киради экан.

Заҳарли моддалар ҳужайраларга киргач, унда турли физик ва кимёвий ўзгаришлар ҳосил қиласи. Улар ҳужайраларнинг оқсил бўлакчалари билан реакцияга киришади. Бунинг натижасида протоплазмадаги нормал физик-кимёвий ҳолат бузилади, бу эса ҳужайранинг физиологик функциялари бузилишига олиб келади. Маълум бир шароитда бу бузилиш ҳатто ҳужайрани ўлимга ҳам олиб келади.

Ҳужайра таркибида пестицид ва оқсил ўртасида борадиган реакцияларни тушунтириш учун Д. Н. Насонов ва В. Я. Александров яратган денатурацион назарияни кўриб чиқамиз. Бу назарияга кўра протоплазманинг энг муҳим ва универсал қисми бўлган оқсил турли моддалар билан реакцияга киришиш қобилиятига эга экан. Бунда, асосан, оқсил коагуляциялашади; коагуляция икки йўналишда бўлади: биринчиси — қайтар (коагуляция ҳосил қилувчи омилни олиб ташлағач); иккинчиси — қайтмас, бунда оқсил гидрофиллик

хусусиятини буткул йўқотиб, гидрофобга айланиб қолади. Шундай қилиб, оқсил молекуласи структурасининг бузилиши — денатурация ҳолатига олиб келади.

Денатурация ҳолатининг давомийлиги (коагуляция ҳосил қилувчи омил олиб ташлангач) шу омилнинг табиати ва унинг ҳолатига, ҳужайра элементларининг хусусиятига боғлиқdir. Одатда денатурация жарәнининг белгилари 10 минутдаёк йўқолади. Агар бузилиш кучлироқ даражада бўлса, ўз ҳолига келиш узоқроқ муддатга чўзилади. Агар бузилиш янада кучлироқ кечса, таъсир этиш кучи муттасил орта борса, ҳужайра оқсилиниң ўзгариши қайтмас бўлади, некроз ҳолати вужудга келади, яъни ҳужайра ўлади.

Денатурацион назариянинг аҳамияти шундан иборатки, бу назария тирик ҳужайрадаги қўзғалиш ва сўниш жараёсларининг бирлигини тақозо қиласи, токсикологияда эса ривожланиши ва заҳарланиши жараёнларининг бирлигини кўрсатади, бунда ҳар бир кимёвий модданинг маълум бир оз кам дозада организмнинг ривожланишига ёрдам берса, худди шу модданинг ўзи бир оз кўп дозада — заҳарловчи таъсир кўрсатади.

Ҳужайра ферментлари (булар биологик катализаторлар ҳам деб юритилади) пестицидлар таъсирига жуда сезгир бўлади. Бирон ферментнинг заҳарланиши, умуман организмни заҳарланишига олиб келади. Муҳим ферментлардан бирортасини активизлантириш биокимёвий заҳарланиши деб аталади.

Ферментлар, асосан 2 гурӯхга: бир компонетли ва икки компонентлига бўлинади. Биринчи гурӯхга киравчилар фақат оқсиллардан иборат бўлиб, улар катализаторлик хусусиятига эга. Иккинчи гурӯхга киравчилар ферментларда оқсиллардан ташқари, оқсилларга мояйл бўлмаган фаол қисм — агон ҳам бўлади. Агонлар коферментлар деб ҳам аталади. Оқсил қисми эса ферон деб аталади. Пестицидлар ферментларининг феронлари билан тўқнашиб, уларнинг фаоллигини сусайтиради, бундан ташқари, улар ферментларининг агонлари билан ҳам реакцияга кириша олади, бунда турғун бирималар ҳосил бўлади. Бу икки ҳолда ҳам фермент фаоллиги сусаяди, яъни пестицидлар фермент ингилаб таъсир этувчиларга бўлинади.

Барча ингиторлар икки гурӯхга: умумий ва танлаб таъсир этувчиларга бўлинади:

Үмумий ингибиторларға оғир металлар (кумуш, симоб, қүрғошин, вольфрам) тузлари, танин и хлорсирка кислота киради, шунингдек оксилии ч рувчи моддалар ҳисобланади, шу сабабли улар ферментлар фаоллигини сусайтиради. Бу жараёшттар билан комплекс бирікма ҳосил қилувчи молар таъсирида қайтардир, шу туфайли улар игибеттер таъсирини сусайтиради.

Тайлаб таъсир этувчи ингибиторларға — цианиз H_2S , сульфидлар, азид ва углерод оксидлари ки (булар одатта металларга таъсир эта олади). Циалар ферментлар таркибидаги металлар билан реакцияга киришиб, турғын комплекслар ҳосил қилади ва уни фаолсизлантиради. Масалаң, цианиздар, H_2S , сидилдер, азидлар ферментлардаги темир билан реакцияга киришиб, цитохромлар фаоллигини, шунин нафас олишни сусайтиради. Шунинг учун ҳам бул моддалар нафас олишни сусайтирувчи зақарлар тағы да киради. Бу моддалар таркибіде темир ва сақлаган күргина ферментларни фаолсизлантиради.

Ферментларнинг сульфидрил гурухига маргинал симоб сақлаган моддалар таъсир қилади. Усим, ҳайвоны, бактериялар организмінде сульфидрил гүх сақлаган бирикмаларга (цистин, глутатион) бұлған ферментлар бор. Маргимуш сульфидрил рухи олтингугарт билан реакцияга киришиб, тун бирикмалар ҳосил қилади ва ферментни фаоллантиради. Оксидаза, пирофосфатаза, гексокиназа ферментлари маргимуш ва симоб бирикмалари билан фасилитирилади.

Мураккаб эфирлар гидролизи асосан фосфорганик ингибиторлар томонидан ферментлар ишини сыйтириши натижасыда содир бұлади. Айниқса, холестераза ва ацетилхолинэстеразанинг таъсири күп сусайтирилади, натижада ацетилхолинни холин ва синаптоталларига парчаланиши камаяди. Асаб ұжырларининг таркибий қисми бұлған холинэстераза негимпульсларини узатында иштирок этади, шу сабабы фосфорорганик ингибиторлар асаб зақарлари деб өсюритилади.

Ферментларнинг фосфорорганик ингибиторлар шунингдек химотрипсин, трипсин, тромбин, плазмин, ацетилэстераза, карбоксигеназа, карбоксигеназа ва баъзи лиазалар фаоллигини ҳам сусайтиради.

Фосфорорганик ингибиторларга күпгина ҳозирғи вақтда ишлатилаётган инсектицид ва акарицидлар киради.

3.3. ПЕСТИЦИДЛАРНИНГ ЗАРАРЛИ ОРГАНИЗМЛАРГА КИРИШ ИУЛЛАРИ

Ҳашаротлар озиқлананаётганида заҳарли моддалар озиқ-овқат моддалари билан организмга тушади ва меъда-ичак орқали заҳарланиш рўй беради. Ҳашаротларниң пестицид сўлак безлари таъсирига учрайди. Бу таъсири пестицид ичакниң олд қисмига, шунингдек қизилўнгач ва ошқозон орқали ўтганида ҳам рўй беради, натижада заҳар организмга сўрила бошлади, бунда у эримайдиган ҳолатдан эрийдиган ҳолатга айланади. Бу жараён ўрта ичакда тугалланади, шу ерда заҳар ичак деворлари орқали гемолимфага сўрилади. Бунда ичакниң pH и катта роль ўйнайди, одатда pH заҳарниң гидрализланишига ёрдам беради.

Заҳарли моддалар ичаклар орқали ўтиб, унда сўрилаетганди, одатда маҳаллий таъсири ҳам кўрсатади. Биринчидан, заҳар ҳашаротни қусишга, уни организмдан чиқариб ташлашга ва натижада организмни заҳарланишдан ҳимояланишга олиб келиши мумкин. Иккчида, заҳар таъсиридан, ўрта ичак эпителия қаватининг зарарланиши ва ферментлар тизими ишининг бузилиши кўпинча овқат ҳазм қилиш тизимининг бузилишига ва ич кетишига олиб келади. Булар пестицидин организмдан тезроқ чиқиб кетишига ундовчи омиллардир.

Заҳар гемолимфага ўтгач, бутун таша бўйлаб тарқалади, ҳаёт учун зарур органлар (асаб тизими ва бошқалар)га бориб етади ва ҳашарот организмини умумий заҳарланишга олиб келади. Лекин гемолимфа фақат заҳарни тарқатибни қолмай, балки уни бир қатор ўзгаришларга ҳам учратади, шу билан бирга заҳар гемолимфа ферментлари ишини бирмунча бузади. Заҳар организмдан орқа ичак ва мальпигий найчаларни орқали турли чиқиндилар билан ташқарига чиқарилади ёки баъзи орган ва тўқималарда тўпланади (масалан, ёғ тўқималарида).

Меъда-ичак орқали заҳарланилганида организмга тушган заҳарниң барча қисми ўзлаштирилмаслиги мумкин; заҳарниң бир қисми худди озиқ-овқат моддаси

каби орғанизмда түрлі хил үзғаришларга учрайди, орғанизмдан орқа ичак ва чиқарув тешиги орқали чиқарилади.

Заҳарнинг сўрилиши ва, шунингдек, орғанизмнинг заҳарланиши кўпроқ орғанизмга озиқ моддасининг заҳар билан тушиб тезлигига боғлиқдир, унинг ичак орқали ўтиш тезлигига, ичак муҳитининг рН ига ва ферментлар тизимининг фаоллигига боғлиқдир. Шунингдек ҳашаротнинг ёши ва турига, ташки муҳит шароитига ҳам bogliқdir.

Ҳашаротларнинг контакт ҳолида заҳарланиши ҳам турлича йўллар билан кечади: биринчидан, контакт таъсирига эга бўлган инсектицид ҳашарот танасини ҳаво ўтказмайдиган плёнка ҳолида ўраб олади, нафас олиш органини беркитиб қўяди, шу сабабли ҳашарот ташки муҳит билан алоқа қила олмайди, орғанизмга кислород кириши ва ундан карбонат ангидридни ажралишига тўсқинлик қиласи. Натижада нафас олиш ва газ алмашиниш жараёнлари бузилади, оқибатда ҳашарот ўлади. Иккинчидан, контакт таъсири этувчи пестицид ҳашаротнинг терисини емириб, орғанизмга кириши мумкин. Икки ҳолда ҳам пестицид гемолимфага ўтиши, унинг ёрдамида бутун орғанизм бўйлаб тарқалиши мумкин. Лекин ҳашаротларнинг контакт пестицидлар билан заҳарланиши кўпинча уларни теридан ўтасцандада содир бўлади.

Ҳашаротлар танаси, шунингдек каналар ҳам эпителий қавати (гиподерма) билан қопланган, гиподерма ташки томондан кутикула қавати билан ўралган.

Ҳашаротлар кутикуласи 3 та қаватдан иборат: экзокутикула, эндокутикула ва эпикутикула. Эндокутикула гиподермага ёпишган бўлади. У майда тешикчали қаттиқ қаватдан иборат бўлиб, хитин ва протеиндан тузилган бўлади. Унга ёпишган экзокутикула ҳам шундай тузилган. Кутикуланинг сиртқи қавати — эпикутикула юпқа парда ($0,2$ — $0,8$ микрон)дан иборат бўлиб, мой кислоталари ва холестерин аралашмасида тузилган. Унда протеинга хос моддалар ҳам бўлади.

Кутикула ва унинг эпикутикула қавати мойларда эримайдиган моддаларнинг орғанизмга киришига катта тўсиқ бўлиб хизмат қиласи.

Шунинг учун, мойларда эримайдиган моддалар контакт таъсирига эга бўлмайди.

Мойлар (липоидларда) осон эрийдиган моддалар ку-

тикуладан енгил ўта олади. Улар ҳашаротларийнг мөй түқималарига сингиб, гемолимфа орқали бутун организм бўйлаб тарқалади.


Ҳашаротлар организмига фумигантлар, асосан, нафас олиш жараёнида трахеялар тизими орқали киради. Бунда ҳам ҳашаротлар ўзига хос ҳимоя реакциясини қайтаради, улар нафас олаётган ҳавода фумигант борлигини сезса, маълум вақтгача нафас олиш тешикчалирини беркитиб олади ва бу даврда трахея тизими даги заҳира кислород ҳисобига ҳаёт кечиради. Фақат кислород заҳираси тугагач ва трахея тизими карбонат ангиридга тўйинигач, ҳашарот ўз нафас олиш тешикчалирини мажбураан очиб, ҳаводаги фумигантининг организмга киришига йўл беради. Шу сабабли фумигантлар концентрациясини маълум бир муддат ичида (экспозиция) сақлаб туриш зарур, бу эса ёпиқ хоналардагина фумигация қила олиш мумкилигини тақозо этади.

Трахея тизими орқали заҳар гемолимфага ўтади ва бутун организмга тарқалади.

3.4. ПЕСТИЦИДЛАРНИ ЗАРАРЛИ ОРГАНИЗМЛАРГА ЗАҲАРЛИЛИГИ ВА УНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛЛАР


Пестицидларнинг токсиклиги (заҳарлилиги) уларнинг кимёвий тузилиш хусусиятларига боғлиқdir. Пестицид молекуласидаги жуда кичик бир ўзгариш ҳам заҳарлиликнинг кескин ўзгаришига сабаб бўлади. Буни кўпгина мисолларда кўриш мумкин. Гексахлорциклогексаннинг техник препаратида 11 стерсоизомери бор бўлиб, улардан фақат гамма изомери кучли инсектицидлик хоссасига эга.

ГХЦГ нинг формуласи креслони эслатади:




1,3,5 атомлари бир текисликда ётса, 2,4,6 атомлари эса иккинчи бир текисликда ётади. Углероднинг бир атоми иккинчи углерод атоми билан ёки бошқа моддалар атомлари билан шу текисликка перпендикуляр ҳолда боғланиши мумкин ёки молекулага писбатан $109^{\circ}28'$, бурчак остида боғланиши мумкини. С—С— боғи нинг йўналишига қараб туриб гексахлорциклогексаннинг хоссалари аниқланади. Гексахлорциклогексаннинг гамма-изомерида С—С— боғи 1,2,3 атомларда текисликка писбатан перпендикуляр жойлашган, 4,5,6 атомларда эса бурчак ҳосил қилиб боғланади. Бошқа изомерлар ана шу хлор ва водород атомларининг оптик жойлашуви билан бир-биридан фарқ қиласади.

Метилмеркаптофос пестициди таркибида тиол ва тион изомерлари бор:




Бунда тиол изомери тион изомерига қараганда кучли заҳарланиш хусусиятига эга. Пестицидларининг заҳарлилиги унинг кимёвий таркибига, молекуласидаги элементларга, токсофор гуруҳлар борлигига ҳам боғлиқдир. Масалан, мис бирикмаларининг заҳарлилиги улар таркибидаги мис элементининг борлигига, олтингугурт бирикмаларида эса олtingгугуртнинг бўлишига боғлиқ. Шунингдек, пестицид молекулаларига бирор элемент ёки радикал киритилиши ҳам унинг заҳарлилигини кескин ўзгартиради. Масалан, симазин ёки атраzin молекулаларидаги триазин ҳалқасида иккинчи ўриндаги хлор атомини —OH гуруҳига алмаштирасак, пестицид ўзининг гербицидлик хусусиятини бутунлай ўқотади;



ГЕРБИЦИД

ФИЗИОЛОГИК АКТИВЛІККА
ЭГА БҮЛМАГАН МОДДА


Агар ДДТ молекуласидаги битта водород ўрнига – OH гурухини киритсак, ундаги инсектицидлик хусусияти йўқолиб, унинг ўрнига акарицидлик хусусиятига эга бўлган янги модда пайдо бўлади:



Баъзан кимёвий моддалар таркибиға токсофор гуруҳларини киритиш билан уларнинг заҳарлилик хусусияти оширилади. Токсофор гуруҳларига галлоидлар (Cl, Br, I, F), нитрогуруҳ, оғир металлар атомлари (Hg, Sn, Cu), родан гуруҳи ва бошқалар кириши мумкин.

Масалан, углеводородларнинг галлоид ҳосилалари уларнинг углеводородларига иисбатан ҳашаротларга, микроорганизмларга бирмунча заҳарлироқдир; метил бромид CH_3Br жуда самарали фумигант бўлиб, ўта заҳарли пестицидларга мансубдир, лекин метан гази жуда кам заҳарлидир.

Фенол молекуласига нитрогуруҳ киритилиши уннага заҳарлилигини оширади. Агар фенолнинг УД_{50} нўхат ширасига қарши 0,3% ни ташкил этса, крезолнинг УД_{50} – 0,007 ва 2,4-динитрофенолини эса 0,001% дир.



2-МЕТИЛ 4,6-ДИНИТРОФЕНОЛ

Шуниндең, молекула таркибига метил ёки этил гурхларини киритиш ҳам пестицидлар заңарлилигини оширади. Диэтилфосфатлар диметилфосфатларга нисбатан бирмүнча юқори фаолликка эга, бунга сабаб диметилфосфатларнинг организмда анча тез парчаланып, фаоллигини йүқотишидир.

Пестицидлар заңарлилиги уларнинг электролитик диссоциация даражасига тескари пропорционал бўлиб, тўқима ва ҳужайраларга электролитлар молекулалари диссоцилашмаган ҳолда яхни ўтади.

Кўпгина токсикологик кузатишларнинг кўрсатишича тўйинган бирималардан уларнинг тўйинмаган бирималарига ўтиши заңарлилик хусусиятининг ортишига сабаб бўлади, қўш боғли и ва ацетилен қаторидаги тўйинмаган углеводородлар пестицид молекуласида пайдо бўлиши заңарлиликнинг ортишига сабаб бўлади. Чунки тўйинмаган углеводородлар жуда шиддат билан реакцияга киришиш хусусиятига эга. Масалан, ацетилен ($\text{CH}=\text{CH}$) ўз заңарлилигига кўра, этилендан устун ($\text{CH}_2=\text{CH}_2$), этилен эса. этапга (CH_3-CH_3) нисбатан кучлидир. Еғ кислоталаридағи заңарлилик улар таркибидаги қўш боғнинг бўлишига боғлиқдир.

Кимёвий бирималарнинг валентликлари ҳам, уларнинг заңарлилигига таъсири қиласи, Al_2O_3 , Al_2O_5 га нисбатан бир неча марта заңарлидир.

Органик бирималарнинг заңарлилиги уларнинг молекулалари структурасига боғлиқлигининг қонуниятларини ўрганиши яиги юқори самарали пестицидлар яратишда катта роль ўйнайди.

Юқорида айтилганидек, пестицидларнинг заңарлилиги уларнинг дозасига ҳам боғлиқдир. Агар пестициднинг заңарловчи ёки летал дозаси қанча кичик бўлса, у шунча кучли заңарлидир. Шу сабабли заңарлилик мезонин сифатида доза пестицидлар таъсирига баҳо бе-

ришда кенг қўлланилади. Заарли организмларга нисбатан ўлдирувчи дозасига қараб пестицидларининг сарфлаш нормалари ва ишчи эритмаларининг концентрациялари белгиланади.

Пестицид таъсирига учраган организм (ҳайвои, ҳашарот, ўсимлик, замбуруғ ва бошқалар)нинг биологик реакцияси пестицидинг ишлаб чиқаришда қўлланишга мўлжалланган дозасини маълум бир кичик қисмигагина қаратилади. Бу кичик пестицид дозаси биринчи навбатда организмнинг энг муҳим ҳаётий аҳамиятига эга бўлган функциясини сўндиради, шундан сўнггина иккиламчи заҳарланиш жараёни бошланиб, организмни ўлимга олиб келади. Организмнинг ҳаётий муҳим қисми бўлиб, маълум бир орган ёки тўқима, шунингдек фермент бўлиши мумкин. Ана шу қисмга қанчалик тез таъсир этиши ва унинг реакцияга киришиши билан пестицидинг заҳарлилиги аниқланади.

Бундан ташқари, пестицидларнинг заҳарлилиги яна бир қатор омилларга ҳам боғлиқdir. Бу омилларни З гурухга бўлиш мумкин:

1. Пестицидинг заарли организм билан тўқнашиш вақтига таъсир этувчи омиллар. Пестицидинг заҳарлилиги экспозиция, яъни унинг заарли организм билан бўлган контактининг давомийлиги катта таъсир кўрсатади. Агар экспозиция вақти узоқ давом этса, унда пестицидинг заҳарли таъсири юқори бўлади, чунки бунда организмга заҳар кўп миқдорда тушади. Ўсимлик ёки тупроқни пестицид билан ишлаганида экспозиция пестицидинг тупроқда ёки ўсимликда сақланиш муддатига тўғри пропорционалдир. Бунда пестицидинг физик-кимёвий хоссалари ва ташки мұхит шароити катта роль ўйнайди.

Кимёвий тургун ва кам бугланувчи моддалар тупроқ ва ўсимликда узоқроқ сақланади ва уларнинг таъсири яхши бўлади. Тез учувчан моддаларнинг узоқрок тургун бўлишлиги учун уларга маҳсус буғланишга тўқишилик қиласидиган моддалар қўшилади.

Жуда тез учувчан моддаларни (трефлан, карбатион) тупроқка солганда, уларни тупроқ билан яхши аралаштириш зарур, бу уларнинг таъсир кучи тупроқда узоқроқ сақланишига имкон беради.

Пестицидларнинг ёпишқоқлик ва ҳўлланиш каби хусусиятлари ҳам уларни қўлланилган сиртда узоқрок сақланишига ва унинг заарли организм билан контак-

тини яхшилашга ёрдам беради. Пестицилларнинг бу хусусийатларини яхшилаш мақсадида уларга ҳўлловчи ва ёпиширувчи моддалар қўшилади.

2. Пестицилларнинг организмга тушишига таъсир кўрсатадиган омиллардан бири—бу ташки муҳит ҳароратидир. Унинг таъсиридан пестицидинг фаоллиги, шунингдек тирик организмнинг пестицидга реакцияси ўзгариши мумкин. Температуранинг ортиши пестицилларни ишлов берилган юздан тезроқ йўқолишига имкон беради, шунингдек температуранинг маълум даражагача кўтарилиши пестициллар заҳарлилигини оширади. Масалан, юқори температурада тиофосфатлар тион изомерларидан тиол изомерларига ўтади. Ҳароратни маълум бир оптимал даражагача кўтариш зарарли организмларда моддалар алмашинуви жараёнини оширади, бунинг оқибатида улар пестициллар таъсирига ишоятда сезгир бўлиб қолади.

Ҳаво ҳароратининг кўтарилиши кўпгина фумигантлар заҳарлилигини оширади. Масалан, ҳароратни 18° дан 40° гача ошиши симоб бирикмаларининг заҳарлилигини 3—4 марта орттиради, шундай ҳодиса формалинда ҳам кузатилади.

Лекин ҳароратининг ортиши барча пестицилларга ҳам бирдек таъсир этавермайди, масалаи, ҳароратнинг ортиши ГХЦГ таъсирчанлигига ҳеч бир таъсир этмайди ва у нисбатан паст даражада яхши таъсир кўрсатади.

Ҳавонинг намлиги, қуёш нури, шамол ва ёнингарчилик ҳам пестицидинг заҳарлилигига салбий таъсир кўрсатади. Лекин баъзи вақтларда бу омиллар ижобий таъсир ҳам кўрсатади. Масалан, қуёш нурлари фосфорорганик пестицилларнинг тион изомерлари тиол изомерларига айланшига имкоц яратади. Шунингдек, ҳавонинг намлиги пестициллар гидролизи учун зарур, шундан сўнггина унинг таъсири пайдо бўлади. Ҳаво намлиги кўпгина фугицилларнинг эришини ($CuS O_4$) теззатади, шундан кейингина улар ўз таъсирини кўрсатади.

Пестицид зарарли организм билан тўқнашганда, организмга тезда етарли миқдорда кириши зарур. Бунга ҳам кўпгина омиллар таъсир кўрсатади.

Ёқимсиз, аччиқ мазали ёки ўткир қўланса ҳидли баъзи пестициллар зарарли организмлар томонидан яхши истеъмол қилинмайди, шунингдек пестицид қўллашилган юза билан зарарли организм контакти узоқ

ришда кенг қўлланилади. Заарли организмларга нисбатан ўлдирувчи дозасига қараб пестицидларнинг сарфлаш нормалари ва ишчи эритмаларининг концентрациялари белгиланади.

Пестицид таъсирига учраган организм (ҳайвон, ҳашарот, ўсимлик, замбуруғ ва бошқалар)нинг биологик реакцияси пестицидинг ишлаб чиқаришда қўлланишга мўлжалланган дозасини маълум бир кичик қисмигагина қаратилади. Бу кичик пестицид дозаси биринчи павбатда организмнинг энг муҳим ҳаётий аҳамиятига эга бўлган функциясини сўндиради, шундан сўнггина иккиламчи заҳарланиш жараёни бошланиб, организмни ўлимга олиб келади. Организмнинг ҳаётий муҳим қисми бўлиб, маълум бир орган ёки тўқима, шунингдек фермент бўлиши мумкин. Ана шу қисмга қанчалик тез таъсир этиши ва унинг реакцияга киришиши билан пестицидинг заҳарлилиги аниқланади.

Бундан ташқари, пестицидларнинг заҳарлилиги яна бир қатор омилларга ҳам боғлиқdir. Бу омилларни З гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Пестицидинг заарли организм билан тўқишиш вақтига таъсир этувчи омиллар. Пестицидинг заҳарлилиги экспозиция, яъни унинг заарли организм билан бўлган контактишинг давомийлиги катта таъсир кўрсатади. Агар экспозиция вақти узоқ давом этса, унда пестицидинг заҳарли таъсири юқори бўлади, чунки буида организмга заҳар кўп миқдорда тушади. Ўсимлик ёки тупроқни пестицид билан ишлаганида экспозиция пестицидинг тупроқда ёки ўсимликда сақланиш муддатига тўғри пропорционалдир. Бунда пестицидинг физик-кимёвий хоссалари ва ташки мухит шароити катта роль ўйнайди.

Кимёвий тургун ва кам буғланувчи моддалар тупроқ ва ўсимликда узоқроқ сақланади ва уларнинг таъсири яхши бўлади. Тез учувчан моддаларнинг узоқрок турғун бўлишилиги учун уларга маҳсус буғланишга тўқинлик қиладиган моддалар қўшилади.

Жуда тез учувчан моддаларни (трефлан, карбатион) тупроққа согланда, уларни тупроқ билан яхши аралаштириш зарур, бу уларнинг таъсир кучи тупроқда узоқроқ сақланишига имкон беради.

Пестицидларнинг ёпишқоқлик ва ҳўлланиш каби хусусиятлари ҳам уларни қўлланилган сиртда узоқрок сақланишига ва унинг заарли организм билан контак-

тини яхшилашга ёрдам беради. Пестицидларнинг бу хусусиятларини яхшилаш мақсадида уларга ҳўлловчи ва ёпиштирувчи моддалар қўшилади.

2. Пестицидларнинг организмга тушишига таъсир кўрсатадиган омиллардан бири—бу ташки муҳит ҳароратидир. Унинг таъсиридан пестициднинг фаоллиги, шунингдек тирик организмнинг пестицидга реакцияси ўзгариши мумкин. Температуранинг ортиши пестицидларни ишлов берилган юзадан тезроқ йўқолишига имкон беради, шунингдек температуранинг маълум дараҷагача кўтарилиши пестицидлар заҳарлилигини оширади. Масалан, юқори температурада тиофосфатлар тион изомерларидан тиол изомерларига ўтади. Ҳароратни маълум бир оптимал дараҷагача кўтариш зарарли организмларда моддалар алмашинуви жараёнини оширади, бунинг оқибатида улар пестицидлар таъсирига нихоятда сезгир бўлиб қолади.

Ҳаво ҳароратининг кўтарилиши кўпгина фумигантлар заҳарлилигини оширади. Масалан, ҳароратни 18° дан 40° гача ошиши симоб бирикмаларининг заҳарлилигини 3—4 марта ортиради, шундай ҳодиса формалинда ҳам кузатилади.

Лекин ҳароратнинг ортиши барча пестицидларга ҳам бирдек таъсир этавермайди, масалан, ҳароратнинг ортиши ГХЦГ таъсиричанлигига ҳеч бир таъсир этмайди ва у нисбатан паст дараҷада яхши таъсир кўрсатади.

Ҳавонинг намлиги, қуёш нури, шамол ва ёғингарчилик ҳам пестицидинг заҳарлилигига салбий таъсир кўрсатади. Лекин баъзи вақтларда бу омиллар ижобий таъсир ҳам кўрсатади. Масалан, қуёш нурлари фосфорорганик пестицидларнинг тион изомерлари тиол изомерларига айланишига имкон яратади. Шунингдек, ҳавонинг намлиги пестицидлар гидролизи учун зарур, шундан сўнггина упинг таъсири пайдо бўлади. Ҳаво намлиги кўпгина фугицидларнинг эришини ($CuS O_4$) теззатади, шундан кейингина улар ўз таъсирини кўрсатади.

Пестицид зарарли организм билан тўқнашганда, организмга тезда етарли миқдорда кириши зарур. Бунга уям кўпгина омиллар таъсир кўрсатади.

Еқимсиз, аччиқ мазали ёки ўткир қўланса ҳидли баъзи пестицидлар зарарли организмлар томонидан яхши истеъмол қилинмайди, шунингдек пестицид қўлланилган юза билан зарарли организм контакти узоқ

давом этмайди, натижада заарарли организм пестициднинг ўлдирувчи дозасини қабул қилолмайди. Масалан, «крисид» билан тайёрланган «заҳарли ем» ниҳоятда аччиқ бўлганилиги сабабли кемирувчи заараркунандалар уни яхши истеъмол қилмайдилар, шу сабабли препаратнинг самарадорлиги пастир. Шунинг учун пестицидлар тайёрлашда уларга иложи борича заарарли организмларни ўзига жалб этувчи Моддалар қўшиш керак. Масалан, металъдегидни гранулати формасини тайёрлаётгандага унга ёғоч қипифидан қўшиш керак, чунки у шиллиқ қуртларга яхши озиқдир.

Фумигантлар, зооцидлар ва инсектицидлар заҳарлилигига улар қитиқловчи кучли салбий таъсири кўрсатади. Бунда пестицидлар озиқ ҳазм қилиш органлари ва нафас йўлларини қаттиқ қитиқлайдилар, бунинг натижасида қусишига ва нафас йўлларининг қисишишига сабаб бўлади. Шундай қилиб, пестицид озиқ қолдиқлари билан организмдан чиқариб ташланади ва унинг яиги улушининг организмга кириши чекланади. Демак, организмга пестицид ниҳоятда оз миқдорда тушиб, унинг заҳарли таъсири айтарли сезилмайди.

Гербицидлар ўсимлик организмига текканди, унда маҳаллий таъсири кўрсатиб, ўша ердаги тўқималарни куйдиради ва пестицидинг ўсимлик танаси бўйлаб ҳаракатига тўсқилик қиласди, шу билан пестицидларнинг ўсимлик организмига узлуксиз ўтишини чеклайди ва унинг заҳарли таъсири етарли даражада бўлмайди. ТХА ва унинг тузлари, ўсимлик барги орқали сўрилишида унинг томир тизимини шикастлайди, натижада гербицид суст ҳаракатланади ва унинг дозасини бир неча даражада кўшайтирилса ҳам бегона ўт бутунлай йўқ бўлмайди.

Кўпгина заарарли организмларнинг тана қопламлари (ўсимлик ва ҳашаротлар кутикулалари) пестицидларнинг сувли эритмаларини яхши ўтказмайди, лекин липоидларда эрийдиган пестицидларни жуда яхши ўтказади. Шунинг учун ҳам пестицидларнинг заҳарлилиги уларнинг липоидларда эришига (липоидлар/сув тизимида тарқалиш коэффициентига) боғлиқдир. Органик моддалар ҳашаротларнинг кутикуляр қатламларидан сўрилиб, организмга ўтиш миқдори лиpidларнинг сув тизимида тарқалиш коэффициентига тўғри пропорционалдир. Шу сабабли пестицидларнинг заҳарлилиги уларнинг липоидларда эрувчанилигига боғлиқдир; гек-

саҳлораннинг гамма-изомери бошқа изомерларига қарандада мумсимон моддаларда яхши эриганлиги сабабли ҳашарот организмига яхши ўта олади ва шунинг учун у бошқа изомерларга нисбатан кучли заҳарли.

Лекин, пестицидларнинг липоидларда эриши ҳамма вақт ҳам уларни ҳашарот организмига кўпроқ сўрилишига олиб келавермайди, чунки бунда пестицидлар ҳашарот тана қопламларида эригач, унинг маълум бир қисми горизонтал диффузия натижасида организмга ўтмай буғланиб ёки бўлмаса зарарсиз бўлмаган қисмларга парчаланиб кетади. Кўпгина хлорорганик пестицидлар (ГХЦГ препаратлари) ҳашаротлар кутикуласида яхши эриганлиги сабабли, уларнинг кўп қисми тана сиртида қолиб, атроф-муҳитга буғланиб ёки бўлмаса зарарсиз қисмларга парчаланиб кетади. Натижада организмга тушаётган пестицидинг миқдори камаяди ва етарли даражада самарадор бўлмайди.

Зарарли организмлар танасининг анатомо-морфологик тузилиши ҳам пестицидларнинг улар организмига сўрилишига таъсир кўрсатади. Танаси мумсимон моддалар билан қопланган зараркунандалар организмига пестицидинг сўрилиши анча камаяди.

Етук ёшдаги қалқондорларга қарши пестицидларнинг сувли эритмалари қўлланилганда, уларниг танаси мумсимон моддалар билан қопланганини туфайли ўтмайди, чунки пестицидлар сувли эритмаларда бутунлай қалқон остига сўрилмайди. Ана шундай мустаҳкам қобиқ билан қопланганини учун ҳашаротлар тухуми, замбурууглар спораси ва бошқалар пестицидларни ўз организмига кам миқдорда ўтказади.

Пестицидлар қўлланилаётган вақтда кўпгина организмлар уларга нисбатан ҳимоя реакциясини ишлаб чиқаради. Бундай реакцияларга меъда-ичак орқали заҳарланилганда, ичакларни қусиш ёки ич суриш орқали заҳардан халос этиш, фумигантлар билан заҳарланилганда нафас олиш тешикчаларини маълум вақтгача беркитиб олиш, контакт таъсир этувчи пестицидларга нисбатан ўз танасидан шиллик куртларнинг шиллик моддаси ажратиб, ўз танаси атрофида ҳимоя қопчиғи ҳосил қилиши каби ҳодисалар киради. Булар, албатта, пестицидларни организмга сўрилишига йўл қўймайди.

3. Пестицидларнинг заҳарлилигига зарарли организмда бораётган жараёнлар ҳам қатта таъсир кўрса-

давом этмайди, натижада заарали организм пестициднинг ўлдирувчи дозасини қабул қилолмайди. Масалан, «крисида» билан тайёрланган «заҳарли ем» ниҳоятда аччиқ бўлғанилиги сабабли кемирувчи заараркунандалар уни яхши истеъмол қилмайдилар, шу сабабли препаратиниг самарадорлиги шастдир. Шунинг учун пестицидлар тайёрлашда уларга иложи борича заарали организмларни ўзига жалб этувчи моддалар қўшиш керак. Масалан, металльдегидни грануляли формасини тайёрлаётгандага унга ёғоч қипигидан қўшиш керак, чунки у шиллиқ қуртларга яхши озиқдир.

Фумигантлар, зооцидлар ва инсектицидлар заҳарлилигига улар қитиқловчи кучли салбий таъсир кўрсатади. Бунда пестицидлар озиқ ҳазм қилиш органлари ва нафас йўлларини қаттиқ қитиқлайдилар, буниң натижасида кусишига ва нафас йўлларининг қисишишига сабаб бўлади. Шундай қилиб, пестицид озиқ қолдиқлари билан организмдан чиқариб ташланади ва унинг янги улушининг организмга кириши чекланади. Демак, организмга пестицид ниҳоятда оз миқдорда тушиб, унинг заҳарли таъсири айтарли сезилмайди.

Гербицидлар ўсимлик организмига текканда, унда маҳаллий таъсир кўрсатиб, ўша ердаги тўқималарни куйдирали ва пестицидинг ўсимлик танаси бўйлаб ҳаракатига тўққинлик қиласи, шу билан пестицидларининг ўсимлик организмига узлуксиз ўтишини чеклайди ва унинг заҳарли таъсири етарли даражада бўлмайди. ТХА ва унинг тузлари, ўсимлик барги орқали сўрилишида унинг томир тизимини шикастлайди, натижада гербицид суст ҳаракатланади ва унинг дозасини бир неча даражада кўпайтирилса ҳам бегона ўт бутунлай йўқ бўлмайди.

Кўпгина заарали организмларининг тана қопламлари (ўсимлик ва ҳашаротлар кутикулалари) пестицидларнинг сувли эритмаларини яхши ўтказмайди, лекин липоидларда эрийдиган пестицидларни жуда яхши ўтказди. Шунинг учун ҳам пестицидларининг заҳарлилиги уларнинг липоидларда эришига (липоидлар/сув тизимида тарқалиш коэффициентига) боғлиқдир. Органик моддалар ҳашаротларнинг кутикуляр қатламларидан сўрилиб, организмга ўтиш миқдори липидларнинг сув тизимида тарқалиш коэффициентига тўғри пропорционалдир. Шу сабабли пестицидларининг заҳарлилиги уларнинг липоидларда эрувчанилигига боғлиқдир; гек-

саҳлоранинг гамма-изомери бошқа изомерларига қарандан мумсимон моддаларда яхши эриганлиги сабабли ҳашарот организмига яхши ўта олади ва шунинг учун у бошқа изомерларга нисбатан кучли заҳарли.

Лекин, пестицидларнинг липоидларда эриши ҳамма вақт ҳам уларни ҳашарот организмига кўпроқ сўрилишига олиб келавермайди, чунки бунда пестицидлар ҳашарот тана қопламларида эригач, унинг маълум бир қисми горизонтал диффузия натижасида организмга ўтмай буғланиб ёки бўлмаса заарсиз бўлмаган қисмларга парчаланиб кетади. Кўпгина хлорограник пестицидлар (ГХЦГ препаратлари) ҳашаротлар кутикуласида яхши эриганлиги сабабли, уларнинг кўп қисми тана сиртида қолиб, атроф-муҳитга буғланиб ёки бўлмаса заарсиз қисмларга парчаланиб кетади. Натижада организмга тушаётган пестицидинг миқдори камаяди ва етарли даражада самарадор бўлмайди.


Заарли организмлар танасининг анатомо-морфологик тузилиши ҳам пестицидларнинг улар организмига сўрилишига таъсир кўрсатади. Танаси мумсимон моддалар билан қопланган зааркунандалар организмига пестицидинг сўрилиши анча камаяди.

Етук ёшдаги қалқондорларга қарши пестицидларнинг сувли эритмалари қўлланилганда, уларнинг танаси мумсимон моддалар билан қопланганилиги туфайли ўлмайди, чунки пестицидлар сувли эритмаларда бутунлай қалқон остига сўрилмайди. Ана шундай мустаҳкам қобиқ билан қопланганилиги учун ҳашаротлар тухуми, замбуруглар спораси ва бошқалар пестицидларни ўз организмига кам миқдорда ўтказади.

Пестицидлар қўлланилаётган вақтда кўпгина организмлар уларга нисбатан ҳимоя реакциясини ишлаб чиқаради. Буидай реакцияларга меъда-ичак орқали заҳарланилганда, ичакларни қусишиб ёки ич суриш орқали заҳардан халос этиш, фумигантлар билан заҳарланилганда нафас олиш тешикчаларини маълум вақтгacha беркитиб олиш, контакт таъсир этувчи пестицидларга нисбатан ўз танасидан шиллиқ куртларнинг шиллиқ моддаси ажратиб, ўз танаси атрофида ҳимоя қопчиги ҳосил қилиши каби ҳодисалар киради. Булар, албатта, пестицидларни организмга сўрилишига йўл қўймайди.

3. Пестицидларнинг заҳарлилигига заарли организмда бораётган жараёнлар ҳам қатта таъсир кўрса-

тади. Пестицидларнинг баъзи тўқималар (ёғ таначалари) да тўпланиши (депо ҳосил қилиши) ферментлар таъсирида уларни зарарсизлантириш каби жараёнлар зарарли организмнинг заҳарланишига катта тўскинлик қиласди. Лекин баъзи пестицидлар зарарли организм танасига тушгач, унинг фаоллиги ферментлар таъсирида кучайди, заҳарлилиги ортади:



Ҳосил бўлган модда метафосга иисбатан бир неча марта заҳарлидир.

Пестицидларнинг зарарли организм танасида дифузияланиш хусусияти ҳам унинг заҳарлилигига таъсир кўрсатади. Пестицид қанча тез сўрилса, у шунча кам деполанади ва заҳарлилиги юқори бўлади. Кўпгина зарарли организмларда ўзига хос тўсиқлар (баръерлар) бўлиб, улар организмга тушган пестицидларни ҳаётий зарур марказларга тезроқ етиб боришига тўскинлик қиласди. Масалан, иоплашган фосфорорганик пестицидлар нерв толаси қобигидан ўта олмаганилиги сабабли ҳашаротларга иисбатан заҳарлилик хусусиятини йўқотади. Шуниигдек, сут эмизувчи ҳайвонларданги гематоэнцефал тўсиқлари ҳам пестицидларни мия тўқималарига етиб бориши олдини олади. Шу сабабли, пестицидлар заҳарлилиги ана шундай тўсиқлардан ўта олиш хусусиятига боғлиқдир.

Пестицидлар заҳарлилиги турли энзимлар таъсирига ҳам боғлиқдир. Ёғ тўқимасидаги ва ҳашаротлар ичагининг эпителий қаватидаги алиэстеразалар улар билан тўқнашган фосфорорганик пестицидларни парчалаб, зарарсизлантириш хусусиятига эгадир. Шу сабабли бундай гуруҳдаги инсектицидларга алиэстераза ингибиторларини қўшиш юқори самарадорликка олиб кела-

ді, яңғы пәстийід олінаётған өткіздік, албатта, бундай фермент тұсындарини енгіш ҳам ҳисобға олинмоғи керак.

Пестицидларнинг зақаралилігінің белгилайдиган омилларни билиш уларнинг үлдірүвчи дозалари ва сарфлаш месъёларини билишга ёрдам беради.

3.5. ПЕСТИЦИДЛАРНИҢ ОРГАНИЗМДА ҮЗГАРИШИ ВА УНДАП ЧИҚАРИЛИШ ІҮЛЛАРИ

Тирик организм унга кирилган ҳар қандай зақарға (пестицидге), албатта, уннинг зақаралилік таъсириши камайтириш учун жавоб реакциясими памоён қылади. Бундай реакцияларга организмге кирған моддани үзгаришсиз чиқарыш, тұқымаларда зақира (дено) моддалари сифатида тұплаш ва уларни оддий моддалар ҳолигача парчалаб, заарсиз ҳолға келтириб, организмдан чиқынди модда сифатида чиқарыш мисол бўлади.

Организмдан фақат кимёвий жиҳатдан турғун бирикмаларгина (күпинча хлорорганик пестицидлар) үзгаришсиз чиқади. Улар ҳайвон организмидан буйракдан сийдик орқали, ҳашаротлар организмидан эса малъпигиев найчалари орқали ажралып чиқади. Баъзи ўсимликлар ҳам ўз организмидан пестицидларни үзгаришсиз чиқара олади: бангидевона ўсимлиги ўз барғига пуркалган 2,4—Д препаратини бир кечакундузда илдизи орқали 60% ини озиқ эритмасига үзгаришсиз чиқаради.

Сут әмизувчи ҳайвонлар организмидан пестицидлар сут безлари ёрдамида ҳам чиқарилиши мүмкін. Сут билан бирга күпинча хлорорганик пестицидлар чиқарилади. Бундан ташқари, пестицидлар ҳазм бўлиб ултурмаган озиқ қолдиқлари билан орқа чиқарув тешиги орқали ёки қусиши массалари билан ҳам чиқарилади.

Ҳашаротлар организмінде кирилган инсектицид, лиpidларда эришга мойил бўлса, ҳашаротнинг ёғ тұқималарида деполанади ва ўзининг зақарлы таъсирини күрсата олмайди. Деполанган зақарлы модда кейинчалик малъпигиев найчалари ёрдамида чиқарилади ёки ҳашаротлар пуст ташлаганда хитин қатлами билан ажралади. Ҳайвон организмидан ҳам пестицидлар ёғ тұқималарида тұпланиш хусусиятига эга, баъзилари эса қон


зардоби билан боғланади: бу икки ҳолда ҳам улар зарарсиз моддалар ҳолигача парчаланади.


Хар бир тирик организм ўзига киритилган заҳарли моддани парчалаш хусусиятига эга. Бунинг натижасида баъзан фаоллиги кам (детоксикация) ёки ўзига нисбатан юқори заҳарли (активация) моддалари ҳосил бўлади.

Хлорорганик ва гетероциклик бирикмалар анча турғун моддалар ҳисобланади. Лекин фосфат кислотаниң эфир бирикмалари анча тез парчаланиш хусусиятига эга. Парчаланиш оқибатида бирмұча содда гидрофил моддалар ҳосил бўлади ва улар организмдан тезда чиқариб юборилади ёки унинг ҳаёт жараёнида иштирок этади.

Организмда гидролизланиш, оксидланиш, қайтарилиш, дегидрохлорирлаш, изомеризация ва бошқа реакциялар содир бўлиши мумкин. Бу реакциялар, одатда, катализаторлар иштирокида кечади. Катализаторлар сифатида ферментлар қатнашади. Булардан амидазалар, нитралазалар, фосфатазалар, карбоксиэстеразалар ва бошқалар организмда юқори фаол ферментлар сифатида пестицидлар гидролизида иштирок этади.

Пестицидларнинг амидлар гуруҳи (пропанид), турли кислоталар эфиirlари (2,4-Д ва 2М-4х), карбаматлар (севин, карбин), фосфорорганик бирикмалар (метафос), карбоцводородларнинг галлогенли ҳосилалари (гексахлорбутадиен) гидролиз натижасида парчаланиб, кислоталар ва спиртлар (аминлар) ҳосил қиласди:






Гидролиз натижасыда липофил моддалар гидрофилларга айланади ва зақарли моддаларнинг зақарлилик хусусияти ҳам ўзгаради, кўпинча организм учун кам зақарли бўлиб қолади. Гидролиз натижасыда ҳосил бўлган моддалар ҳаёт учун зарурый органларга стиб боролмайди ва улар организмдан тезда чиқариб юборилади.

Оксидланиш жараёни ҳам пестицидларнинг организмда ўзгаришида катта роль ўйнайди. Бу реакциянинг боришига ҳам, албатта, ферментлар, шунингдек коэнзимлар керак. Гидролизга чидамли моддалар, одатда, оксидланиш йўли билан парчаланади. Бунда ҳам баъзан зақарлироқ ёки кам зақарли моддалар ҳосил бўлади.


Турли мой кислоталари ва уларнинг ҳосилалари организмга тушгач, β -оксидланиш жараёни ёрдамида оксидланади. Бунда углеводород занжирида жуфт атомлари сонига эга бўлган мой кислоталари сирка кислотагача парчаланади. Бу жараён феноксикарбон кислоталарнинг ҳосилалари учун катта аҳамиятга эга. Кам фаолликка эга бўлган феноксимой кислоталари ўсимлик организмидаги феноксисирка кислоталаргача оксидланиши мумкин. Бу модда ўсимликка нисбатан бирмунча фитотоксиклик хусусиятига эга. Умуман, оксидланиш тизимининг фаоллигига кўра, ўсимликларни гербицидларга сезгирилиги аниқланади.

Оксидланишда, айниқса, кўпгинча моддалар таркибida бўлган олтингугурт атомининг оксидланиши катта аҳамиятга эга. Бу жараён карбаматларга ва фосфор кислота ҳосилали пестицидларга тааллуқлидир. Бу бирикмаларда олтингугуртнинг тиоэфирлари оксидланади ва сульфоксид, кейин эса сульфон ҳосил бўлади:




Бунда ҳосил бўлган модда ўзининг заҳарлайлигига кўра бошланғич моддадан фарқ қилмайди, лекин улар гидролизга чидамлиди.

Ароматик ҳалқанинг парчаланишига оксидланиш жараёни катта ёрдам беради. Шунингдек, бу жараён тургун галоген ҳосилали пестицидларнинг парчаланишига ҳам имкон беради. Бу реакцияларда ҳам кўпинча пестицидларнинг заҳарлайлигини камайтиради. Шунингдек, пестицидлар таркибидағи нитрогуруұхлар қайтарилгандага ҳам заҳарлилик камаяди:




Бу реакция таркибидаги NO_2 гурӯҳи сақланган пестицидларга (метафос) характерли бўлиб, аминоҳосилали кам фаол моддалар ҳосил бўлади.

Хлорорганик пестицидлар ўз таркибидаги хлор атомининг ўринин алмаштириш ёки уни бутунлай йўқотиш (дегидрохлорирлаш) хусусиятига эга бўлади, бунда ҳам албатта маълум бир ферментлар иштирок этиши керак;



бу реакция хлорофосга ҳосдир.

Тирик организмда пестицидлар изомеризация ҳодисасига ҳам учрайди:



Бу реакция күпгина фосфорорганик пестицидларга хос-
дир. Бунда уларнинг физиологик фаоллиги ортди.

Тирик организмда бирон-бир пестициднинг ўзгариши маълум бир аниқ тартибда бормайди. Бунда бир мод-
данинг ўзи турли хил реакцияларга дуч келиб, модда-
лар алмашинувининг турли маҳсулотларини ҳосил қи-
лади. Бунда бир реакция натижасида модда физиоло-
гик жиҳатдан фаоллашса, иккинчи бир реакция натижа-
сида пассивлашади. Бу жараённинг йўналиши орга-
низмнинг тури ва ҳолатига боғлиқdir, шу сабабли ҳам
улар пестицидларнинг танлаб таъсир этишларини бел-
гилаб беради. Масалан, күпгина фосфорорганик пести-
цидларнинг иссиққонли ҳайвонларга нисбатан кам за-
ҳарлилиги уларнинг тезда парчаланиб кетишидир. Улар-
нинг парчаланиши турли органларда: жигар, қои, буй-
рак, юрак ва ичакларда содир бўлади. Мия тўқима-
ларида фосфорорганик бирикмалар парчаланмайди.
Иссиққонли ҳайвонлар билан ҳашаротлар организмида
борадиган пестицидларнинг кимёвий ўзгариши ва улар-
нинг заҳарлилик хусусиятининг камайиши бир хил тарз-
да борса ҳам, иссиққонли ҳайвонларда бу жараён ҳа-
шаротлардагига нисбатан бирмунча тез содир бўлади.

3.6. ПЕСТИЦИДЛАРНИНГ ТАНЛАБ ТАЪСИР ЭТИШИ

Кўпинча заарали организмлар фойдали организм-
лар билан биргаликда, узвий алоқада бир ўсимликда
ҳаёт кечиради. Баъзан инфекция ўсимлик тўқимаси ичи-
да ривожланади. Шундай заарали организмлар билан
самарали курашни ташкил этишда селектив хусусиятига
эга бўлган пестицидлардан фойдаланиш зарур. Пести-
цидларнинг танлаб таъсир этиш хусусияти, яъни селек-
тивлиги деб маълум бир тур тирик организмларни за-
рарлаган ҳолда иккинчи бир турга ҳеч бир заарар ет-
казмаслигига (агарда улар бир-бирлари билан узвий
алоқада бўлсалар ҳам) айтилади. Ҳашаротлар, ҳайвон
ва ўсимликларнинг ҳар хил турларига пестицидларнинг
танлаб таъсир кўрсатиши танлаб таъсир кўрсатиш ко-
эффициент (K) га кўра белгиланади (В. А. Калинин,
1980 й.):

$$K_{\text{танлаб}} = \frac{CD_{50} \text{ биринчи организм}}{CD_{50} \text{ иккигчи организм}}$$

Юқори таплаш хусусиятига эга бўлган моддалар танлаш коэффициенти, одатда бирдан катта бўлади. Пестицидлар фойдали ҳашаротлар, ҳайвоnlар ва инсон учун кам заҳарли бўлишлари зарур. Лекин бунга кўпинча эришиш анча қийиндири, чунки фойдали ва зарарли организмларда кечадиган биокимёвий-физиологик жарабёнлар табиати бир-бирига жуда яқин бўлади ёки зарарли организм баъзан ҳимоя қилинаётган ўсимлик танасида жойлашади.

Танлаб таъсир этиш хусусиятига эга бўлган модда уч хил йўл билан таъсир этиши мумкин:

1. Модда зарарли организм танасида кўпроқ тўпланиш хусусиятига эга;

2. Пестицид таъсир кўрсатаётган зарарли организма хос ҳужайра қурилмаси таркиби билангина таъсирашади;

3. Ёки пестицид зарарли организм учун ўта муҳим кимёвий омилларни зарарлаб, унга салбий таъсир эта-дики, бу омил фойдали организмлар учун унчалик аҳамиятга молик бўла олмайди.

Баъзан, пестицид зарарли организмларга ҳам, фойдалиларига ҳам заҳарли бўлади, лекин зарарли организмлар танасидагина пестициднинг ўша организм учун ўта заҳарли миқдори тўплана олишга мойилдир, шунинг учун ҳам улар фойдали организмга заҳарли таъсир этмайди. Бундай танлаб таъсир қилиш таъсир этувчи модданинг қўлланилиш усуllibарига, зарарли организмнинг ҳолати ва морфологиясига, шунингдек пестицидларнинг организмга кириш йўлларига, организмдаги ўзгариш жараёнларига ва организмдан чиқарилиш йўлларига боғлиқдир. Бундай танлаб таъсир этишга пестициднинг махсус қўллаш формаларини (гранула, микропаксула) жорий этиш йўли билан эришиш мумкин.

Танлаб таъсир этишга мисол тариқасида капитан ёки фталан фунгицидларининг ўсимликка зарарли оқибатлари кам эканлигини келтириш мумкин. Бу фунгицидлар ўсимлик танасига замбуругларга нисбатан бир неча (2000—3000) баробар кам миқдорда киради. Шунингдек, бромофос, гардона, метатион, карбофос каби фосфорорганик пестицидлар инсон организмни учун нисбатан кам заҳарлидир, чунки ҳисоб-китобларга қарангда бу пестицидлар инсон организмидаги ҳашаротларга нисбатан тезроқ парчаланиб, зарарсиз ҳолга келар экан.

Заарали ва фойдали организмлар танасида бир қатар цитологик фарқлар бор бўлиб, улар пестицидларнинг танлаб таъсир этишига асос бўлади. Хусусан, асаб тизимиға таъсир этувчи инсектицидлар (ГХЦГ) ўсимликлар учун кам заҳарлидир, лекин улар ҳайвон организмига ўта заҳарли таъсир қилади. Ўсимлик хлоро-пластларини парчалаб ишдан чиқариш хусусиятига эга бўлган пестицидлар ҳайвон организми учун кам заҳарлидир. Бактериялар ҳужайралари қобиқларининг синтез қилинишини ингибирловчи антибиотиклар таъсиридан инсон ва ҳайвон организми заараланмайди, чунки улар буидай ҳужайралар қобиқларига эга эмас.

Баъзи пестицидлар селективлигининг сабаби, уларнинг маълум бир гуруҳ организмлар танасигагина мансуб бўлган биокимёвий жараёнларга таъсир этиб, уни издан чиқаришидадир. Масалан, фосфорорганик инсектоакарицидлар ўсимликларнинг ривожланиш ва ўшини сусайтиrmайди, чунки улар асаб импульслари нинг синаптик узатиш жараёнига таъсир қилади, бу ҳодиса ўсимликларга хос эмас.

3.7. ЗАРАРЛИ ОРГАНИЗМЛАРНИНГ ПЕСТИЦИДЛАРГА ЧИДАМЛИЛИГИ

Заарали организмларнинг пестицидларга чидамлилиги — заҳарланишига қарши организмнинг биологик бардошлигидир. Чидамлилик хусусиятига эга бўлган организм заҳарлашган, нокулай шаронтда бемалол озиқланиш, ривожланиш ва кўпайиш қобилиятини давом эттира олади. Чидамлиликка қарама-қарши ҳолат сезигирликдир, лекин бу икки жараён ҳам пестицид заҳарлилигига боғлиқдир, чунки заҳарлиликни белгиловчи барча омиллар (52-бетга қаранг) бу икки жараёнга ҳам тааллуқлидир.

Чидамлилик 2 турга бўлинади:

1. Табиий чидамлилик — тирик организмдаги биокимёвий ва биологик жараёнларга боғлиқдир;
2. Сунгый чидамлилик — бу чидамлилик фақат организм пестицид билан учрашгандан кейинигина содир бўлади, яъни пестицид қўлланилгандан сўнгтина пайдо бўлади.

Табиий чидамлилик турлараро, жиисий, босқичли, ёшга кўра, мавсумий ва муваққат турларига бўлинади.

Бу чидамлилик пестицидга ҳеч бир алоқаси бўлмаган ҳолда намоён бўлади.

Турлараро чидамлилик ҳар бир алоҳида тур зарарли организмларнинг биологик ҳолатларига боғлиқ бўлиб, уни бартараф қилиш учун, албатта, ҳар бир алоҳида турга қарши таълаб таъсир эта оладиган пестицид қўлланилиши ёки яратилиши лозим (ҳашаротларга қарши инсектицидлар, замбурург касалликлариға қарши фунгицидлар). Пестицидлар қаторида тор ва кеңг доирадаги селективлик хусусиятига эга бўлган турлари намоёндир (пиримор фақат шираларга қарши, карбин фақат курмакка қарши қўлланилади, лекин фозалон ҳашаротларга ва каналарга қарши ёки ДНОК ҳашарот ва қасаллик қўзгатувчи замбурург ва бактерияларнинг қишлоғчи босқичларига қарши таъсир кўрсата олади). Шундай қилиб, пестицидларни таълаш йўли билан зарарли организмлардаги турлараро чидамлиликни муваффақиятли равишда бартараф эта олиш мумкин.

Пестицидларга чидамлилик бир тур ичida ҳам содир бўла олади. Кўпинча урғочи жинс эркак ҳашаротларга нисбатан заҳарларга чидамлироқ бўлади, бунинг сабаби турличадир. Эркак сувраклар одатда ГХЦГ таъсиридан жуда тез побуд бўлади, чунки урғочи сувраклар организмига нисбатан уларда оксидланиш реакцияси кучли равишда боради. Бундай чидамлиликни ёнгиз учун пестицидларнинг керакли дозаларини танламоқ зарур.

Ҳашаротларнинг қуртлари ёшлирига кўра ҳам турлича чидамлиликка эга бўлади: одатда ёш қуртчалар пестицид таъсирига жуда чидамсиз бўлади. Замбуруглар ҳам ривожланишининг дастлабки босқичларидан пестицидлар таъсирига жуда чидамсиз бўлади. Шунингдек, ўсимликлар ҳам униб чиқаётган вақтда заҳар таъсирига ўта чидамсиз бўлади, бу ҳолатларни зарарли организмларга қарши курашни ташкил қилаётганда албатта эътиборга олиш зарур.

Заараркунашадалар, турли босқичларда ҳам пестицидлар таъсирига турлича муносабатда бўлади: пестицидлар таъсирига ҳашаротлар қуртча ёки имаго босқичларидан жуда сезгир бўлади. Улар тухум ёки ғумбаклик даврларида эса бирмунча чидамли бўладилар. Замбуруглар споралари ҳамда ўсимлик уруғлари билан курашда, албатта уларнинг мавсумий чидамлиларини ҳам ҳисобга олмасдан яхши самарадорликка эришиб

бўлмайди. Имаго ёки қуртчалар ҳолида қишлоғчи ҳашаротлар, одатда, ёз фаслининг охирларида жуда катта миқдорда ёғ моддалари тўплайди, уларниң озиқлашиш жараёнлари ҳам суст кечади, бу даврда улар нестидиларга бирмунча чидамлироқ бўлади, эрта баҳорда эса улар жуда сезгир бўлиб қолади, чунки улар қишлоғдан анча толиқиб чиқади. Умуман, мавсумий чидамлиликни бартараф этиш учун, нестидиларни қўллаш муддатларини аниқ белгилаш зарур.

Юқори физиологик фаолликка эга бўлган ҳашаротлар кўплаб миқдорда заҳарли моддаларни ўз организмларига сингдира олади, натижада улар суст физиологик фаолликка эга бўлган ҳашаротларга нисбаташ кўпроқ заҳарланади. Бир кеча-кундуз (сутка) давомида ҳам нестидилар турлича таъсир кўрсатади, кўсак қурти ва кўккорт тунлами кечқурун ва тунда жуда фаоллашади ва кўплаб ўсимликларни нобуд қиласди, лекин улар кундуз кунлари ўткир қуёш нури таъсирида суст фаолликка мойил бўлиб, одатда 5—10 см тупроқ остида ёки салқин ерда «дам» оладилар. Бундай вақтинча чидамлиликни бартараф этиш учун, албатта, зааркунаиданинг юқори физиологик фаоллик даврида кураш чораларини ўтказиш керак.

Сунъий чидамлилик (резистентлик) — нестидилар қарор мухитда заарли организмларини ривожланиши ва қўпайиш қобилиятидир, лекин айнан шу нестидилар аввал қўлланилиб, заарли организм учун заҳарли таъсирга эга эди. Сунъий чидамлилик тўғрисида биринчи маълумот 1951 йилда берилган. АҚШ олимлари Калифорния штатида қалқондорларни синиль кислотага чидамлилитини исботладилар. Шундан сўнг бир қатор ҳашаротларни анорганик нестидилар — қўрғонин, арсенат, олтингугурт ва пиретрумга (ўсимликлардан олинувчи нестидилар) чидамли эканлиги мальум бўлди. Асримизнинг 40-йилларига қадар бу чидамлиликка камроқ эътибор берилди, чунки нисбатан кам учтар ва уни осонгина ешгина мумкин. Аммо, ишлаб чиқаришга кўплаб янги сунъий нестидиларини жорий этилиши резистентликни тез суръатлар билан ривожланишига сабаб бўлди. Г. С. Груздевинг (1987) таъкидлашича, хозирги вақтда бу чидамлилик 200 дан ортиқ ҳашаротларла намоён бўлган. Олимларимиз таъкидлаганидек, резистентлик органик нестидиларга нисбатан тезроқ (7—20 авлоддан сўнг) ва апорганик нестидиларни тезроқ (1—2 авлоддан сўнг) суръатлар билан ривожланишига сабаб бўлди.

цидларга эса сустроқ (50—300 авлоддан сүнг) намоён бўлар экан. Баъзи олимлар реизентентлики иммунитет каби изоҳлайдилар (Н. Г. Берим, 1966).

Иммунитет куммуляция ҳодисаларига қарама-қаршидир. Шундай қилиб, пестицид организмга такроран киритилганда, унинг таъсири кучайиб бормай, балки организмнинг унга ўрганишига кўра камайиши ҳам мумкин. Бу ҳолат иммунитет деб аталади. Бундай вақтда, одатдагидек пестицидинг ўлдирувчи дозаси кор қилмайди, шу сабабли унинг миқдорини кўпайтириш керак.

Сунъий чидамлиликнинг юзага келиши ҳақида турли фикрлар баён этилган; кўпгина олимлар фикрига кўра чидамлилик табиий танланиш оқибатидир. Бунда ўз таъсири ва таркиби билан бир-бирига ўхшаш пестицидларни, такроран, назоратсиз қўллайвериш заарли организм танасида иммунитет ҳосил қиласди. Ҳозирги кунда жуда кўплаб ҳашаротлар, каналар ва, ҳатто, касаллик қўзғатувчилар ҳам пестицидларга нисбатан сунъий чидамлиликни намоён қиласди.

Ҳозирги вақтда сунъий чидамлилик шу қадар ортиб кетдики, қўлланилган пестицидинг самарадорлиги, умуман сезилмай қоляпти. Олимларимиз таъкидлашича, ўргимчаккапа метилмеркаントофосга нисбатан 500 мартағача, дўлана́ канаси эса фосфорорганик пестицидларга нисбатан 40—50 марта чидамлиликни намоён қиласди. Фуницидлардан бекомилни такроран қўллайвериш замбуруғ спораларининг чидамлилигини 12 мартағача ошириб юборди. Кўпгина бегона ўтларнинг которанга нисбатан чидамлилиги ортиб бормоқда.

Сунъий чидамлилик қўйидаги турларга бўлинади:

Индивидуал чидамлилик — битта такроран қўлланилган пестицидга нисбатан содир бўлади ва жуда кам учрайди. Буниг сабаби организмда заҳарни парчалаб, зарарсиз ҳолга келтира оладиган тор танлаш хусусиятига эга бўлган ферментларнинг бўлишидир. Масалан, ҳашаротининг карбофосга нисбатан чидамлилиги, унинг организмдаги малатионоксидаза ферменти пестицидин тезда парчалаб, зарарсиз ҳолга келтира олишиданadir. Бу чидамлиликни бартараф этиш учун пестицидин шу гуруҳга оид иккинчи тури билан алмаштириш кифоя.

Гуруҳли чидамлилик — гуруҳга оид, кимёвий таркиби ва физиологик таъсири жихатидан ўхшаш бўлган икки ва ундан ортиқ пестицидларга, улардан бирни орга-

нисмга такроран киритилганда намоён бўлиши мумкин бўлган чидамлиликдир. Масалан, ГХЦГ га чидамлилик кўрсатган ҳашарот барча хлорорганик пестицидларга ҳам чидамли бўлади. Бу чидамлиликнинг келиб чиқиш сабаби қўйидаги талқин этилади (Г. С. Грузев, 1987):

1. Пестицидлар организмга аста-секин киради ва уидан тез суръатлар билан чиқарилади. Масалан, чидамли организм чидамсизларига нисбатан 2—3 баробар кўп миқдорда заҳарни ташқарига чиқаради.

2. Организмдаги ферментлар фаоллиги ва хусусий энзимлар барпо бўлиши оқибатида пестицидлар жуда тез суръатлар билан парчаланиб кетади.

3. Нерв каналлари деворлари турлича ўтказувчаникка эга бўлади, чидамли организм нерв толаларига инсектицид суст сўрилади.

4. Чидамли организм танасида ёғ заҳирасида липидлар миқдори кўп бўлади, бунда липидларда эрийдиган пестицидлар бу ерда кўплаб ушланиб, таъсир доирасидан четда қолади.

Перекрест чидамлилик — турли гуруҳга оид, кимёвий таркиби ва физиологик таъсирига кўра турлича бўлган икки ва ундан ортиқ пестицидларга, улардан бири организмга такроран киритилганда намоён бўлади. Бундай чидамлилик ҳам ниҳоятда кам учрайди ва кам ўрганилган.

Чидамлилик хусусиятини бартараф этиш учун, албатта, пестицидларнинг сарфланиш меъёрларига ва қўллаш муддатларига катта эътибор бериш керак. Чидамлиликни бартараф этиш учун турлича таъсир этишга ва таркибга эга бўлган пестицидларни йил давомида ва йиллараро алмашлаб қўлланиш лозим. Fўзадаги ўргимчакканага қарши Узбекистон Усиммилклари ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти ишлаб чиққан тавсияга кўра аввал фосфорорганик пестицидлар билан ишлов бериш лозим, зааркунандалар иккичи бор пайдо бўлганда эса бирорта хусусий акарицид билан ишлаш яхши самара беради. Ўргимчакканан учинчи марта ҳосилга птур стказа бошлиса, унда тавсияга кўра олтингугурт препаратларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундай тавсиялар ҳозирги вақтда барча экинлар зараркунандаларига қарши қўлланилиши ишлаб чиқилган ва кенг кўламда ишлатилмоқда.

Сунъий чидамлиликни енгиз учун пестицидларни

қўллаётганда уларга синергистларни қўшиб ишлатиш ҳам мумкин. *Синергистлар* — пестицидлар таъсирини кучайтирувчи моддалар. Шундай қилиб, пестицидлар бир-бирига қўшиб ишлатилганда, синергизм ёки унга қарама-қарши антогонизм ҳодисалари рўй беради. *Синергизм*—икки ва ундан ортиқ пестицидларни бирга қўшиб ишлатилганда уларнинг таъсирлари бир хил йўналишга қаратилган бўлишидир, натижада организмнинг заҳарланиш жараёни тезроқ содир бўлади. Синергизм икки хил бўлади: *аддитивизм* ва *потенцирлаш*. Аддитивизмда пестицидларниң биргаликдаги таъсири уларнинг алоҳида-алоҳида таъсирлари йиғиндишига тенг бўлади; потенцирлашда эса пестицидларниң биргаликдаги таъсири уларнинг алоҳида-алоҳида кўрсатган таъсир кучлари йиғиндишидан кўпроқ бўлади. Потенцирлаш оқибатида биргаликда қўлланилган пестицидлар дозаси камроқ олинганда ҳам натижаси яхши бўлади: кўсак қуртига қарши дендробациллин гектарига 5—6 кг миқдорида тавсия қилинган. Фозалон эса гектарига 2 кг дан тавсия этилади. Бу иккала препарат ўзаро синергистдир, шу сабабли уларни биргаликда қўлланилганда дендробациллинни ҳар гектар майдонга 2 кг ва фозалонни 0,2 кг дан сарфлаш мумкин. Натижада заҳарли таъсирга эга бўлган фозалон миқдори 10 марта камаяди, табиатни пестицид билан заҳарланиши камаяди.

Баъзан икки ва ундан ортиқ пестицидлар бирга қўлланилганда *антогонизм* ҳодисаси рўй беради, бунда пестицидлар бир-бирлари билан таъсирлашиб, ўз таъсир кучларининг бутунлай йўқолишига ёки камайишига олиб келади. Бундай ҳодисанинг рўй бермаслиги учун дарсликнинг 7-жадвалида келтирилган пестицидларни биргаликда қўлланилиш жадвалидан фойдаланиш лозим.

Пестицидларни қўлланилганда баъзан идиосинкразия ҳодисаси рўй беради. *Идиосинкразия*—организмнинг пестицид таъсирига ўта сезгирилгидир. Бунда заҳар жуда оз миқдорда ҳам ўз таъсир кучини кўрсата олади, шуни эътиборга олиш керакки, заҳар бир тур организмга кучли таъсир қиласа, иккичи тур организмга эса ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмайди, бу албатта асаб тизимининг ҳолатига боғлиқдир.

Куммуляция натижасида ҳам кўпгина организмлар нобуд бўлиши мумкин. Куммуляция — заҳар тақ-

7 - ЖАДЫЖА
Инсектицилар, акарицилар на фунгициларнинг бир-бирiga жослиги (В. И. Абеленцев на Н. М. Голинин)
бүйнча

Нестандар	Basey. жыныс	Bento- min	Bentho- min	Bentho- min	Tempo- min	Tempo- min	Tempo- min	Kapt- sooc	Tempo- min	Type nspact № 30	Organ- izm	Tolu- ene	Tolu- ene	Fona- tion	Phos- fina	Phos- fina	Micr- organism
1. Базутин	X							+							+		
2. Беломил (Фундазол)		-	X					-							-	-	-
3. Еордо суюклини		-	X					-							-	-	-
4. Темир купороси		-	+	-				-							-	-	-
5. ООК				-				-							-	-	-
6. Караган	+																
7. Карабфос																	
8. Препарат № 30																	
9. Олатынгүтүрт																	
10. Тюздан																	
11. Топсан-М																	
12. Фозалон (Бензофосфат)																	
13. Фосфамид (Би-58)																	
14. Мис хлороксид																	

Эслатма: шарлы белгилар: + — бу пестицилар бирга күлгүлүштүгө мөйнег; — — бу пестицилар бирга күлгүлүштүгө мөйнег эмас; бүш катаклар — бүнда биргаликкеда күлгүлүштүп түррисида матдүмөт йүй; X — аралаптырып тасыя күлгүлүштүп; 5 — аралаптырып мүмкүн, аммо аралапташа узок сакланмайды, эхтүйткөрөнүң күлгүлүштүп мөйнег; б — фракт намалууну күлгүлүштүп биргаликка күлгүлүштүп жумакки.

поран киритилганда, унинг организмда қолишидир («Симуларе»—тұпланмоқ, ғигидмоқ сүзларидан олинган). Иккى хил куммуляция мавжуд: материал куммуляция—бунда организмда пестицид (заңар) нинг ўзи тұпланаади (ГХЦГ, симм-триазин гербицидлари, карбаматлар ҳосиаллари каби пестицидлар). Масалан, пестицидлар нинг организмга кириши, унинг чиқиб кетишидан төзроқ содир бўлади: оқибатда организм касалланиши ва, ҳатто, нобуд бўлиши ҳам мумкин. Функционал куммуляция—бунда пестициднинг самарасигина организмда тұплана боради. Бундай хусусият баъзи фосфорорганик пестицидларда намоён бўлади (метафос, карбофос).

Иммунитетта қарама-қарши ўлароқ метатоксик таъсир ҳам мавжуд бўлиб, бу куммуляция билан болиқдир, бунда заңар организмни нобуд құлмайды, лекин унинг алоҳида органлари ишини издан чиқаради ва уларнинг кейинги ривожланишини бузади. Натижада соглом авлод пайдо бўлиши ёки унинг тезда нобуд бўлишига сабаб бўлади. Масалан, чигиртканиш заңарланган қуртчалари заңарланмаганларидан күпроқ вақт яшайди, лекин заңарланган чигиртка кам тухум қўяди ва ундан кам ва ишмажон қуртчалар пайдо бўлади.

4-б о б. ПЕСТИЦИДЛАР ҚҰЛЛАНИЛИШИННИНГ САНИТАРИЯ-ГИГИЕНИК АСОСЛАРИ

Қишлоқ хўжалик экинларини заарли организмлардан ҳимоя қилувчи кимёвий моддалар (пестицидлар) нинг барчаси ҳам биологик фаол моддалар бўлиб, улар фақат заарли организмлар учунгиша эмас, балки она табиат ва инсонлар учун ҳам салбий таъсирга эга.

Кўпгина пестицидлар ташқи муҳитда тұплана олиш қобилиятига эга, улар аста-секин озиқ-овқат таркибида йифила бориб, инсон ва иссиқонли ҳайвонлар саломатлиги учун салбий таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, пестицид фақат құлланилаётган даврдагина инсон учун ҳавфли бўлибгина қолмай, балки унинг ташқи муҳит омилларидаги қолдиқлари ҳам салбий таъсирга эгадир.

Шунинг учун ҳар қандай пестицид ҳам ишлаб чиқарышга жорий қилишидан олдин чуқур ўрганилади, фақат санитария ва гигиена мутахассисларининг тавсиялари асосидагина ҳар қандай пестицид ишлаб чиқарышга йўлланма олиши мумкин. Бизда пестицидларга Узбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан

Сағиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда қўлланиш учун тавсияномалар асосида рухсат берилади.

Бу тавсияномаларга тўла риоя қилиш ва уни аниқ бажариш фақат пестицид самарадорлигини оширибгина қолмай, балки уларни ташқи муҳит учун, иисон ва иссиққопли ҳайвонлар учун хавфсизлигини ҳам таъминлади, ташқи муҳит омилларида, озиқ-овқат маҳсулотларида уларнинг заарали қолдиқлари тўпланишининг олди олиниади.

4.1. ЗАҲАРЛАНИШНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ШАРОИТИ ВА САБАБЛАРИ

Иисон ва иссиққопли ҳайвонларнинг пестициidlар билан заҳарланиши уларнинг ўзлари ва парчаланиши маҳсулотлари билан юз бериши мумкин. Заҳарланиш — бу тирик организмнинг нормал ҳаётий кечинималарининг заҳарлар таъсирида бузилишидир.

Касбга оид заҳарланиш пестициidlар ишчи аралашмаларини тайёрловчилар ва дала экинларига пестициidlар билан ишлов берувчилар ўртасида уругликларни дорилаш жараёнида рўй бериши мумкин. Заҳарланиш сепиш аппаратларини тузатаётгандан бехосдан пестициidlар ишчи суюқлиги сачраши, пуркаш ёки чанглаш вақтида чекиши, сув ичиш, овқат ейини каби ҳолларда ҳам юз бериши мумкин.

Буидай заҳарланиш пестицид қўлланилган майдонларда экинларга ишлов бериши ёки суғориш вақтларида ҳам рўй бериши мумкин. Қўшинча шахсий ҳимояланиш анжомларида фойдаланилмаган вақтда рўй беради.

Касбга оид заҳарланишнинг олдини олиш мақсадида пестициidlар билан ишлаганда барча эҳтиёт чораларига тўла риоя қилиш, иш коржомаларини кийиш ва ишлов ўтказилган далаларда қишлоқ ҳўжалик ишларини белгиланган муддатлардагина бажариш лозим.

Пестициidlар билан тўғридан-тўғри алоқадор бўлмаган шахсларнинг заҳарланиши турмушдаги заҳарланиш деб аталади. Булар кўпинча, пестициidlарни нотўғри сақлаш оқибатида ёки пестицид сақланган идишлардан фойдаланилганда юз беради. Баъзан эса, хонадонлардаги заараркундалар (пашшалар, чивинлар, сувараклар ва ҳоказолар)га қарши курашида пестициidlардан тавсияга хилоф равишда, кўр-кўронадан фойдаланиш оқи-

батида содир бўлади. Буининг олдини олиш учун пестицидларни ташиш, сақлаш ва ишлатиш қондаларига риоя қилинишини муттасил назорат қилиб туриш лозим.

Айниқса, иссиққонли ҳайвонларнинг пестицидлар билан заҳарланиши олдини олиш лозим. Бу фақат иссиққонли ҳайвонларни ҳимоя қилибгина қолмай, балки инсон организмига заҳарларнинг ҳайвон маҳсулотлари орқали тушинши ҳам олдини олади.

Ҳайвонларнинг заҳарланйши ва улар организмидаги пестицид қолдиқларининг түпланиши, асосай, пестицидларни ҳайвонлар зараркунандаларига қарши нотўғри қўллаш оқибатида юзага келади, шунингдек улар таркибида пестицид қолдиқларий сақлаган ўсимликларни ёки дориланган уруғларни истеъмол қилгандай, шунингдек пестицид билан ифлосланган сувни ичгауда, пестицид сақланган йишишдан сўфорилганда юз бериши мумкин.

Сув ҳавзалариға пестицид қолдиқларий оқава сувлар ёрдамида тушганда ёки ўта турғун пестицидлар билан ишлагауда, ишлов қоидалари бузилганда қуш ва балиқларнинг заҳарланиши содир бўлиши мумкин. Юқорида қайд этилган далиллар пестицидлар билан ишлагауда шахсий ва жамоа хавфсизлигини таъминлаш нақадар муҳим эканлигидан далолат беради.

Пестицидлар ҳайвонлар организмидаги зудлик билан тарқалади ва тананинг маълум бир қисмларида тўплана боради. Улардан баъзилари ҳужайранинг бирон-бир таркибиий қисми билан боғланаб, турли ўзгаришларга учрайди ва организмда чиқарип ташланади.

Фосфорорганик пестицидлар, карбамин кислота ҳосилалари (севин), ароматик нитробирикмалар (ДНОК) организмга киргач, бир неча дақиқа давомида тананинг турли қисмларига тарқалади. Хлорорганик пестицидлар организмда сустроқ тарқалади, улар 25 кундан сўнггина организмда тўла тақсимланади.

Пестицидларнинг кўп қисми жигарда, буйракда, юракда тўпланади. Шунингдек, пестицидлар мияда ҳам тўпланади.

Тананинг баъзи аъзоларида пестицидлар тўпланиш хусусиятига ҳам эга. Масалан, хлорорганик пестицидлар тананинг ёғ тўқималарида тўпланади. Пестицидлар организмнинг баъзи аъзоларида зааресиз ҳолга ҳам келади. Айниқса, жигарда, буйракларда ва ичак деворларида пестицидлар турли ўзгаришларга учрайди. Нати-

жада улар баъзан фаоллашади, баъзан эса заҳарлилигини бутунлай йўқотади. Пестицидлар ҳайвон организмида ҳаёт жараёнида иштирок этиб, уни заҳарлашга олиб келади.

Ҳатто баъзи пестицидлар инсон организмидаги турли шишлар пайдо бўлишига олиб келади ёки ирсиятга салбий таъсир қилиши мумкин.

Умуман, пестицидларни иссиқёнли ҳайвонлар организмига таъсир қилиш механизмини ўрганиши пестицидлар билан заҳарланганда эҳтиёт ва даволаш чораларини қўллай билишини ўргатади.

4.2. ПЕСТИЦИДЛАРНИНГ ГИГИЕНИК ТАСНИФЛАНИШИ

Пестицидлар инсон ва иссиқёнли ҳайвонларга нисбатан хавфли экабилигини билиш мақсадида турли таснифларнишларга эга:

I. Меъда-ичак орқали ҳайвон (каламуш) организмига киритилишига кўра пестицидларнинг заҳарлилиги қўйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. УД₅₀ нинг кўрсаткичи 50 мг/кг гача бўлган пестицидлар ўта заҳарли пестицидлар гуруҳига оидdir.

2. УД₅₀ нинг кўрсаткичи 50—200 мг/кг га баробар бўлган пестицидлар юқори заҳарли пестицидлар гуруҳига оидdir.

3. УД₅₀ нинг кўрсаткичи 200—1000 мг/кг га баробар бўлган пестицидлар ўртача заҳарли пестицидлар гуруҳига оидdir.

4. УД₅₀ нинг кўрсаткичи 1000 мг/кгдан кўп бўлган пестицидлар кам заҳарли пестицидлар гуруҳига оидdir.

Ўта ва юқори заҳарли пестицидлар жуда хавфлиdir, чунки улар ўткир заҳарланишга олиб келади. Ҳозирги вақтда ўта ва юқори заҳарлилар гуруҳига оид пестицидларнинг қўлланилиши кескин камайтирилган.

II. Пестицидлар куммулятивлик хоссаларига кўра қўйидагича таснифланади:

1. Юқори куммулятивлик хоссаларига эга пестицидлар — буларнинг куммулятивлик коэффициенти 1 дан кам;

2. Яққол кўринувчи куммулятивлик хоссаларига эга пестицидлар — буларнинг куммулятивлик коэффициенти 1—3;

3. Мўътадил куммулятив пестицидлар — куммуляция коэффициенти 3—5;

4. Куммулятивлігі сүст пестицидлар — куммуляция коэффициенти 5 дан юқори.

Пестицидларнинг организмда парчаланишга улгурмаган қисмийнг ёки организмдан чиқмаган қисмийнг тұпланувига куммуляция дейилади. Шунингдек, пестицид таъсирининг ортиши ҳам куммуляциядир.

Куммуляция 2 турға: материал ва функционал куммуляцияга бўлинади. Пестицидларни организмга тақоран кириши натижасыда тұпланувига материал *куммуляция* дейилади. Кўпгина хлорорганик пестицидлар ва симоб бирикмалари материал куммуляцияга мойилдир. Функционал куммуляция оқибатида заҳарнинг ўзи тұпланмайды, балки унинг самарааси ортади. Кўпгина фосфорорганик пестицидлар (метафос, карбофос) шулар жумласидандир.

III. Пестицидларнинг тупроқда тургушилиги қуйидагича таснифланади:

1. Ута турғун пестицидлар — 2 йилдан ортиқ муддатда заҳарсиз моддаларгача парчаланади.

2. Турғун пестицидлар — парчаланиш муддати 0,5—2 йилгача.

3. Мұльтадил турғун пестицидлар — парчаланиш муддати 6 ой.

4. Турғунлиги кам пестицидлар — парчаланиш муддати 1 ой.

Турғун пестицидлар одатда кам учувчан моддалар бўлиб, табиат омиллари таъсирида парчалацмайды, булар хлорофос, гексахлоран, карбофос, ценеб, карбатин ва бошқалар.

Бу қайд этилган хусусиятлардан ташқари пестицидлар бластомогенлик, эмбриотроплик, мутагенлик, тератогенлик таъсиrlарига ҳам эга бўлиши мумкин. Турли шишлар пайдо бўлишига мойиллик пестицидларнинг бластомогенлик хусусиятидир. Агар шинш ўсма (рак) касалини келтириб чиқарса, бундай моддалар канцероген моддалар ҳисобланади.

Баъзаи пестицидлар тератогенлик ҳолатини ҳам келтириб чиқариши мумкин, яъни унинг таъсирида мажрух ва ногирон авлод тугилиши мумкин.

Баъзи пестицидлар ҳомилланинг нормал ривожланишига ҳам тұсқынлик қиласы, бу ҳол эмбриотроплик деб ҳисобланади.

Баъзи пестицидлар аллергенлик хоссаларига ҳам эгадир, улар организмга тақоран киритилганда унга

нисбатан организмда ўта сезгирик намоён бўлади. Тери тўқималарига биринчи марта ТМТД суспензияси теккизилса, ўзгариш бўлмайди, лекин ТМТД суспензияси такоран теккизилса, терида қизариш, қичишиш ҳоллари юз беради. Аллергияниң бир кўриниши—идиосинкразиядир, бу организмнинг пестицидга ўта сезгирилигидир. Идиосинкразия терининг шишиши, қизариши, ачишиши каби ҳолларда намоён бўлади.

Пестицидлар юқорида кўрсатиб ўтилган бирон-бир хоссаларга эга бўлса, улар инсон учун ўта хавфли ҳисобланади, шунинг учун пестицидлар ҳар томонлама тўла текширувдан ўтгандан сўнггина қўлланилишга рухсат берилади.

4.3. ПЕСТИЦИДЛАР ҚЎЛЛАНИЛИШИННИГ ЧЕКЛАПИШЛАРИ

Пестицидларнинг инсонлар учун заҳарлилиги, ташки муҳитда барқарорлиги ва маҳсулотларда уларнинг қолдиқлари мавжудлиги маълум бир чекланишлар бўлишини талаб қиласди.

Пестицидлар қўлланилишидаги чекланишларни Узбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда белгилайди. Одатда ҳар бир жорий йил учун республикамиз ҳудудида касаллик, бегона ўтлар ва зааркунидаларга қарши қўлланилишга рухсат берилган пестицидлар рўйхати эълон қилинади, бунда пестицидларнинг номи, сарфлаш меъёрлари, қўлланилиши лозим бўлган экинлар тури кўрсатилади. Ана шу рўйхатда қайд этилган пестицидлардангина фойдаланишга рухсат этилади.

Пестицидларнинг заҳарли қолдиқларини озиқ-овқат маҳсулотларига ўтиб қолиши олдини олиш мақсадида соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан ҳар бир рухсат этилган пестицид учун белгиланган юқори миқдор кўрсаткичи (БЮМК) аниқланади ва у мг/ларда ҳисобланган пестицид миқдорининг 1 кг маҳсулотга нисбатларида ($\text{мг}/\text{кг}$) белгиланади. Масалан, ГХЦГ учун БЮМК сутда—0,05 $\text{мг}/\text{кг}$, гўшт ва тухумда—0,1 $\text{мг}/\text{кг}$, шакарда—0,005 $\text{мг}/\text{кг}$, галла экинлари маҳсулотларида—0,2 $\text{мг}/\text{кг}$, картошкада—0,2 $\text{мг}/\text{кг}$ ва сазавотларда—0,5 $\text{мг}/\text{кг}$ га баробардир (Г. С. Груздев, 1987).

БЮМК кўрсаткичларига қараб, пестицидларнинг «кутиш вақти»ни белгилаймиз. Экинларга пестицид орқали охирги марта ўtkazilgan ишлов бериш муддати

билин экин ҳосилини йигиб олгунга қадар ўтган вақт «кутиш вақти» деб аталади. Пестицидлар билан ўтказилган охирги ишлов бериш муддати (екин ҳосили йигиб олингунга қадар кунлар ҳисобида ўтган вақт) — бу даврда ишлов берилган пестицид қолдигининг миқдори шу экин учун белгиланган БЮМК миқдорига тенг бўлади ёки бутунлай парчаланиб, йўқ бўлиб кетади.

Кўпгина фосфорорганик пестицидлар учун «кутиш вақти» кўрсаткичи 15—30 кунга, пиретроидлар учун эса 20—40 кунга баробардир.

Пестицид қўлланилган далаларда қишлоқ хўжалик ишларини бажариш учун ҳам маълум муддат зарур, бу инсонларни пестицид билан заҳарланиши олдини олади.

Инсон терисини яллиғлантириш хусусиятига эга бўлган фосфамид билан ишланган далаларда ишлов берилган ўсимликларга боғлиқ бўлмаган ишларни бажаришга ишловнинг 3-кунидан кейин рухсат берилади, пестицид орқали ишлов берилган ўсимликлар билан алоқадор ишларга эса, ишловнинг 2-ҳафтасидан кейин рухсат этилади.

Умуман, пестицидлар билан ишловчиларнинг хавфсизлигини ва ташқи муҳит мусаффолигини тўла таъминлаш учун Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда чиқарилган қишлоқ хўжалигида пестицидларни сақлаш, ташиш ва қўллаш бўйича йўриқнома асосида иш юритилиши лозим.

Юқорида эслатиб ўтилган пестицидлар тўғрисидаги чекланишлар, йўриқномалар ва буйруқларни ҳар бир хўжалик ҳамда фуқаролар сўёсиз бажаришга мажбурдир. Бинобарни, буларни ўз вақтида ва мукаммал ижроси пестицидлар билан заҳарланишининг ва ташқи муҳит мусаффолигининг гаровидир.

4.4. ПЕСТИЦИДЛАРНИ САҚЛАШ ВА ТАШИШ ЖАРАЕНИДАГИ ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИ

Хўжаликларга пестицидларни фақат улар билан ишлаш учун маҳсус тайёргарлик кўрган мутахассис бўлгандагина келтириш мумкин. Шунингдек, бунда шахсий ҳимоя воситалари, маҳсус пестицид омборхоналари бўлиши лозим. Омборхона гигиена қоидалари талабига

паррандахоналар ҳам шундай масофада бўлиши керак. Балиқ хўжаликлари эса пестицид омборхоналаридан 2000 м йироқда жойлашиши зарур.

Омборхонада транспорт воситалари учун пестициддан бўшаган идишларни сақлаш учун бостирма, идишларни зарарсизлантириш учун маҳсус ажратилган майдончалар бўлиши ва омборхона атрофи девор билан ўралиши зарур.

Омборхона ҳажми зарур миқдордағи несифишидни сақлаш учун етарли бўлиши ҳамда унинг томи мустаҳкам, бутун саҳни асфальтланган бўлиши керак. Омборхонада пестицид сақлайдиган стеллажлар, унда табиий ойналар бўлиши лозим. Омборхонада пестицидларни сақлаш ва тарқатиш ҳамда ёрдамчи бўлим жойлашиши керак. Ёрдамчи бўлимда барча ҳужжатлар, иш коржомалари, аптечка, совун ва сув бўлиши керак. Пестицид сақланадиган хоналар сатҳи бироз катта бўлиши лозим. Хоналарни шамоллатиб турилишига алоҳида эътибор бериш керак.

Омборхоналарда овқат маҳсулотлари, ем-хашак, хўжалик молларини сақлаш ман этилади. Ута заҳарли моддалар гуруҳига оид пестицидлар алоҳида муҳрланган хоналарда сақланади. Умуман, омборхона қулфланган бўлиши лозим.

Учувсан, гигроскопик пестицидлар жуда жинс ёнилдиган идишларда сақланади. Таркибида сув, формалин, карбатион бўлган пестицидлар ва концентрат эмульсиялар қишида иситилган хоналарда сақланиши керак. Кальций хлорат-хлорид ва магний хлорат бошқа пестицидлардан алоҳида сақланиши лозим, чунки улар осон алангаланувчи моддаларнинг ўт олишига сабабчи бўлади. Суюқ ва кукуисимон пестицидлар бир-биридан алоҳида сақлангани маъқул.

Омборхона мудири пестицидларни сақлаш ва тарқатиш масалаларига тўла жавобгардир. У пестицидларни қабул қилиб олади ва тарқатади, уни ҳисоб-китоб қилади, сақлаш тартибларига риоя этади, бўш идишларни зарарсизлантиради ва хоналарнинг тозалигини таъминлайди. Омборхонада рухсат этилмаган пестицидларни сақлаш ва қабул қилиш ман этилади.

Пестицид сақланадиган идишлар сирти огоҳлантирувчи ҳошиялар билан белгиланади: дефолиантлар учун, оқ рағғали ҳошия, инсектоакарицидлар эса қора, фунгицидлар яшил, уругларни дорилашда қўлланишувчи нес-

тицид турлари күк, родентицидлар сарық ва гербицидлар қызил ұшынан билан белгиланади.

Бегона шахслар пестицид омборхоналарига кирилл майди, ұар күни ишни бошлашдан аввал 30 дақықа дәвоміда хоналар шамоллатилади. Омборхонада овқатланниш, чекиши жаңа махсус иш коржомаларисиз ишлаш ман этилади.

Пестицидларның қабул қылыш ға тарқатиші маңынан қысқа-китоб журналиға ёзіб борилади, бу журнал шкафда сақланади.

Омборхоналардан пестицид хұжалик раҳбарининг ёзма равищдеги күрсатмаси асосида пестициднің құллашына жағобөгәр шахсга берилади. Уни пухта беркитилган идишларда берилади.

Омборхонада тез бузилишта мойил пестицидлар сақланғанда, уларни тарқатыпдан аввал, албатта лаборатория шароитида таъсир қылувчи моддаси миқдорини текширувдан үтказиб, кераклы үзгартыштар билан ишлатышта рухсат берилади. Буларға қуйидеги пестицидлар киради:

1. Таркибида сув сақлаган паста ва концентрат эмульсиялар, шунцигдек қотиб қолиши мүмкін бўлган олтингугурт коллоиди;
2. Кристалл ҳолга айланиб қолувчи карбатион;
3. Учици қобилиятыга эга бўлган ёки кимёвий таркиби үзгариши мүмкін бўлган магний хлорат;
4. Чўкмага тушиб қолувчан формалин.

Иил охирида тафтиш комиссияси иштирокида пестициднинг омборхонадаги қолдиқ миқдори аниқланади. Махсус йўриқномаларга биноан ишлатышта яроқсиз ҳолга келиб қолган пестицидлар йўқ қилиб ташланади.

Пестицидларни ташиш жавобгар шахс иштирокида амалга оширилади. Уларни пала-партиш юклаш, синиқ ёки тешик идишларда ташиш мүмкін эмас. Транспорт воситалари яхши жиҳозланган ва уларни тозалаш осон бўлиши керак. Пестицидларни овқат маҳсулотлари ёки бошқа юклар билан бирга ташиши ман этилади. Пестицидларни ташиб бўлингач, транспорт воситалари зарарсизлантирилади.

Пестицидлар құлланыши лозим бўлган жойга бир кунга етарли миқдорда келтирилади, ортиб қолгани маңынан далолатнома асосида омборхонага қайтарилади.

4.5. ПЕСТИЦИДЛАРНИ ҚҰЛЛАШ ВАҚТИДАГИ ЭХТИЕТҚОРЛИК ЧОРАЛАРИ

Пестициллар ёрдамида экинларни ишлаш билан боғлиқ барча ишлар ўсимликларни ҳимоя қилиш бүйича мутахассис раҳбарлигида олиб борилади. Пестицидни қўллаш билан боғлиқ бўлғаи ишларни бажарувчилар маҳсус курсларда тайёргарлик кўрган тажрибали шахслардан иборат бўлади.

Пестицидларни құллаш вақтида мәжнатий мүхәфа-
за қилиш ишларига жавобгарлык хұжалик раҳбари зим-
масига юқлатылади. Пестицидлар билан ишлаш учун
сіні 18 га тұлған, соғлом әкаппегі түғрисінде шифо-
кор рухсатномасига әга бўлған ва пестицидлар билан
ишлаш бўйича йўриқномалар олған шахсларга рухсат
этілади.

Пестицид билан ишлаш учун балогат ёшига етмаган үсмиirlар, эмизикли ва ҳомиладор аёллар, қарияларга рухсат берилмайди. Пестицид билан узлуксиз мулодатда бўлган шахслар мунтазам тиббий кўрикдан ўтиб туриши керак.

Үта ва юқори заҳарли пестицидлар гурухига оид препаратлар билан 4 соат давомида, қолған пестицидлар билан эса 6 соат давомида ишлашга рухсат берилади. Иш вақтининг қолған қисмидә пестицид билан боғлиқ бўлмаган юмушлар бажарилади. Пестицид билан боғлиқ бўлган юмушларни бажаришда ишловчилар ҳар куни 0,5 л сут билан таъминланади.

Пестицидларни қўллаётган ишчилар хўжалик ҳисобидан махсус иш коржомалари ва шахсий ҳимоя воситалари билан бепул таъминланади. Пестицид қўлланилаётга жойда, албатта аптечка бўлиши керак. Пестицид билан ишлаётган ишчилар ҳар ойда 400 г миқдорида бепул кир совун билан таъминланади.

Пестицидлар билан фақат назоратчилар күзатуви натижасыда зарарлы организмлар миқдори иқтисодий хавфли чегара сонидан юқори эканлыгы маълум бўлган далалардагина ишлов ўтказилишига рухсат берилади.

Пестицидни құллаш билан боғлиқ бүлгап барча ҳолларда ҳам олдинироқ (камида 2 кечә-кундуз илгари) үйжалик раҳбари үтказилажак иш юзасидан огохлантирилади, құшни үйжалик ва ундағы аҳоли үтказиладиган

пестицид биләй ишлов тавсифи ва хавфсизлик чоралари ҳақида огоҳлантирилди.

Ишлов ўтказилган майдон - 300 м чамаси чеккароқ жойда огоҳлантирувчи белгилар билан ўраб қўйилади.

4.5.1. ЗАҲАРЛИ ЕМЛАР ТАЙЕРЛАШДА ЭҲТИЕТКОРЛИК ЧОРАЛАРИ

Заҳарли емлар кўпинча ўта ёки юқори заҳарли пестицидлар қўшиб тайёрланади. Заҳарли емлар маҳсус сўрувчи шкафлар билан таъминланган биноларда ёки аҳоли яшайдиган жойлардан 200 м масоғада узоқроқ жойлашган бостирмаларда тайёрланади.

Заҳарли емлар тайёрлаш учун келтирилган пестицидлар, албатта, қўриқланади. Ишловчилар албатта тери, кўз ва нафас олиш аъзоларини ҳимоя қилувчи шахсий воситалардан фойдаланади.

Тайёрланган заҳарли ем шу куннинг ўзидаёқ ишлатилиши лозим, оз миқдорда ортиб қолган заҳарли емни ўрага солиб, ёнилғи билан аралаштириб ёқиб юборилади. Иш асбоблари, идишлар иссиқ совунили сувда ювилади. Заараризлантиришга яроқсиз буюмлар (ёғоч барабан) ёқиб юборилади ёки (металл буюмлар) пачақланиб чуқурга кўмиб ташланади.

Заҳарли ем тайёрланган майдон 25 см чуқурликда ҳайдалади ва унга сўндирилган оҳак сепилади.

Заҳарли ем аҳоли яшайдиган жойлар ва яйловлардан 300 м ча чеккароқда, ёввойи ҳайвон ва қушлар кўпроқ истиқомат қиладиган жойлардан 200 м чеккароқда қўлланилди. Бундай жойларда заҳарли емлар кеми-рувчи зараркунандалар уяларига ёки заҳарли ем учун тайёрланган маҳсус яшикларда қўлланилди. Заҳарли емлар қўриқхоналарда қўлланилмайди.

4.5.2. ХОНАЛАРНИ ФУМИГАЦИЯ ҚИЛИШДА ЭҲТИЕТКОРЛИК ЧОРАЛАРИ

Фумигацияга оид барча ишлар ўта хавфли бўлганлиги сабабли тажрибали мутахассислар томонидан ва фақат санитария назорати рухсати билангина амалга оширилади.

Фумигация учун хонадонлардан 50 м ва ишлаб чиқариш корхоналаридан 30 м чеккароқда жойлашган, ҳаво ўтказмайдиган хоналар олинади. Фумигация даврида

шамолнинг тезлиги секундига 7 м дан ортмаслиги ва бунда хона ичида ҳарорат -10°C , ташқарида эса -35°C дан кам бўлмаслиги керак.

Фумигацияда ишловчилар З кишидан иборат звено-ларга бўлиниб ишлайдилар, улар комбинезон, қўлқон, иш коржомалари, оёқ кийими ва коробкали противогаз билан таъминланган бўлишлари шарт.

Хона атрофида ҳимоя чизиги бўлиши ва унда огохлантирувчи белгилар «Кириш мумкин эмас. Газ!» деб қўйилади. Фумигант портловчи хоссасига эга бўлса, хона электр тармоғидан ажратилади ва ўтга қарши тадбирлар кўриб қўйилади. Газлаш тугагач, хона шамоллатилиб, дегазациялаади.

4. 5. 3. УРУҒЛАРНИ ДОРИЛАШДА ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ

Уруғлар ва экиш материаллари, асосан, юқори заҳарли пестицидлар билан дорилаади. Шунинг учун бу мақсадда заводда тайёрланган, яроқсиз ҳолга келмаган аппаратлардан фойдаланилади. Бунда бадан, кўз ва нафас йўлларини ҳимоя қилувчи шахсий воситалардан фойдаланилади.

Уруғларни белкураклар ёрдамида ёки бочкаларда дорилаш тақиқланади. Уруғлар хонадонлардан 200 м узоқликда, очиқ ҳавода ёки бостирмаларда дориланади.

Уруғларни дориловчи пестицидлар ва дориланган уруғлар махсус омборхоналарда сақланади ва алоҳида ҳисоб-китоб қилинади. Дориланган уруғлар сараланмайди, тозаланмайди. Улар дориланмаган уруғлар билан аралаштирилмайди, озиқ-овқат ёки озиқ учун ишлатилмайди.

Дориланган уруғлар хўжалик раҳбари йўриғи билангина тарқатилади ва махсус ҳисоб-китоб дафтари орқали ҳисобга олиб борилади. Дориланган уруғлар мустаҳкам материалдан тўқилган халтачаларда иш жонига олиб борилади. Махсус рухсатномалар билангина автомашиналарда брезент остида ташиш мумкин.

Экиш агрегатларида ишловчилар махсус шахсий ҳимоя қилиш воситалари билан таъминланган бўлиши керак.

Экишдан ортиб қолган уруғ ёкиб юборилиб, кўмиб ташланади, дориланган уруғ тўқилган жойлар ва транспорт воситалари ҳамда иш қуроллари заарсизлантирилади.

4.5.4. ПЕСТИЦИДЛАР ПУРКАЛАЕТГАНДА ВА ЧАНГЛА- ТИЛАЕТГАНДА ЭҲТИЕТ ЧОРАЛАРИ

Пестицидлар чанглаш усули билан қўлланилаётганда шамоллинг тезлиги секундига 2 м дан, пуркаш усулида эса 3—4 м дан ортмаслиги керак. Пуркаш ва чанглаш эрта билан, ҳавода булат бўлганда эса кундуз кунлари, умуман, ҳаво ҳарорати +28°C гача бўлганда ўтказилади. Ёнгарчилик вақтида ва ундан олдин пуркаш ва чанглаш ўтказилмайди. Бу ишлар механизация ёрдамида олиб борилгани маъқул. Бунда пестицидни сарфлаш меъёрига ва ишлов муддатига алоҳида эътибор бериш керак.

Пестицидларнинг ишчи аралашмаларини тайёрлаш учун маҳсус жой ажратилади, унда барча зарур бўлган асбоб ва ускуналар бўлиши лозим. Ишчи суюқликлари, албатта пуркагич бакларига фильтр орқали қўйилади.

Аэрозолларни тайёрлаш учун маҳсус аэрозол мосламалари (АП) дан фойдаланилади.

Пуркаш ва чанглаш ишлари билан шуғулланувчи шахслар шахсий ҳимояланиш воситалари билан таъминланади.

Иссиқхоналарда пуркаш ишларини ўтказишда ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинади. Бунда пуркаш ишлари иш ҳафтасининг охирги кунида ўтказилгани маъқул. Пуркаш ишлари маҳсус пуркаш мосламаларидан бажарилади, ишчи суюқлик 1,8 м баландликка ўриятилган шланглар (резина шланглар) ёрдамида иссиқхоналарга насос орқали узатилади, бу шланг иссиқхонанинг марказий чизиги бўйлаб жойлаштирилди, уларга пуркагич жўмраклари резина шланглар орқали уланади ва ана шу учликлар ёрдамида экинларга ишлов берилади.

Ишлов берилган иссиқхоналар қўриқланади ва муҳрланади. Пестицид 6—10 соат давомида иссиқхонанинг тўла дорилашни таъминлайди.

Иссиқхона экинлари дорилангандан 5 кун ўтга, у ердаги тупроққа ишлов беришга рухсат этилади. Ишловнинг 3—7-кунларида иссиқхоналарда ишни бошланадан олдин уни шамоллатилади, чунки бу вақтда иссиқхона ҳавосида пестицид миқдори юқори даражада бўлади.

Иссиқхоналарда ишлов берилгандан кейин, ишловчиларга ишлаш учун рухсат берилади: актөллик билан

ишилганда 3 кун ўтгач, карбофос билан — 5 кун ўтгач, децис билан эса 5 кун ўтгач.

4. 6. ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ, ИДИШЛАР ВА ИШ КОРЖОМАЛАРИНИ ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ

Транспорт воситалари, идишлар ва иш коржомалари очиқ ҳавода сув билан ювишга қулай бўлган асфальтланган жойда заарарсизлантирилади. Бу воситаларни заарарсизлантиришда ишилатилган сув ва заарарсизлантириш воситалари 1 м чуқурликдаги ўрага оқизиб юборилади. Соглиқни сақлаш назорати ходимлари рухсати билан улар ер ости сувлари 2 м дан паст бўлган жойларга ўра тўлишига 0,5 м қолганда унинг устига сўндирилган оҳак бўтқаси солинади ва кўмиб ташланади.

Қишлоқ ҳўжалиги машиналари махсус мосламаларга ўринатилиб, заарарсизлантирилади ва унинг оқава сувлари алоҳида бочкаларга йигиб олициб, заарарсизлантирилиб махсус ўраларга тўкилади ва кўмиб ташланади.

Пуркагич ва чанглагич мосламалари, бошқа шу каби апаратларни тузатиш вақтида ва улар бошқа тур пестицид билан ишилашга ўтишдан олдин заарарсизлантирилади.

ДИАС, НИИ-1 3% ли калий ишқори, кальцийли сода (4 л сувга 1 кг сода кўшиб) энг тез ва соз ювиш воситалари ҳисобланади. Заарарсизлантириш 5—6 соат давом этади.

Металлдан ёки шиншадан ясалган идишлар (бочка, канистр, барабан, банкалар) фосфор ёки хлорорганик пестицидлар ёки динитрофенол ҳосиллари билан зарарланган бўлса, ишқор эритмалари (сода, кул, оҳак) билан заарарсизлантирилади. Бунииг учун идиш 5% ли кир содасида 6—12 соат давомида бўқтирилади, шундан кейин бир неча марта сув билан чайилади. Идишларни тозалаш мақсадида улар кул билан тўлдирилади ва унга сув қўшиб бўтқасимон масса ҳосил қилиниб, 12—24 соат давомида сақланатади, сўнгра бу масса ўрага бўшашилади ва идиш сув билан бир неча марта чайилади. Идишлар сирти ҳам шу аралашмалар билан чўтка ёрдамида ювилади. Каноп қоплар 2% ли сода эритмасида 4—5 соат давомида ивитиб қўйилади, кейин совунли сувда 30 минут қайнатилади.

Бромметил идишлари шамоллатиш йўли билан зарарсизлантирилади, шундан сўнг 120—130°C ли буғда ҳиди йўқолгунга қадар ишланади.

Пестицидлардан бўшаган идишларни озиқ-овқат маҳсулотлари, сув ва ем-хашакни сақлаш учун ишлатиш тақиқланади.

Хоналар ва ударнинг поллари 2% ли кальцийли сода (1 чека сувга 200 г сода) билан ювилади. Пестицид билан заарланган ер майдони 10% ли хлорли оҳак аралашмаси билан ишланади ва ҳайдалади.

Хлорорганик пестицидлар билан ифлосланган иш коржомалари 6 соат давомида 0,5% ли сода эритмасида бўқтириб қўйилиб, иш муддати давомида уни аралаштирилиб туриласди, 3% содали эритма 3 марта алмаштириласди. Шундан кейин коржома сода-совунили сувда ювилади.

Фосфорорганик пестицидлар билан ифлосланган иш коржомалари 6—8 соат давомида сода-совунили сувда бўқтириласди ва 2—3 марта сода-совунили сувда ювилади.

Резина оёқ кийимлари, қўлқоплар ва фартуклар кальцийли соданинг 3—5% ли эритмаси билан тозаланади ва сув билан чайналади.

4.7. ҚУЛЛАНИЛИШГА НОЛОИҚ ПЕСТИЦИД ҚОЛДИҚЛАРИ ВА ИДИШЛАРНИ ИҮҚ ҚИЛИШ ҚОЙДАЛАРИ

Заарсизлантирилган яроқли пестицид идишлари заводларга қайтарилади ёки пестицид солиш учун қайта фойдаланиласди.

Фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келган қогоз ёки ёғоч идишлар хонадонлар ва сув ҳавзаларидан 200 мйироқда жойлашган маҳсус тайёрланган жойда ёндириласди ва ўша ерга кўмиб ташланади. Шипса идишлар синдириб, кўмиб ташланади.

Хўжаликлар томонидан 100 кг га қадар бўлган пестицид миқдори заарсизлантирилган ҳолда кўмиб ташланишига рухсат бериласди. Симоб бирикмалари сақлаган пестицидлар, албатта қайта топшириласди.

Фосфорорганик, хлорорганик ва динитрофенол бирикмали пестицидлар ишқорий муҳитда заарсизлантириласди, бунда 5% ли натрий ишқори эритмасидан ёки сўндирилган оҳак суспензиясидан фойдаланиласди. Пес-

тицид устига заарсизлантирувчи модда эритмаси 15 см қалинликда солинади ва 1 м ча чуқурга күмбі ташланади. Бунинг учун ахоли яшайдиган жойдан, сув ҳавзаларидан ва яловлардан 0,5 км йироқдаги жой танланади.

Пестицидларни йүқ қилиш хұжалик раҳбарининг ёзма күрсатмасында күра хұжалик агропоми бошчилегида амалға оширилади. Уларни йүқотиш учун мұлжалланған жой туман соғлиқни сақлаш бўлимлари билан келишилган ҳолда танланади.

4. 8. ПЕСТИЦИДЛАРНИНГ ҚҮЛЛАНИЛИШИДА ЖАМОАТ ВА ТАБИАТ МУХОФАЗАСИ

Пестицидларнинг қўлланилишида жамоат муҳофазаси атмосфера ҳавосини, тупроқ ва сув ҳавзаларини, озиқовқат маҳсулотларининг зарарланишини бартараф этишга асосланган. Пестицидлар билан ишлаш қоидаларига тўлиқ амал қилинishi улар билан инсонларни тасодифан тўқнашуви олдини олишга, асалариларни, қушларни, фойдали ҳашаротлар ва ҳайвонларни пестицидлар таъсиридан асрар имконини беради.

Ташқи муҳитни пестицидлар билан зарарланишини ва уларда пестицидларнинг қолдиқ миқдори белгиланган меъеридан юқори бўлиши олдиши олиш мақсадида қишлоқ хұжалигига қўллаш учун пестицидларни ташлашда табиатда турғулиги камроқ бўлган, учувчанилиги ва заҳарлилиги кам бўлган пестицидларга кўпроқ эътибор берилади. Агар буидай пестицидларнинг ўрнига заҳарлилиги, учувчанилиги кам бўлган пестицидлар билан алмаштиришининг иложи бўлмаса, буларни қўллаш чекланади.

Атмосфера ҳавоси ва сув ҳавзалари пуркаш ёки чанглаш вақтида тарқалган пестицид заррачалари билан ифлосланади, шунингдек фумигация қоидалари бузилганда, идишлар носоз бўлганда, пестицид қўлланилган майдонлар тупроғи шамол таъсирида кўтганда ифлосланиши мумкин.

Самолётлар ёрдамида чанглаш ёки пуркаш ишлари ахоли яшайдиган жойлардан 1000 м ва балиқчилик хұжалиги сув ҳавзаларидан 2000 м четроқда ўтказилади.

Жуда кўп миқдордаги пестицидлар йүқ килиб ташлаш мақсадида ерга кўмиб ташланмайди. Хиёбонлар, истироҳат боғларида фақат кам ва ўртача заҳарли пест-

тәцидлар қўлланилади. Бунинг учун фақат ер устки пуркагичларидан фойдаланилади. Ишлов тунда ёки эрта билан ўтказилади, бир йўла 5 га майдонга ишлов берилиши мумкин. Болалар боғчаси, мактаб, касалхона ҳовлиларида умуман пестицидлар қўлланилмайди.

Пестицид ишлатиладиган ҳудуддаги аҳоли олдиндан қўлланиладиган пестицид тўғрисидаги маълумот ва қўлланилиш муддати ҳақида хабардор қилинади, шундан сўнг аҳоли пестицидлар билан ишлов бериш вақтида хавфсизлик чораларини (яйловларда мол боқиши, асалариларни чиқариш, далада ўтказиладиган юмушларни ва сув ҳавзаларини беркитиши ёки тўхтатиш чораларини) кўради.

Кимёвий ишлов берилган дала теварак-атрофдан 300 м радиусли узоқликда тўсиқлар ва белгилар билан огоҳлантирилади. Яйловлар, ўтлоқларда, умуман пестицид билан ишлов берилган жойда (агар пестицид тўғрисида маҳсус кўрсатма бўлмаса), 25 кундан сўнг мол боқиши мумкин.

Пестицид билан заарланган ердан олинган пичаи билан ҳайвоилар озиқлантирилмайди.

Пестицид қўлланилиши лозим бўлган жойдан асалари уялари 5 кун муддатга 5 км узоқликка олиб кетилиши ёки уялари ёпиб қўйилиши лозим (эслатиш лозимки, агар пестицид тўғрисида асаларилар учун униг заҳарлилиги тўғрисида бошқа маълумот бўлмаса). Қишлоқ хўжалик экинлари ва мева боғларининг гуллаш даврида пестицидинг қўлланилиши умуман тақиқланади. Агар тавсия қилинган пестицид асаларилар учун жуда хавфли эканлиги маълум бўлса, кам заҳарли пестицидларни қўллаш масалаларини кўриш керак. Кўпроқ пестицидлар билан ишлов беришни кечқурунлари ўтказиш лозим, бунда асаларилар камроқ учади. Чанглаш усулига иисбатан, кўпроқ пуркаш усулини қўллаш лозим.

Хўжаликда пестицидларни қўллашни назорат қилиш мақсадида маҳсус журнал бўлиб, унда ҳар бир давлада ишлов ўтказилишининг муддати, пестицидинг сарфланиш меъёри ва ишлов берилишининг шароитлари ёзилади. Қилинган барча ёзувлар кимёвий ишлов ўтказиш раҳбарининг, хўжаликнинг бош агрономи, бригада бошлиги ва звено бошлигининг муҳрлари билан тасдиқланади. Бу эса кимёвий ишлов берилишининг сифатини, экин маҳсулотини таркибида пестицид қолди-

ғи бўлмаслигини ва маҳсулотни сотувга жўнатишда сертификат ёрлигини тайёрлашда асосий ҳужжат бўлиб ҳи-собланади. Пестицидларнинг қўлланилишида уларнинг тавсия қилинган сарфлаш меъёрини тўғри қўллаш ло-зим. Пестицидларни қўллашда уларнинг «кутиш вақт» ларига тўла риоя қилиш зарур.

Кулуниай каби резавор-мевалар гуллаганидан кейин пестицидлар қўллаш ман этилади. Кўкатлар (кўк пиёз, аррабодиён, салат, петрушка, раҳон кабилар)га уму-ман пестицид қўллаб бўлмайди. Фақат бу экинлар уру-ти дориланиши ёки пестицидлар тупроққа берилиши мумкин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги пестицид қолдиқлари миқ-дорини мунтазам назорат қилиб туради.

Хўжалик раҳбарлари ўзлари етиштирган озиқ-овқат маҳсулотлари ва см-хашакнинг инсон ва ҳайвонлар учун ҳавфсизлигига тўла жавобгардирлар.

4. 9. ШАХСИЙ ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИ


Инсон организмига тери, шиллиқ қаватлар ва нафас олиш йўллари орқали пестицидлар кириши олдини олиш учун шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланилади. Иш шароити, пестициднинг заҳарлилиги ва унинг физик-химёвий хоссаларига кўра шахсий ҳимоя воситалари ташлаб олинади.

Ҳар бир ишловчи учун ушиг бўй-бастига мос кела-диган шахсий ҳимоя воситалари танланади ва уларни сақлаш учун маҳсус хоналар ажратилади.

Терини пестициддан ҳимоя қилиш учун маҳсус кор-жома, қўлқон ва этиклардан фойдаланилади. Чанглаш ишларини олиб борувчилар маҳсус чацг ўтказмайдиган материалдан тайёрланган (молескин туридаги газлама) сиљиқ комбинезон киядилар. Пуркаш ишларини бажа-ришда кислоталарга чидамли маҳсус газламадан тикил-ган комбинезон ёки чангга қарши комбинезон ҳамда устидан плёнкадан тайёрланган фартук кийиб оладилар. Чанглаш ишларида маҳсус сув ўтказмайдиган газлама-дан тикилган эркаклар ва аёллар комбинезони кийила-ди (1-расм).

Авиациядан фойдаланиладиган ишларда «Авиатор» номли эркаклар ва аёллар курткаси (камзули, шими, қалпоги) кийилади.

Куруқ кукунсимон пестицидлар билан ишлаганда



1-расм. Пестицид билан ишловчиларнинг ҳимоя воситалари:

1—эркаклар комбинезони; 2—айлар комбинезони; 3—полихлорвинилхлорид құлқоп; 4—резина құлқоп; 5—нефть маҳсулотлари на мөйлардан ҳимоя қи-
дувчи резина этик; 6—резина ботинка;
7—чарм этик; 8—резина этик.

махсус оёқ киімі сифатида чарм этиклар кийилади, суюқ ҳолдаги пестицидлар билан ишлаганда эса резина этиклар ёки ботинкалар кийилади.

Құлларни ҳимоя қилиш учун махсус КР маркалы құлқоплар ёки суюқ пестицидлар билан ишланғанда кислота ва ишқорларга бардошли резина құлқоплар кийилади. Аммо тиббий құлқоплардан фойдаланиш мүмкін эмес.

Күзини пестицидлардан ҳимоялаш мақсадида ПО-2, ва ПО-З маркалы күзойнаклардан ва нафас йүлларини ҳимоялаш мақсадида респираторлар ҳамда противогазлардан фойдаланилади. Лекин докалар бу мақсадда құлланилмайды.

Чангсимон пестицидлар билан ишланған вақтда (мис-

хлор оксид, симазин ва бошқалар) ҳаво ҳарорати жуда юқори бўлмаса, чангга қарши респираторлардан фойдаланиш мумкин. Юқори заҳарли пестицидлар билан пуркаш ва чанглаш ишларини олиб борилаётган вақтда противогаз респираторларидан фойдаланилди, бунда ҳар бир пестициддан алоҳида газга қарши патронлар ёрдамида ҳимояланилди. Хоналарни бромметил билан фумигация қилинаётганда сариқ рангли «А» қутичали саноат противогазидан фойдаланилди.

Чангга қарши респираторлар: нафас йўлларини энг оддий ҳимоя қилиш воситаси — «Лепесток» респираторидир. Бу 2 доирасимон дока қатламларидан иборат бўлиб, улар оралиғига чангни ўтказмайдиган маҳсус мато (ФПП) ўрнатилган. Унга бириктирилган лентасимон тутқинчлар ва пластинкалар инсон бетига яхши ўрнашади. Пестицид буғлари респиратор орқали ўтаётганда уни намлайди ва ҳимоялаш қобилиятини сусайтиради. Шунга кўра, бу респиратор бир иш куни учунгина хизмат қиласи. Уни туман тушган вақтда, ёмғир ёгаётганда ва нам жойда сақлаш мумкин эмас.

Бу респиратор кам ва ўртача заҳарли чангсимон моддалардан намгарчилик нормал бўлган вақтдагина ҳимоя қила олади.

«Лепесток» респиратори З хил бўлади: «Лепесток-200» ҳаводаги рухсат берилган тўйинганлик концентрацияси 200 гача бўлган майда ва ўртача диспергирланган аэрозоллардан ҳимоя қиласи, «Лепесток-40» ҳаводаги рухсат этилган концентрацияси 40 гача бўлган майда ва ўртача диспергирланган аэрозоллардан, «Лепесток-б» эса концентрацияси 5 гача бўлганларидан ҳимоя қиласи.

У-2К чангга қарши респиратори фильтровчи полу маскадан тузиленган бўлиб, унинг ташқи қавати йирик ковакли полиуретан поропластдан, ички қавати эса юпқа полиэтилен плёнкадан тайёрланган, бунга эса нафас олишни бошқарувчи тугмача ўрнатилган. Улар оралиғига фильтровчи сунъий тола қўйилган. Полумасканинг олдинги қисмида нафас чиқаришни бошқарувчи тугмача ўрнатилган, шунингдек у нафас олиш жараёнида тўпланиб қолувчи намни йўқотиш учун ҳам хизмат қиласи.

Респиратор юқори даражада диспергирланган ўртача ва кам заҳарли чангсимон пестицидлардан нафас йўлларини ҳимоя қиласи. Ундан 30 кунгача фойдаланиш мумкин.

Ф-62Ш чангга қарши респиратори фильтрләри алмаштириб туриладиган фильтрловчи қутичадан, резинали полумаскадан иборат. Бунга нафас чиқариш тугмачаси ўрнатилган. Респиратор ўртача ва кам заҳарли аэрозоллар ҳолидаги (туман, тутун) пестицидлардан нафас йўлларини ҳимоя қиласи, унинг ишлатиш муддати 1 йил, фильтрлаш қобилияти эса 30 кун.


«Астра-2» чангга қарши респиратори ҳам Ф-62Ш респиратори сингари хизмат қиласи. У қисмларга бўлинидиган полумаскадан иборатdir. Шаффоф эгилувчан резинадан тайёрланган. Полумаскага нафас олиш ва нафас чиқариш тугмачалари ўрнатилган, унда алмаштирилувчи фильтрлар ҳам мавжуд. Бу респиратор нафас йўлларини заҳарли моддаларнинг газлари ва буғларидан ҳимоя қилмайди.

Газга қарши респираторлар. РПГ-67 газга қарши респиратори 2 та газга қарши фильтрловчи патрон ва нафас чиқаришни бошқарувчи тугмача ўрнатилган резина полумаскадан иборат. Патронда жойлаштирилган ютувчи модда респиратор патронининг хилини ва ишлатилишини белгилаб беради (А, В, Г, КД); РПГ-67-А — хлорорганик ва фосфорорганик пестицидлардан 10 кун давомида ҳимоя қиласи; РПГ-67-В газлар (водород сульфид, сульфит ангидрид ва водород хлорид) дан, хлор ва фосфорорганик пестицидлардан 5—7 иш куни давомида ҳимоя қиласи. РПГ-67-Г — симоб бутларидан 30 кун давомида ҳимоя қиласи. РПГ-67-КД — водород сульфид ва амиакдан 5 кун давомида ҳимоя қиласи.

РУ-60М универсал респиратори тузилишига кўра РПГ-67 ни эслатади, унинг патронида ютувчи моддадан ташқари аэрозол фильтрлари ҳам мавжуд бўлиб, бир вақтнинг ўзида нафас йўлларини газ, буг, тутун, чанг ва тумандан ҳимоя қиласи. Респиратор хиллари уларнинг қўлланилиши, патрон хиллари билан белгиланади (2-расм).

Ҳаводаги рухсат берилган тўйинганлик концентрацияси 10—15% дан юқори бўлмаган заҳарли моддалардан нафас йўлларини ҳимоя қилишда қўлланилади. Заҳарлилиги жуда юқори бўлган, шунингдек ҳаводаги рухсат берилган тўйинганлик концентрацияси 15% дан юқори бўлган заҳарли мёддалардан ҳимояланиши учун маҳсус саноат противогазларидан фойдаланилади.

А (қўнғир рангли) қутичали РУ-60М респиратори



2-расм. Күриш ва пафас олиш оргапларининг ҳимоя воситалари:

1,2 — вентиляция хусусиятига эга ёниқ ҳимоя нұзойнаклари; 3—герметик ёниқ ҳолдаги құзойнаклар; 4—«Ленесток» түрідеги респиратор; 5—У-2 К респираторы; 6—Ф-82 III респираторы; 7—«Астра-2» респираторы; 8—РПГ-67 респираторы; 9—РУ-60 М респираторы.

билин газ ёки бүг ҳолидаги фосфорорганик ва хлорорганик пестицидлардан, фенол ва мочевина ҳосилалардан, карбамин кислота ҳосилалари, минерал мойлар, формалин, бромметил препаратлардан ҳимояланиш мүмкін, В (сариқ рангли) қутичали мазкур респиратор эса хлор ва фосфорорганик пестицидлар, цианид гурухига оид моддалардан; Г (қора ва сариқ рангли) қутичалиси—символ буллары ва хлорорганик бирикмалардан, КД (кул ранг) қутичалиси водород сульфид ва аммиак ажралиб чиқарувчи моддалардан ва, ниҳоят, Е (қора) қутичалиси—водород фторид ва водород арсенид ажратиб чиқарувчи моддалардан ҳимоя қиласи.

Пестицидлар билан ишлов ўтказиш учун жавобгар шахс ҳар бир құлланилиши лозим бўлган противогаз қутичасининг ишлаш муддатини ва шароитини маҳсус дафтарга ёзиб қўяди.

Ишлов муддати тутагач, барча респиратор патронлари ва противогаз қутичалари ўз вақтида алмаштирилади.

Респираторлар ишловчиларга мослаштириб, ҳар бир шахсга алоҳида берилади.

Респираторлар ҳар куни ишдан сўнг ташқи томондан ювилади. Бунинг учун 1 л сувга 25 г совун ва 5 г сода қўшилади. Ундан кейин тоза сув билан ювилади ва очиқ ҳавода қуритилади. Сўнгра юзга қўйиладиган қисем ва трубкалари спирт ёки калий перманганатнинг 0,5% ли эритмаси билан дезинфекция қилишади.

4. 10. ШАХСИЙ ГИГИЕНА ҚОИДАЛАРИ

Пестицидлар билан ишлаётганда эҳтиёткорлик талаб этилиб, батартиб ва пишиқ-пухта ишланиши лозим.

Пестицидлар билан ишлаганда тавсияномалар ва шахсий гигиена қоидаларига тўла риоя қилиш — улар билан заҳарланишинг олдини олиш йўлидир.

Пестицидлар таъсирчанлиги организмнинг ҳолатига боғлиқ бўлиши ишловчилардан меҳнат қилиш, овқатланиш ва дам олиш тартибига риоя қилишни тақозо этади. Пестицидлар билан ишлаётганда уларни организма тушиши олдини олиш учун чекиш тақиқланади, спиртли ичимлик пестицидларни организмга заҳарли таъсирини 10 марта кучайтириши мумкин, бинобарин пестицидлар билан ишлаётганда спиртли ичимликлар ичиш мутлақо мумкин эмас.

Тартиб билан овқатланиши инсон организмининг бардошлилигини оширади, шунинг учун пестицидлардан заҳарланишинг олдини олишда тартибли овқатланишинг ҳам аҳамияти катта. Овқат таркиби оқсилларга, витаминларга бой бўлиши керак, бундан ташқари, овқат таркибида заҳарни ўраб олиш қобилиятига эга бўлган моддалар (крахмал, желатина) бўлиши керак, булар таъсирида пестицидларнинг қитиқловчи таъсири камаяди.

Пестицидлар билан оч ҳолда ишламаслик лозим, чуюки уларнинг меъда-ичак йўли орқали қонга сўрилиши кучаяди ва организмга заҳарли таъсири ортади. Эрта билан ва кечқурун пестицидлар билан ишловчилар таъми ўткир бўлмаган суюқ овқатлар (шўрва, кисель, чой, сут) ни истеъмол қиласилар. Бундай таомлар пестицидларни организмдан тезроқ чиқарилишига имкон беради.

Шунингдек, организмда суюқликнинг тўпланишига имкон берувчи маҳсулот (тузланган балиқ, сабзавотлар ва ҳоказо)лар истеъмол қилинмайди.

Хлорорганик пестицидлар билан ишловчилар ҳайвонот оқсилилариға бой овқатлар (гүшт, сузма, балиқ), шунингдек кальций тузлари, В₂ витамини етарли даражада бўлган овқатлар билан овқатланиши керак. Мойлар истеъмолда бўлмаслиги лозим, чунки кўп пестицидлар мойларда осонгина эрийди.

Фосфорорганик пестицидлар билан ишловчилар сузма, пишлок, қатиқ, шакар, мева, сабзавот, кўкатлар, гречкали бўтқа, кўпроқ С витаминили овқат маҳсулотлариши истеъмол қилишлари лозим.

Мис бирикмалари сақлаган пестицидлар билан ишланганда кўпроқ сервитамини ва оқсила га бой овқатлар (мол гўсти, бўтқа, сабзавот ва мевалар, шакар, асал) истеъмол қилинади. Рух фосфиди билан ишлаётганда овқатда мой ва сутли маҳсулотлар бўлмаслиги, шунингдек тухум ҳам истеъмол қилинмаслиги керак.

Пестицидлар билан ишловчилар овқатланишдан олдин юз-бетларини совуцлаб ювишлари, иш тугагач душқабул қилишлари лозим.

5-б о б. ПЕСТИЦИДЛАРНИНГ ТАШҚИ МУҲИТ ОМИЛЛАРИГА ТАЪСИРИ

Асримизнинг иккинчи ярмидан бошлаб кимё саноатининг ривожланиши, айниқса қишлоқ хўжалигига кимёнинг изчилик билан кириб келиши ер курраси биосферасига — бутуни борлиқ тирик мавжудот яшайдиган муҳитга кўплаб миқдорда кимёвий чиқиндиларнинг, жумладан пестицидларнинг келиб қўшилишига сабаб бўлди. Бу даврда она табиатни турли хил чиқиндилардан авайлаб-асрапи муаммоси бирламчи ўринга кўтарилди.

Сўнгги 80-йиллар ўрталарида янги экотаксикология фани вужудга келди, бу фан ташқи муҳитни ифлослантириши мумкин бўлган кимёвий моддалардан асрараш йўлларини ўргатади. Шунингдек, уларнинг ташқи муҳит омилларига таъсирини ҳам ўрганади.

Ташқи муҳитни ифлослантиришда пестицидлар ўзига хос хусусиятларга эга, чунки улар бошқа кимёвий моддалардан тубдан фарқ қиласидилар:

1. Биосферада пестицидининг айланиши ва ташқи муҳит омилларига тарқала борини олдин олиб бўл-

Майди (пестицид самолётдан ёки трактор пуркагыйчларидан ишлов берилгач, бутун ер юзига тарқалыб, борлық ичра сингийди ва унда парчаланиб, заарсиз ҳолга айланунга қадар сақланиб қолади). Барча кимёвий моддалар, одатда, қуйидаги тартибда ташқи мұхит шароитида айланади; атмосфера, гидросфера, литосфера ва биосфера. Одатда түрли пестицидлар түрлича давр мобайнида табиатда айланадилар. Улардан турғын бұлмаганлари айланыш жарабейнининг дастлабки босқычларда едәқ буткул парчаланиб, заарсиз ҳолга келади, турғулари эса ташқи мұхитда сақланиб қоладилар ва уларга катта зарар етказадилар.

2. Пестицидлар юқори биологик фаолликка әга моддалар бўлиб, улар табиатга, (инсонга) катта хавф тудиради;

3. Пестицидларни қўлланилганда юқори самарадорликка эришиш лозим, шу сабабли ҳам улар миқдорини тавсияномаларда кўрсатилгандан камроқ меъерда қўллаб бўлмайди;

4. Пестицидлар қишлоқ хўжалигининг турли жабҳаларида қўлланилиши, кўплаб инсонларни пестицид билан алоқадор қилади, натижада ташқи мұхитда кўплаб учрашига сабабчи бўлади. Шу туфайли озиқ-овқат маҳсулотларида уларниң заҳарли қолдиқлари учраш эҳтимоли бор.

5. Пестицидлар табиий шароитда жуда барқарор бўлганлигидан улар озиқ-овқат тизимлари орқали енгил узатилади;

6. Организм билан муносабатда бўлгац қисмида пестицидлар жуда оз миқдорда бўлса-да, тўпланиш қобилиятига әга ва бу жараён биологик фаол ҳолга ўтгунга қадар давом этаверади.

Биосферага пестицидлар таъсириниң қуйидаги қўринишлари мавжуд:

1. Маҳаллий таъсир:

а) заарли организмларга бўладиган бевосита таъсир;

б) сув, тупроқ ва бошқа организмларга кўрсатиладиган иккиламчи таъсир. Бу таъсириниң самарадорлигини пестицидининг дозаси, шакли, қўллаш усуллари ва унинг парчаланиш тезлигига bogliqligi билан изоҳланади.

2. Яқин орадаги иккиламчи таъсир. Бу таъсириниң давомийлиги ва таъсирланиш хусусияти тупроқ-иқлим шароитига bogliq бўлиб, иқлим қанчалик қуруқ бўлса,


канчалик тупроқ шүрхок бўлса ва ер ости сувлари яқин бўлса, бундай шароитда пестицид тупроқда, сувда ва бошқа биологик муҳитларда шунча узоқроқ сақланishi мумкин бўлади.

3. Узоқроқ иккиламчи таъсир. Бу таъсир жуда турғун пестицидларга тааллуқлиди. Бу тур пестицидлар 3—5 йиллар давомида сув ҳавзаларида, ирмоқларида, эриган ёки сўрилган ҳолда сақланади ва дарёларнинг қўйи оқимларида турли мавжудотларга таъсир ўтказади.

4. Жуда узоқ иккиламчи таъсир. Бундай таъсирга эга бўлган пестицид жуда барқарор бўлиб, бутун ер курраси бўйлаб тарқаган бўлади. Турли йўллар билан (ҳаво оқими, циклонлар, инсон, ҳайвон ёки транспортлар ҳаракати ёрдамида) тарқалиш қобилиятига эга бўлган ўта турғун пестицидларdir.

Шундай қилиб, ташқи муҳит шароитида пестицидлар жуда узоқ масофаларга тарқалиб, ташқи муҳит омиллари — тупроқ, ҳаво ва сувни заарлайди ҳамда унда яшайдиган барча жонзотларни заҳарлашга олиб келиши мумкин.

Пестицидларнинг айланиши қўйидаги расмда тасвирланган (3-расм). 1. ҳаво — ўсимлик — тупроқ — ўсимлик — ўтхўр ҳайвонлар — инсон; 2. тупроқ — сув — зоофитопланктон — балиқ — инсон. Масалан, 1 кг тупроқка хлорорганик пестицидларнинг мингдан бир улуси



3-расм. Пестицидларнинг ташқи муҳитда тўшланиши ва айланиши (М. И. Лупев. 1992).

хисобида қолдиқ миқдори сақланган бўлса, шундай тупроқда етиширилган сабзининг ҳар бир кг ига 1—6 мг гача пестицид ўтиши мумкин. Батъан пестицид ўсимлик илдизига ўтади ва мева етила бошлани билан унга ўта боради. Қўлгина ўсимликлар ва барча ҳайвои организми ўз танасига хлорорганик пестицидларни тўплай олиш қобилиятига эга.

Шундай қилиб, пестицид билан инсон ўртасида озиқовқат кўпприк ҳисобланади, чунки пестицид қолдиқларининг инсон организмига ўтишининг энг бирламчий йўли озиқ-овқатдир, шу сабабли инсон ва озиқ-овқат оралигига хавфсизлик тўсиги — юқори чегара (ю. ч.) қўйилиши шарт. Озиқ-овқатларни сақлаш, тайёрлаш жараёнларининг барча босқичларида пестицид қолдиқларини камайтиришга онд ишлар амалга оширилмоги даркор.

5.1. ПЕСТИЦИДНИНГ ҲАВОДАГИ ҲОЛАТИ

Пестицидлар ҳавога қишлоқ ҳўжалик экинлари, сувҳавзалари, ўрмонзорларда ишлов ўтказиши оқибатида ўтади. Қўлгина барқарор пестицидлар жуда олис масофаларга ҳаво ҳаракати орқали тарқала боради.

Пестицидлар чанглаш усули билан қўлланилганда, айниқса самолётлардан фойдаланилганда, пестицид заррачалари ҳаво оқими билан катта масофага тарқалиши мумкин. Ҳисобларга кўра, ўрмонзорда пестицидлар чанглаш усули билан ишлатилганда ишлов ўтказилган майдондаги ўсимликларга пестицидинг 50% и ўтар экан, қолган 50% и ҳавода бирмунча давр муаллақ қолиб, ҳаво оқими ёрдамида ишлов ўтказилган ердан жуда узоқ масофаларга тарқалиб, кейин ўсимлик ёки тупроқ бетига сочиладилар. Қўпинча тез учувчан пестицидлар кўпроқ тарқалади, бу борада чанглаш усули пуркаш усулига иисбатан хавфлироқдир.

Пестицидлар тупроқ эрозияси вақтида ёки тупроқка ишлов берилгаётган ва ҳосилни йигишириб олинаётган вақтда тупроқ заррачалари ҳолида ҳавога тарқалади.

Пестицидлар ҳавога нам тупроқ шароитида ҳам бурланиш ҳисобига ўтиши мумкин, тупроқ ва ўсимлик сиртидан сувнинг бурланиши ҳисобига ҳам пестицидлар ҳавога тарқалиши мумкин.

Пестицидларнинг ҳавода тарқала боришига уларнинг физик-кимёвий хоссалари, ҳаво ҳарорати, шамолнинг тезлиги, ишлов майдонининг ҳажми ва қўллаш

усуллари катта аҳамиятга эга. Ҳавода пестицидинг энг кўп миқдори куннинг иккинчи ярмида тўпланади, бунида ҳаво ҳарорати энг юқори бўлади.

Пестицидлар ҳаводан сув томчилари билан бирга ёғини ҳолида ёки кимёвий парчаланиш оқибатида ажralади. Кимёвий парчаланиш натижасида пестицидлар зарарсиз моддалалар ҳолига келиши мумкин, буға сув буғлари иштирокида гидролизланиш, озон ёки кислород ёрдамида оксидланиш каби реакциялар ёрдам беради.

Пестицидлар ҳаводан сувга, тупроққа тушади ва яна табиатда айланишини давом эттиради.

5. 2. ПЕСТИЦИДНИНГ СУВДАГИ ҲОЛАТИ

Пестицидлар сув ёрдамида ташқи муҳитда ҳаракатланади, очиқ сув ҳавзаларига улар заводлар чиқиндиши, қишлоқ хўжалик экиниларига самолёт ёки трактор пуркагич (чанглатгич) лари ёрдамида ишлов берилганда, шунингдек ёмғир сувлари ёки оқар сувларга, моллюскаларга, сув ўтларига, турли юқумли касалликлар тарқатувчи паразитларга қарши ишлов бериш оқибатида тарқалади.

Ер ости сувлари, дунё дарёлари ёки океанлари пестицидлар қолдиқларини тўпловчи «омбор» десак мубоблага бўлмайди. Кўпгина давлатларнинг очиқ сув ҳавзаларида барқарор хлорорганик пестицид қолдиқлари топилган, лекин уларнинг миқдори хавф туғдирадиган даражадан анча настдир.

Кўпгина пестицидлар жуда оз миқдордаги қолдиқлари билан сувнинг таъми ёки исини бузиб юборади, кислород ҳосил бўлишига салбий таъсир кўрсатади ёки сувда яшовчи кўпгина жониворлар ҳаётини хавф остида қолдиради. Бу таъсир тўғридан-тўғри жониворларга салбий таъсир кўрсатиши ёки улар учун ниҳоятда зарур ҳисобланган кислороднинг камайиши оқибатида ҳам намоён бўлиши мумкин.

Шуниси эътиборга лойиқки, турли хил балиқлар пестицидлар таъсирига турлича муносабатда бўлади. Балиқлар учун энг хавфлилари хлорорганик пестицидлардир, энг кам таъсиричанлари фосфорорганик ёки карбамат кислота ҳосилалари каби пестицидлардир.

Айниқса, гербицидлар сувда алоҳида ўрин тутади. Гербицидлар сув ҳавзаларидағи кўпгина тирик мавжудотларга салбий таъсир этади.

Шуниси характерлики, айрим пестицидлар сувда тез парчаланади, шу сабабли ҳам улар сув учун бирмунча хавфсиздир.

5. З. ПЕСТИЦИДНИНГ ТУПРОҚДАГИ ҲОЛАТИ

Пестицидлар тупроққа, әкинларга, ўрмонзорларининг тупроқдаги заарли организмларига: зааркунандалариға, нематодларига, бегона ўтларига, касаллик құзғатувчиларига қарши кураш натижасыда ўтади. Шунингдек, улар тупроққа ишлов берилгандан ва ёғингарчиликлардан кейин ўсимлик организмидан чиқиб ёки шамол ёрдамида ўтиши мүмкін.

Пестицидлар тупроққа ерга тұқылған ўсимлик қисмлари — барг, поя ва илдиз орқали ҳам унинг қолдиқлары сифатида ўтиши мүмкін. Улар тупроқ шаронтига күра турлы давр мобайнида ўзларининг зақаралик хоссаларини сақтай олади.

Пестицидларнинг тупроқдаги физик, кимёвий ва биологик жараёнларнинг парчалаш хусусиятларига бардошлигини белгиловчи омил уларнинг персистентлигидир.

Пестицидларнинг тупроқдаги түрғышлиги (персистентлигі) уларнинг физик-кимёвий хоссаларига, дозалари, құллаш усуллари, тупроқнинг тури, унинг намындығы, ҳароратига, тупроқ микрофлораси таркибиға, тупроқни ишлеш хусусиятларига бағыт.

Г. С. Груздев таърифича, пестицидлар тупроқдаги түрғунлигига күра қуйидаги бүлинади (8-жадвал).

Одатда, пестицидлар тупроқда горизонтал ва вертикаль йұналишларда ҳаракатланади, бунда тупроқ капиллярларидаги сувнинг молекуляр диффузияси катта роль үйнайды. Пестицидлар, айниқса, ёмғыр сувларидан көйин анча чуқурлікка силжайды. Күрғоқчылық вақтларыда эса пестицидлар тупроқдан юқорига томон ҳаракатланади ва ундан буғланып ҳавога тарқалади.

Тадқиқотлар күрсатышича, ГХЦГ тупроқда кам ҳаракатланади. Асосан ГХЦГ тупроққа ишлов берилгандагина унинг қисмлари билан ҳаракатланади, холос. Севин эса қора тупроқ зоналарыда 50—70 см чуқурлікке силжайды. Гербицидлардан мочевина ҳосилалари тупроқда кам ҳаракатланади, шунингдек кам әрүвчанлигига күра триазинлар ҳам тупроқда суст ҳаракатланади.


Пестицидлар тупроқда унинг физик-кимёвий хосса-

Пестицидларнинг тупроқдаги турғышлиги бўйича бўлиниши

Пестицидлар	Парчаланиш муддати, ой
Хлорогапик инсектицидлар, триазиплар, мочевина ҳосилалари	18
Бензой кислота ва турли амидлар ҳосилалари	12
Феноксиалкилкарбон кислоталар ҳосилалари	6
Карбамин кислота ҳосилалари	3
Фосфорорганик пестицидлар	3 ойгача

ларига кўра микробиологик хусусиятига мувофиқ парчаланиш қобилиятига эга. Пестицидлар сув билан ернинг чукур қатламига сингийди ёки улар бугланиб кетади. Куйидаги 4-расмга эътибор беринг.

ПЕСТИЦИДЛАРНИНГ ТУПРОҚДАН ЙЎҚОЛИШ ЙЎЛЛАРИ



4-расм. Пестицидларнинг тупроқдан йўқолиш йўллари.

Тупроқда пестицидларнинг шимилишига pH мұхити ҳам таъсир қиласы. Масалан, гардана, монурон каби пестицидлар pH нинг ортиши билан, уларнинг адсорбилиниши тезлашади. Триазинлар гурухига оид гербицидлар тупроққа адсорбилиниш қобилиятында күра қўйидаги тартибда жойлашади: пропазин, атразин, симазин, прометрин.

Пестицидлар адсорбилиниши тупроқ ҳароратига ҳам боғлиқ, нам ва совуқ ҳарорат шаронтида триазин гербицидлари тупроқнинг устки қатламига яхши сўрилади ва натижада уларнинг ювилиши ва парчаланиши камайди.

Ёғингарчилик ва ҳароратнинг ортиши пестицидинг тупроқдан десорбцияланишини тезлатади. ГХЦГ сув билан тупроқдан буғланиш хусусиятига эгадир, бу билан унинг фаоллиги камая боради. Ўзларининг учувчанлик хусусиятларига кўра эптам, тиллам, трефлан каби гербицидлар тупроқдан буғланиб кетади. Уларнинг буғланиши тупроқ намлигига боғлиқдир. Эптам қўллапилгандан кейин, 20 минут вақт ичиде унинг буғланиши қуруқ тупроқда 20% ни, нам тупроқда эса 27% ни ва ҳўл тупроқда 44% ни ташкил этади. Шу сабабли учувчан гербицидлар билан ишланганда, уларни албатта тупроқ билан аралаштириш зарур.

Юқори ҳарорат таъсирида пестицидларнинг тупроқдаги парчаланиш жараёни тезлашади. Масалан, атразин, симазин, диуроплар юқори ҳарорат ($40-80^{\circ}\text{C}$) таъсирида ўзларининг таъсирчалигини 40—97% миқдорида камайтиради.

Пестицидларнинг парчаланиши қуёш нури таъсирида тезлашади. Бунда қуёшнинг ультрабинафша нурлари асосий восита ҳисобланади. Бундай таъсир остида кўпгина пестицидлар ўз таъсир кучларини йўқотадилар. Масалан, реглон. Бунда ҳосил бўлган парчаланиш маҳсулотлари одатда кам заҳарли бўлади.

Микробиологик таъсир остида ҳам кўпгина пестицидлар парчаланади. Парчаланиш жараёнининг турли жабжаларидан ҳар хил микроорганизмнинг ферментлари иштирок этади. Микроорганизмлар таъсири остида парчаланиш жараёни қўйидаги реакциялар натижасидир: дегаллоидлаш, дезалкиллаш, амидли ёки эфирли гидролиз, оксидланиш-қайтарилиш, эфир боғларининг узилиши, ароматик ҳалқанинг узилиши.

Микроорганизмлар томонидан ишлаб чиқилган фер-

ментлар хоссаларига күра, улар таъсирида бўлган турли моддаларнинг парчаланиш жараёни турлича бўлади. Ароматик ҳалқали моддаларнинг микробиологик парчаланиш жараёни очиқ занжирли углеводородларга нисбатан сустроқ боради. Занжирли углеводородлар қаторининг парчаланиши ён шохобчали гуруҷчаларнинг оксидланишидан бошланади. Агар ароматик углеводородлар қаторида икки ва ундан ортиқ ароматик ҳалқалар бўлса, улар бирин-кетин парчаланади.

Пестицид молекуласидан хлор атомини чиқариб юбориш дегалоидирлаш дейилади, ТХА ва далапон каби гербицидлар парчаланишининг дастлабки босқичларида ана шундай жараён рўй беради. Бунда галлоид атомининг жойлашиши, унинг тури алоҳида аҳамиятга эга. Молекулада галлоид атомларининг ортиб бориши уларнинг парчаланишини секинлаштиради.

Тупроқда пестицидларнинг микробиологик оксидланиш жараёни турлича кечади. Молекуласи таркибига амидлар ёки ацетамидолар кирувчи гербицидлар—хлор-ИФК ва пропанид — парчаланиши, амид боғининг узилиши билан кечади, бунда анилин ва алифатик кислоталар ҳосил бўлади.

Хлорорганик пестицидлар микробиологик парчаланиш жараёнига бирмунча чидамлидир, уларнинг парчаланиши фосфорорганик ёки карбамат пестицидларига нисбатан секинроқ кечади.

Фунгицидлар тупроқда микробиологик парчаланиш жараёнига жуда барқарордир, чунки улар бактерицидлик ёки фунгицидлик таъсиirlарини намоён қиладилар.

Умуман, олимларимиз таъкидлаганларидек, барча табиий ёки сунъий моддалар тупроқда микроорганизмлар таъсирида албатта парчаланиб, заарсиз ҳолга айланишилари муқаррардир.

Тупроқда тургун ва барқарор моддаларнинг тўплана бориши, уларни кўпгина ҳолларда ўсимлик танаси, барги ва илдизмевалари томон ҳаракатланишига олиб келади. Пестицидининг бундай ҳаракати ва ўсимлик танасига ўтиш даражаси пестицидини ўсимлик ёки тупроқ танасига сингиш қобилиятига, уларни тупроқقا берилган сарфлаш меъери миқдорига боғлиқdir.

Ҳар хил экинлар пестицид қолдиқларини тупроқдан турли миқдорда ўзлаштира олади, масалан, сабзи тупроқда бўлган миқдордан ортиқроқ даражада ГХЦГ пестицидини ўзлаштиришга қодир. Турли экинлар тупроқ-

дан пестицид қолдиқларини ўзлаштира олиш даражасига қараб қаторга қуйидагича жойлашадилар: сабзи, петрушка, картошка, лавлаги, күп йиллик ўтлар, помидор, маккажүхори, карам. Хлорорганик пестицидлар кўпинча ўсимлик ҳосил органларининг пўст қаватида, палагида кўпроқ ва ҳосилда эса кам миқдорда учрайди.

Тупроқ таркибидаги пестицидлар уларнинг микроорганизмларига таъсир кўрсатади, ҳисобларга кўра хлорорганик пестицидлар рухсат этилган сарфлаш меъёrlарида қўлланилганда тупроқ таркибидаги микроорганизмлар фаолиятига салбий таъсир кўреатмайди.

Тез парчаланиб кетишга мойил фосфорорганик пестицидлар рухсат этилган сарфлаш меъёrlарида тупроқ микроорганизмларидан бъзиларига ривожлантирувчи таъсир кўрсатади, агар уларнинг сарфлаш меъёrlарини орттирасак, унда таъсир аввал сўнидирувчи, кейин эса ривожлантирувчи сифатида намоён бўлади.

Фосфорорганик пестицидларга иисбатан тупроқ микроорганизмларининг сезгирилиги турличадир.

Фунгицидлар ва фумигантлар тупроқ микроорганизмларига салбий таъсир кўрсатади.

Гербицидлар тупроқда бирмунча тез парчаланади, улар тавсия қилинган миқдорда қўлланилганда тупроқ микроорганизмларига салбий таъсир кўрсатмайди. Гербицидлар юқори сарфлаш нормаларида қўлланилганда турли микроорганизмларга турлича таъсир кўрсатади, бунда тупроқ микрофлораси аввал ўз фаоллигини сусайтиради, кейин пестицидлар ферментлар таъсирида парчаланиши оқибатида микрофлора ўз фаоллигини орттиради.

Тупроқ микрофлораси учун беқарор, тезда парчаланиш қобилиятига эга бўлган пестицидлар хавфсизdir. Хлорорганик пестицидлар — гексахлоран, гентахлор, полихлоркамfen рухсат этилган меъёrlарда ёмғир чувалчанги, нематодлар учун кам заҳарлидир. Лекин тупроқ бўғимоёқлилари (каналар) учун улар заҳарлидир.

5.4. ПЕСТИЦИДЛАРНИНГ БИОЦЕНОЗГА ТАЪСИРИ

Ҳар бир биоценозининг асосини фитофаглар — ўсимлик билан овқатланувчи организмлар ташкил этади. Фитофаглар миқдорини энтомофаглар — фитофагларнинг кушандалари ва паразитлари бошқариб туради.

Бир хил экин турига эга бўлган агробиоценозда

фитофаглар тақсимоти жуда кескин фарқланади: бу экин тури билан озиқланадиган ва шу экин турига ниҳоятда чидамсиз бўлган фитофаг турлари тезда камайиб кетади ва бунга қарши ўлароқ шу ўсимлик тури билан озиқланувчи зааркунандалар турининг ривожланиши учун жуда қулай шароит яратилади ҳамда улар мазкур ўсимлик учун жуда хавфли фитофаглар ҳисобланади. Бундан ташқари, баъзи энтомофагларнинг самарадорлиги зааркунандалар турларининг камайиши ҳисобига бир қадар сусайди. Ана шунинг учун ҳам агробиоценозда кўпинча ўёки бу тур фитофагларнинг катта зарари рўй бериб туради ва уларга қарши пестицидларни жуда кенг миқёсда қўлланилишини тақозо қиласди.

Пестицидларни узлуксиз қўллай бериш биоценозга бевосита салбий таъсир кўрсатади, чумолилар, чанглатувчи ҳашаротларга заҳарли таъсир қиласди, сув жониворлари ва балиқларга, қушларга салбий таъсир этади, инсон ва ҳайвон организмига билвосита таъсир қиласди.

Гербицидларни қўллаш ҳам ўз навбатида агробиоценоз барқарорлигига таъсир этади. Улар бегона ўтларни йўқотиш билан ҳашаротларни озиқдан маҳрум этади, маданий ва бегона ўтларнинг моддалар алмашинуви жараёнини бузади. Бундай таъсир оқибатида ўсимликларда аминокислоталар таркибига таъсир этади, баъзилари эса йўқолади. Буларнинг барчаси ҳашаротлар наслига птур етказади. Баъзи гербицидлар ҳашаротларни уругсизлантиради. Гербицидлардан дала-пои каналарни кўпайишга олиб келса, атразин тупроқдаги каналар ёки симқуртлар миқдорини камайтиради.

Гербицидлар тупроқда ўсимлик касалликларини қўзгатувчиларнинг кўпайишига олиб келади; трефлан билан карамга ишлов берилгандан, унинг кана билан касалланиши камая боргай.

Ўрмонзор энтомофагларига инсектицидлар кўплаб салбий таъсир кўрсатади, айниқса ўрмонлар самолётлар ёрдамида хлорорганик пестицидлар билан ишланганда кўплаб энтомофаглар қирилиб кетган. Бунда тахин пашшалари, браконидлар, сирфид пашшалари ва бошқалар кўплаб қирилиб кетган. Фитофаглар истемол қиласдиган жониворларнинг пестицидлар таъсиридан қирилиб кетиши оқибатида энтомофаглар миқдорининг қайта тикланиши жуда суст боради.

Энтомофагларнинг қирилиб кетиши олдини олиш учун ўрмонзорларни зарарланиш ҳолатига қараб кичик-кичик майдонларда ишлов бериш мақсадга мувофиқдир, айниқса эрта баҳорда, ҳали энтомофаглар ривожланмаган вақтда пестицидлар билан ишлов берилгани маъқул. Айниқса, боғларда пестицидларнинг акаро-энтомофагларга таъсири жуда сезиларлидир. Хлорорганик ва фосфорорганик пестицидларни сурункали қўллаш оқибатида кўпгина зараркунандалар кўпайиб, хавфли даражага кўтарилиши мумкин. Боғларда хлорорганик пестицидлар қўлланилиши оқибатида кўплаб акарифаглар қирилиб кетади, натижада каналарнинг хавфли даражаси боғдорчиликка катта зарар келтириши мумкин.

Бир йиллик экинилар пайкалида инсектицидларнинг энтомофагларга таъсири унча сезиларли бўлмаса-да, бу ерда ҳам улар кўплаб учрайди. Ҳисобларга кўра, 1 га картошка пайкалида 2000—3400 дона сирфидлар, 2400—4800 дона визилдоқ қўнғизлар, 203000 тага қадар йиртқич ўргимчаклар бўлиб, улар колорадо қўнғизига қарши кимёвий ишлов берилган вақтда бутунлай қирилиб кетади.

Фалла далаларида заарли ҳасвага қарши қўлланилган кимёвий ишлов натижасида Carabidae ва Cicindelidae оиласларига мансуб энтомофаглар бутунлай нобуд бўлади.

Мева боғларига олтингугурт препаратлари билан ишлов берилганида олманинг вергулсимон қалқондори кўпайиб кетиши кузатилади, чунки унинг кушаидаси ҳисоблашган паразит *Aphidis laspidis* камайиб кетади.

Пестицидларнинг энтомофагларга салбий таъсирини турли йўллар билан камайтириш мумкин. Бунинг учун ишлов бериш, албатта мева боғлари ва экинзорларда зараркунандаларни ҳар беш кунида кузатиб туриш патижалари ва прогноз лабораторияларнинг кўрсатмалари асосида ўтказилиши лозим.

Пестицидлар билан ишлов беришнинг энг мақбул вақти энтомофагларнинг фаоллиги энг суст даврида ёки шундай ерларда ишлов бериш лозимки, унда пестицид билан энтомофаг ўртасида тўқнашув содир бўлмасин. Эрта баҳорда боғларда ўтказилгани кимёвий ишлов таъсиридан дараҳтлардаги заарли организмлар қирилиб кетади, лекин тупроқ оралиғидаги энтомофаглар эса

заарсиз ҳолатда бўлади, энтомофагларни асрар борасида зарурий кичик майдонлардагина ишлов бериш лозим, ёнпасига ўтказилган кимёвий ишлов кўплаб фойдали организмларни қириб юборади. Шунингдек селектив таъсирга эга бўлган пестицидларни қўллаш ҳам заарарли организмларни қириб ташлаб, энтомофагларга салбий таъсир кўрсатмайди.

Энтомофагларни асрар қолиш учун пестицидлар қўллаш усуслари ва шаклларини ўзгартириш ҳам яхши самара беради. Масалан, уруғларни системали таъсирга эга бўлган пестицидлар билан дорилаш, фойдали организмлар билан пестицидлар тўқнашувини камайтиради ва чанглаш ёки пуркаш усувларига нисбатан пестицидларни гранула ҳолида қўллаши энтомофаглар учун бирмунча хавфсизdir.

Инсектицидлар дозалари, шакллари ва усувларига кўра, ўрмонларга ишлов берилаётганда чумолиларга таъсири турлича бўлади. Пестицид билан ишлов берилаётган вақтда тўқнашган чумолиларгина ҳалокатга учраган, холос.

Чумолилар пестицидлар билан ишлов берилганда ўзларини ҳимоя қилиш мақсадида уяларига яшириниб олади.

Гуллаётган ўсимликларга пестицид қолдиқларининг тушиши асалариларнинг заҳарланишига сабаб бўлади. Меъда-ичак йўли орқали таъсир қилувчи пестицидлар асалариларга нектар, гул чангларни ёки сув орқали қириб заҳарли таъсир кўрсатади. Айниқса, хитин орқали ўтиб, организмда заҳарли таъсир кўрсатувчи пестицидлар жуда хавфлидир. Ҳашаротлар оламида асалариларнинг асаб тизимлари жуда ривожланган бўлади, шу сабабли улар асаб тизимига таъсир қулувчи пестицидларга таъсирчандир.

Изланишларнинг кўрсатишича инсектицидлардан меъда-ичак орқали таъсир кўрсатувчи севин ва хлорофос асаларилар учун жуда хавфлидир. Бунда севин асалари учун хлорофосга қараганда 9,8 марта заҳарлидир.

Пестицидларнинг асалариларга салбий таъсири олдини олиш учун, албатта, пестицидлар билан ишлаётганда эҳтиёт чораларига тўла риоя қилиш лозим.

5.5. ПЕСТИЦИДЛАРНИНГ ОДАМ ОРГАНИЗМИГА ТАЪСИРИ

Пестицидлар инсон организмига турли йўллар билан киради. Булардан энг кўп учрайдигани ва хавфлиси нафас орқали кукунсимон, бугсимон ёки газсимон моддаларнинг киришидир.

Юқори нафас йўлларининг шиллиқ қавати, ўпка альвеолаларининг катта сирти ва ўпка тўқимасининг лимфатик пайлари пестицидларнинг қонга сўрилишини тезлаштиради ва заҳарланиш жараёнини янада ривожлантиради. Одатда пестицидларнинг таъсири ошқозон-ичак йўли орқали кирганига қараганда нафас йўллари орқали кирганда тезроқ содир бўлади, чунки бунда пестицид қонга ўпка орқали ўтади ва киши организмидаги тўсиқ—жигарга дуч келмайди. Пестицидлар нафас йўллари орқали организмга кирганда шиллиқ қаватлари ва ўпка тўқималарини қитиқлайди.

Баъзи заҳарли моддалар организмга тери орқали ҳам киради. Асосан липидларда эрийдиган ва маҳаллий таъсирга эга бўлган моддалар организмга тери орқали киради. Терининг турли қисмлари турли ўтказувчаник хусусиятига эгадир. Пестицидлар терининг юпқа ва нозик эпидермисга эга бўлган қисмлардан — қўл ва оёқнинг букиладиган жойларидан яхши ўтади. Агар тери заарланган бўлса, у ердан ҳам пестицид осон ўтади.

Пестицидлар организмга кўз, оғиз бўшлиғи ва бурнининг шиллиқ қаватлари орқали ҳам яхши ўтади.

Пестицидлар инсон организмига ошқозон-ичак йўли орқали ҳам яхши ўтади. Бу ҳодиса шахсий гигиена қоидаларига риоя қилинмаганда, шунингдек пестицид кукун ҳолида оғизга тушганда содир бўлади. Бундан ташқари, пестицидлар озиқ-овқат маҳсулотлари билан қолдиқ сифатида меъда-ичак орқали организмга оз миқдорда тушиши мумкин. Бунда пестицид ичакларнинг шиллиқ қаватлари орқали тезда шимилади. Сўрилиш тезлиги пестицидинг эрувчанилигига, ошқозондаги озиқ-овқат массасининг миқдорига, реакция муҳитига ва бошқаларга боғлиқ.

Инсон организмига пестицид маҳаллий ёки умумий таъсири кўрсатиши мумкин.

Маҳаллий таъсири заҳарли модда билан терининг тўқнашган жойида содир бўлиб, бунда тери тўқимасида турли ўзгаришлар содир бўлади. Маҳаллий таъсири

қоңға сүрилишдан олдин содир бўлади. Маҳаллий таъсир қитиқловчи, буриширувчи, қайдирувчи, аnestезия қилувчи бўлиши мумкин.

Маҳаллий таъсирга кўпинча рефлектор таъсир улашиб кетади, бунда пестицид тўқнашган жойдан марказий асаб тизимига асаб импульслари кетади, бу эса ўз навбатида жавоб реакциясини вужудга келтиради.

Заҳарли моддалар ҳар қандай усул билан организмга киргач, қоңға сўрилади ва ўзининг резорбтив (умумий) таъсирини кўрсатади.

Пестицидлар инсон организмига тушгач, албатта, турли ўзгаришларга учрайди: оксидланиш, қайтарилиш, дезаминланиш ва ҳоказо. Натижада пестицид юқорида айтганимиздек, гоҳо фаоллашади, гоҳо заҳарлилиги сусайди.

Фосфорорганик пестицидлар иссиқконли ҳайвонлар организмига нафас ва ҳазм қилиш йўллари, тери ва шиллиқ қаватлари орқали киради. Улар организмда турли ўзгаришларга учрайди. Булар ҳам худди ҳашаротлар организмидаги каби гидролизга учрайди ва заҳарли бўлмаган моддаларгacha парчаланади.

Баъзи фосфорорганик бирикмалар инсон организмидага оксидланиш жараёшига учраб, кўпроқ заҳарли моддаларга айланади. Масалан, тионфосфатлар тиолфосфатларга, сульфидлар сульфоксидлар ва сульфонларга айланади.

Фосфорорганик пестицидлар изомеризация ҳодисасига учраганда ҳам уларнинг заҳарлилиги ортади.

Фосфорорганик пестицидлар инсон ва иссиқконли ҳайвонлар организмидаги, асосан холинэстераза, шунингдек бошқа ферментлар — трипсин, химотрипсин, қон зардоби ва жигар эстеразалари, липаза, тромбин ва плазминилар фаоллигини сусайтиради.

Хлорорганик пестицидлар инсон ва иссиқконли ҳайвонлар организмига нафас йўллари орқали, ҳазм қилиш органлари ва тери орқали кириши мумкин. Хлорорганик пестицидлар ҳам иссиқкошли ҳайвон ва инсон организмига тушгач, турли ўзгаришларга учраб заҳарсиз моддаларгacha парчаланади.

ГХЦГ нинг Y — изомери инсон организмидаги 2,4,6 — трихлор фенолга айланади ва организмдан бирмунча тезроқ чиқарилади.

Хлорорганик инсектицидлар (гексахлоран, гентахлор ва бошқалар) марказий асаб тизимига таъсири қи-

лади. Бундан ташқари, улар бир қатор нафас ферментлари — цитохлороксидаза, сукциндегидрогеназаларнинг фаоллигини сусайтиради. Бу инсектицид гуруҳидаги моддалар жигар, бўйрак ва бошқа органлар функцияларини сусайтиради.

Карбаматлар гуруҳига кирувчи севин организмга тушгач, тезда гидролизга учраб, β—нафтилглюокуронил ҳолида чиқарилади. Бу инсектицид ҳам юқоридаги гуруҳ инсектицидлари каби холин-эстераза ферментацисиңг ишини сусайтиради. Бундан ташқари, карбаматлар организмда бўладиган оксидланиш реакциясини камайтиради. Улар тўқималарни кислород билан тъминланишини қийинлаштиради, шунингдек сульфидрил ферментларининг ишини сусайтиради.

Симобнииг органик бирикмаларига кирувчи фунгицидлар кўпроқ кучли таъсир этувчи пестицидлар гуруҳига кириб, организмга меъда-ичак йўли, тери ва шиллиқ қаватлари орқали киради. Тери ва шиллиқ қаватларга маҳаллий қитиқловчи, таъсир қиласи. Организмни заҳарланиши, асосан, марказий асад ва ошқозон-ичак тизими, бўйрак, жигар, юрак-томир тизимларининг иши бузилиши билан содир бўлади.

Симобнииг органик бирикмаларининг таъсир механизми шундан иборатки, бунда тўқима оқсилилари ферментларининг сульфидрил гуруҳларини боғлаб олади.

Симобнииг органик бирикмаларини зарарсизлантиришда жигарнииг аҳамияти ниҳоятда каттадир, унда кўпгина оксидловчи ва қайтаришувчи реакциялар, синтез ҳамда парчаланиш реакциялари содир бўлиб, натижада заҳарларнинг таъсири бутунлай ёки қисман йўқотилади. Бундан ташқари жигар таркибидаги гликоген ҳам жигарнииг зарарсизлантириш хусусиятини бирмунча оширади. Жигарда гликогеннинг камайинши, уни зарарсизлантириш хусусиятини камайтиради.

Инсон ва иёсиқонли ҳайвонлар организмидан заҳарли моддалар бўйрак, меъда-ичак йўли, жигар, тери ва сут безлари орқали ажралиши мумкин. Эмизикли аёлларнинг пестицидлар билан ишлаши мумкин эмас, чунки юқорида айтганимиздек, кўпгина пестицидлар сут безлари ёрдамида организмдан чиқарилади.

5.6. ПЕСТИЦИДЛАРИННИГ МАДАНИЙ ЎСИМЛИКЛАРГА ТАЪСИРИ

Пестицидлар, заарли организмларни йўқотиш билан бир вақтда улар ҳимоя қилаётган маданий ўсимликларга ҳам бир қатор таъсир кўрсатади. Пестицидлар билан маданий ўсимликлар ўртасида бўладиган жараёнлар анча мураккабдир, турли пестицидлар ўсимликларга турлича физиологик фаол моддалар сифатида таъсир этади; пестицидлар билан ўсимликлар ўртасидаги муносабатларни ўрганишда уларни пестицидларга нисбатан турлича чидамлилиги ҳам катта роль ўйнайди. Одатда, бу чидамлилик пестицидинг сарфлаш месъёри, унинг таркиби ва препарат шакли, қўллап вақти ва усулига, ўсимлик тўқималари ва органларининг ўсиш фазаларига, анатомик ва морфологик тузилишига боғлиқдир.

Пестицидлар ўсимлик танасига кириши билан унинг ўртасида муносабатлар бошланади. Турли пестицидлар ўсимлик организмига турлича киради. Баъзи пестицидлар ўсимликнинг капилляр пайчалари орқали осонгина унинг бутун танаси бўйлаб тарқалади ва умумий таъсир кўрсатади. Баъзилари эса ўсимлик танаси бўйлаб таъсир этиш қобилиятига эга бўлмай, балки ўсимликнинг маълум бир қисмидагина тўпланади ва улар маҳаллий таъсир этади.

Пестицидинг хусусияти, унинг сарфлаш месъёри ва ўсимликнинг тури ва ёшига кўра, шунингдек ташки муҳитнинг таъсирига қараб ўсимликка салбий ва ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўсимликка кирган пестицидлар ўсимлик организмидаги маълум бир метаболизмга (ўзгаришга) учрайди. Ўзгариш тезлиги 7 кундан 20 кунгача давом этиши мумкин. Бу ўзгариш ёш ўсимликларда тезроқ кечади, уларда кечадиган жараёнлар юқори физиологик фаолликка эга бўлади. Ёш ўсимликларда ферментлар, витаминалар, гормонлар юқори фаолликка эга бўлади, шу сабабли улар пестицидлар билан тезроқ таъсирланаб, уларни фаоллигини камайтиради. Метаболизм жараёнининг тезлигига кўра пестицидларининг ўсимликтада сақланиш муддати, яъни ҳимоя қилиш вақти аниқланади. Секин метаболизмга учрайдиган пестицидлар ўсимлиқда узоқроқ сақланиши уларнинг заҳарли қол-

диңләрің үсімлик маңсулоттарында үтиш хавфини оширади.

Күпгина пестицидлар үсімлікка ер остики органлары (илдиз ва бошқалар) ва ер устки (барғлар, поялар ва бошқалар) органлари орқали киради. Агар пестицид тупроққа солинган бўлса, ёки үсімлік уруғи дориланган бўлса, унда пестицид үсімлікнинг илдизи орқали киради.

Үсімлікнинг ер устки қисміга пестицид барг оғизчалари ёки кутикула орқали киради.

Хозирги замон тасаввурига кўра, кутикула қўйидаги тўртта компонентдан тузилган: кутин — липофил ва гидрофил хусусиятларига эга бўлган юқори молекуляр кислота ва спиртлардан тузилган, гидрофоб хусусиятига эга бўлган мум — бу ҳам мой кислоталари ва бир атомли спиртлар мураккаб эфирларидан ҳисобланади, пептин — аморф структурали гидрофоб моддаладан иборат, сув ва поляр моддаларнигина ўтказиш қобилиятига эга; целялюзда гидрофиллик хусусиятига эга бўлган чўзилувчан моддадир.

Бутун барг кутикула қавати билан қопланган бўлиб, пестицидларнинг барг тўқимасига киришида асосий тўсиқ ҳисобланади. Кутикула манфий зарядга эга бўлиб, ўзидан сувни ўтказиш қобилиятига эга. Кутикуланинг липоид қисмидан эса липофил моддаларгина ўтади.

Барг орқали эритма ёки эмульсия ҳолидаги пестицидларгина яхши ўтади. Гидрофил пестицидлар кутикуланинг сувли фазаси орқали аввал кутинга, кейин пектинга ва сув ўтказгич мембрана орқали барг тўқимасига ўтади. Агар намгарчилик етарли бўлса, кутикула ва кутиннинг микропоралари сув билан тўла бўлади, баргга тушган пестицид томчиси баргнинг сув фазаси билан осонгиша тўқнашиб, барг тўқимаси томон йўналади. Агар нам етарли бўлмаса, кутикула ва кутин микропоралари ҳаво билан тўла бўлиб, тушган пестицид томчисининг баргнинг сув фазаси билан тўқнашуви қийинлашади ва бундай ҳолда пестицид баргга липоид йўл билан киради. Шундай қилиб, гидрофаб пестицидлар барг кутикуласининг мойли компонентлари ёрдамида киради.

Пестицидлар баргларга оғизча орқали ҳам киради. Кенг очилган оғизча пестицид эритмаларини буғ ҳолида ўтказиш қобилиятига эга, шунингдек

орқали пестицидлар, сувли ва мойли эритма ҳам эмульсия ҳолида осонгина ўтади.

Пестицидлар ўсимликка тўғридан-тўғри эпидермис орқали, пўстлоқ ва поянинг қопловчи тўқимаси орқали ҳам кириши мумкин.

Ўсимликка кирган пестицид ўсимлик танасида флоэма, паренхима, шунингдек қсилема орқали суюқлик транспирацияси ёрдамида ҳаракатланади ва бутун ўсимлик танасига тарқалади.

Барг орқали кирган кўпгина пестицидлар флоэма орқали ҳаракатланади. Мойда эриган пестицидлар ҳужайра деворлари орқали тарқалади. Пестицидларниң тарқалиш тезлиги турличадир ва улар кўпишча ўсимликниң тез ривожланаётган қисмига томон йўналади. Ўсимлик найчалари тизими орқали гексахлоран, гептахлор, фосфорорганик пестицидлар, кўпгина гербицидлар ва баъзи фунгицидлар осонгина ҳаракатланади.

Пестицидларни ўсимлик организмига илдиз тизими орқали кириши худди озиқ-овқат моддаларининг сўрилиши каби бўлади, бунда диффузия, адсорбция ва ион ҳамда молекулаларни кўчириш каби жараёнлар иштирок этиши мумкин.

Пестицидлар илдиз орқали ўсимлик организмига ҳеч қандай ўзгаришсиз кириши мумкин, бунда пестицид молекуласи ҳужайра оралиғи бўшлиғига киргач, сувнинг ҳаракати ёрдамида ўтказувчиq найчалар орқали ўсимликниң ер устки қисмига узатилади. Шунингдек, пестицид ўсимлик организмига маълум бир метаболик ўзгариш орқали ҳам киради. Бунда илдиз ҳужайралари цитоплазмаси томонидан адсорбция қилинган пестицид фаол биокимёвий ўзгаришларга учрайди ва тезда интенсив алмашинув жараёнига қўшилиб кетади. Бунда кучли биокимёвий жараёнлар оқибатида физиологик кам фаол модда ҳолига айланиб қолиши ҳам мумкин. Умуман, пестициднинг ўсимлик организмига тушиш тезлиги унинг миқдорига, сарфлаш нормасига тўғри про порционалдир.

Пестициднинг тупроқдан эритма ҳолида ўсимликка ўтиши тупроқнинг хусусиятига боғлиқ. Бунда тупроқ намлиги катта аҳамиятга эга, чунки тупроқнинг етарли намлиги пестициднинг ўсимликка сўрилиш тезлигини оширади.

Пестицид ўсимлик организмига сўрилгач, унинг ҳаёт жараёнларига маълум бир таъсир кўрсатади. Шу-

лардан энг биричиси ўсимлик ҳужайрасининг пестицид таъсирига реакциясидир. Бунда ўсимлик ҳужайраси протоплазмасининг ёпишқоқлиги камаяди ва ҳужайра суюқлигининг осмотик босими ортади. Пестицид таъсирида ҳужайрада рўй берадиган жараёнлар унда чуқур ўзгаришлар ҳосил қиласди. Ҳужайрасининг пестицид таъсирига кўрсатадиган жавоб реакциясининг кечишида ташқи муҳит катта роль ўйнайди. Айниқса, муҳит намлиги катта таъсир этади, чунки намгарчилик таңқислиги пестицид таъсирида бўладиган ҳужайра протоплазмасининг ёпишқоқлиги камайишини тезлаштиради.

Умуман пестицидлар таъсиридан ўсимликининг танасидаги физиологик жараёнилар (фотосинтез ва нафас олиш интенсивлиги азот ва карбонсувлар алмашинуви ва бошқалар) бузилади. Масалан, хлорорганик ва фосфорорганик инсектицидлар таъсирининг биринчи босқичида ўсимлик танасидаги кўпгина физиологик ва биокимёвий ўзгаришлар бузилади. Фотосинтез интенсивлиги секинлашади, чунки хлорофил миқдори камаяди. Нафас олиш ферментлари фаоллигининг ўзгариши, нафас олиш энергиясининг кучайишига сабаб бўлади. Ўсимликларни фосфорорганик пестицидлар (метилмеркаптофос) билан ишлаш кўпгина оксидловчи ферментлар фаоллигининг ўзгаришига сабабчи бўлади. Дегидраза ва пероксидаза ферментларининг фаоллиги билан бирга аскорбиназа ва полифенолоксидаза ферментларининг фаоллиги камаяди. Лекин каталазаларнинг бу инсектицидлар таъсирига сезгирилиги камдир (Бобирева Т. В., 1966).

Пестицидлар таъсиридан карбон сувлар алмашинуви ҳам ўзгаради, крахмал миқдори камаяди ва моносахарлар миқдори ортади. Бундан ташқари, пестицидлар азот алмашинувига ҳам таъсир қиласди. Инсектицидларни юқори сарфлаш нормасида кўллаш кўпинча ўсимликларда умумий азот миқдорининг камайишига ва аминокислоталарнинг кўпайишига олиб келади.

Худди инсектицидлар сингари, кўпгина фунгицид ва гербицидлар ҳам хлорофилл ҳосил бўлишини камайтиради ва фотосинтез жараёнини сўндиради. Бунда қанд моддаларининг крахмалга айланиши ҳам кескин камайиши мумкин.

Ўсимлик пестицидларнинг салбий таъсиридан унинг дастлабки таъсири вақтидаёт жавоб реакцияси билан

муҳофазаланади. Агар пестицид нормаси юқори бўлмай, температура ва намлиқ оптимал нормада ва, шунингдек, ўсимлик учун озиқ-овқат моддалари етарли бўлса, ўсимлик ўз танасида пестицид таъсирида содир бўлган физиологик ва биокимёвий бузилишларни бартараф этишга ҳаракат қиласди. Натижада физиологик ва биокимёвий жараёнлар бирмунча фаоллашиши ҳам мумкин, оқибатда ўсимликнинг ривожланиши жадаллашади, унинг таркибидағи фойдали компонентлар кўпаяди. Бу вақтда дисахаридлар, шунингдек оқсил азотлари ҳосил бўлиши, тутунаклар, илдизмевалар, донининг азот моддалари ва карбонсувлар билан таъминланishi яхшиланади.

Пестицидлар сарфлаш нормаси оширилганда моддалар алмашинувида чуқурроқ ўзгаришлар узоқ вақтгача давом этиши мумкин. Маълум бир миқдордан кейин пестицид таъсирини ўсимлик енгишга қодир бўломайди ва ўсимлик танасида бўлган физиологик ва биокимёвий ўзгаришлар қайтмас бўлиб қолади. Бунинг натижасида ўсимликка пестицидинг салбий таъсири намоён бўлади, ўсимликнинг ривожланиши, ўсиши заифлашади ва унинг шикастланиши юз беради.

Пестицидларнинг маданий ўсимликка таъсири турлича бўлади. Пестицидинг уругга (уругни дорилашда ёки пестицидин тупроққа солгандага) таъсири салбий бўлганда, унинг униши секинлашади ва ўсиш энергияси заифлашади.

Пуркаш ёки чаиглаш вақтида пестицидинг таъсири зарарловчи ёки фитоцид (ўсимликни куйдиради ва унинг орган ҳамда тўқималари ўлади) бўлиши мумкин. Одатда, пестицид таъсирида ўсимликда моддалар алмашинуви жараёни бузилгани учун унинг ўсиши ва ривожланиши секинлашади, бундан ташқари пестицид ўсимликнинг физиологик ҳолатини ҳам заифлаштириши мумкин. Бундай ҳолатда ўсимликнинг ташқи кўриниши ўзгармайди, лекин унинг ташқи муҳит таъсирига чидамлилиги сусаяди (масалан, қишлош даврида мева дарахтларининг паст температурага таъсири камаяди).

Пестицидлар билан пуркалганда, чангланганда, тупроққа солингандага ёки уруғдориланганда уларни ўсимликка жадаллаштирувчи таъсири намоён бўлиши мумкин. Бунда урүғнинг униб чиқиши, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши тезлашади, барг пластинкасининг юзаси катталашади. Пестицидларнинг бундай таъсири

ўсиш жадаллаштирувчиникига ўхшаб кетади, лекин булар ҳам худди жадаллаштирувлар каби ўсиш ва ривожланишга кам ижобий таъсир қиласиди. Пестицидларнинг сарфланиш нормаларини ошириш ўсимликларнинг ривожланиш суръатини заифлантиради.

Баъзи пестицидлар (кўпинча анерганик бирикмалар) зарарли организмларни ўлдирувчи сарфлаш нормаларида, ўзлари ҳимоя қилаётган ўсимлик учун хавфли ҳисобланади, шу сабабли улар маданий экинларга ишлов бериш учун қўлланилмайди. Улар, асосан бегона ўтларни йўқотишда, шунингдек заҳарли емлар тайёрлашда, яшил органлари пайдо бўлиб улгурмаган маданий ўсимликларда қўлланилади (масалан, мева дараҳтлари ва резавор-мевалар кеч кузда ёки эрта баҳорда). Пестицидларни ўсимликка салбий таъсири уларнинг кимёвий таркиби ва тузилишига боғлиқдир. Фитоцидлик таъсир кўпгина препарат таркибидаги таъсир этувчи модданинг миқдорига, уларнинг сувда эрувчанилигига ва кимёвий фаоллигига боғлиқ.

Пестицидларнинг ўсимликка таъсир кўрсатишда электролитик диссоциация даражаси катта роль ўйнайди. Уларнинг куйдирувчи таъсири унинг таркибida эркин водород ионларининг бўлишидандир. Шу сабабли пестицид препаратларининг таркибida кўп миқдорда эркин минерал кислоталар ва нордон тузларнинг бўлиши мақсадга мувофиқ бўлмайди. Шунингдек, ўсимликлар учун пестицидлар таркибida тўйинмаган углеводородларнинг, шунингдек ароматик бирикмаларнинг (минерал мойлар) бўлиши хавфлидир.

Пестицидлар ўсимликларнинг барча қисмларини — барглари, гуллари, мевалари, пўстлоқ ва илдиз системаини заарлости мумкин. Заарланган баргларда қўнғир тўр ёки доғлар пайдо бўлади, кейин барг тўқимаси қурийди ва тўкилиб кетади. Заарланган мевада ҳам қўнғир доғ пайдо бўлиб, мевасининг шакли ўзгаради.

Баъзи пестицидлар ўсимлик танасида тўпланиши қобилиятига, яъни куммуляцияга мойилдир. Биринчи марта белтилашган нормада қўлланилганда пестицид ўсимликка зиён етказмайди, лекин уларни бир неча марта такорий қўлланилганда баъзилари тўпланиш қобилиятига эга бўлгани учун ўсимликни куйдириши ва баргини тўкилишга олиб келиши мумкин.

Пестицидларни заарали организмлар ва ўсимлик-

ларга захарлилитини қиёслаш учун хемотерапевтик коэффициентдан фойдаланилади. Заарли организмни ўлдириш учун мўлжалланган пестицидинг минимал дозасини ўсимликка зарар етказмайдиган энг максимал дозага нисбати *хемотерапевтик коэффициент* деб аталади ва уни қўйидаги формула билан белгиланади:

$$ХК = \frac{Д_1}{Д_2};$$

бунда:

$ХК$ — хемотерапевтик коэффициент;

$Д_1$ — пестицидинг минимал дозаси, бунинг таъсира да заарли организм заҳарланади;

$Д_2$ — пестицидинг максимал дозаси, бундай дозани ўсимлик жуда яхши қабул қиласади.

Гербицидларнинг фитотоксиклигини аниқлашда нисбий фаоллик ($НФ$) катта роль ўйнайди, $НФ$ бир гербицидни иккинчи бир гербициддан қанчалик кўп ёки кам фитотоксиклигини кўрсатади. Бунда иккинчи гербицидни таққословчи деб қаралади.

$$НФ = \frac{СД_{50} \text{ (синалётган гербицид)}}{СД_{50} \text{ (таққословчи)}}$$

Нисбий фаоллик ($НФ$)ни аниқлаш учун СД (самарали доза)ни билиш зарур. СД—бу алоҳида-алоҳида олинган гербицидлар учун маълум бир миқдор бўлиб, бунда иккала ўсимлик учун ҳам бир хил самара олиниади.

Гербицидларнинг танлаб таъсир қилишини кўрсатиши учун селективлик кўрсаткичи ва селективлик индекси аниқланади.

Бир препаратнинг бир ўсимликка фитотоксиклик кўрсаткичини иккинчи бир ўсимлик фитотоксиклик кўрсаткичига нисбати *селективлик кўрсаткичи* деб аталади ва СК билан белгиланади. Бу пестицидни бир ўсимликнинг иккинчи бир ўсимликка нисбатан неча марта фитотоксиклигини кўрсатади:

$$СК = \frac{СД_{50} \text{ (биринчи ўсимлик)}}{СД_{50} \text{ (иккинчи ўсимлик)}}.$$

Иккинчи синалаётган ўсимликдан $ЕД_{50}$ кўпига — иккинчи ўсимлик сифатида олинади. Шунинг учун ПС

бирдан қанча ортиқ бўлса, пестицидни танлаб таъсир қилиши шунча кўп бўлади.

Ҳосилни бир оз камайтирадиган гербицид дозасини унинг бегона ўтларни кўплаб қира олиш дозасига нисбати селективлик индекси (СИ) деб аталади, бу бегона ўтларни ўлдириш учун мўлжалланган гербицид дозаси маданий ўсимликка заҳарли таъсир қиласидиган дозадан исчада марта катта эканлигини кўрсатади. Агар гербицид камида 80% бегона ўтни ўлдириб, 20% маданий ўсимликни ўлдирса ёки уни заифлаштираса, бундай гербицид етарли миқдорда танлаб таъсир қиласи деб қаралади.

Маданий ўсимлик ҳосилини 20% камайтирувчи гербицид дозасини 80% миқдорида бегона ўтларни ўлдиридиган дозага нисбатини, одатда бирга тенг деб олинган. Бинобарин, селективлик индекси қанча катта бўлса, гербицидинг танлаб таъсир қилиши шунча юқори бўлади. Селективлик индексидан фойдаланиб, бир препарат иккинчи бир препаратга нисбатан қанча кўп ёки кам танлаб таъсир этиш қобилиятига эга эканлиги аниқланади. Масалан, сабзидаги бегона ўтларни йўқотишида қўлланиладиган пропазин юқори танлаб таъсир этиш хусусиятига эга. Гербицидин гектарига 0,92 кг дан қўллаганимизда 80% гача бегона ўтлар йўқотилади, сабзига ҳар гектарга гербицид 2,8 кг дан қўлланилганда эса салбий таъсир этиши (ҳосил 20% гача қамайди) юз беради. Селективлик индекси пропазин учун $2,8:0,92=3,04$ га тенгдир.

Ўсимликларни пестицидларнинг салбий таъсирига сезгирилиги уларнинг анатомо-морфологик тузилишига ҳам боғлиқдир. Ўсимликнинг барги билан гули энг кўп зарарланадиган қисми ҳисобланади. Туклар билан қопланган барглар, пестицидлар билан кутикулашинг тўқнашувчи қийин бўлгани учун, пестицидлар таъсирига анча чидамли. Ёш баргларга нисбатан катта ёшлилари пестицид таъсирига чидамлироқ бўлади.

Пестицидларни ўсимликларга таъсир этиш характери уларнинг яшаш шароитига ҳам боғлиқдир (харорат, муҳит намгарчилиги ва ҳоказо).

Тупроқ намгарчилиги ва ўсимлик тўқималарининг намга бойлиги ўсимликнинг пестицид таъсирига жавоб реакциясини кучайтиради. Намгарчиллик тақислиги эса пестицидларни ўсимликларга салбий таъсирини оширади.

Тупроққа солинган пестициднинг ўсимликка таъсирини белгилашда тупроқнинг тури, унинг сўриш қобилияти роль ўйнайди. Гумусга бой бўлган тупроқда пестициднинг ўсимликка ижобий таъсири унинг юқори сарфлани нормаларида ҳам намоёни бўлади.

Пестицидларни қўллаш вақтидаги ҳаво ҳарорати ҳам унинг ўсимликка таъсирини белгилашдаги асосий омиллардан ҳисоблашади. Температуранинг маълум бир даражага кўтарилиши пестициднинг ўсимликка ижобий таъсир кўрсатишига сабаб бўлади.

Пестицид таъсиридан маданий ўсимлик факат заифлашиб, ўсиш ва ривожланишдан тўхтабгина қолмай, балки унга ёқимсиз ҳид ва маза ҳам бериши мумкин (масалан, гексахлоран). Бундан ташқари, пестицид ўсимлик танасида заҳарли «қолдиқ» сифатида ҳам сақланиши мумкин, бу эса инсон учун хавфлидир.

Пестициднинг ўсимликка салбий таъсирини камайтириш, унинг ривожланишини яхшилаш мақсадида одатда пестицид ўғитларни қўшиб бериш тавсия этилади. Ўғит ўсимликка, унинг ривожланишига муҳит яратишга ёрдам беради, пестицид томонидан издан чиққан моддалар алмашинувини нормаллаштиради.

Шундай қилиб, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиштирик организмлар, ташқи муҳит (атмосфера, гидросфера ва тупроқ) ва пестицидларнинг ўсимликларни стиштириша, унинг ҳосилини ҳимоя қилишдаги ўзаро муносабатларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Чунки пестицидлар барча тирик мавжудотларга ва ташқи муҳитга таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, улар маълум бир гурӯҳ организмларни йўқотиш билан бирга табиии биоценозлардаги маълум бир барқарор тенгликни бузади. Шунингдек, тупроқнинг физик-кимёвий хоссаларни ўзгартиради, ундаги микробиологик жараёнларга салбий таъсир кўрсатади. Ўз павбатида ташқи муҳит ҳам тирик организм ва пестицидларга таъсир этади (масалан, пестицидлар тупроқ шароити ва ёруғлик таъсирида парчаланади ва ҳоказо). Шундай қилиб, пестицидларни қўллаш бир бутун мураккаб жараён бўлиб, унда пестицид, ташқи муҳит ва шунингдек, зарарли организм ва биоценоз иштирок этади. Ана шу муносабатлар пестицидларнинг сарфланиш меъёрларини, уларнинг қўллаш усуслари ва формаларини аниқлаб беради.

6-б о б. ПЕСТИЦИДЛАР ҚҰЛЛАНИЛИШИННИҢ ФИЗИК-КИМЁВИЙ АСОСЛАРИ

6.1. ПЕСТИЦИДЛАРНИҢ ҚҰЛЛАНИШ ШАКЛЛАРИ

Пестицидлар ўзларининг физик ва кимёвий хоссалирига күра қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқариши жарағында тұғридан-тұғри құлланилавермайды. Бунинг учун улар махсус заводларда құлланиш учун қулай препарат шаклларига келтирилади. Пестицидларниң энгілдій ва құллаш учун қулай шаклларидан бири, дустлардир.

Дустлар пестицид (яғни таъсир қылувчи моддалар) билан құшымча моддаларниң кукунсимон ҳолдаги оддий аралашмасидир, улар ҳавода енгил chanгlaniш қобилиятiga эга бўлиб, сақланганда ёпишиб қолмасликлари лозим. Дустлар таркибида таъсир қылувчи моддалар миқдори 2—15% бўлади. Бунда құшымча моддалар сифатида талк, бўр, пирофиллит, трепел ва бошқалар қўшилади.

Дустлар сув билан аралашмайды, шунинг учун улар chanгlаш усули билан құлланилади. Дустлар ҳар гектар срга 5—10—30 ва ҳатто 50 кг дан сарфланади.

Дустлар таркибидаги барча моддалар маълум дарражагача майдаланиб, махсус элаклардан ўтказилади, улар ўз диаметрларига күра махсус талабларга жавоб беришлари лозим. Чунки йирик диаметрли таркибга эга бўлган дустлар ўсимлик сиртига яхши ёпишмайди.

Дустларниң ортиқча chanгlаниб кетиши олдини олиш мақсадида заводларда дустлар тайёрланаётгандан уларга 3—5% миқдорида минерал мойлар (керосин, дизель мойи, солярка ва ҳоказолар) қўшилади, бу жараён бонификация деб аталади.

Тажрибаларниң кўрсатишича, дустлар диаметри 15—25 ёки 50 микронга қадар бўлиши мумкин.

Дустлар қуйидаги тарзда ўқилади: ГХЦГ нинг 12% ли дусти («ГХЦГ нинг ўн иккى фоизли дусти»), демак бунда, албатта, таъсир қылувчи модда (ГХЦГ) нинг иоми, унинг фоиз улушки (12%) ва «дуст» шаклида эканлиги кўрсатилиши лозим. Ёзувда «дуст» сўзи қисқартирилган ҳолда «д» ҳолида ҳам учраши мумкин.

Дустлар заводлардан хўжаликларга ёғоч барабандлар ёки қофоз халталарда оғзи берк ҳолда, зарурий

ёрлиқлари билан келади. Бундай ёрлик бўлмаса ундаи препарат шакли тўғридан тўғри ишлатилмаслиги, махсус текширувдан ўтказилиши лозим.

Ёрлиқда препаратнинг аниқ номи, таркиби, намлиги, майдаланганик даражаси, анализ учун намуна олиш усули, сақлаш усули, заводнинг номи ва манзили, нетто, бруттолар ҳажми ҳам кўрсатилиши, препаратнинг тайёрланган вақти ва унинг сақлаш муддати кўрсатилиши шарт.

Намланувчи кукунлар (и. к.) — бу ҳам қуруқ, майда кукусимон ҳолдаги, заводларда тайёрланадиган пестицидларнинг препаратив шаклларидан бири бўлиб, таркибida таъсир қилувчи модда (пестицид) ва қўшимча моддалар бўлади. Қўшимча моддалар сифатида каолин, силикагел, сунъий кальций метасиликати, бентонит ва бошқалар олинади, улар пестицидларга сув билан аралашиб қобилиятини беради ва бунда суспензиялар ҳосил бўлади. Лекин бу ҳосил бўлган суспензиялар бекарор бўлганлиги ва тезда чўкма ҳосил бўлиб қолиши олдини олиш учун, уларга қўшимча моддалар сифатида сирт-актив моддалари (эмультгаторлар) ҳам қўшилади: булар ОП—7, ОП—10, турли хил сульфонатлар, сульфитли барда, крахмал, казеин кабилардир. Намланувчи кукунлар таркибida 16—80% таъсир қилувчи моддалар, 15—80% тўлдирувчилар ва 3—4% эмульгаторлар бўлади. Бундай намланувчи кукунлардан тайёрланган суспензиялар жуда барқарор бўлади ва ишчи суюқликлар сифатида қўлланилади.

Намланувчи кукунлар сақланганда барқарор бўлиши, заррачалари бир-бирлари билан ёпишиб қолмаслиги, сув билан аралаштирилганда барқарор суспензиялар ҳосил қилиши керак. Улар ўсимлик сиртига яхши ёпишибиши ва узоқроқ муддат сақланиши лозим. Бунинг учун намланувчи кукунлар жуда яхши майдаланганди бўлиши керак, улар таркибida диаметри 30 микронли заррачалар миқдори камида 80% ни ташкил этиши лозим.

Намланувчи кукунлар қуйидагича ўқилади: ёзувда ГХЦГ инг 50% ли намланувчи кукуни тарзида кўрсатилади.

Намланувчи кукунлар сув билан аралаштириб, пуркаш усулида қўлланилади.

Донадорлаштирилган (грануляли) пестицидлар. Булар ҳам пестицидларнинг препаратив шаклларидан

бири бўлиб, таъсир қилувчи модда ва қўшимча моддалардан ташкил топади, улар маълум бир катталикдаги заррачалардан иборат. Бу препарат шакли самолёт ёрдамида экинзорларга сочилади, тупроқда яшайдиган заарли организмлар билан курашда тупроққа ер устки аппаратлари ёрдамида сочиш ёки ўсимликларни илдизи ёки барги орқали интоксикация қилиш учун қўлланилади.

Интоксикация — ўсимликларни касалликлардан сақлаш учун қўлланиладиган илғор усуллардандир. Тирик мавжудотларни кимёвий иммунизациялаш баъзи адабиётларда *интоксикация* деб ҳам юритилади (лотинча *immunitas* — юқумсизлантирумөқ). Бунда ўсимлик таисида касалликнинг ривожланиши учун ноқулай шароит вужудга келтирилади. Кимёвий моддаларниң (пестицидларниң) ўсимлик тўқималарига ўтиш ва зарарли организмларга заҳарли (ўлдирувчи) таъсир кўрсатиш хусусияти кимёвий терапия деб аталади. Барча системали таъсир кўрсатувчи пестицидлар буидай таъсирга эгадир.

Интоксикация турли йўллар билан амалга оширилади: пестицид тўғридан-тўғри ўсимлик тўқимасига юборилади, уруғларни дорилаш (экиш материалларини дорилаш), тупроққа солиш орқали ёки суворишида сув билан ҳам берилади. Интоксикация қилинганда пестицид ўсимликтин барча қисмларига тарқалиб, ўсимликини зарарли организмлар учун заҳарли қилиб қўяди ёки ўсимлик ҳужайраларидағи шира таркибини шундай ўзгартирадики, ундаги физиологик ва биокимёвий ўзгаришлар натижасида ўсимлик зарарли организмнинг озиқланиши учун бутунлай яроқсиз ҳолга келади.

Гранулали пестицидлар ҳам дустлар, намланувчи кукунлар каби заводларда гранула холидаги тайёр минерал ўғитлар (суперфосфат, аммофос ва бошқалар)га, перлит ёки вермикулит каби минераллар грануласига суюқ ҳолдаги пестицидларни шимдириш йўли билан, шунингдек кукунсимон пестицидларни гранула (донадор) шаклга келтириш йўли билан тайёрланади. Гранулали пестицидларни тайёрлаётганда таъсир қилувчи ва қўшимча моддалардан ташқари ёпиштирувчи моддалар ҳам қўшилади.

Гранулали пестицидлар диаметри 0,25—5 мм катталикда тайёрланади. Майдароқ катталикдаги гранула-

лар ўсимликтарга, йириклари эса тұпроққа ишлов берішінде ишлатилади.

Гранулали пестицидлар инсектицид, нематицид ва гербицидлардан тайёрланады. Шуниси ақамиятлики, бу шаклдаги пестицидлар күпинча уруғларни өкиш даврида құлланилади ва улар ўз таъсирини 1,5—2 ой да вомида (сақлайды (Ф. А. Степанов, А. Йұлдошев, 1976). Бу жиҳатдан улар Марказий Осиё шароитида, ипакчилук ривожланған ҳудудларда катта ақамият касб этады. Чunksи бу ерларда ипак құрты боқила бошлагандан (бу күпинча апрелінің учинчи 10 күнлигінде тұғри келеди), ишіл ҳосили йигіб олингунга қадар пестицид құллаш умуман тақиқланаады. Экин әка бошлаган даврда гранулали пестицид құлланилғанда энтому-акари-фагларшығ тұқнашуви бүлмайды ва уларға нисбатан хавфесіз бўлади.

Гранулали пестицидлар құлланилғанда уларни атроф-мухиттеге ортиқча тарқалиб кетиши (чангаш әки нуркаш усулига нисбатан) кам бўлади, ташқи муҳит омилларининг салбий таъсири ҳам кам бўлади.

Пестицид эритмалари — күпинча пестицидлар сувдаги эритмалари ҳолида құлланилади: 2М—4Х, 2,4—Д, кальций хлорат-хлориди, формалин ва ҳоказо.

Пестицидларнинг сувдаги эритмаларини асраш ҳам анча мушкулдир, уларни ташиш, шунингдек идишлар муаммоси ҳам анча қийинчиликлар туғдираади. Иссик ҳавода буғланиб кетиш ҳавфи бўлса, совуқда улар музлаб қолиши мумкин. Пестицидларнинг сувдаги эритмаси ўсимликка яхши ёпишмайды, шунинг учун уларга ОП—7, әки ОП—10 қўшилади.

Кейинги вақтларда пестицидларни ультра кам ҳажмли нуркаш усули билан құллашда уларни маҳсус органик эритивчилардаги эритмалари ҳолида ҳам ишлаб чиқарилади. Бундай эритмаларни тайёрлапша нефть мойлари, дизель ёқилғилари, минерал мойлар ва бошқалардан фойдаланилади. Бу эритмалар құлланилғанда уларға сув қўшилмай, ўзлари бевосита ишлатилаверади.

Концентрат эмульсиялар (к.э) — пестицидларнинг суюқ ҳолдаги препарат шаклларидан бири бўлиб, бу ҳам заводларда тайёрланиб, тайёр ҳолда хўжаликларга шиша әки тунука идишларда маҳсус ёрлиқлар билан келтириледи. Улар таркибида ҳам таъсир қилувчи модда сифатида пестицид, қўшимча моддалар (эривчил-

лар—минерал мойлар, эмульгаторлар) бўлади. Концентрат эмульсиялар сув билан аралаштирилганда суюлтирилган ҳолдаги эмульсиялар ҳосил бўлади ва булар пестицидларнинг ишчи эритмалари сифатида пуркаш усулида қўлланилади. Бунда дисперсион фаза сифатида мой томчисида эриган ҳолда пестицид ва дисперсион муҳит сифатида сув хизмат қиласди. Концентрат эмульсиялар маҳсус гомогенизаторлар ёрдамида тайёрланади.

Икки тур концентрат эмульсиялар мавжуддир: биринчи турдаги концентрат эмульсиялар пестицидинг сув билан аралашмайдиган эритувчидаги эритмасини сувда диспергирлаш йўли билан олишади. Бундай эмульсиялар бирмунча барқарор бўлади. Иккинчи тур концентрат эмульсиялар эса пестицид, эритувчи ва эмульгатордан ташкил топади. Эритувчи сифатида углеводородлар, мураккаб эфирлар, креолин ва бошқалар олишади, эмульгатор сифатида кальций сульфонати. ОП—7, ОП—10, совуналар олишади. Концентрат эмульсия эритувчидаги пестицидни эритиш ва 40—80°C да иситиш, сўнгра қўшиш йўли билан тайёрланади.

Пестицидларнинг микрокапсулали шакллари — булар ҳам пестицидларни қўллаш шаклларидан бири бўлиб, уларда турли катталик (5—10 микрон)даги капсула (халтача)га пестицид жойлаштирилган бўлади. Булар пестицидларнинг шаклларидан энг такомиллашган тури бўлиб, табиат ва инсон учун жуда кам заҳарлидир, улар ўсимликка жуда яхши ёпишади.

6.2. Қўшимча моддалар

Қўшимча моддалар пестицид шаклларининг физик ҳолатларини яхшилаш мақсадида қўшилади. Улар пестицидларни қўлланилганда сепилган юзага яхши ёпишиш ва ўша ерда узоқроқ сақланиш учун, тайёрланган ишчи суюқликлар (суспензия ва эмульсиялар)ни турғулигини ошириш учун хизмат қиласди.


Қўшимча моддалар қўлланилиши мақсадларига кўра бонификаторлар, ёпиштирувчилар, нейтралловчилар, тўлдирувчилар, стабилизаторлар ва эмульгаторларга бўлинади, лекин бу бўлинниш шартлидир, чунки кўпинча бир модданинг ўзи бир вақтда ҳам ёпишқоқликни ҳамда турғулиларини намоён қиласди.

Эмульгаторлар сифатида совун, сульфитли қоришма, казеин, ОП—7 ёки ОП—10 ишлатилади.

Совунлар (суюқ совунлар) малжамсимон қуюқ маҳсулот бўлиб, ранги сарик, қўнғир-яшил раигли бўлиши мумкин. Кимёвий таркибига кўра юқори молекулали мой кислоталарининг калийли тузлари аралашмаларидан иборат бўлиб, улар турли навларда чиқарилиб, таркибида 40% миқдорида мой кислоталарини сақлади. Сув билан аралашганда коллоид эритмалар ҳосил қиласди. Қишлоқ хўжалигида бу мақсад учун қаттиқ хўжалик совунлари ҳам ишлатилиши мумкин. Эмульгатор сифатида совунлар ишчи аралашмаларига 0,4% миқдорида қўшиллади.

Сульфит-спиртли барда — бу лигнесульфон кислотанинг кальцийли тузи ва бошقا минерал моддалардан ташкил топган бўлиб, тўқ қўнғир тусли суюқликдир, таркибида 50—87% қуруқ модда бўлади, бу жуда яхши эмульгатор ва стабилизатор сифатида қўлланилади.

ОП—7 — малжамсимон ёки мойсимон ҳолатда бўлиб, ранги қўнғир туслидир. Сувда яхши эрийди, кимёвий таркиби—полиэтиленгликолнинг моновада диалкилфенилли эфирлари аралашмасидан иборат.



Бунда: R — 7—10 атом углеродли алкид қолдиқ;
 n — ўртача 6—7 га тенгdir.

ОП—7 кучли стабилизатор ва эмульгатор сифатида 0,2—0,3% ли эритма ҳолида қўлланилади. ОП—10 ҳам ОП—7 га ўхшаш, лекин бу анча қуюқdir.

6.3. ПЕСТИЦИДЛАРИНГ ҚҰЛЛАНИШ УСУЛЛАРЫ

Пестицидлар қишлоқ хұжалигіда түрли усулларда құлланилади:

Пуркаш усули: пестицидларни махсус пуркагичлар әрдамида құлланилувчи юзага бир текисда, жуда майда томчилар ҳолида сочилиши *пуркаш усули* деб аталағи. Бу усул универсал усул бўлиб, турли заарарлы организмлар (кемирувчи зааркунаандалар, ҳашаротлар, каналар, замбуруглар, бактериялар ва бегона ўтлар)га қарши ўрмонзорларда, бодларда, экинзорларда, иссиқхоналар, омборхоналар ва тегирмошларда құлланилади.

Бу усулни афзаллиги: таъсир қылувчи мөдданинг бирмунча кам миқдорда сарфланиши, ташқы мұхит омыллари (шамолнинг тезлигі, ёғингарчилик)га нисбатан камроқ бодлилігі, ўсимлікка яхши ёпишиши ва құлланилаётган юзага бир текисда сочилишидадир.

Бу усулнинг камчиліклари: ишчи аралашмани тайёрлашынг үзига хос қиийшчиліклари, махсус аралашма тайёрлаш учун ишчи кучининг лозимлігі, сув сарфишинг катталигы, пуркашда берилган ўлчовга мувофиқ суюқлик сарфини аниқ ҳисобға ола билиш, ишлатыладиган асбоб-ускуналарнинг коррозияланиши.

Пуркаш усули суюқлик сарфининг ҳажміга кўра З турга бўлииади (9-жадвал): катта ҳажмли, кам ҳажмли ва ультра кам ҳажмли пуркаш (УКХП).

Катта ҳажмли пуркашда кўпгина томчиларнинг ҳажми 300 микрондан юқори ва кам ҳажмли пуркашда эса кўпинча 151—300 микрон атрофида бўлади, бунда суюқлик ҳар гектар юзага 10—25—50 л миқдорида сарфланади. Лекин Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароитида кам ҳажмли пуркашга табиатни мұхофаза қилиш мақсадида рухсат берилмаган.

Ультракам ҳажмли пуркаш (УКХП) ниҳоятда иқтисодий тежамкор усуллар, бунда суюқлик гектар ҳисобига 5 л га қадар сарфланади. УКХПни бажараётган вақтда бу мақсад учун тайёрланған махсус препарат шакли сув қўшилмаган ҳолда майда томчилар шаклида пуркагич аппаратлари әрдамида сепилади. УКХП учун махсус препарат тайёрлашга сувга нисбатан бирмунча оғир (солиштирма массаси 1 дан катта) органик эритувчилар олинади ва пестицид ана шундай эритувчиларда эритилади ва сув билан аралаштирилай.

Пуркам түрлөрү

Пропагатаву на күйлөнбөлдөгөн юзд

Пуркам түрлөрү			
	Сүрөткөк сер- фө, га, л	Төмөнкүнг күттөглийн, макров	Шурхалыч аныргачы
1. Катта хажмали пуркам			
Гербонцидлар, инсектицидлар, акарицидлар, фунгицидлар на дефолиантлар;			АН-2-маркалы са- молёт, К-26—мар-
1. Еарча эквизорларда	100—200	454—300	начи перволейт
2. Уругларни экин билан баробар гербонцид- ларни ясига усулида күлгүш	100—150	300	ПГС—2, 4А—мосламаси
3. Мева бокларда, ўркоңаорларда	1500—2000	300	ОВХ—28 мосламаси
4. Токаорларда	800—1300	300	—
5. Дата эквизорларда	150—400	300	—
2. Кам-хажмали пуркам			
Гербонцидлар, инсектицидлар, акарицидлар, фунгицидлар на дефолиантлар	10—20—50	51—150	АН—2, К—26, ОВХ—28
3. УКХП			
Еарча пестицид турлары барча эквизорларда	5 литрга/га		

пуркалади. Бунда пуркагиң аппаратининг иш унуми 4 баробар ортади ва пурковни ўтказиш учун ҳаражат кам бўлади.

УКХП билан ишланганда препарат томчилари жуда майда (60—100 микрон) бўлиши билан улар йирик томчиларга нисбатан зарарли организмларга заҳарли таъсир қиласи, шуниси яхшини, УКХП ни қўллаётганда олдиндан ишчи суюқлик тайёрлашга ҳожат сезилмайди, бу жиҳатдан инсонларни пестицид билан тўқнашув жараёни камаяди.

Чанглаш. Бўнда пестицид шакллари (дустлар) ишлов ўтказилиши лозим бўлган юзага майда чанг заррачалари ҳолида маҳсус чанглатгич аппаратлари ёрдамида бир текисда чангланади. Бу усул ҳам универсалдир. Лекин бу усул бегона ўтларга қарши курашда бир-мунча кам қўлланилади.

Бу усулининг афзаллиги уни осон ва қулайлигидир. Бунда маҳсус ишчи аралашма тайёрланмай, пестицидинг шакли заводлардаги идишлардан (халтачалардан) тўғридан-тўғри чанглатгич аппаратларига юклаб, чанглаш жараёни ўтказила беради. Иккинчидан, пестицидлар майда чанг заррачалари ҳолида қалин ўсимлик оралигига ҳам осонгина сингиб боради.

Лекин чанглаш усулининг ҳам камчилликлари бор: бунда пестицид қўлланилган муҳит майда чанг заррачалари ҳолидаги пестицид қолдиқлари билан жуда кўнзаҳарланади, бу эса табиат учун (инсонлар учун) жуда хавфлидир, шу сабабли ҳозирги вақтда бу усул ниҳоятда кам (5 % гача) ҳажмда қўлланилмоқда. Кўпинча олтингугурт препаратлари ана шу усулда қўлланилади.

Майда чанг заррачаларининг ҳаво оқими билан атмосферага тарқалиб кетишими қўйидаги маълумотлардан ҳам билсак бўлади.

10-жадвалдан кўринниб турибдики, пестицид чанг заррачаларининг тарқалиши кўпроқ унинг тушиш баландлигига боғлиқдир. Диаметри 25 микронга тенг бўлган заррача 10 м масофадаги тушиш баландлигига энг узоқ масофага тарқалади, агар заррачанинг каталиги ортса, унда тарқалиш масофаси ҳам камроқ бўлади.

Чанг заррачалари шарсизмон бўлганда уларнинг ўсимлик сиртига ёпишиши камроқ бўлади, бунда маҳсус тегирмонларда майдаланган призмасизмон қиррали заррачалар кўпроқ ёпишишга мойилдирлар.

Чаңг заррачалари ҳавода тарқалишининг улар диаметрининг катталиги ва баландлигига bogliqligi (Грузев Г. С. 1987).

Заррачанинг диаметри (микрон)	Баландликдаги масофадан тушгандаги пестицидинг ҳаводи тарқалиши	
	5 м	10 м
25	179,2	358,4
100	11,2	22,4
200	2,8	5,8

Чаңг заррачалари тукли, ғадир-будур сатҳли, срга нисбатан горизонтал жойлашга баргларга жуда яхши ёнишади. Шунингдек, чанглапининг самарадорлиги кўпинча чанглашнинг ўтказилиш вақтига ҳам bogliq, чанглаш кўшинча эрта тоигда ёки кечқурун ҳаво сокин вақтда ўтказилгани маъқул. Айниқса, чаңг заррачалари шабиам устига ёки ёғингарчиликдан кейин қўлланилса жуда яхши бўлади.

Фумигация. Заарли организм ҳаёт кечирастга муҳитга пестицидни газ ёки буг ҳолида киритилишидир. Фумигация энг кўп тарқалган қўллаш усуllibидандир, бу заарли кемирувчилар, ҳашаротлар, каналар, нематодлар, бактериал ва замбурурли касалликларга қарши қўлланилади. Бу усулининг афзаллиги шундаки, газ ҳолидаги пестицид бошқа усуллар (чанглаш, пуркаш) билан йўқотиб бўлмайдиган жойларга (тупроқ ораси, деворлар каваги ва ҳоказоларга) ҳам кириб, заарли организмларни побуд қиласди. Бу пестицидлар билан заарли организм ўртасидаги экспозиция муддатига bogliqdir. Бу усули фақат ёниқ жойлардагина қўллаш мумкин, чунки очиқ майдонларда газ ҳолидаги пестицид тарқалиб кетиши билан экспозицияни тўла таъминлай олмайди.

Фумигациянинг таъсири фумигантнинг физик ҳолати (суюқ, қаттиқ ёки газ)га bogliqdir, баъзи фумигант аланига олишга ёки портлашга мойил бўлиб, бу жуда хавфлидир. Шунинг учун фумигацияни ўтказиш учун маҳсус тайёргарлик кўрган турӯҳ ташкил қилинади (фумигация отрядлари).

Фумигация ўтказишида ўша ердаги буюмлар зарарланmasлиги лозим (коррозияга учраши, емирилиши ва ҳоказо).

Омборхоналарни фумигация қилиш: бунда фумигация ўтказишига тайёргарлик ишлари алоҳида ўрин тулади. Булар: фумигация қилинувчи майдон ҳажмини аниқлаш, унинг герметик ҳолда ёшишини таъминлаш, ўтга чидамли фумигантлар билан ишлайдиган бўлганда хонани иситишни таъминлана, фумигантлар таъсиридан бузилиши (коррозияланиши) мумкин бўлгани буюмларни ташқарига олиб чиқиши. Фумигация қилиш учун фумигант қаттиқ ҳолда бўлса, уни хонага бир мөъерда сочилади, улар суюқ ҳолда бўлса, маҳсус пуркагич аппаратлари ёрдамида пуркалади, улар материалларга шимдириб олиб, хонанинг ҳар ер-ҳар ерига осиб қўйилади ёки баллонлардан газ ҳолидаги фумигант хонага чиқарилади. Фумигация ўтказиши учун маҳсус фумигацион аппаратларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Булар 2—АГ ёки 2—АГМ аппаратлари бўлиб, фумигантларни буғ ҳолига айлантириб, юқори босим остида фумигация қилинувчи бинога юборилади.

Фумигация натижасининг яхши бўлиши учун, албатта, экспозицияга эътибор берини зарур.

Фумигация тўла тугаллангандан кейин хона шамоллатилади. Доналарни фумигантлардан ажратиш учун улар тозалагич машиналардан ўтказилади, курптилади, шамоллатилади ва вентиляциядан ўтказилади.

Камерали фумигация. Мева, уруг, плазмевалар, турли экиш материаллари маҳсус камераларда фумигация қилинади, бунда гермитизация жуда мустаҳкам бўлади, камера ҳароратини бошқариб туриншга имконият яратилади, фумигант тўғри ва аниқ дозаларда берилади.

Камерали фумигация ҳам 2 турдан иборат: вакуумли ва вакуумсиз камерали фумигация, вакуумсиз камерали фумигация худди хоналар фумигациясига ўхшаш бўлади. Вакуумсиз камерали фумигацияни ўтказиши учун оддий, яхши беркиладиган хоналардан фойдаланилаби, бунинг учун, кўпинча ҳажми 40—200 м³ бўлган хоналар кифоядир.

Вакуум камераларда маҳсус ҳаво сўргич жуҳозлари бўлади, ҳавоси сўриб олиниб, босим 112—125 мм симоб устунига тенг ҳолга келтирилаби ва маҳсус аппаратлар ёрдамида газ юборилади. Газлаш тугагач,

махсус қурилма ёрдамида фумигант тортиб олинади ва камера тоза ҳаво билан тұлдирилади.

Камерада ҳаво етарлы даражада газлашғач, фумигация материаллари олинади. Үлардаги фумигант қолдиқлари, албатта, махсус аппаратлар ёрдамида аниқланади.

Фумигация ишларидан қатнашувчи барча шахслар шахсий ҳимоя воситалари билан биргаликта противогазлар билан ҳам таъминланған бўлишлари шарт, чунки кўпгина фумигантлар инсон учун заҳарлидир.

Палаткали фумигация. Одатда жуда қимматбаҳо дараҳтларни фумигация қилинди фойдаланилади. Бунинг учун дараҳтга газ ўтказмайдиган палатка ўрнатылади ва унинг ичига керакли миқдорда фумигант юборилади.

Иссикхоналарни фумигация қилиш. Бу иссиқхона қурилмаларини заарасизлантириш учун қенг кўламда кўлланилади. Мазкур усул ҳам оддий хоналар фумигациясидан фарқ қилмайди, лекин бунда иссиқхонадаги ўсимликка зарар етказмайдиган, фумигантларгина қўлланилади.

Тупроқни фумигациялаш тупроқда яшовчи зааркунандаларга қарши ўтказилади. Бунда тупроқнинг ўтказувчалик хусусиятини, шунингдек оғир таркибли, ўта нам тупроқдан эса пестицидин қийин сингиши ҳолатини ҳам ҳисобга олиш зарур. Бундай тупроқдан фумигантлар бугланиши натижасида тез учиши мумкин. Шунинг учун фумигантлар кам учувчан бўлиши лозим, уларни 18—20 см чўқурликда қўлланилади.

Пестицидларни аэрозоллар ҳолида қўллаш. Бу пестициднинг заарлы организм яшайдиган атмосферада коллоид заррачалари ҳолида тарқалишидир, бунда пестицид қаттиқ модда бўлса тутун, агар суюқ бўлса туман деб аталади. Аэрозол заррачаларининг катталиги 20—50 микрон атрофида бўлади.

Аэрозол заррачаларини заарлы организмларга қарши қўллашдан жуда қадим замонлардан буён фойдаланиб келинади (масалан, олма шира битига қарши тамаки чангининг қўлланиши). Ҳозирги вақтда секин алангаланувчи пестицидлардан тутунлар ҳолида фойдаланилмоқда. Бундай тутун олишнинг энг оддий йўли фильтр қоғозининг бўлагига 5—7% ли селитра эритмаси шимдирилади, уни қуритилиб, пестицидинг органик эритувчидаги эритмасига ботирилади ва яна қу-

ритилади. Бундай қоғоз ёқилганды тутун ҳосил бўла-ди.

Умуман, аэрозоллар дисперсион, конденсацион ва термомеханик усуллар билан олинади. Дисперсион усулда аэрозоллар олишда аэрозол генераторлари ёрдамида суюқ ҳолдаги пестицид юқори босим остида ҳаво оқими билан жуда майдар заррачаларга парчалиниб туман ҳосил қиласи ёки пестицид бурланувчан эритувчида эритилиб, сўнгра пуркалади. Бунда эритувчи учуб кетади ва пестицид ҳавода аэрозол томчилари ҳолида бўлади.

Конденсацион усулда аэрозоллар олиш учун суюқ ҳолдаги пестицид аввало қиздирилади, ҳосил бўлган буғ ҳавода конденсацияланади ва суюқ ёки қаттиқ аэрозол заррачалари олинади. Буларнинг барчаси ҳам маҳсус аэрозол аппаратлари ёрдамида ёмалга оширилади.

Аэрозоллар боғларда, омборхоналарда, иссиқхоналарда жуда кенг миқёсда қўлланилади.

Аэрозолларнинг камчилиги, улар инҳоятда майдар заррачалар бўлганлиги учун атроф-муҳитин заҳарлаш эҳтимоли кўпdir. Бундан ташқари, аэрозоллар говак юза сатҳига яхши сингиш қобилиятига эга эмас.

«Алдоқчи» емлар. Булар таркибида пестицидлар билан бир қаторда заарли организм хуш кўрадиган емлар бўлади. «Алдоқчи» емлар заарли организм яшайдиган майдонга сепилади ёки маҳсус жойларга қўйилади.

«Алдоқчи» емлар, асосан заарли кемирувчилар ва ҳашоратларга қарши қўлланилади. Бунда пестицид инҳоятда кам сарфланади.

Емлар сифатида ғалла экинларнинг дошлари, ун маҳсулотлари, турли овқат қолдиқлари, кунжара, экин налақлари, дараҳт қолдиқлари ва ҳоказолар қўлланилади.

«Алдоқчи» емлар тайёрлаш усулига кўра турлича бўлади. Ҳўл «алдоқчи» емлар тайёрлаш учун пестицид суюклигига емлар бўктириб олинади.

Нам «алдоқчи» емлар тайёрлаш учун емларга пестицид суспензиялари билан шилов берилади ва улар ҳавода қуритилади.

Қуруқ «алдоқчи» емлар тайёрлаш учун пестицид кукунинга емлар қуруқ ҳолда аралаштирилади. «Алдоқчи» емлар тайёрланадиганда пестицид емлар (дош-

лар) сиртига яхши ёпишиши учун минерал майлар қўшилади.

«Лдоқчи» смлар тайёрлашда зааркунанда турига кўра ем сифатида экишларнинг ширали палаклари (лавлаги, картошка палаклари), шоли қипиги, ҳатто гўнг ҳам ишлатилади.

Уругларни (экиш материалларини) дорилаш уруғлар ва экиш материалларини кемирувчи зааркунандалар таъсиридан ҳимоя қилиш ва улар сиртидаги юқумли касаллик чақириувчи бактерия ва замбуруғларни йўқотиш мақсадида уруғликлар сиртига пестицидлар сингдириши ишлаб чиқаришида уругларни (дорилаш) деб аталади. Уруғликларни дорилашда улар сиртидаги касаллик қўзғатувчилар нобуд қилинади, лекин касаллик қўзғатувчилар уруғлик тўқимасининг ичига жойлашган (арпа ва буғдойнинг қоракуя касаллигини чиқарувчи) бўлса, бу усулининг таъсири унча сезиларли бўлмайди, шу сабабли бу касалликларга қарши уруғликларга термик ишлов берилади.

Кўпинча уруғликлар экишдан олдин (1—2 ой илгари) марказлашган усулда дориланади, бу иш пахта тозалаш заводларида амалга оширилади.

Уруғликлар дорилангдана:

1. Уруғликлар орқали тарқалувчи юқумли касаллик чақириувчиларнинг зарари бартараф этилади;
2. Уруғликларнинг униш қобилияти сақланиб, пиҳолларнинг чириш жараёни камаяди;
3. Уруғликларнинг униш ва ривожланиш қобилияти тезлашади;
4. Уруғликларни тупроқда яшовчи зааркунандалар таъсиридан ҳимоя қиласи.

Уруглар дорилангдана бир вақтининг ўзида турли зарарли организмларга қарши кураш ўтказиш мумкин, яъни бу усул универсалдир. Дориланган уруғлик экилганда унинг сиртидаги пестицид секин-аста таъсири кўрсата бошлайди, чигит дорилангдана унинг таъсири 1,5—2 ой давом этиши мумкин (Степанов Ф. А., Иўлдошев А.)

Дориланган уруғлик қўлланилганда табнат учун, инсон учун унинг заҳарлилиги кам бўлади, шунингдек, энтомофагларга салбий таъсири ҳам кам бўлади. Шунинг учун бу усул кўпроқ қўлланилиши лозим ва у бирмушча такомиллашган усуллардан бири ҳисобланади.

Құлланиладиган препарат түрига күра, шунингдек касаллик құзғатувчисиңг биологик ҳолатига қараб уруғларни дорилаш усули қуйидаги турларга бўлинади:

1. Уруғларни ҳўл ҳолда дорилаш усули, бунда уруғлик ёки бошқа экиш материаллари пестицид эритмаси (суспензияси, эмульсияси)га бўктириб олинади, димланади ва шамоллатилади. Бу усулнинг технологик жараёни бирмунча мураккаброқ бўлганидан бир оз камроқ қўлланилади.

2. Қуруқ ҳолда дорилаш, бунда уруғлик билан пестицид кукуни аралашибтирилади, хотос. Бу усулнинг камчилиги, иш жойи пестицид чангиги билан заҳарланади, бунда пестициднинг исроф бўлиш эҳтимоли ҳам бор, чунки пестицид уруғлик сиртига яхши ёпишмайди.

3. Уруғликларни нам ҳолда дорилаш, бунда уруғлик пестициднинг суспензияси (эмальсияси) билан аралашибтириш жараёнида намланади ёки пестицид ҳам, уруғлик ҳам дорилаш жараёнида маҳсус қурилма ёрдамида намланиб туради. Бунда суюқлик сарфи 5—15—20 л/т ҳисобида сарфланади.

Уруғларни инкрустация ва гидрофобизация қилишида, одатда уруғлар дорилганда пестицид исроф бўлади, бунинг олдини олиш мақсадида уруғликларни дорилашда пестицид юпқа парда ҳосил қилувчи аралашмалар билан қўшилади, бу жараёни инкрустация ёки гидрофабизациялаш деб аталади.

Бу мақсадлар учун поливинил спиртнинг 5 % ли сувли эритмаси, карбоксиметилцеллюлоза натрийли тузининг 2—2,5 % ли сувли эритмаси ишлатилади (бу инкрустация учун), гидрофобизация учун эса полистролнинг хлороформдаги эритмаси қўлланилади.

МАХСУС ҚИСМ

7-боб. ҮСИМЛИК ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ҚАРШИ ҚУРАШДА ҚҰЛЛАНИЛАДИГАН ПЕСТИЦИДЛАР

Машхур энтомолог Н. Н. Богданов—Катьков мәдениетларига қараганда инсон, уй ҳайвонлари ва үсімдіктерге 68 мингдан ортиқ ҳашаротлар зарар етказади. Зааралы организмлар көлтирадиган зарар ҳосилнинг 1/3 қисміга тұғри келади. Мутахассисларпен ҳисобларига қараганда, агар мунтазам қураш чораларини ўтказылмаса, картошка ҳосилнинг 37 % и, карамнинг 22 % и, олмашынг 10 % и, шафтолининг 9 % и йигиб олниши мүмкін.

11-жадвалдан пестицидлар құлланылганда ҳам ҳосилни бүткүл сақлаб қололмаслығы күришиб, турибди, бунда Ықотиған ҳосил ўртача 10% ни ташкил этади, вәхделанки бунда ҳосилнинг күтарилиши ўртача 36% га тең (A. L. Young, 1987).

Адабиётларда заараркунандалар экиншіларға катта зарар көлтириши күплаб қайд қилинген. 1930 йылда чигирткалар күнгіша қишлоқ хұжалик экиншілари учун оғат көлтириди, баъзи вилоятларда улар экиншілар ҳосилнини бүткүл нобуд бўлишига олиб келди. Уларга қарши қураш усулларпен әнг мақбули кимёвий усуздир.

Бу усулда заараркунандаларга қарши кимёвий таркиби ва тузилишига кўра турли пестицидлар құлланылади (12-жадвалга қараңыз). Булар орасыда органик пестицидлар групиди етакчи ўринни эгаллайди. Улардан фосфорорганик пестицидлар, сунъий пиретроид препаратлар асосий ўринни эгаллайди. Биз бу пестицидларни алоҳида кимёвий групидаги ҳолида ўрганамиз.

7.1. ХЛОРОРГАНИК ПЕСТИЦИДЛАР

Бу групидаги кимёвий таркибига кўра турли воситалар киради. Бироқ улар юқори биологик таъсиричанлығы, кимёвий ва биологик жиҳатидан ўта турғунлик каби ҳоссалари билан бир групдаги ондидир. Бу групидаги күнгіна инсектицидлар учувчанлик ҳоссаларига эга. Улар ташқи муҳит шароитлари (ҳарорат, күёш таъсири, ҳаво нағлиғи ва ҳоказо)га бардошли. Улар заарар-

Кишлоқ хұжалик әкінлари ҳосиллининг зааркунаңдалар таъсирида камайиши
(A. L. Young, 1987)

Әкін түрлары	Ҳосилдорликкінг камайиши %		
	пестицид құлланылғанда	пестицид құлланылмағанда	Ҳосиллинг күтарилиши, %
Манказжұхори	17,7	42,2	24,5
Соя	5,5	20,8	15,3
Бұтдой	9,5	65,0	55,5
Гүза	14,5	51,1	36,6
Картошка	1,0	48,0	47,0

кунандаларга узоқ муддат давомида таъсир қиласы, шу билан бирга атроф-мухитни ва әкін маңсулотларини заңарлы қолдиқларі билан заарлаш хавфини түгедіради.

Бу гурухга оид пестицидлар тупроқда 2 йылдан 15 йылгача сақланыш хусусиятига эгадір, бунда улар аввал тупроқнинг устки қатламида тұплашады ва астасекин пастки қатламларға ўта борады. Улар тупроқдан шу тупроқда ўсаётған әкінларға, айниқса, илдизмевали ўсимликларға ўтиш қобилиятига эга. Хлорорганик воситалар юқори сарфлаш месъерида құлланылганда тупроқнинг нитрификация жараёшини 1—8 ҳаftta давомида ва қисқа муддатта унинг микробиологик фаолиятini сусайтиради. Аммо улар тупроқ ҳоссаларига салбий таъсир күрсатмайды.

Бу моддалар сувда бир неча ҳаftta ва ойлар давомида сақланады, шу билан бирга улар сув ўтлары ва сувдаги жониворлар организмiga ўтады ва у ерда сақланады.

Хлорорганик пестицидлар құлланылганда ҳавога ўтиш жараёни кузатилади, аэрозоллар қолида құлланылганда ҳаво таркибінде бир неча күн давомида сақланады, лекин унинг ҳарорат күтарилиши ва ерга ишлов бериш натижасыда бугланиши оқибатида ҳавога такроран ўтиш жараёни кузатилади, бу ҳол пестицид

Инсектоакарицидларның таснифларының

Пәннелердің таснифтары	Инсектоакарицидларның таснифларынан	
	Инсектоакарицидларның таснифларынан	Тәъсиртандырылған
Контакттық органик органдар	Мельда-ицак органдар Эки контакттық мельда-ицак органдар	Системалы ёкін контакттық мельда-ицак органдар
Инсектоакарицидлар	Инсекто, ларвин Маликс	Фозалон, диазинон
1. Анионник воситалар*		
1.4. Органик воситалар:		
2.1. Хлорограник бирикмалар		
2.2. Карабамат кислоталар хосидалары		
2.3. Полихлоридшелдер		
2.4. Фосфорограник воситалар:		
а) тиофосфат кислота хосидалары	Инекцион, дүрбәни карбофос	Фосфамид, антио
б) диглифосфат кислота хосидалары	Питрафен	—
2.5. Имагрофеноллар	30, 30, 30 се	—
2.6. Нефть майлары	препаратлары	—
2.7. Сульфий спиртоиддер	Биоресметрии, ленис, перметрин, лингерметрин, сумми- ндин	—
2.8. Инигі түрлүү инсектицидлери	Димитин, юйм	—

* Үзбекистонда құлланылмаған.

қўлланылган далаларда ишловчилар учун хавф тұғдидиради.

Ўсимлик сиртида ва унинг танасида хлоррганик пестицидлар қўлланилганда парчаланмай узоқ муддат сақланади, бир марта ишлов берилган даладаги ўсимликлар таркибидә улар 30—75 кун давомида сақланади, тупроқдан илдиз орқали эса пестицид бутун ривожланиш жараёнида ўсимлик танасига ўтиб туради. Экинлар маҳсулоти таркибидаги пестицид қолдиқлари пишириш ёки қайнатиш жараёнида юқори даражадаги ҳарорат таъсирида парчаланиб йўқолиб кетмайди. Барча хлоррганик пестицидлар ўсимликларга мўлжалланган меъёрда қўлланилса, салбий таъсир кўрсатмайди, пестицид тупроқдан илдиз орқали бутун ривожланиш жараёнида ўсимлик танасига ўтиб туради.

Бу моддаларнинг барчаси контакт таъсир қиливчи пестицидлар бўлиб, уларнинг таъсир доираси жуда кенгdir. Хлоррганик пестицидлар ҳашаротларга таъсир қилганида уларнинг асаб тизими мембрраналарининг барқарорлигини бузади, натижада асаб импульслари ўтиши камаяди. Ҳашаротнинг ҳалокати асаб тизими нинг бузилиши ва фалажланиши билан содир бўлади. Заҳарланиш жараёши узоқ муддат, ҳатто 7 кун давом этиши мумкин.

Хлоррганик пестицидлар ҳашаротлар организмидаги уч йўналишида ўзгаришларга дуч келиши мумкин:

а) дегидрохлорирлаш, бунда 1 ёки бир неча молекула HCl ажралиб чиқиб, заҳарсиз моддаларга айланади;

б) эпоксидлар ёки бошқа заҳарли моддаларга қадар оксидланиш (бу фаолланишидир);

в) сувда эрувчан моддалар ҳолига қадар гидролизланиш, натижада организмдан чиқарилиши тезлашади.

Хлоррганик пестицидларни узлусиз қўллайвериш зарарли организмларни уларга нисбатан чидамлилигини оширади. Бунда гуруҳларнинг сунъий чидамлилиги юзага келади.

Қўпинча хлоррганик пестицидлар одам ва исек-қоили ҳайвонлар учун ўртача заҳарли, фақат баъзиларигина юқори заҳарли пестицидлар гуруҳига мансуб.

Қўпинча хлоррганик пестицидлар терига ва шиллик қаватларга қитиқловчи таъсир қиласи.

Хлоррганик пестицидларнинг ўзига хос ва салбий

хусусиятларидан бири уларнинг материал күммүляцияга мойиллигидир.

Хлорорганик пестицидлар бутун дунёда жуда катта ҳажмда кеңг миқёсда қўлланилиб келган, улар ҳозирги кунда ҳам кўпгина ривожланаётган мамлакатларда қўлланилмоқда. Ҳиндистоңда қўлланилаётган пестицидлар умумий миқдорининг 70% ини хлорорганик инсектицидлар ташкил этади.

80-йилларда жами қўлланилган пестицидларининг 43% ини фосфор-органик пестицидлари, 25% ини карбамат кислота ҳосилалари ташкил қилган ва 17% ини хлорорганик пестицидларга тўғри белади. ДДТ ни қўллаш ишлари 1945 йилдан бошланган бўлиб, 1965 йилда уни ишлаб чиқариш энг юқори чўққига кўтарилиган. Ундан кейинги 10 йилликда уни қўллаш ҳар йили 100 минг тоннани ташкил этди. 1969—75 йилларда ДДТ ниңг ташкини муҳитга салбий таъсирини ҳисобга олиб, кўпгина давлатлар (Масалан, АҚШ, Япония) ўз худудлари доирасида уни қўллашини қаттиқ чеклаш асосида олиб боришини белгиладилар ва 1970—1980 йиллардан бошлаб Россияда ва бошқа кўпгина давлатларда ДДТ ни қўллаш бутунлай тұхтатилди. Аммо ДДТ ни қўллаш бутун дунё миқёсида бу билан камаймади. 80-йилларда ривожланаётган давлатларда қишлоқ хўжалиги ва тиббиётда ДДТ ни қўллаб келинмоқда. Ҳатто ҳозирги кунга қадар қўлланишга рухсат берилган. Бу, албатта, ўша давлатларда аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш масалалари билан борлиқ.


ДДТ — 4,4 — дихлордифенилтрихлор метилметан $[(C_6H_4Cl_2)_2 \cdot CHCl_3]$ қишлоқ хўжалигига зааркунандаларга қарши 5,5% ли дуст, 30% ли ҳўлланувчи кукӯц, 20% ли қуюқлаштирилган минерал мойли эмульсия ва боциқа препарат шаклларида кеңг миқёсда қўлланилган. Унинг 4,4'—ДДТ, 2,2'—ДДТ, 2,3—ДДТ 2,4—ДДТ, 3,4—ДДТ изомерлари бўлиб, улардан фақат 4,4'—ДДТ гина ҳашаротларга юқори инсектицидлик хоссаларини намоён қиласди.

Хлорорганик пестицидлардан ДДТдан кейинги йўнинда ГХЦГ препаратлари туради. Бу 1, 2, 3, 4, 5, 6 гексахлорциклогександир. Унинг 11 изомери маълум: 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, булардан фақат ү—изомери инсектицидлик хоссасига эга.

Таркибида фақат ү—изомер сақлаган ГХЦГ пре-

парати «Линдан» номи билан узоқ муддат қишлоқ хұжалигига құлланилған. 1993 йилдаги пестицидлар «рўй-хати»да (Москва, 1993 й.) ГХЦГ нинг ү изомеригина уруғ ва экиш материалларини дорилашда құлланилуви пестицид шакллари таркибидә құлланилишига рухсат этилган ва қишлоқ хұжалик әқинларини барча турларидан құлланилиши тақиқланған. ГХЦГ ҳозирги Узбекистон шароитида бирорта изомерлари құлланилмайды. Шунингдек, Узбекистон ҳудудида хлорорганик пестицидлардан полихлортерпенлар (полихлоркамфен), полихлор циклониенлар (тиодан) барча әкин турларидан құлланилмайды.

Бироқ полихлорциклодиенлардан Олмонияда ишлаб чиқарилган Маликс препаратининг 35 % ли к.э. ва уининг 50% ли ҳ.к. 1995 йилдан Ўзбекистон ҳудудида қўлланишга рухсат берилган. Препаратнинг таъсир қиливчи моддаси эндосульфан 1, 2, 3, 4, 7, 7 — гексахлор-бицикло (2,, 2, 1) гептен—2—диил—5, 6—ди (метилен) —сульфит:



Тиодан А ва тиодан Б—изомерларига эга, аммо бу изомерлар физик-кимёйи ва токсикологик хусусиятлари билан бир-биридан кескин фарқланмайдилар. Бу оң раңгли кристалл бўлиб, сувда ёмон эрийди, бензол, анетон, дихлорэтанда яхши эрийди. Ишқорлар таъсирида парчаланиб, кетади. Гидролиз маҳсулотлари инсон ғиссиққонли ҳайвонлар учун кам заҳарли. Усимлик сиртида, сувда, тупроқда тиодан оксидланиб, тиодан-сульфатга айланади, унинг таъсирчанлиги тиодан А га ўшайди. Препарат тупроқда 2 ва ундан ортиқ йил да вомида сақлана олади.

Маликснинг тавсия қилинган месъерлари ўсимлик ларга «кўйдирувчи» таъсир қилмайди. Препарат ўсимлик танасига барги ёки илдизи орқали сўрилиш хусусиятига эга эмас, шунинг учун препаратнинг тупроқдан ўсимликка сўрилиш хусусияти ҳатто тупроқда пестиницид микдори бир неча баробар ортиқ бўлгандай ҳам ку-

затилмаган (Г. С. Груздев, 1987 й.). Препаратнинг ўсимлик сиртида йўқолиши ташки мұхит омиллари таъсирида содир бўлади ва узоқ муддатга чўзилади.

Эндосульфан сиртдан ва меъда-ичак орқали таъсир қилувчи инсектицид ва акарицид, у қўнғизлар, танга қанотлилар ва уларнинг қуртларига юқори таъсирчандир, шунингдек каналарга ҳам самарали таъсир қиласиди. Зааркунандаларга унинг таъсирчанилиги 15 кун атрофида давом қиласиди.

Эндосульфан ҳашаротлар организмига тушгач, асаб тизимишинг фаолиятини сусайтиради ва препаратнинг ўзи ўзгарищларга учрайди, ўзгариши маҳсулотлари мальнигиеv найчалари орқали ажралади. Ажралиш маҳсулотларининг бир қисми эса ўзгаришсиз экспериментлар (қаттиқ моддалар) ҳолида ажралади.

Г. С. Груздев (1937) маълумотларига қараганда, эндосульфан асаларилар ва энтомафаглар (*Coccinellidae*) га кам заҳарли. Одам ва иссиққонли ҳайвоnlар учун юқори заҳарли (каламушлар учун оғиз орқали киритилганда УД₅₀ инг кўрсаткичи (40—100 мг/кг, тери орқали киритилганда эса бу кўрсаткич 35 мг/кг га тенг).

Хлорорганик пестицидлардан фарқли эндосульфан организмдан иисбатан тезроқ ажралиб чиқади ва ёғларда тўплациш хусусиятига эга эмас. Препарат сут безлари ёрдамида ажралиш хусусиятига ҳам эгадир. Препарат сув ҳавзаларида балиқларга хавфли.

Маликсенинг 35 % ли к.э. ғўзадаги қўсак қурти, шира ва каналарга қарши ўсимликнинг ривожланиши даврида ҳар гектар майдонга 2,0—2,5 кг дан, 50 % ли ҳ.к. эса 1,5—2,0 кг дан қўлланилишга тавсия қилингани. «Кутиш вақти» 30 кун, ишлов тақрорийлиги 2 марта-гачадир.

7.2. ФОСФОРОРГАНИК ИНСЕКТОАКАРИЦИДЛАР

Бу гуруҳга оид пестицидлар фосфат, пирофосфат ва тиофосфат кислоталарининг мураккаб эфирлари ёки амидлари ҳосилалариидир. Бу гуруҳ пестицидлари хлорорганик пестицидларга иисбатан бир қатор афзалликларга эга;

1. Юқори инсектоакарицидлик хоссаларига эга;
2. Зааркунандаларга иисбатан таъсир қилиш доираси кенг;

3. Таşқи мұхит шароитида түрғунлиғи камроқ ға улар үсімліктернің бир ривожланиш даврида зааралыс қолга қадар парчаланады;

4. Күпчилик фосфорорганик пестицидлар системали таъсирга зәға; бинобарын ға фойдалы ҳашароттарға ииебатан камроқ зақаралы;

5. Сарфлаш месъёрлари камроқ;


6. Бу гурух пестицидлари тезроқ парчаланиш ға умуртқа поғониалилар организмінде түпленмаслик ҳамда сурункалы зақарланишга мойыл эмаслик хоссаларынан зәға.

7. Үсімлік зааркунандаларынан тезроқ таъсир қилады.

Бу гурух пестицидларының салбий томонларидан бири ға үларнан исесікөңли ҳайвонлар ға инсон үчүн зақарлаптырылады. Шунингдек ға үларга күптина зааркунандалар чидамлилігінін намесін қилады.

Шунинг үчүн ҳам фосфорорганик пестицидлар билан ишлаганда, албатта, хавфсизлик қоидаларынан риоя қилиш керак.

Фосфорорганик пестицидларның таъсир қилиш механизмлари: ға ал беш валентли фосфорнанға органик бирикмалардан бўлиб, қўйидаги умумий формулага эгадир:



бунда R_1 ға R_2 — алкоксил, арил ёки алкил радикалларының алкоксил ёки диметил гурухлари билан уйғулышган ҳосилалари;

X — күчсиз кислоталар қолдиғи.


Бу таркибдаги моддалар фосфориллаш ға алкилирован қобилятига эгадирлар. Зоро бундай таркибли моддалар организмге тушгач, ундағы ҳаёт үчүн мұхим бирон-бир субстратни (асосни) фосфорлайды. Субстрат организм асаб ҳужайралари түқималаридаги ферментлар билан (ацетилхолинэстераза) ўзаро алоқада бўлиб, у асаб тизимлари орқали тарқалувчи сигналларни узатишда жуда мұхим ажамият касб этади. Шундай қилиб, фосфорорганик пестицидлар ацетилхолинэстераза, шунингдек бошқа тур эстеразаларни ҳам фаолияти-

ни сусайтиради. Кейинги вақтларда фосфор-органик пестицидлар биокимесини янада чуқурроқ ўрганиш на-тижасидә улар бошқа ферментларга ҳам таъсир қилиши маълум бўлди.

Ҳайвонлар ва ҳашаротлар асаб тизимининг асосий негизи асаб ҳужайраси (нейрон)дир. У асаб сигналларини қабул қилиш, фикрлаш ва фикр юритиш ахборотини асаб сигналлари ҳолида узатиш учун хизмат қиласиди.

Нейрон (5-расм)нинг жуда кўп қисқа ўсимталари (дендритлари) иккинчи бир нейрон аксонлари билан боғланган ҳолда улардан асаб сигналларини қабул қиласиди. Бу сигналлар нейроннинг ёлғизгина узун, колбасимон йўғоилашган асоси (синаптик тошмаси) орқали узатилади. Бинобарин, ҳар қандай асаб сигналлари нейрон бўйлаб дендритлардан аксонга ва аксондан бошқа асаб ҳужайраси дендритларига ёки мускулларга узатилади.

Асаб толасининг охири ва иккинчи ҳужайра мембранаси ёки мускулларнинг ораси кенглиги 30—50 н.м. ли синаптик бўшлиқка эга бўлиб, бу бўшлиқ жуда катта электр ҳажмли гелсимиш модда билан тўлгандир. Шунинг учун ундан электр сигналлари ўтолмайди. Синаптик бўшлиқ орқали асаб сигналларини узатиш жараёни медиаторлар номи билан аталувчи кимёвий моддалар ёрдамида бажарилади, медиаторлар персипсионтик мембраналар орқали ажralиб чиқади (6-расм). Ацетилхолин ва норадреналинлар — энг кўп тарқалган медиаторлар. Ацетилхолин ёрдамида асаб сигналлари



5-расм. Нейрон тузумлишининг чизмаси:
1—аксон; 2—дентрилар; 3—синаптик тошмадар; 4—мускуллар толаси.




6-расм. Асаб-мускул бояи синапсининг чизмаси:

1—везикулалар; 2—митохондриалар; 3—пресинаптика мембраца; 4—постсинаптик тошмалар.

узатилса, холинэргик синапслар ва порадреналии ёрдамида узатилса, адренергик синапслар деб аталади.


Фаоллиги кам бўлган эркин ацетилхолин оқсиллар билан боғланган ҳолда асаб толалари асосидаги везикулаларда тўпланди. Сарф бўлган ацетилхолин мунтазам равишда холинни ацетилирлаш билан тўлдириб борилади. Қўйидаги чизмада холинэргик синаис орқали асаб сигналларини узатиш жараёни ифодаланган:




Шундай қилиб, асаб сигналларини узатилиши ацетилхолин алмашинувининг мураккаб биокимёвий даврасидир. Бунда ацетилхолинэстераза ферментиниң ингибиранниши синаптик бўшлигига эркин ацетилхолинининг тўпланишига сабаб бўлади, шатижада асаб сигналларининг белгиланган тартибда узатилиши бузилади, ортиқча тўпланган ацетилхолин таъсирида мускулларнинг қисқариш фаоллиги кучаяди. Бу эса фажлланиш ва организмининг бошқа заҳарланиш белглари билан тугайди.

Ацетилхолинининг фаоллик маркази икки бўлакдан иборат: аспарагин ва глутамин кислоталарининг ион-

лешган карбоксилларини сақловчи анион (A^-) ва серин гидроксилини сақловчи эстераза (\mathcal{E}). Ацетилхолиннинг парчаланиши жарабёни З босқичда кечади; I — анион қисмida ацетилхолиннинг сорбцияланиши, бунда фермент сиртида медиатор молекуласи тўплана-ди ва таъсирланиш эҳтимоллиги кескин равишда орта-ди; II холин ҳосил бўлиши билан ферментнинг ацети-лирланishi юзага келади; III — холин десорбциялана-ди ва ацетилирланган ферментлар гидролизланади, бун-да фермент регенерацияланади ва сирка кислота аж-ралиб чиқади:



Бу жараёндар жуда тез содир бўлади (бир неча миллисекунд давомида). Барча фосфорорганик инсектицидлар ацетилхолиннинг эфирли қисмини златади ва улар ортавизмга тушгац, ацетилхолин эстеразанинг эфирли қисмига таъсир қиласиди.




Бунда фермент кислота қолдиги (X)ни ажратиш билан фосфорирланади. X нинг табиати ферментнинг ингибибланиш жараёлига кучли таъсир қилади. Зарядланган кислота қолдигига эга бўлган фосфорорганик пестицидлар холинэстерезанинг кучли ингибиторлари ҳисобланади.

Фосфорорганик - инсектоакарицидларнинг таъсир қилиш механизмининг очилиши, янги пестицидлар яратилишини илмий жиҳатидан асослаб ва уларнинг организмига танлаб таъсир этиши сабабларини изоҳлаб берди.

Ҳашарот ва каналар организмида ҳамда умуртқа погонали ҳайвонларда ҳам ацетилхолин асаб сигналарини узатишда хизмат қилади. Шунинг учун ҳам фосфорорганик инсектоакарицидлар ҳар учала гуруҳ организмлари учун баб-баробар заҳарлиликка эга. Аммо асаб тизимининг тузилиши ва пестицидларнинг турли организмда ўзгаришининг ўзига хослиги сабабли уларнинг заҳарлилиги турлича бўлади.



Биологик муҳитларда фосфорорганик пестицидларнинг ўзгариши: Фосфорорганик пестицидлар юқори фоллика эга моддалар бўлганлиги сабабли, улар организмга тушгач турли моддалар билан реакцияга киришиб, моддалар алмашинуви жараёнида организмда турли ўзгаришларни ўтказади.

Гидролиз: Барча фосфорорганик пестицидлар ишқорий муҳитда ёнгилгина гидролизланади ва заҳарсиз моддалар ҳосил қилади. Фосфат ва тио фосфат кислоталари ҳосилалари уларнинг тион ва дитиофосфатларига иисбатан яхши гидролизланади. Бунда $P-X$ бори узилади ва ўзига хос фосфат кислотаси ҳосил бўлади:



Гидролизланиш реакцияси пестицидлар препаратларини сақлаш даврида, ишчи аралашмалари ҳолатида ўсимликлар сиртида ва тупроқда содир бўлиши мумкин, бу жараён кўпгина аминокислоталар, анорганик фосфатлар, хлор, мис ва молибден ионлари иштирокида тезлашиши мумкин.



Изомеризация — бунда антихолинэстераза фаолиги ортади, натижада фосфорорганик пестицидларнинг заҳарлилиги ортади. Аммо препаратнинг гидролизланишга барқарорлиги сусаяди ва биологик муҳитда сақланиш камаяди. Фосфорорганик пестицидлар икки хил изомеризацияга учраши мумкин:



Бундай тион изомернинг тмол изомерига ўтиш жараёни ҳароратнинг ортиши билан тезлашади ва, шунингдек, бу ҳодиса ўсимлик сиртида ёки тупроқда оддий ҳароратда ҳам юз бериши мумкин. Бундай жараёнга дитиофосфатлар ўта мойилдир.

Холинэстеразаларни фосфорланиш реакцияси. Бу организмда фосфорорганик пестицидларнинг асосий реакцияларидан бўлиб, бунда фосфорланиш маҳсулотининг тургулилигига ва унинг тезлигига пестицидларнинг заҳарлилиги боғлиқ бўлади.

Ферментнинг фосфорланиши даврида пестицид парчаланади, чунки фосфорилланган холинэстеразанинг гидролизланишидан сўнг улар заҳарсиз моддаларга айланади.




Иссикқонли ҳайвонлар ва ҳашаротлар орѓанизмидаги бошқа ферментларнинг ҳам фосфорланиши юз беради,

чунки фосфорланиш маңсулотлари зудлик билан диал-күлфосфатларга қадар гидролизланади.

Фосфатазалик таъсири: фосфорорганик пестицидлар молекуласида фосфатаза таъсирида узилишга мойил бўлган 2 хил гуруҳ бўлиб, улардан бирни фосфат ва антигидрид боғи суст боғланган манфий қутбли X гуруҳидир, иккинчиси эса алкоксил гуруҳидир, бу эса фосфор билан мустаҳкамроқ бириккан. Фосфатаза таъсирида фосфорорганик моддаларининг инсон, иссиқёнли ҳайвонлар, ўсимликлар ва ҳашаротлар организмидагидролизланиши оқибатида уларни бутунлай заҳарсиз ҳолга келтиради. Бунда фосфатаза кўпинча Р—Х борини узади:

Р—OAIK борининг узилиши эса камроқ содир бўлади ва кўпинча Р—Х боги узилгандан сўнгги босқичларда юз беради. Одатда диметилфосфатлар диэтилфосфатларга иисбатан тезроқ бу реакцияга учрайди. Бу ҳолларнинг барчасида ҳам алкоаксил гуруҳининг фосфордан узилиши фосфоррганик биринчаларининг заҳарсиzlанишига олиб келади. Бу ҳол кўпроқ иссиқ-қонли ҳайвонлар ва ҳашаротлар организмида юз беради, ўсимликда эса иисбатан камроқ учрайди.



Карбоксиэстеразалар таъсири: мураккаб эфир гурухига эга бўлган барча фосфорорганик пестицидлар карбоксиэстеразалар таъсирида организмда эфир боғларида парчаланади:



Бу жараён давомида пестицид заңарсиз ҳолга айланади, чунки бунда анион табиятли модда ҳосил бўй

лади, анион заряди холинэстераза билан таъсиrlанишга тўсқинлик қилади. Бу жараён инсон ва иссиққонли ҳайвонлар организмида тез кечади.


Амидазалар таъсири: таркибида карбамид гуруҳини сақлаган фосфорнинг органик биримлари организмда биринчи бор амидазали гидролизга учрайди ва улар анион табиятли заҳарсиз маҳсулотлар ҳосил қиласди:



Фосфамидга оид моддалар заҳарлилиги таъсири қилувчи организмдаги амидазаларниң фаоллигига боғлиқdir. Ҳашаротлар организмидаги амидазалар фаоллигининг турлича бўлиши оқибатида фосфорорганик инсектицидларнинг ташлаб таъсири қилиши ҳам турлича бўлади.

Фосфорорганик пестицидларнинг оксидланиш жараёни жуда кенг тарқалган бўлиб, моддалар таркибига кўра турли йўналишда кечади. Бу жараён антихолинэстераза фаоллигини ва моддалар заҳарлилигини оширади.


Барча тио- ва дитиофосфатларга уларни фосфатларга қадар оксидланиши мансубдир:



Бу жараён барча ўсимлик, иссиққонли ҳайвонлар ва ҳашарот организмидаги содир бўлади, бунида заҳарлилик ниҳоятда юқори бўлади, бироқ модданинг сувда эрувчанилиги ортади ва гидролизланишга мойиллиги камайди.

Таркибида тиоэфирли олтингугурт сақловчи фосфорорганик пестицидлар уларниң оксидланишига монади.

Йилдир, бу жараён ўсимлик ва ҳашаротлар организміда күпроқ содир бўлади ва ҳайвонлар организмидаги камроқ учрайди. Бунда ҳосил бўлган сульфоксидлар ва сульфонлар юқори антихолинэстеразалик хоссаларига эга бўлади, лекин ҳамма вақт ҳам моддалар заҳарлилиги ортавермайди. Реакция қўйидагича кечиши мумкин:



Фосфорорганик пестицидлар таркибидаги тиофосфорли олтингүргүртнинг оксидланиши натижасида мусбат заряд ҳосил бўлади ва у модданинг ацетилхолинэстерараза билан таъсиrlанишини тезлатади, бинобарин антихолинэстераза таъсиrчанлиги ҳам ортади. Бироқ зарядланган молекуланинг липоидлик мембранныдан ўтиш қобилияти ёмоилашади. Шундай қилиб, асаб тизимига тушувчи модда миқдори камроқ бўлиши ва организмга унинг заҳарли таъсири кам бўлиши мумкин.

Тирик организмда фосфорорганик пестициидлар турли ўзгаришларга дуч келади, натижада турли маҳсулотлар ҳосил бўлади. Маълум бўлишича баъзи ўзгаришлар натижасида фосфорорганик моддаларнинг фаллиги ортади, баъзан эса бу ўзгаришлар оқибатида улар парчаланиб, захарсиз холга айланади.

Фосфорорганик пестицидларнинг ҳашаротларга таъсири: фосфорорганик пестицидларнинг ҳашаротларга нисбатан заҳарли таъсири улар организмидаги холинергик асаб тизимида ацетилхолинэстераза фаоллигиди сусайтиришга боғлиқdir. Бизга мәълумки пестицид тери, меъда-ичак тизими ёки нафас йўли орқали ҳашарот организмига тушгач, гемолимфа ҳаракати орқали асаб тизимида ўтади. Ҳашаротлар организмидаги холинергик синапслари фақат марказий асаб тизимида учраши муносабати билан пестицид таъсирида ацетилхолинэстераза сустлашиб, унда асаб сигналларини узатиш бузилади. Периферик асаб тизимида, хусусан асаб-мускул биримларидаги эса асаб сигналларини узатиш бузилмайди, чунки бу жараён глутамин кислоталари назоратида бўлади.

Ҳашаротлар организмига фосфорорганик пестицидлар түшгөч, улар таъсирида ацетилхолинэстеразанинг фаоллиги сусаяди. Заҳарланиш белгилари ҳашаротларда жуда тез намоён бўлади, унинг серҳаракатлиги ва заҳарланиш ҳоллари юз беради. Шундан кейин фалажланиш юз беради ва заҳарланиш ҳалок бўлиш билан тугайди. Фосфорорганик инсектоакарцидлар зааркунандаларга бошлиғич ўткир заҳарли таъсири билан алоҳида ўрин тутади, бинобарин зааркунандада заҳарланишининг дастлабки соатларида ёқ ҳалок бўлади.

Бу гуруҳ пестицидлари зааркунанданинг стук ва қурт даврларида яхши таъсир қиласди, аммо тухумлари қобигидан ўтиши қийин бўлганлиги сабабли бу даврда уларга таъсири камроқ бўлади. Бироқ уларнинг мойли эритмалари ҳашарот ва каналарнинг тухумлари қобигидан яхши ўтади ва уларга ҳалокатли таъсир қиласди. Бунда эмбрион ҳужайраси ва унинг ривожланиш жараёни бузилмайди, лекин унда ацетилхолин камайиб кетади. Тухумдан чиқаётган қуртчалар ҳаракатсизлиги сабабли нобуд бўлади. Шунинг учун ҳам фосфорорганик пестицидларнинг мойли эритмалари билан ишлов беринши қуртчалар тухумдан чиқишга улгурмаган вақтда ўтказиш лозим.

Фосфорорганик пестицидларни узлуксиз қўллайвериш оқибатида ҳашаротлар ва каналар гуруҳли чидамлиликни намоён қиласди. Шу даврга қадар фосфорорганик пестицидларга нисбатан бир тур чидамлилиги, гуруҳли ва кесишган чидамлилар маълум.

Фосфорорганик пестицидларга нисбатан сунъий чидамлилик бир ривожланиш даврида бир неча бор авлод берадиган ҳашарот турларида кўпроқ учрайди. Шунингдек ўсимликхўр каналарда ҳам сунъий чидамлилик хавфи кўпроқдир. Гўза экиладиган ҳудудларда бу ҳодиса катта зарар етказади. Бу чидамлиликни бартараб этиш мақсадида турлича таъсир қилиш механизмига эга бўлган пестицидларни алмашлаб қўллаш тавсия этилади.

Фосфорорганик пестицидларни одамга ва иссиққонли ҳайвонларга таъсири: фосфорорганик пестицидлар одам ва иссиққонли ҳайвонлар учун юқори ва ўртача заҳарлидир. Улар одам организмига түшгач, марказий асаб тизимишининг ва асаб-мускул боргининг холинергик синасини шикастлайди.

Бу гуруҳга оид кўпгина пестицидлар куммулятив

таъсирига эга, бу ҳодиса үлар организмига оз миқдорда тез-тез тушганды содир бўлади. Организмдаги фосфатаза, карбоксиэстераза ва амида заларниң юқори фаболлиги туфайли үлар организм учун заҳарсиз сувда эрнувчан моддаларга қадар парчаланади ва организмдан сийдик билан ажралади. Шунинг учун ҳам сурункали заҳарланиш вақтида кўпроқ функционал куммуляция юз беради ва холинэстеразанинг сусайиш ҳоллари содир этилади.

Фосфорорганик пестицидлар териға камроқ таъсири қиласи, лекин улағининг батъзилари эса (метафос) териға юқори даражада заҳарли таъсири этиши мумкин. Амалда кўпинча заҳарлилиги камроқ пестицидлар қўлланилади.

Фосфорорганик пестицидларниң заҳарли таъсирига қарши бир қатор антидотлар (заҳарланишини бартараф этувчи моддалар) мавжуд. Улардан бирни дипроксимдир. Шунингдек, атропин ҳам шу мақсадда қўлланилади.

Фосфорорганик пестицидларниң тупроқда сақланиши ва уларниң ҳимоя қилинувчи ўсимликка таъсири; фосфорорганик пестицидлар кимёвий ва иссиқлик таъсирига кам чидамли бўлганлиги учун ташқи муҳитда (сувда, тупроқда ва ўсимлик сиртида) жуда тез парчаланиб заҳарсиз моддалар ҳосил қиласи. Тупроқда үлар микроорганизмлар таъсирида тезда парчаланиб кетади. Ҳозирги вақтда қўлланилаётган кўпгина фосфорорганик пестицидлар тупроқда I ой муддат сақланади, шунинг учун ўсимликлардан олинадиган маҳсулотлар ва см-хашакнинг пестицидинг заҳарли қолдиқларидан илдиз орқали заарланиш хавфи жуда кам учрайди. Шу билан бирга кўпгина пестицидлар ўсимлик организмида парчаланиб кетади.


Барча фосфорорганик пестицидлар тавсия этилган сарфлаш меъёrlарида ишлатилса ўсимликларга «куйдирувчи» шунингдек, уларниң ўсишига, ривожланишига ва ўсимлик маҳсулотлари сифатига салбий таъсири кўрсатмайди.

Умуман, фосфорорганик пестицидлар билан ишлаганда «кутиш вақти» га риоя қилинса, пестицидларниң заҳарловчи қолдиғи ўсимлик маҳсулотида бўлмайди.

Тиофосфат кислота ҳосилалари. Бу гурӯҳ пестицидлари қишлоқ хўжалигига кенг миқёсда қўлланилади, чунки үлар юқори инсектицидлик ва акарицидлик ҳос-

саларига эга, шунингдек улар фосфат кислоталари ҳосилаларига иисбатан одам ва иссиқтошли ҳайвонлар учун кам зақарлайдырлар.

Тиофосфат кислота ҳосилалари икки хил изомерлар ҳолидә учрайди:



бууда R ва R₁ қуйи алифатик радикаллари;


R₂ — алифатик, ароматик ёки гетероциклик радикаллари.

Таркибида R ва R₁ сифатида 2 этил радикаллари ёки бири метил ва иккинчиси этил радикалларини сақлагаш тиофосфат кислота эфирлари юқори фаолликка эга, инсонлар учун O, O — диметил тиофосфатлар энг кам зақарли пестицидлардан дир, шунинг учун улар кең миқёсда қўлланилади.

I формулага оид пестицидлардан бензол ҳалқасининг 4- ўринда нитрогуруҳи, галлогенлар, циаң ёки сульфидлар сақлаганлари юқори инсектицидлик хоссаларига эга бўлади. Молекуласида ароматик радикални гетероциклик радикалига алмашинуви ҳам инсектицидлик хоссаларини кучайтиради.

II формулага оид кўпгина инсектицид ва акарицидлар системали таъсирга эга, улар сут эмизувчи ҳайвонларга зақарли таъсир қиласи. Фосфор ва олтингугурт атомалари орасида метил гуруҳи сонининг 4 тадан ортиши унинг фаоллигини камайтиради. Молекула таркибидаги олтингугуртни сульфоксид ёки сульфонга қадар оксидланиши модданинг заҳарлилигиши кўпайтиради.

Базудин (диазинон). Таъсир қилувчи моддаси, 0,0 диэтил—0 (2-изопропид—4—метил—пиримидил—6) — тиофосфат:



Таъсир қилувчи моддаси соф-ҳолда, раңгсиз, мойсимон суюқлик бўлиб, қайнаш ҳарорати $+89^{\circ}\text{C}$, сувда ёмои эрийди ва кўнгина органик эритувчиларда яхши эрийди. Учувчайдиги $1,39 \text{ мг}/\text{м}^3$ (20°C ли ҳароратда).

Базудин ишқорий ва кислотали муҳитда енгил гидролизланади, ишқорий муҳитда гидролизланганда дизтилфосфат кислота ва 2-изопропил 4-метил-6-оксициримидин ҳосил бўлади. Кислотали муҳитда эса булардан ташқари оз миқдорда тетраэтилдитио ва тиопирофосфат ҳосил бўлади.

Ф. А. Стеценов ва А. Иўлдошев (1973) ўтказган тажрибаларидан маълум бўлинича, Узбекистонинг бўз тупроқ шароитида базудинни 10 % ли донадорлаштирилган препарати ҳар гектар майдонга 50 кг дан қўлланилганда 2 ой давомида унинг қолдиги тупроқда сақланар экан. Аммо унинг 60 % ли к.э. сиј нуркаш билан ишлатилганда қўлланишнинг 2—3 ҳафтасидаёқ парчаланиб, йўқ бўлиб кетар экан. Тупроқка солинган базудин илдиз орқали ўсимликнинг юқори қисмига ўтиш қобилиятига эга ва ўсимликнинг юқори қисмida заҳар етарли миқдорда тўпланаади. Базудин экинларни зараркунандалардан 15—25 кун давомида сақлайди. Экинлар ҳосилида препарат қолдиги қолмайди.


Тавсия қилинган сарфлаш месъёрларида базудин экинларга «куйдирувчи» таъсир қилмайди.

Базудин контакт ва системали таъсир қилувчи инсектоакарицидdir, у икки қанотлилар личинкаларига, қўнғизларнинг личинкалари ва етук авлодларига, айниқса узунбурунлиларга, шираларга ва кемирувчи тунлам қуртларига юқори заҳарли таъсирга эга. Ўсимлика нуркалганда унинг таъсири 7—15 кун давом этади. Базудинни узлуксиз қўллайвериш оқибатида зараркунандаларнинг чидамлилиги вужудга келади. Ҳашаротлар танаси қобиғининг ўтказувчалик қобилиятининг сустлиги ва улар организмидаги ферментлар фаоллигининг юқорилиги сунъий чидамлиликининг юзага келишига сабаб бўлади. Чидамлиликка эга бўлган ҳашаротлар фермент тизими базудиннинг гетероциклидаги 4-метил гуруҳининг 4-СООНга қадар оксидланиши оқибатида унинг заҳарлилиги камаяди ва модданинг парчаланишини тезлаштиради.

Базудин инсонларга ва иссиққонли ҳайвонларга нисбатан юқори заҳарли пестицидлар гурухига мансубdir (Уд_{50} — каламушларга нисбатан 76—130 мг/кг).

Базудин турли фирмалар томонидан 5 %, 10 % ли донадорлаштирилган препарат, 50 % ли к.э. ҳолида чиқарилади ва ишлаб чиқаришида қўлланилади. Узбекистонда Япониянинг «Ниппон Каяку» фирмаси ишлаб чиқарган препарати—диазиноннинг 60 % ли к.э. қўлланилишига рухсат берилган. Препарат бугдойда шираларга, трипсларга ва шилимшиқ қуртларига қарши ўсимликнинг ривожланиш даврида ҳар гектар майдонга 1,5—1,8 л дан тавсия қилинган, «кутиш вақти» 30 кун, қўлланиш тақориийлиги 1 марта.

Дурсбан (хлорпирифос). Таъсир қилувчи молдаси — 0,0 — диэтил — 0 — (3, 5, 6 — хлорпиридил — 2) тиофосфат:



Таъсир қилувчи молдаси соф ҳолда оқ кристалл модда бўлиб, сувда кам эрийди, органик эритувчиларда яхши эрийди. Нейтрал ва кислотали мұхитда турғуи, лекин ишқори мұхитда жуда тез парчаланади. Ўсимликларда дурсбан 40 кунгача, тупроқдә эса 2 ойга қадар сақланади.

Дурсбан — контакт таъсир қилувчи инсектицид ва акарицид, таъсир қилиш муддати 2—3 ҳафта давом этади. Асалари ва бошқа фойдалы ҳашаротларга нисбатан заҳарли. Кўпгина ҳашаротлар ва каналарга қарши таъсир этиш доираси кең.





Инсон ва иссиқ қоюли ҳайвонлар учун юқори заҳарли (каламушлар утун УД₅₀-135—163 мг/кг), тери ва шиллиқ қаватларни қитиқлаш хусусиятига эга.

Узбекистонда Истроилнинг «Матешин-Аган» фирмаси тавсия қўлган хлорпирифос 40,8 % ли к.э. ҳолида «Пиринекс» номи билан тўзада шира ва трипсларга қарши ўсув даврида ҳар гектар майдонга 0,5—0,7 л дан, оққанотга, ўргимчак каналарга қарши эса 1,5 л дан қўлланилади. Препарат олма борларида олма меҳвўрига қарши ҳар гектар майдонга 1,5—2 л дан, ўр-

гимчакканага қарши 2 л дан тавсия этилади. Гүзада ва олмада ишлов бериш такрорийлиги 2 мартағача, «кутиш вақти» гүзада 30 кун ва олмазорда 40 кундир. Шунингдек АҚШнинг «ДАУ Эланко» фирмасида Ну-релл-Д номи билан чиқарилган 55 % ли к.э. таркибида 50% хлорцирифос бўлиб, гүзада кўсак қурти, каналар ва оққанотга қарши ўсимлиқнинг ривожланиши даврида ҳар гектар майдонга 1,5 л дан тавсия этилади, гўзадаги шира ва трипсларга қарши эса 1 л дан ишлатиш учун мўлжалланган. Ишлов бериш такрорийлиги 2 марта, «кутиш вақти» эса 30 кундир.

Дитиофосфат кислота ҳосилалари: фосфорорганик инсектоакарицидларнинг мазкур гуруҳи одам ва иссиқ қонли ҳайвонлар учун иисбатан кам заҳарлилиги ва барқарорлиги билан тиоfosfat кислота ҳосилаларидан фарқланадилар. Булар орасида меъда-ичак ва контакт таъсиргага эга бўлган инсектицидлар ва фойдали организмларга иисбатан кам заҳарли инсектоакарицидлар ҳам мавжуд.

Булар орасида қуйидаги умумий формулага эга бўлган пестицидлар куп тарқалган:




Бу биринчалар орасида R ва R_1 радикаллари менил гуруҳини сақлаган моддалар йиссон учун кам за-

ҳарлидир, I формулада R_2 радикали алифатик гурухга оид ва R_3 радикали эса ароматик гурухга оид бўлган пестицидлар энг юқори фаолликка эгадир. Агар алифатик радикалига карбоксил гурухи (масалан,—COOH) ни киритилса модда инсонлар учун кам заҳарли бўлади, бироқ уларнинг инсектицидлик хоссалари камаймайди.


II — формулага эга бўлган пестицидлар контактли ва системали таъсирга эга бўлган инсектицидлардир. Амид гуруҳида R_2 сифатида қуйи алифатик радикал бўлиб CH_3 ва R_3 сифатида эса водород ёки бошқа радикал хизмат қиласи. R_3 даги карбон атомларининг 2 дан кўпга орта бориши ва водород атомларини карбон радикалларига алмашинуви самарадорлигининг камайлишига олиб келади, шу билан уларнинг одам ва иссиқонли ҳайвонлар учун заҳарлилиги орта боради.


Карбофос (малатион). Таъсир қилувчи моддаси 0,0 диметил —S—(1, 2-ди (этоксикарбонил) — этил)— дитиофосфат.




Таъсир қилувчи модда соғ ҳолда рангсиз суюқлик бўлиб, қайнаш ҳарорати 120°C ва учувчанилиги $2,36 \text{ м}^3/\text{моль}$, органик эритувчиларда яхши эрийди, 20° ҳароратда сувдаги эрувчанилик $145 \text{ мг}/\text{л}$.

Карбофос ўтга чидамсиз ва ҳароратнинг ортиши билан жуда тез парчаланади, натижада аввал жуда заҳарли тиол изомери ҳосил бўлади. Ишқорий ва кислотали муҳитда преспарат гидролизланади:





Реакция маңсулотлари тирик мавжудотлар учун кам зақарлы. Оксидловчи моддалар карбофос молекұласыни парчаланишга олиб келади, бунда ҳашаротлар учун зақаресиз модда ҳосил бўлади, биринчи навбатда ол-тингугурт атоми оксидланади:



Карбофос узоқ муддатда темир билан түкнешганды парчаланади ва заҳарлилигини бутунлай йўқотади ва шунинг учун карбофосни темир идишларда сақлаш мумкин эмас. Уни шиша идишларда сақлаган маъкул.

Карбофос билан ишлов берилгаш ўсимликлар сиртидан тез бүрганганлиги, юқори ҳарорат ва ферментлар таъсирида енгилгина йўқотилади. Усимлик танасида фосфатазалар ва карбоксизтеразалар ёрдамида гидролизланади, кам заҳарли моддалар (диметилтиофосфат, малатионмоно ва дикарбон кислоталари) ҳосил бўлади. Дала шароитида карбофос 10—15 кун давомида, иссиқхоналарда эса 7—8 кун давомида йўқолади.

Тавсия қилингандар сарфлаш мөйөләрида карбофос җимоя қилинувчи ўсимликларга салбий таъсир күрсаг майды.

Узбекистонда Россияда ишлаб чиқарилган препарат карбофоснинг 50% ли к.э. қўлланилишга тавсия қилинган. Препарат контакт таъсирили инсектицид ва акари-


цид бўлиб, бошланғич таъсири жуда тез бошланади, лекин қисқа муддатли, унинг таъсир қилиш муддати дала шароитида 10 кун, иссиқхоналарда эса 5—7 кун давом этади.

Ҳашаротлар организмидаги карбофос ўзгаришилар оқибатида кучли заҳарли таъсир қилувчи малаоксонга айланади, шунинг учун ҳам у зараркунандаларга юқори заҳарли таъсир қиласи, бунда уларнинг гидролизланиши суст давом этади. Препаратни узлуксиз қўллайвериш натижасида карбофосга, шунингдек барча фосфорорганик пестицидларга нисбатан чидамлилик вужудга келади. Чидамли зараркунандалар организмидаги карбофос заҳарсиз моддалар ҳолига қадар парчаланиб кетади. Бу ҳол маҳсус фермент малатисиоксидазанинг таъсирида ёки ва фосфатазаларнинг фаоллиги ортиши сабабли юзага келади. Натижада карбофосга нисбатан чидамлилик ёки барча фосфор органик пестицидларга нисбатан гуруҳли чидамлилик юзага келади.

Карбофос сўрувчи ҳашаротлар ва ўсимлик каналирига қарши, шунингдек арракашларнинг ёш қуртларига нисбатан самарали таъсир қиласи. Карбофос пашшалар, чивинилар ва асалариларга қарши кучли таъсир қиласи. Сув ҳайвоnlарига ҳам заҳарлидир.

Одам ва иссиқлонли хайвоnlар учун карбофос ўртacha заҳарлидир (унинг техник маҳсулоти ЎД₅₀ ининг кўрсаткичи каламушлар учун 450—800 мг/кг дир). Сурункали таъсири йўқ, тери шиллиқ қаватларига нисбатан таъсирчанлиги кам.

Сут эмизувчиларга нисбатан карбофоснинг кам заҳарлилиги препаратнинг организмда ўзгаришига боғлиқ, қуйнда карбофос молекуласининг сут эмизувчилар организмидаги ўзгариши жараёнида парчаланиш чизмаси келтирилган:



Ф — фосфатаза
К — карбоксиэстераза
II-10

Иссиққоңли ҳайвонлар организміда карбоксиесте-
разаңынг юқори фаоллиги туфайли карбофос молеку-
ласининг парчаланиши жараёни биринчи навбатда
 $=\text{C}=\text{O}$ —О гурухининг гидролизланиши йўналишида бо-
ради. Бунда сувда эрувчан малатионмоно ва дикарбон
кислоталари ҳосил бўлади. Улар организмдан осонгина
ажралади. Шу билан бир вақтда, фосфатазалар таъси-
рида молекуланинг бошқа қисми ҳам гидролитик пар-
чаланишга учрайди, бунда ҳам сувда эрувчан, кам за-
ҳарли маҳсулотлар ҳосил бўлади. Шуни қайд қилиш ло-
зимки, сувда эрувчан ва ионлашган модда маҳсулотла-
ри ҳайвонларнинг асаб тизимиға ўтолмайди ва улар
организмдан сийдир орқали енгилгина ажралади. Сут
эмизувчиларнинг организмida малаоксоннинг ҳосил бў-
лиш жараёни жуда суст боради.

Ҳайвон организми тўқималарида карбофоснинг тўп-
ланмаслиги унинг катта афзаллигидир, шу сабабли ҳам
карбофос ветеринарияда ҳайвон ва қушларнинг экзо-
ва эндопаразитларига ва молхоналарда чивин ҳамда
паишаларга қарши тавсия этилади.

Карбофоснинг 50% ли к.э. бошоқли ғалла экинлари-
да заарли хасва, шира ва тирипларга қарши уларнинг
ривожланиш даврида ҳар гектар майдонга 0,5—1,2 л
дан қўлланишига рухсат берилган. Шолида эса шоли
чивини, қирғоқ бўйи паишасига қарши 1—1,5 л дан қўл-
ланилади, маккажўхорида шира ва цикадаларга, нў-
хатда парвонага, меваҳўларга, шиralарга қарши гек-
тарига 0,5—1,2 л дан, қандлавлагида цикадаларга, ши-
раларга, қандалаларга, лавлаги парвонасига, лавлаги
паишасига қарши гектарига 0,6—1,2 л дан қўлланилади.

Ғўзада ҳар гектар майдонга 0,6—1,2 л дан ширап-
ларга, трипларга, каналарга ва оққапотларга қарши
тавсия этилади.

Олма, нок, беҳи боғларида узунбуруплар, каналар,
ширалар, меваҳўлар, барг ўровчилари, арракашлар,
қалқондорлар ва сохта қалқондорлар ва шира битла-
рига, олча, олхўри боғларида узунбуруплар, олча паш-
шалари, арракашлар, шираплар, меваҳўларга; мевасиз
боғларда каналар, шираплар, барг ўровчилар
ва шира битларига қарши ҳар гектар майдонга
1—3 л дан қўлланилади. Препарат ток зааркунаида-
ларидан каналарга, ток ўнсимон куртига қарши гекта-
рига 1—2,6 л дан қўлланилади.

Қорақат, хўжағат ва қулупнайдада шира, каналар,

куялар, барг ўровчилар, узунбурунлар, қалқондорлар, аракашлар, Хұжат құнғизларига қарши гектарига 1—2,6 л дан, қарамда оқ капалаклар, тунламалар, куялар, пашшалар, ширазлар, қандалаларга, бадринг ва помидорда каналар, пашшалар, триплар, оққанотларга қарши 0,6—1,2 л дан ва иссиқ хоналардаги бодринг ва помидорда оққанотлар, ширазлар, триплар, каналар, пашшаларга қарши гектарига 2,4—3,6 л дан құлланилади. Қовун ва тарвузларда пашшалар, ширазлар, каналар, полиз құнғизи (каканак)га қарши гектарига 0,4—1,0 л дан уруғлук бедада ширазлар, қандалалар, йүғонеңелар, узунбурунлар, парвоналар, триплар, тунламлар, үтлоқ парвонасига қарши гектарига 0,2—0,6 л дан; соя, ерәнғоқ, күнжутда каналарга, бархұрларга, тунламларга, ширазларга, үтлоқ парвонасига қарши гектарига 0,6—1,0 л дан құлланилиши тавсия этилади.

Тамаки, махоркада қандалалар, триплар, ширазларга қарши гектарига 1,0—1,8 л дан, күнгабоқарда шира ва қандалаларга қарши гектарига 0,6—0,8 л дан, цитрус үсимликларида каналар, оққанотлар, унсимон құртлар, қалқондорлар, сохта қалқондорларга қарши гектарига 0,6—0,8 л дан, цитрус үсимликларида каналар, оққанотлар, унсимон құртлар, қалқондорлар, сохта қалқондорларга қарши гектарига 3,6—4,8 л дан, барча қишлоқ хұжалик әкинларида ва бегона үтларда чигирткаларга қарши ҳар гектар майдонға 2,0—3,0 л дан үсимликларнинг ривожланиш даврида пуркалади. Месва ва резавор-мева үсимликлари ниҳоллари каналар, чивинларга қарши карбофоснинг 1—2 % ли ишчи суюқлигига ботирилади. Барча әкинларда ишлов тақрориyllиги 2 марта, «кутиш вақти» эса 20 кундир, иссиқ хоналарда эса 5 кун, ишлов тақрориyllиги 3 мартагача, уруғлик бедада «кутиш вақти» 30 кундир.


Омборхона атрофидаги жойларни зааркунандалардан ұмоя қилиш учун 1 м² майдонға 1,6 мл (500 мл ишчи суюқлик ұисобида) препарат пуркалади.

Озиқбоп ва истеъмол учун мұлжалланған ғаллани зааркунандалардан сақлашда 1 т ғаллани дорилаш учун препаратнинг ишчи суюқлиги 500 мл (1 т ғаллага 12—30 мл препарат) ұисобида сарфланади. Уруғлик учун жамғарылған чигитни зааркунандалардан сақлаш учун эса 1 т чигитта 1000 мл ишчи суюқлиги (1 т чигитта 30—50 мл препарат) берилади.

Карбофоснинг 50% ли к.э. бўш омборхоналарни

Экин маңсулотлари зааркунандаларидан ұмоя қилишда уларни 1 м² майдонга 300—500 мл ишчи суюқлиги билан (1 м² майдонига 0,8 — 1 мл препарат ұсабида) ишлов берилади. Ишлов беринші ўтказилғач, тезда хоналар шамоллатилади, омборхонага одамларнинг кириши ва унга маңсулотларни жойлашта ишлов ўтказилғач, 24 соатдан кейин рухсат берилади.


Фосфамид, диметоат (ротор, БИ—58, фамидофос). Таъсир қилувчи моддаси O,O диметил-S- (N-метилкарбомоилметил) дитиофосфат:



Фосфамид ишқорий муҳитда жуда яхши гидролизланади, кислотали муҳитда эса улар барқарордир (рН—9 бўлганда ҳарорат 70°C бўлса, 0,8 соатда 50% препарат гидролизланади, агар рН=2 бўлса, бу жараён 21 соат давом қиласди.


Таъсир қилувчиси кристалл модда бўлиб, суюқланиш ҳарорати 51—52°C сувда ва органик эритувчиларда эриди (39 г/л).

Фосфамид иссиқ ҳароратга чидамсиз, қиздирилганда изомеризацияланади. Ультрабинафша нурлари таъсирида парчаланиш жараёни тезлашади:




Ҳосил бўлган O,S-диметил -S- (N-метилкарбомоил метил) дитиофосфат сут эмизувчилар учун заҳарлилиги фосфамидга қараганда юқори, унинг УД₅₀ камашулар учун 10 мг/кг дир.


Фосфамид турли оксидловчи моддалар, хусусан ҳаво кислороди билан оксидланиб, O,O диметил -S- (N-метил карбомоил метил) тиофосфат ҳосил қиласди:



Хайвонлар ва ўсимлик организмида БИ-58 турли ўзгаришларга учрайді. Хайвон организмінде реакция күйидагича боради:



Усимлик танасида эса қуидаги үзгаришлар бўлиши мумкин:



Фосфамид ўсимликтаги сарфлаш меърида қўлланилганда 15—20 кун давомида парчаланади. Бу, албатта метереологик шароитга ва ўсимликнинг хусусиятлариға боғлиқ. Фосфамид ўсимликка илдизи ва барги орқали киради, буида у системали таъсир кўрсатади. Препарат ўсимликда қсилема орқали яхши ҳаракатланади, аммо флоэмада ҳаракатланиши сустроқ бўлади, шунинг учун ҳам барага тушган барча пестицид миқдори ўша ерда қолади.

Фосфамид тавсия қилинган сарфлаш меърларида қўлланилганда ҳимоя қилинувчи ўсимликларга салбий таъсир кўрсатмайди. Гоҳо унинг концентрациясини кўпайтириб юборилса, шафтоли, ўрик, манзарали дарахтларнинг баъзи турлари ва иссиқҳонада ўстирилган экинларнинг баргии «куйдириб» юборганилиги маълум.

Фосфамидининг системали таъсири қисқа ва бошланғич контакт таъсири юқори инсектицид ва акарицид, унинг самарадорлиги 15—20 кун давом этади. У сўрувчи зааркунандалар, шира, кане, ширадор, пашша ва куяларга яхши ва кемирувчи зааркунандаларга камроқ таъсир этади. Ўсимликка жуда тез сўрилиши ва унинг сиртида тезда парчаланиб кетиши сабабли фойдали ҳашаротлар ва йиртқич каналарга зарари камроқдир.

Фосфамид одам ва иссиққопли ҳайвонларга ўртача заҳарлидир (унинг $УД_{50}$ -каламушлар учун 230 мг/кг га тенг), унинг куммулятив таъсири кучсиз, аммо терини қитиқловчи таъсири кучлидир. Унинг одамларга таъсири ҳашаротларга бўлган таъсиридан 325 марта камдир. Бу улар организмидаги ўзгарувчанликнинг турли йўналишида боришидан иборат.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига Германиянинг «Битер фельд» фирмаси ишлаб чиқарган БИ—58 нинг 40% ли к.э. шакли қўлланилади. Бу препарат ғўзада каналар, шидалар, оқ қанот ва трипларга қарши ўсимликнинг ривожланиш даврида ҳар гектар майдонга 1,5—2,5 л дан, буғдойда заарли ҳасвалар, шидалар, ғалла пашшалари ва трипларга қарши 1,5 л дан, арпа, жавдарда шидалар, триплар, шилемшиқ қуртлар, ғалла пашшаларига қарши гектарига 1,0—1,2 л дан, сулида пашшаларга, шидаларга қарши гектарига 1,0—1,2 л дан, ғалла-дукқакли экинларда парвоналар, меваҳўрлар, шидаларга қарши гектарига 0,5—1,0 л дан қўлланилиши тавсия қилинган.


Препарат олма, нок бөгларида шиralар, каналар, мевахүрлар, барг кемирувчи қуртлар, құнғизлар, ширадорлар, куялар, барг ўровчилар, қалқондорлар ва сохта қалқондорларга қарши ўсимликининг ривожланиш даврида ҳар гектар бөгга гектарига 0,8—2 л дан, олхүри бөгларида каналар, шиralар, арракашларга қарши гектарига 1,2—2,0 л дан, токзорларда каналар, барг ўровчилар, ток унсимон қуртларига қарши гектарига 1,2—3,0 л дан ва цитрус ўсимликларида оққанотлар, каналар, унсимон қуртлар, қалқондорлар ва сохта қалқондорларга қарши 3 л дан құллашилади.

Қандлавлаги ва озиқбоп лавлагида қандалалар, бургалар, цикадалар, каналар, ўсимликларни «мина»ловчи куялар ва пашишалар, барг шиralари, ўликхүрларга қарши ўсимликларни ўсув даврида ҳар гектар майдонга 0,5—1,0 л дан, ош лавлагида ўсимликларни куялар, шиralар, қандалалар, цикадалар, бургаларга қарши гектарига 0,5—0,8 л дан, уруғлик сабзабот экинларида шиralар, каналар, триплар, картошка куясига қарши гектарига 1,5—2 л пуркалади, уруглик бедада эса қандалалар, шиralар, йүгоноёқлар, каналарга қарши 0,5—1,0 л дан құллаш тавсия этилади.

Тамаки, махоркада триплар, шиralарга қарши гектарига 0,8—1,0 л дан, канопда эса қандалалар, шиralарга қарши гектарига 1,6 л дан құллаш тавсия қилинади.

Препарат құлланилишининг «кутиш вақти» тұза ва картошкада 20 күн, мева бөгларида эса 40 күн, қолған экинларда 20 күн. Ишлов бериш тақрорийлиги каноп ва олхүрида 1 марта, қолған ўсимликларда эса 2 марта.

Фозалон (бензофосфат, золон), таъсир қылувчи моддаси 0,0 диэтил —S—(6—хлорбензоксазолинил —3—метил) дитифосфат, суюлиш ҳарорати 46—47°C, сувда әримайды, күпгина органик эритувчиларда яхши әрийди, саримсоқ пиёзи ҳидли оқ кристалл модда:



Фозалон кислотали мұхитта турғун, лекин ишқорий мұхитта унинг гидролизи тезроқ бўлади. Гидролиз на-тижасида 6-хлорбензокоазолон, диэтилтиофосфат кисло-та ва формальдегид каби моддалар ҳосил бўлади.

Оксидловчи моддалар таъсирида биринчи навбатда тион олтингугурти ажралади ва 0,0 — диэтил (6-хлор-бензокоазолинил З-метил) тиофосфатга айланади. Бу модда бекарор бўлиб, тезда парчаланади.

САНИИЗР да ўтказилган тажрибаларнинг (Ф. А. Степанов, А. Йўлдошев 1971 й.) кўрсатишича, фозалон ўсимликка сингиш қобилиятига эга бўлиб, ишлов берилганда яиги ҳосил бўлган баргларига ўтади, ўсимликда унинг сақланиш муддати гўзанинг ривожланиш даврига bogлиқ. Гўзага қанча барвақт ишлов берилса, у шунча қисқа муддатда парчаланаади. Унинг ўсимликда сақланиш муддати 22—36 кунни ташкил этади. С. Н. Алимұхамедов ва Ш. Т. Хўжасев (1978 й.) маълумотларига қараганда ишлов берининг 5 кунида фойдали ҳашаротларга унинг ҳалокатли таъсири 5 % дан ортмас экан. Фосфорорганик пестицидлар гуруҳига мансуб пестицидларга чидамлиликни намоёни қилган каналарга фозалон ҳам таъсири қилмайди.

Фозалон меъда-ичак ва контакт йўли орқали таъсири қилувчи инсектицид ва акарицид, бошлангич таъсиричанилиги жуда юқори. У ўсимликка сингга олиш қобилиятига эга. Ҳашаротлар ва уларнинг қуртлари ишлов берининг 48 соатида ёқиб бўлади.

Г. С. Груздев (1987) маълумотларига кўра фозалон паст ҳарорат ($10-12^{\circ}$) да ҳам юқори самарадорликка эга. Препарат кемирувчи зааркунандалар (меваҳўрлар, қуртчалар, барг ўровчилар қуртчалари, қўнгизлар)га таъсири кучли, арракашлар ва асалариларга кам заҳарли.

Фозалон иссиққоили ҳайвонлар ва одам учун юқори заҳарли (каламушларга оғиз орқали берилганда УД₅₀ нинг кўрсаттичи 108 мг/кг таъни). Терига қитиковчи таъсири суст, куммулятив таъсири ҳам кучеиздир. Ҳайвонлар организмида жуда тез парчаланади ва она сути орқали ажралиб чиқмайди.

Узбекистонда Франциянинг «Рон-пулленк» фирмаси томонидан тавсия қилинган фозалоннинг 35% ли к.э узоқ вақт давомида муваффақиятли қўлланилиб келмоқда. 1993 йилдан бошлаб фозалоннинг аналоги Республикамизда ишлаб чиқарилган бензофосфат номи

билан 30 % ли ҳ.к. ва к.э. си ишлатилиб келмоқда. Препарат ғўза ўсимлигининг ривожланиш даврида кўсак қурти, ширалар, триплар, каналарга қарши ҳар гектар майдонга 3,0—3,3 л дан қўлланилади. Картопкада, бақилажон ва помидорда кўсак қурти, колорадо қўнғизига қарши гектарига 1,7—2,3 л дан, карамда карам ширасига қарши гектарига 2,0—2,3 л дан, уруғли бутгулли ўсимликларда ранс гулхўрига қарши гектарига 2—2,3 л дан, лавлагида оддий лавлаги узунбуруни, дала парвонаси, тунламга қарши гектарига 3,0—3,7 л дан, бурга, ўргимчакканаларга қарши эса гектарига 2,3 л дан тавсия қилинади.

Олма, нок боғларида меваҳўрлар, барг ўровчилар, баргхўрлар, ширалар, каналарга қарши гектарига 2,3—4,6 л дан, олча, олхўрида меваҳўрлар, ширалар, каналарга қарши гектарига 1,3—3,3 л дан, токзорда барг ўровчилар, каналарга қарши гектарига 1,3—3,3 л дан, цитрус ўсимликларида оққанот, цитрус канасига қарши гектарига 4,0—5,0 л дан қўлланилади.

Буғдойда шилемшиқ қурт, шира, дала парвонасига қарши гектарига 1,6—2,3 л дан, арпада шира, ғалла пашшасига қарши гектарига 1,7 л дан, уруғлик бедада узуибурун, қандала, йўгоноёқ, дала парвонаси, тунлам, шира, парвона ва трипларга қарши гектарига 1,6—3,3 л дан қўлланилади. Тамакида кўсак қурти, шира ва трипларга қарши гектарига 2,0—2,2 л дан тавсия этилади, бунда ишлов берилгандан кейин 10 кун ўтгач тамаки барги узиб олиниши мумкин.

Фозалонни уруглик бедада қўлланилганда «кутиш вақти» 45 кун, карам, данакли мева боғларида, токзор, цитрус ўсимликларида 40 кун ва бошқа экин турларида 30 кундир. Препарат билан ишлов бериш тақрорийлиги арпа ва тамакида 1 марта, қолган ўсимлик турларида 2 марта дидир.

Бензофосфатининг 30 % ли ҳ.к. ва к.э. бўш омборхоналарда жамгарма маҳсулотларининг зараркундаларига қарши ишлов беришда 1 м² майдонга 300—500 мл ишчи суюқлиги (1 м² майдонга 1 г препарат ҳисобида) сарфланади. Бензофосфат билан ишлов берилган омборхоналарга хизматчиларни киритиш ва дон маҳсулотлари келтиришга ишлов берилгандан кейин 15 кун ўтгач рухсат этилади. Омборхона олдидағи жойларда омбор зараркундаларига қарши курашиш мақ-


садида 1 м² майдонга 500 мл ишчи суюқлиги (1 м² майдонга 1,8 г препарат ҳисобида) билан ишлов берилади.

7. З. МАХСУС АКАРИЦИДЛАР

Асrimизнинг 70-йилларига қадар ўсимликхўр каналарга қарши фосфорорганик пестицидлар гуруҳига оид акарицидлар қўлланилар эди. Бироқ, уларнинг узлуксиз қўлланилиши оқибатида гуруҳ чидамлиликка оид каналар пайдо бўла бошлади. Каналар бир ривожланиш даврида кўп марта авлод берса, у шунча тез чидамлилик намоён қиласди. Қисқа муддатда чидамлилик, ҳатто 100 каррадан ҳам ортиқ бўлиши мумкин. Шу боисдан чидамлиликни йўқотиш мақсадида таъсир қилиш механизми бутунлай бошқа пестицид гуруҳи тавсия этилиши лозим бўлиб қолди. Бу борада олиб борилган изланишлар натижасида махсус акарицидлар гуруҳига оид бир қатор сунъий пестицидлар яратилди. Булар сульфокислоталар ва сульфонлар, хлорорганик ва азобирикмалар, карбон ва пропион кислоталари ҳосилалари, уларнинг аксарият кўпчилиги инсектицидлик хоссасига эга эмас. Уларнинг кўпчилиги каналарни барча ривожланиш босқичларида нобуд қиласди. Уларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири таъсирчанлигининг давомийлигидир. Махсус акарицидлар одам ва ҳайвонлар учун кам ва ўртача заҳарлидир, шунингдек улар салбий асоратлар бермайди.

Бу гуруҳ акарицидлари контакт таъсирига эга бўлганлиги сабабли ўсимлик танасининг барча қисмларига ишчи суюқлиги бир текисда тўлиқ пуркалиши лозим. Шунинг учун ҳам махсус акарицидларни қўлланишини самолётлар ёрдамида эмас, балки қўлда ёки ер устки пуркагич мосламаларда амалга оширилади. Ишчи суюқлигининг миқдори ҳар гектар ерга камида 400 — 600 л дан сарфланиши лозим.

Митак (амитрац) таъсир қилувчи моддаси —N, N-ди-(2,4-ксилилиминометил) метиламин:



Таъсир қилувчи моддаси соф ҳолда оқ кристалл модда бўлиб, суюниш ҳарорати 86—87°C. Сувда кам эрийди, органик эритувчиларда яхши эрийди, суюлтирилган кислоталар билан тузлар ҳосил қиласди; кучли кислоталар таъсирида улар парчаланади.

Ўсимликда, тупроқда ва бошқа ташқи муҳит омиллари таъсирида заҳарсиз моддаларга парчаланади.


Митак юқори контакт таъсирили маҳсус акарицид гуруҳидан бўлиб, кўпгина тур ўсимликхўр каналарга таъсир қиласди, асаларилар учун заҳарлидир, шу сабабли препарат қўлланилгандан кейин камида бир кечакундуз давомида асалариларни муҳофаза қилиш тадбирларини кўриш зарур.

Митак одам ва иссиққонли ҳайвонлар учун ўртача заҳарли (каламушлар учун унинг УД₅₀ 900 мг/кг га тенг).

Терига ва кўз шиллиқ қаватларига ўткир яллиглантирувчи таъсир қиласди.

Ўзбекистонда Германиянинг «Шеринг» фирмаси томонидан тавсия қилинган 20 % ли к.э. ҳолидаги митак қўлланилди. Гўзада кана, кўсак қурти, шира ва оққапотларга қарши ўсимликнинг ривожланиши даврида ҳар гектар майдонга 2—3 л дан, олма боғларида каналар, меваҳўрлар, барг ўровчилар, куя ва шираларга қарши гектарига 3—6 л дан, токзорларда каналар ва барг ўровчиларга қарши гектарига 1,6—2,4 л дан, нок ва шафттолизорларда кана ва шираларга қарши гектарига 3—4,5 л дан тавсия этилади. Помидорда занг каснига қарши гектарига 2,5 л дан қўлланилди. Барча экин турларида митакнинг «кутиш вақти» 30 кун, ишлов тақрорийлиги 2 марта.

Неорон (бромопропилат) таъсир қилувчи моддаси — 4,4-дибромобензил кислотанинг изопропил эфири бўлиб, қуйидаги формулага эга:



Таъсир қилувчи моддаси оч сариқ рангли кристалл модда бўлиб, сувда эрувчанилиги 5 мг/л, органик эритувчиларда яхши эрийди, металларни коррозияламайди, алангалаинмайди.

Неорон юқори самарали сиртдан таъсир қилувчи маҳсус акарицид, у кенг тарқалган оддий ўргимчаккана, ҳамда боғлардаги қизил мева канаси ва помидор занг канасига қарши кучли таъсир этади. Бу препарат фосфорорганик ва сунъий пиретроидларга чидамли каналарга ҳам қирон келтиради. Неорон кўнгина давлатларда, шу жумладан Россияда асалариларнинг варроа (вароатоз) канасига қарши қўллашылган.

Неорон ишлов берилгашдан кейин юқори самара кўрсатиб, уни узоқ вақт давомида сақлайди. Мўътадил иқлим шароитида унинг самарадорлиги гўзада 3—4 ҳафта давом этади, боғларда эса ҳатто б ҳафтага қадар боради. Неорон каналарнинг барча ҳаракатчан бўғинларига таъсир этади.


Неорон ҳаво ҳароратининг паст ёки иссиқ бўлганида ҳам ўз самарасини пасайтирумайди. Препарат тавсия қилинган экин ва дарахтларга нисбатан салбий таъсири кузатилмаган. Агар бир вақтнинг ўзида зарарли каналар, ҳашаротлар ҳамда касалликларга қарши курашиш зарурияти пайдо бўлса, неороннинг ишчи суюқлигига ишқориј хоссага эга бўлмаган инсектицид ва фунгицидларни қўшиб ишлатса бўлаверади.

Узбекистонда Швейцариянинг «Сиба» фирмаси тавсия қилган 50% к. э. ҳолидаги неорон гўзада каналарга қарши ўсимликнинг ривожланиш даврида ҳар гектар майдонга 1,0—1,2 л дан, токзордә 1,2—1,8 л дан, олма боғларида 1,5—3 л дан, цитрус ўсимликларида 4,5 л дан ва қорақатда 0,9 л дан қўллаш тавсия этилади.

Неорон одам ва иссиқконли ҳайвонлар учун кам заҳарлидир (каламушлар учун унинг УД₅₀ 7264 мг/кг): қушлар, асалари ва балиқлар учун кам заҳарли. Териини қитиқламайди, кўзга қитиқловчи таъсири кам.

Неорон сиртдан таъсир этувчи акарицид бўлгани учун уни, албатта, баргларнинг орқа томонига етказилишини таъминлаш лозим. Бу иш ОВХ пуркагичларининг пуркаш училигини пастга қараш бурчагини ўзгартириш билан амалга оширилади.

Омайт (комайт) таъсир қилувчи моддаси 2- (4-трет-бутилфенокси) циклогексил 2-пропинилсульфит.



Таъсир қилувчи моддаси — пропаргит—тўқ-қўшғир раңгли суюқлик, сувда ёмон эрийди, органик эритувчиларда яхши эрийди.

Омайт маҳсус акарицид, контакт таъсирили, шунингдек у буғланиш хоссасига эга бўлиши билан ҳам каналарга заҳарли таъсири кучли. Унинг овицидлик хусусияти йўқ, лекин ишлов беришни ўтказиш даврида қўйилган тухумлардан чиққан личинкаларни ҳам ўлдириш қобилиятига эга, унинг таъсир этиш муддати 2—3 ҳафта давом этади. Омайт каналарининг барча ҳаракатдаги бўғинларига таъсир қиласи, у фосфорорганик пестицидларига чидамли кана турларига ҳам таъсиричан.

Омайт фойдали организмларга кам заҳарли. Одамлар ва иссиқёнли ҳайвонлар учун кам заҳарли (калемушлар учун унинг ЎД₅₀ 1800—2000 мг/кг га тенг).

Омайт организмда тўпланиш қобилиятига эга. Унинг таъсирида шилиқ қаватлар яллиғланади, шунинг учун уни ишлатганда ҳимоя кўзойнакларидан фойдаланиш лозим.

АҚШ ининг «Юнироял кемикал» фирмаси тавсия қилган омайтнинг 30 % ли ҳ. к. ва 57 % ли к.э. Ўзбекистонда қўлланилади. Омайт биринчи марта 1961 йилда Европада қўлланилган. Ҳозирги кунда кўпгина давлатларда қўлланилади. Препаратнинг 30 % ли ҳ.к. ҳолида ғўзанинг ўсув даврида ҳар гектар майдонга 2,5—3 кг дан, олмазорда 2—4 кг дан, иссиқхоналардаги бодрингда, цитрус ўсимликларида 6 кг дан, токзорда ва олча боғларида 1,6—2,4 кг дан, сояди 2,5 кг дан, атиргул ва чиннингулда 3 кг дан каналарга қарши қўлланилади.

Омайтнинг 57 % ли к.э. ғўзада 1,5 л дан, олмазорда 1,5—3 л дан, цитрус ўсимликларида 4,5 л дан, токзорда 1,2—1,8 л дан, сояди 1,3 л дан қўллаш тавсия этилган.


Омайтнинг «кутиш вақти» цитрус ўсимликларида, токзорда 60 кун, иссиқхоналарда 3 кун, қолган экин-

ларда эса 45 кундир. Ишлов тақрорийлиги соя, атыр-гүл, чиннигулда 1 марта, бошқа экинларда эса 2 марта-дир.

7. 4. ПИРЕТРОИДЛАР

Пиретроидлар номи билан аталувчи пестицидлар гурухы ҳозирги замон пестицидларининг энг муҳимларидан бўлиб, улар таркибининг тузилиши ва таъсир қилиш механизмининг ўхшашлиги билан мазкур гуруҳга оиддир. Бу гуруҳга оид пестицидларниң сунъий ра-вишда олинишининг ривожланиши ва турли хил пестицидларниң яратилиши ёргуликка чидамли пиретроидлар ихтирио этилиши мумкинлиги тўғрисидаги қону-ниятнинг очилишига боғлиқ. Шунингдек сунъий пиретроидларниң яратилиши яна бир бор зарурати уларниң юқори инсектицидлик хоссаларининг намоён эти-шидандир.

Пиретроидлар изостерик ёки (хризантема) 2,2-ди-метилциклопропан-карбонат кислотаниң 3-ўрин алма-шинув эфирлариdir (I) ёки молекуласида пропан дав-ри ва унга мос келувчи спирти бўлмаган бир ёки икки тўйинмаган боғга эга бўлган изостерик кислота эфири-дир (II):



Пиретроидлар молекуласи 4—8 оптик ёки геометрик изомерларга эга бўлиб, улар турли биологик фаоллик-ка эгадир.

Барча сунъий пиретроидлар соғ ҳолда липофиллик хоссасига эга бўлиб, улар сувда эримайди. Бинобарин, уларниң ҳашаротларга нисбатан таъсирчанлиги юқо-ри бўлади ва системали ёки сингувчаник таъсири кам бўлади. Сунъий пиретроидлар—мойчечак гули сават-часи таркибидаги табиии пиретринларга (мураккаб

эфирларга) ўхшаш модда. Табиин пиретрийлар ўзбек йиллар давомида «пиретрум» номи билан қишлоқ хўжалигида қўлланилиб келган. «Пиретрум» ташқи муҳитда турғунилиги кам бўлиши ва ёруғлик таъсирида тез парчаланиш хусусиятига эга эди.

Пиретроидларнинг сунъий йўл билан олинниши асримизнинг 40-йилларига тўғри келади. 1945 йилда биринчи марта тетраметрин, 1949 йилда эса аллетрин ва 1967 йилда ресметрин сунъий равишда олинган. Аммо бу моддаларнинг барчаси ташқи муҳит шароитида ўз фаоллигини тезда йўқотади.

Кейинги йилларда Англия, АҚШ, Франция, Япония ва бошқа бир қатор давлатларда ўтказилган илмий-тадқиқотлар натижасида сунъий пиретроидлар яратиш муаммоси ҳал этилади. Ҳозирги вақтда 20 га яқин бирикма маълум бўлди. Булар орасида бизнинг Ватанимизда рўйхатга олинган пиретроидлар алоҳида ўрин тулади.

Шу кунга қадар батафсил ўрганилиб, ишлаб чиқаришга тавсия қилинган пиретроидлар, асосан перметрин, циперметрин, декаметрин, цифлутрин, фенфлутрин, альфаметрин, дельтаметрин, изотрин, фенвалератлар гуруҳига мансубдир.

Булар орасида перметрин асосида олинадиган пиретроидлар дастлабки ёргуларка бардошлигиdir. Бу гуруҳ пиретроидлари Англияниң «НРДЦ» фирмаси томонидан 1973 йилда тавсия қилинган. Булар пиретроидлар орасида энг юқори даражадаги биологик, токсикологик ва гигиеник тавсифга эгадир.

Барча пиретроидлар қуёш нурига барқарор, жониз предметлар сатҳида ҳатто 12 ойга қадар сақланиши мумкин. Улар тупроқда кам ҳаракатчан, яхши ютилиш ва сақланиш (1 ойга қадар) қобилиятига эга, тупроқ микроорганизмлари таъсирида 2—4 ҳафта ичидагачаланиш кетади, бунда дастлаб қўшбоғлар узилади ёки эфир бояни гидролизланади.

Химоя қилинувчи ўсимликга салбий таъсир кўрсатмайди. Улар ўсимликка сингиш қобилиятига эга эмас. Уларнинг қолдиқ миқдорлари ўсимликка ишлов берилгандан кейин 2 кун давомида аннәланган.

Сунъий пиретроидлар сиртдан ёки меъда-ичак орқали таъсир қилувчи инсектоакарицидлар бўлиб, уларнинг зааркундаларга таъсиричанлиги бошқа пестицидларга нисбатан юқоридир. Улар таингача қанотлилар,

қүнғизлар, паишаларга ва иссиққонли ҳайвонлар паразитларига қарши курашда катта аҳамият касб этади.

Сунъий пиретроидларга эътиборининг ортишига қунида келтирилган ижобий кўрсаткичлар далиллар:

1. Сунъий пиретроидлар зааркунандаларга нисбатан фосфорорганик ва хлорорганик пестицидларга қараганда юқори ва кенг доирави таъсирга эга.

2. Улар зааркунандаларга қарши ниҳоятда кам миқдорда сарфланганда ҳам (таъсир қилиш меъери бўйича 1 га учун 10—200 г) юқори самарадорликка эга, бу кўрсаткич ҳозирги даврга қадар қўлланилган пестицидларининг бешдан бир ёки ўндан бир улушига тўғри келади. Уларнинг ташқи муҳит омиллари учун бошқа тур пестицидларга нисбатан хавфлилиги камроқ.

4. Пиретроидларнинг зааркунандаларга таъсири жуда тез ва юқори бўлади.

Сунъий пиретроидлар ҳашаротлар организмида уларнинг асаб тизимига таъсир қилади. Улар фосфор ва хлорорганик пестицидлардан фарқ қилиб, асаб тизимини фалажлайди. Бунда заҳарланиш худди хлор органик пестицидлардагидек кечади: аввал жуда қаттиқ ўзгариш пайдо бўлиб, кейин организм фалажланади ва нобуд бўлади. Кўшинча хушидан кетиш ҳоллари юз беради. Сўнгги фан янгиликларига қараганда, пиретроидлар асаб тизимида натрий, калий, кальций ионлари алмашинувини бузуб юборади ва натижада ортиқча миқдорда ацетилхолин ишлаб чиқарилади, бу эса ўз навбатида асаб сигналларини бир меъёрда узлуксиз узатилишига тўсқинлик қилади.

Ҳозирги вақтда олимлар зааркунандаларнинг пиретроидларга нисбатан гуруҳли ва перекрест чидамлилик пайдо бўлишини кузатмоқдалар.

Бу гуруҳга оид кўпгина пестицидлар одам ва иссиққонли ҳайвонлар учун ўртача ва кам заҳарлидир.

Сунъий пиретроидларнинг бизда дастлаб перметрии, биоресметрин дельтаметрин, циперметрин ва фенвалерат ҳосилалари қўлланилган.

Булар биринчи авлод пиретроидлариdir.


1993 йилгача биоресметрин асосида тайёрланган изатрин шакли қўлланилган, изатрин сиртдан ва меъданчак орқали таъсир қилувчи пиретроидdir, ҳашаротларни йўқотишида қўлланилган.

Шунингдек, перметрин асосида тайёрланган амбуш,

корсар, анометрии ва талкорд препаратлари ҳам зўр муваффақият билан қўлланилган эди. Уларнинг таъсир қилувчи моддаси 3—феноксибензил (IR, IS, цис—транс) 2,2—диметил—3—(2,2—дихлорвинил) циклопропил карбоксилатdir.

Перметриннинг 4 изомери бўлиб, уларнинг барчаси ҳам таъсир қилувчи модда таркибида мавжуддир. Перметринлар сиртдан ва меъда-ичак орқали таъсир қилувчи моддадир.

Бизда циперметринлар асосида тайёрланган цимбуш, припкорд, шерпа, циперкил, нурелл препаратлари кеңг миқёсда қўлланилмоқда. Уларнинг таъсир қилувчи моддаси (S, R)— α —циано—3—фенокси бензил IR—IS, цис, транс)—2—2 диметил—3 (2,2—дихлорвинил) циклопропилкарбоксилат:




Циперметрин 8 та изомерга эга, ҳар бир изомер ўзининг физик-кимёвий хоссалари ва биологик таъсирчанлигига кўра турличадир.

Циперметрин сиртдан ва меъда-ичак орқали таъсир қилувчи инсектицидdir, таъсирчанлиги 10—15 кунга стади.

Бу дарсликда келтирилган барча пиртройдлар хорижий фирмалар томонидан тавсия қилинган, бизда пиретроидларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эмас.

Данитол Узбекистонда қўлланилишга рухсат этилган пиретроидлардан бири, таъсир қилувчи моддаси—фенпропатрин, кимёвий номи α —циано—3—феноксибензил 2, 2, 3, 3—тетраметил циклопропанкарбоксилат:



Таъсир қилувчи моддаси оқ кристалл модда бўлиб, 49—50°C да суюқланади, 20°C ли сувда эрувчанлиги 0,34 мг/л, метанол, гексан, ацетон, хлороформ, ксилол, диметилформамида эрийди. Қиздирилганда, шунингдек ёруғлик таъсирига бардошли.


Данитол контакт ва меъда-ичак орқали таъсир қилувчи инсектоакарицид, бошқа пиретроидлар каби ҳашаротларга қарши самарали бўлиши билан бирга ўргимчакканаларга ҳам кучли таъсир қиласи.

Данитол Япониянинг «Сумитомо Кемикал» фирмаси төмонидан 1% ли к.э. ва 10% лифло (куюқлаштирилган суспенция) ҳолида чиқарилади ва ғўзада кўсак қурти, оққанотга қарши ўсимликнинг ривожланиш даврида ҳар гектар майдонга 2 л дан, каналарга қарши 1 л дан тавсия қилинган.

Одам ва иссиққонли ҳайвонлар учун данитол ўртача заҳарли (каламушлар учун унинг УД₅₀—760 мг/кг дир).

Препаратни ғўзада «кутиш вақти» 20 кун, ишлов такорийлиги 2 марта гача.

Децис (дельтаметрин) таъсир қилувчи моддаси (S— α -циано т-феноксибензил (IR, цис) —з—(2, 2 дигромвинил) —2, 2 диметилциклогексил карбоксилат:



Бу препарат пиретроидлар ичидаги фақат биргина изомер (цис—изомер) га эга. Таъсир қилувчи моддаси оқ ёки оч сариқ рангли кристалл, суюлиш ҳарорати 98—101°C, ацетон ва ароматик углеводородларда яхши эрийди.

Децис сиртдан ва меъда—ичак орқали таъсир қилувчи инсектицид, таъсир қилиш муддати 15 кунга қадар давом этади.

Децис одам ва иссиққонли ҳайвонлар учун юқори заҳарли пестицидлар гуруҳига киради (каламушлар учун УД₅₀ 128—138 мг/кг га баробар). Терига қитиқ-

ловчи таъсир кўрсатмайди, бироқ унинг шиллиқ қаватларга қитиқловчи таъсири кузатилган. Асалари ва балиқлар учун заҳарлидири, энтомофагларга ҳам салбий таъсир қиласди.

Узбекистонда Франциянинг «Русель Уклаф» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган Децицнинг 2,5% ли к.э. қўлланилади. Шунингдек унинг 2,5% ли флопренарат шаклини ҳам ишлатишга рухсат берилган.

Препарат гўзада унинг ўсув даврида кўсак ва илдиз қурти, оққаютга қарши ҳар гектар майдонга 0,7 л дан, каналарга 0,6 л дан ва шираларга 0,4 л дан қўлланилади.

Кунгабоқарда, қандлавлагида дала парвонасига, памидорида кўсак ва илдиз қуртига, шира, оққаютга қарши 0,25—0,5 л дан, маккажӯхорида кўсак қуртига қарши 0,7 л дан, бедада фитономусга қарши 1 л дан, бутгуллилар оиласига кирувчи ўсимликларда бургалар, барг ўровчилар, маккажӯхори парвонасига, карамда тунламлар, куялар, ширалар, оқ капалаклар, бургаларга ва сабзи пашласига қарши 0,3—0,5 л дан қўлланилади.

Децис тамакида шираларга қарши 0,5 л дан, бүдойда заарарли хасва, шилимшиқ қурт, шира, тринсларга қарши 0,25 л дан, қовун ва тарвузда кузги тунлам қуртларига қарши 0,25—0,5 л дан, картошкада колорадо қўнгизига қарши 0,1—0,15 л дан тавсия этилади, шунингдек олма қуртига, барг ўровчиларга, шираларга қарши 0,5—1 л дан, нокда шираларга қарши 0,6 л дан, шафтолида шарқ меваҳўрига қарши 0,5 л дан, токзорда барг ўровчиларга қарши 0,4—0,6 л дан, яйловлардаги ўтларда чигирткаларга қарши 0,3—0,5 л дан қўлланилади.

Децис бўш омборларда омбор заараркунандаларига қарши ҳар 1 м² майдонга 300—500 мл дан ишчи суюқлиги (1 м² майдонга 0,2 мл препарат ҳисобида) сарфланади. Ишлов берилгандан кейин хона шамоллатида ва 48 соат ўтгач ишчиларнинг киришига рухсат берилади.

Бўш пиллахоналарда ишак қурти заараркунандаларига қарши ишлов бериш учун ҳар 1 м² майдонга 300—500 мл дан ишчи суюқлиги (1 м² майдонга 0,3 мл препарат ҳисобида) сарфланади. Бунда ҳам ишлов берилгандан кейин 48 соат ўтгач, ишловчиларнинг киришига рухсат берилади.

Децис билан ишлов берилган далааларда «кутиш вақти» 20 кун, тамакида 15 кун, токзорда, полиз экинларида, мева боғларида, бедазорларда, помидорда ва бутгуллилар оиласига киравчи ўсимликларда 30 кундир.

Каратэ ламбацигалотрин таъсир қилувчи модда сақловчи пиретроид, бу пиретроидларнинг иккинчи аводига мансубдир.

Каратэ сиртдан ва меъда-ичак орқали таъсир қилувчи пиретроид бўлиб, таъсир қилиш доираси ҳашаротлар учун жуда кенг, препарат махсус акарицидлар гуруҳига мансуб бўлмаса-да, каналарга нисбатан таъсирчандир. Уни қўллашда, айниқса баргнинг орқа қисмида ҳаёт кечиравчи зааркунанда (кана, шира, оққанот)лар билан курашилганда ўсимликнинг барча қисмларини ишчи суюқлиги билан тўла қоплаши шарт, ОВХ туридаги пуркагичлар учун гектарига 300 лдан ишчи суюқлиги сарфланади.

Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти (Ш. Т. Хўжаев, 1993) ўтказган изланишлар натижаларига кўра, каратэдан оққанотга қарши қўлланганда етарли самара олиниши унинг қўлланниш муддатига боғлиқдир. Бунда препаратни қўллаш зараркунандинг барча ривожланиш бўгинлари мавжуд бўлган даврда эмас, балки июннинг бошларида, ҳар бир гўза тулида 20—25 дона стук зот пайдо бўлиб, ўртacha 60 % ўсимликлар зарарланган вақтда биринчи ишлов беришини ўтказиш керак.

Каратэ тупроқда жуда тез парчаланиб кетади, унинг парчаланиши даври 4—12 ҳафта давом этади.

Препарат иссиққонли ҳайвонлар учун юқори заҳарлидир (каламушлар учун унинг УД₅₀ 118 мг/кг га баробар). Аммо таъсир қилувчи моддасининг ҳар гектар майдонга сарфлаш меъёри ииҳоятда кам (10—25 г) бўлганлити учун унинг нисбий заҳарлилиги ўта сезиларли бўлавермайди. Бинобарин, асалари уяларига препарат билан ишлов берилган вақтда уни фақат 1 кунга беркитиб қўйиш кифоя.

Каратэ Англияning «Ай—СИ—Ай» фирмаси томонидан яратилган 5 % ли к. э. шаклида ишлаб чиқарилади, яъни 1 л препаратда 50 г таъсир қилувчи модда бўлади.

1994 йилдаги Ўзбекистонда қўлланилишига рухсат этилган пестицидлар рўйхатида каратэнинг 5 % ли к. э. фўзгадаги кўсак қуртига, каналарга, шираларга, оққа-

нотларга қарши ўсимликнинг ривожланиши даврида ҳар гектар майдонга 0,5 л дан, олмада меваҳўрлар, барг ўровчилар, каналарга қарши 0,4—0,8 л дан, токзорда барг ўровчиларга, каналарга қарши 0,8—0,5 л дан, картошкада колорадо қўнғизига қарши 0,1 л дан, бүгдой, арпа, бедада галла қўнғизлари, трипслар, бурглар, цикадалар, заарли хасва, шилимшиқ қурт, ширалар, пашшалар, аракакшлар, қандалалар, узунбурунлар, йўгоноёқлар, беда барг филчасига қарши 0,15—0,2 л дан қўлланилади.

Препарат маккажўхори далаларида парвоиага қарши 0,2 л дан, сояда ўргимчакканага қарши 0,4 л дан тавсия этилган.

Каратэнинг барча экинлардаги «кутиш вақти» 30 кунга баробар, картошка ва галлагули экинларда эса 20 кундир. Ишлов бериши тақориийлиги 2 мартағача, жўхори, соя, бўгдойда 1 мартағидир.

Цимбуш таъсир қилувчи моддаси-циперметрин — (RS) — цис — транс — 3 — (дихлорвинил) — 2,2 диметилциклогепрапкарбон — 1 кислотасининг (RS) — 3 — фенокси — α — цианобензил эфири бўлиб, қуюқ сарғиш суюқликдир. Сувда ёмон эрийди, қўпгина органик эритувчиларда яхши эрийди. Ишқорий муҳитда тезда гидролизланади, кислотали муҳитда барқарордир.

Цимбуш сиртдан ва меъда-ичак орқали таъсир қилувчи инсектицид, сунъий пиретроид.

Одам ва иссиққошли ҳайвонлар учун ўртача заҳарлидикка эга (каламушлар учун УД₅₀ 250—300 мг/кг та баробар). Терига, айниқса шиллиқ қаватларга қитиқловчи таъсир этади. Асаларилар ва фойдали ҳашаротлар учун заҳарли.


Ўзбекистонда циперметрин Англиянинг «Ай—СИ—Ай» «Зенека» фирмасида ишлаб чиқарилган цимбушнинг 25% ли к.э., АҚШ нинг «Фмси» фирмасида ишлаб чиқарилган арривонинг 25% ли к.э. Хиндистоннинг «Бхарат Пульверайзинг» фирмасида ишлаб чиқарилган циперкилнинг 25% ли к.э. ҳолида қўллапилишга тавсия этилган.

Препарат гўзада кўсак қурти, оққанот, гўза тунлами, қандалаларга қарши ўсимликнинг ривожланиши даврида гектарига 0,3 л дан, шираларга қарши эса 0,2 л дан қўлланилади. Олма боғлари ва токзорларда препарат мева қуртлари, барг ўровчиларга қарши 0,16—0,38 л дан, иссиқхоналарда памилдори ва бодрингдаги

оқ қанотларга қарши 0,8—1,2 л дан, шира ва трипсларга қарши 0,64—0,8 л дан қўлланилади. Карамда оқ капалаклар, тунламлар ва куяларга қарши 0,16 л дан, уруғлик бутгуллилар оиласига кирадиган экинларда рапс гулхўрига қарши 0,14—0,24 л дан, картошкада колорадо қўнғизига қарши 0,1—0,16 л дан, уруғлик картошкада шираларга қарши 0,48 л дан, қанд лавлагида кеми рувчи тунлам қуртларига қарши 0,4 л дан, бедада фитономусга қарши 0,24 л дан, маккажўхорида қўсак қуртига қарши 0,3 л дан, помидор, қовун, тарвузда тунлам қуртларига қарши 0,24—0,32 л дан, полиз қўнғизига қарши 0,06 л дан, сабзида сабзи пашшаси, барг бургаларига қарши 0,5 л дан ва бугдойда шира, зарарли хасва, шилимшиқ қурт, трипс ва бургаларга қарши 0,2 л дан тавсия этилади.

Иссиқхоналарда препаратнинг «кутиш вақти» 3 кун, олмазор, токзор ва карамда 25 кун, қовунда 30 кун ва қолган экинларда 20 кундир. Ишлов бериш такрорийлиги қовун, тарвуз ва помидорда 1 марта, бутгуллилар оиласига кирадиган ўсимликларда, олмазор ва токзорларда 3 марта, уруглик картошкада 4 марта, қолган экинларда 2 марта гача.

Циперметринлар гуруҳига мансуб пиретроидлардан Ўзбекистонда нурелл-Д нинг 55% ли к.э. қўлланилишга тавсия қилинган. Нурелл-Д нинг таъсир қилувчи моддасининг бир қисми циперметрин бўлиб, α — циан 3—фенокси бензил—цис—транс—3—(2,2—дихлорвиил)—2,2 диметил циклопропан карбаксилатdir:



Препарат таркибида 5% миқдорида нурелл ва 50% миқдорида фосфор органик моддалар гуруҳига оид хлоририфос сақланади. Нурелл-Д қўнғир-сариқ рангли ёпишқоқ суюқлик, сувда ёмон эрийди, кўпгина органик эритувчиларда яхши эрийди. Циперметрин кислотали мухитда ($\text{pH}=4$) ўз хусусиятларини йўқотмайди, аммо

ишқорий мұхитда тезда, қуёш нури таъсирида эса се-
кин-аста парчаланади, бу ҳодиса дала шароитида ҳам
кузатилади.

Нурелл—Д одам ва иссиққонли ҳайвонлар учун ўр-
тача зақарлы пестицидлар гурухига мансуб (унинг ка-
ламушларга нисбатан UD_{50} оғиз орқали киритилганды
245 мг/кг га баробардир). Тери ва күзни яллиғланти-
риши ўртача меъёрда.

Тупроқда циперметриннинг ярми парчаланиши учун
1—10 ҳафта кифоядир, хлорпирифосга эса 68 кун. Ўз-
бекистоннинг карбонатли тупроқларида эса бу ўзгариш
бирамунча тез ўтади. Мўътадил шароитда нурелл—Д
қушлар учун зарарсиз, аммо асаларилар ва балиқлар
учун хавфлидир. Турли хил ўсимликлар ҳосилида ци-
перметрин ва хлорпирифоснинг рухсат этилган юқори
микдори 2,0—0,1 мг/кг ни ташкил этади.

1983—1991 йилларда нурелл—Д Ўзбекистон ўсим-
ликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти то-
монидан ғұза, сабзавот ва мева дараҳтлари заарку-
нандаларига қарши синааб кўриш натижалари нурелл—
Д ўз таркибидаги ҳар иккала модданинг биологик таъ-
спирчанлиги ғұза түплами, шира ва оққанотга қарши,
ўргимчакканана ва бошқа сўрувчи зааркунандаларга
қарши, бир-бирини таъсирини кучайтириш ҳисобига
(синергизм) ҳар гектарига кетадиган сарф микдорини
камайтириши мүмкнілігини кўрсатди. Нурелл—Д бош-
қа циперметрин асосида тайёрланган пиретроидлардан
(цимбуш, нурелл) фарқли ўлароқ ўргимчакканаларни
узоқ вақт давомида бутунлай қириш имконини беради.
Нурелл—Д инг сарфлаш меъёри 0,8—2 л атрофида
бўлганда препаратнинг таъсир қилувчи моддалари чи-
гит ва унинг мойи таркибида бўлмаслигиги тажрибалар
кўрсатди (Ш. Т. Хўжасев, 1994).


Циперметринлар гурухига оид пиретроидлардан Ўз-
бекистонда Венгриянинг «Санофи—Хипони» фирмаси-
да ишлаб чиқарилган киммикснинг 5% ли к.э. қўлла-
нилишга тавсия этилган. Препаратнинг таъсир қилув-
чи моддаси бетапиреметринидир.

Препарат ғұзада кўсак құртига қарши унинг ривож-
ланышы дәврида гектарига 0,6 л дан, картошкада ко-
лорадо қўнғизига қарши, карам ва шолғомда оққапа-
лакларга қарши 0,15—0,2 л дан, буғдоидада заарли
хасва шилимшиққуртга қарши 0,2 л дан, токзорда
барг ўровчиларга қарши 0,4 л дан, олма ва олхўри-

богларида шираларга, мевахўрларга ва барг ўровчиларга қарши 0,3 л дан қўлланилади.

Препаратнинг «кутиш вақти» буғдойда 15 кун, ғўза, картошка карамда 20 кун, қолган экин турларида 30 кун. Ишлов бериш тақорийлиги барча экинларда 2 марта.

Фенвалерат (белмарк, пидрин, сумицидин). Таъсир қилувчи моддаси—(RS)—2—метил (4—хлорфенил)—бутол кислотасининг (RS) α —циано—3—феноксибензил эфири:



Бу сариқ рангли ёпишқоқ суюқлик бўлиб, 300°C да қайнайди, сувда ёмон эрийди, кўпгина органик эритувчиларда яхши эрийди. Кислотали муҳитда турғун, айниқса pH=4 бўлганда кўпроқ турғундир, ишқорий муҳитда унинг барқарорлиги камаяди. Қайнатилганда ва қуёш ёруғлигига бардошлидир. Унинг 4 изомери бор.

Фенвалерат сиртдан ва меъда-ичак орқали таъсир қиласиди, таъсир қилиш муддати 15 кун, кемирувчи зараркунаңдаларга яхши таъсир қиласиди. Асаларилар учун заҳарли.


Одам ва иссиқонли ҳайвонлар учун ўртача заҳарли (каламушлар учун унинг УД₅₀ 451 мг/кг га тенг). Препарат металларни коррозияламайди, шунинг учун металл идишларда сақлаш мумкин.

Ўзбекистонда Хиндистоннинг «Бхарат Пульверайн» фирмасида ишлаб чиқарилган Фенвалератнинг 20% ли к.э. қўлланилади. Препарат ғўзада кўсак қурти, оққаиотлар, ер ости туиламларига қарши ўсимликни ривожланиши даврида ҳар гектар майдонига 0,6 л дан, шира ва қандалаларга қарши 0,4—0,5 л дан, олмазор ва токзорларда мевахўр барг ўровчиларга қарши 0,3—1,0 л дан картошкада колорадо қўнғизига, карамда оқ капалакларга, туиламларга ва куяларга қарши 0,3 л дан, бедада, кўп йиллик озиқбоп экинларда узун-

бурунлар, қандалалар, ширалар, түпламлар, нематодаларга қарши 0,3—0,6 л дан, маккажүхорида күсак құртига қарши, бүгдойда, арпада ширалар, трипслар, зарарлы хасва, шишимшиқ құртларға қарши 0,2—0,3 л дан, сабзида сабзи пашшасига қарши 0,3 л дан ва қовууда ер ости түпламларға қарши 0,5 л дан тавсия этилади. Препарат құлланылғанда «кутиш вақти» бүгдойда 15 кун, олмазорда, карамда, сабзида 30 кун, токзорда 45 кун, қолган экинларда эса 20 кун. Ишлов бериш тақрорийлиги сабзи ва қовууда 1 марта, қолган экинларда 2 мартадир.

Ўзбекистонда эсфенвалераттар гурухига оид пиретроидлардан Японияның «Сумитомо Комикал» фирмасы ишлаб чиқарған суми-альфанинг 5% ли к.э. құлланылади.

Бу рацемик фенвалераттарниң нықоятта фаол изомерлардан бўлиб, α номи билан юритилади, уннинг фаоллиги фенвалератларға нисбатан 4 марта ортиқдир. Уннинг кимёвий номи (S) — α -циано—3—феноксибензил (S)—2—(4—хлорфенил)—3—метилбутират:



Таъсир құлувчи моддасы сарғыш ёпишқоқ суюқлик бўлиб, сувда ёмон эрийди, бироқ органик әритувчиларда яхши эрийди. Қуёш нурларига чидамли.

Суми—альфа сиртдан ва меъда-ичак орқали таъсир құлувчи инсектицид бўлиб, унда реипелентлик ва антифидантлик хоссалари ҳам намоёндир. Ҳимоя қилинувчи ўсимликка тавсия қилинган сарфлаш меъёрларida ҳавфсиздир. Препарат нықоятта кам миқдорда сарфланғанлиги муносабати билан ташқи мұхит учун салбий таъсири камроқ. Асаларилар учун ҳавфсиз. Одам ва иссиққонли ҳайвонлар учун ўртача заҳарли пестицидлар гурухига мансуб.

Суми-альфа ғұзада оққанот, күсак құртига қарши ўсимликкінің ривожланиш даврида ҳар гектар майдон-

га 0,5—0,6 л дан тавсия этилади, олма қурти, барг ўровчиларга қарши 0,5—1 л дан, токзорда барг ўровчиларга қарши 0,4—0,6 л дан, картошкада колорадо қўнгизига қарши 0,25 л дан, карамда оқ капалак, тунлам ва куяларга қарши, арпада шилимшиқ қуртлар, пашшалар, бургаларга қарши 0,2 л дан, бугдойда зарарли ҳасва, шилимшиқ қурт, пашшаларга қарши 0,2—0,3 л дан тавсия этилади.

Суми-альфанинг «кутиш вақти» бугдойда 15 кун, токзорда 45 кун, олмазор ва карамда 30 кун, қолган экинларда 45 кун. Ишлов бериш таクロрийлиги олмазор, токзор, карам, арпада 1 марта, қолган экинларда 2 марта гачадир.

Талстар учинчи авлодга мансуб пиретроидлардан бўлиб, бифентрин таъсир қилувчи моддасига эга. Бу биринчи авлод перетроидларидан молекуласидаги циан—CN гуруҳининг йўқлиги билан фарқланади, бинобарин талстар билан ишловчиларда аллергик реакцияси бўлмайди. Таъсир қилувчи моддаси сувда эрийди, органик эритувчиларда яхши эрийди, кучсиз ароматик ҳидга эга. Препарат портлаш хусусиятига эга эмас, 165°C да алангланади.

Тупроққа тушгач талстар тупроқ бирикмаларига тезда болгланади ва сизот сувлари ёрдамида ювилиб кетмайди. Ўрта Осиёнинг карбонатли тупроқларида 2—3 ой давомидагина парчаланади.

Препарат иссиққонли ҳайвонлар ва одам учун ўрта заҳарли (каламушлар учун УД₅₀ кўрсаткичи оғиз орқали киритилганда 531 мг/кг га тенг). Сув жониворлари учун заҳарли бўлганлиги учун сув ҳавзалари яқинида ишлов берилганда хавфсизлик қондаларига тўла риоя қилиниши шарт.

Талстар сиртдан ва меъда-ичак орқали таъсир қилувчи инсектсакарицид, унинг таъсир доираси кеңг.

Талстар АҚШ нинг «ФМСИ» фирмаси томонидан 10% ли к.э. ҳолида чиқарилади. Ер куррасининг кўпгина давлатларида (АҚШ, Мексика, Бразилия, Туркия) заараркунандаларга қарши кең қўламда қўлланилади.


Талстар Узбекистонда ўсимликларни химоя қилиш институти олимлари томонидан 1985—1990 йиллар давомида хар тарафлама ўрганилди ва Узбекистон шароитида ғўзанинг барча заараркунандаларига қарши унинг юқори самара бериши аниқланди. Ғўзадаги каналарга

қарши курашда унинг самарадорлиги махсус акарцид—омайтдан қолишмайди. Иzlанишлари натижаларига кўра, талстар ташки муҳит шароитида ўта барқарор бўлмай, балки ишлов беришнинг 25 кунида ғўза баргларида унинг қолдик аломатларигина аниқланган, чигитининг мойи таркибида пестицид қолдиги аниқланмаган.

Талстар ғўзадаги оққанот, кўсак қурти, каналарга қарши унинг ўсув даврида ҳар гектар майдонга 0,6 л дай, шираларга қарши эса 0,3 л дан тавсия этилади, олма қурти, барг ўровчилар, каналарга қарши 0,4—0,6 л дан, помидордаги оққанотларга қарши 0,6 л дан, занг каналарига қарши эса 0,4 л дан тавсия қилинади.

Талстарниг барча экинлардаги «кутиш вақти» 30 кун, ишлов бериш такрорийлиги 2 марта, олмазорда эса 4 марта гача.

Маврик — флувалинатлар гурӯҳидаги янги циретроидлардан бўлиб, таъсир этувчи моддаси (*R*)—3—метил—2—(4—трифторметил—2—хлорофенил—амино)бути кислотасининг (*RS*)—3—фенокси—цианобензил эфири:



Бу модда сариқ рангли ёпишқоқ мойсимон суюқлик бўлиб, 450°C да қайнайди, сувда деярли эримайди, органик эритувчиларда яхши эрийди.

Маврик—инсектоакарицид, сиртдан ва меъда-ичак орқали таъсир қиласди.

Маврик одам ва иссиққонли ҳайвонлар учун ўртacha заҳарли (каламушлар учун унинг УД₅₀ 261—262 мг/кг га тенг).

Тери ва шиллиқ қаватларини камроқ қитиқлайди. Қушлар ва асаларилар учун кам заҳарли, бироқ балиқлар учун юқори заҳарли пестицидлар гурӯҳига мансуб.

Препарат Швейцариянинг «Сандоз Агро» фирмасида Маврик 2 Е номи билан 25% к.э. ҳолида ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқаришда маврик ғўзада кўсак қурти ва каналарга қарши ўсимликнинг риҷовланини даврида хар гектар майдонга 0,4—0,5 л дан, шираларга қарши 0,2 л дан, картошкадаги колорадо қўнгизига қарши 0,1 л дан, буғдойдаги зарарли ҳасвалар, ширалар, шилимшиқ қуртлар, галла пашшаларига, соядаги ўргимчакканга, ариадаги швед пашшаси, шилимшиқ қурт, шираларга қарши 0,2 л дан, олма қурти, ўргимчакканга, шираларга қарши 0,4 л дан, узумнинг барг ўровчиларига қарши 0,25—0,4 л дан қўлланилади. Препаратнинг «кутиш вақти» буғдойда 15 кун, арпада 20 кун, қолган экин турларида 30 кун. Ишлов беринш такрорийлиги 2 марта.

7.5. МИНЕРАЛ МОЙЛАР

Торф, кўмир ва нефтни қайта ишлаш орқали минерал мойлар олинади. МДҲ давлатларида тошкўмирии қайта ишлаш орқали олинган минерал мойлар қўлланилмайди, чунки улар тери касалликларини келиб чикишига сабаб бўлади.

Нефт мойлари. Булар карбонводородларнинг аралашмасидан ташкил топган бўлиб, мазутни 275—450°C да ҳайдаш орқали олинади. Минерал мойлар ўсимликлар учун фитошид (куйдирувчи) таъсирга эга бўлгани туфайли, уларда ўсув даврида қўлланилмайди. Дараҳтлар кишки тинни даврида минерал мойлар билан ишлов берилганда, улар жуда бардошли бўлади.

Минерал мойларга данакли мева боғлари, цитрус ўсимликлари ва резавор-мевадар ўта сезгир бўлиб, уруғли мева боғлари эса анча бардошлидир. Кеч кузда мева боғлари минерал мойлар билан ишлов берилганда уларнинг қиши давридаги бардошлилиги камаяди, шунинг учун уларни дараҳтлар куртак ёзмасдан олдин, ҳавонинг ўртача кечакундузги ҳарорати +4°C бўлганда қўллаш тавсия этилади.

Минерал мойлар қисқа химоя қилувчи таъсирга эга контакт таъсирили инсектоакарициддир. Улар қалқондорлар, сохта қалқондорлар, червецлар ва каналарга захарли таъсири этади. Уларнинг овицидлик хоссалари камроқ намоён бўлади. Баъзи минерал мойлар фунги-

цидлик ва гербицидлик хоссаларини ҳам намоён қиласди.

Минерал мойлар ҳашаротлар танасини ўраб олиб, парафинлари ёрдамида мустаҳкам плёнка билан қоплаб олади. Ҳашарот организмининг қалини плёнка билан ўраб олинганилиги натижасида улар организмидагаз ва сув алмашинув жараёнини бузади, бундан ташқари, улар ҳашаротлар танаси кутикуласини емиради ва протоплазмани коагулирлади.

Минерал мойлар одам учун кам заҳарли, лекин улар терини яллиғлантиради ва яралар ҳосил қиласди. Минерал мойлардан турли препаратлар тайёрланади ва қўлланилади:

препарат №30., 30 с., 30 сс.

Препарат № 30 таркибида 40% парафинли минерал мойи бор, яшил ўсимликларга фитоцид таъсири.

Препарат №30 с таркибида парафин солярка мойи билан алмаштирилган бўлиб, яшил ўсимликларга камроқ қўйдирувчи таъсирга эга.

Препарат № 30 қалқондорларга, шираларга қарши эрта баҳорда 3—4% концентрацияларда қўлланилади. Сарфлаш меъёри 40—100 л/га, «кутиш вақти» 7 кун.

Нитрофеноллар — кўпгина нитрофеноллар юқори биологик фаолликка эга бўлиб, улар ҳашаротлар, бактериялар ва замбуруғларнинг барча ривожланиш бўгиниларига заҳарли таъсири қиласди. Булар одам ва иссиқ қонли ҳайвонлар учун ўрта ва юқори заҳарлидир.

Нитрафен. Бу нитрофеноллар гуруҳига мансуб бўлиб, уларни нитролаш йўли билан олинади. У тўқ-қўн фир тусли паставимон массадир. Сувда яхши эрийди. Бу препарат инсектоакарицид ва кучли гербицид. Одам учун ўртача заҳарли.

Нитрафен 60% ли паста ҳолида чиқарилади, 2—3% эритма ҳолида 30—60 кг/га қўлланилади. Қалқондорлар, ширалар, каналар тухумларига яхши таъсири қиласди. Соҳта ун-шудринг замбуругу касалликларига қарши қўлланилади.

Минерал мойлар ҳам инсон учун заҳарли, шунинг учун уларни қўлланишда хавфсизлик қоидаларига тўла риоя қилиниши лозим. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида бу препаратнинг қолдиги бўлиши мумкин эмас.

7.6. РОДЕНТИЦИДЛАР

Родентицидлар — кемирувчи зааркунандалар (сичқонсимоилар)га қарши қўлланилуви пестицид гурухидандир.

Сичқонсимон кемирувчилар кўплаб қишлоқ хўжалик экинларига, мева боғлари ва ўрмонзорларга, яйловларга, озиқ-овқат ва пичан маҳсулотлари жамгармалари га катта зарар келтиради. БИТ нинг 1951 йилдаги маълумотларига қараганда сичқон ва каламушлар бир йилда омборхоналарда 150 млн. аҳолининг истеъмоли учун етарли миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларини йўқотади. Немис олимларининг маълумотларига кўра каламушлар чўчқахоналарда сақланадиган ем-хашакнинг 20% ини йўқотар экан. Америка олимларининг ҳисобларига қараганда Нью-Йоркда баъзи йилларда каламушлар сони 10 млн. дан ортиб кетади ва улар озиқ-овқат маҳсулотларининг 8—10% ини нобуд қилаади.

Молдавия республикасида ҳар йили фақат фермаларда каламушлар ем-хашакка 5—6 млн. сўмлик зарар етказади.

Россияда битта каламушни йўқотиш учун 5 тийин сарфланар экан, лекин униш зарари 3—4 рублни ташкил этади.

Кемирувчи зааркунандалар дала экинларига ҳам катта зарар келтиради. Бундан ташқари, улар кўпгина касалликларни тарқатади.


Шунинг учун ҳам кемирувчи зааркунандаларга қарши мунтазам равишда курашиш лозим. Бунда родентицидларнинг моҳияти катта. Родентицидлар сифатида анорганик бирикмалардан рух фосфиди ва органик бирикмалардан глифтор қўлланилади. Бу препаралларнинг барчаси ҳам кемирувчи зааркунандаларга меъда-ичак орқали кирганда заҳарловчи таъсир қилаади.

Родентицидлар фақат «заҳарли емлар» ҳолида қўлланилади. Юмронқозиқлар, сичқонларга қарши дала шароитида галла донлари (сули, бугдой, маккажўхори) дан ем сифатида фойдаланилади.

Заҳарли емлар инсектицидлардан ҳам тайёрланниши мумкин. Бунда ем сифатида (лавлаги, карам, картошка ва ҳоказо) барглар ишлатилади. Хоналарда (омборхоналар, молхоналар, иссиқхоналар ва ҳоказо) ем

сифатида ион увоқлари, турли бүтқалар, дон, гүшт қиймалари ва ҳоказодан фойдаланилади.

Рух фосфид Zn_3P_2 оғир, құнғир күкүн, ҳидсиз, кучсиз кислоталар таъсирида RH_3 газини ҳосил қилиб, кучли зақарли таъсир қиласы.



Бундай жараён ҳайвонлар организмида ҳам содир бўлади. Шунинг учун рух фосфиди иссиққонли ҳайвонлар учун ўта зақарли. Юмроңқозиқ ошқозонида кислота миқдори кам бўлганлиги учун унга препарат кучсиз таъсир этади.

Препарат 21% ли күкүн ҳолида чиқарилади, сичқонлар ва каламушлар учун 5—8% «зақарли ем» сифатида ишлатилади. Ҳар уяга 10 г дан қўйилади. Препарат ўта зақарли, бу билан 4 соат ишланади, иш вақтида коржомалар кийиб олинади.

Глифттор бу дифторпропанол ва 1—фтор—3—хлорпропанол—2 аралашмасидан иборат.

Глифттор 72% ли суюқ препарат бўлиб, махсус ҳаво рангга бўялган. Препарат сичқон-карамушлар учун юқори даражада зақарли, у зааркунанданинг асаб тизимини шикастлантиради. Бунинг ҳам ёмон ҳиди ёки мазаси йўқ, 0,3—0,6% ли зақарли ем тайёрланиб, 5—10 г дан сарфланади.

Қоннинг антикоагулянтлари

Бу гуруҳ родентицилар кумарин ҳосилалариданadir. Бу гуруҳга оид родентицилар организмга жуда оз миқдорда тушганда ҳам унда протромбин ҳосил бўлишини сусайтиради. Натижада қоннинг ивиш жараёни бўлмайди. Шу билан бирга қон томирларининг деворлари ҳам емирилади. Шунинг учун ҳам зақарланган ҳайвонлар ички қон қўйилишидан нобуд бўлади.

Қон антикоагулянтлари сурушкали (куммулятив) таъсирга эга бўлиб, улар организмга жуда оз-оздан бир неча кун давомида киритилганда унга зақарли таъсир қиласы. Бир марта юқори дозада берилган антикоагулянт таъсири ҳамма вақт ҳам яхши натижада бермайди. Шу туфайли ҳам антикоагулянтлар дала шароитида қўлланилмайди. Бундан ташқари, антикоагулянтлар

таъсири яшил ўсимликлар таркибидаги витамин К таъсирида буткул йўқолади.

Одам ва иссиққонли ҳайвонларга заҳарли таъсири кам, шунинг учун улар молхона ва омборхоналарда сичқон ва каламушларга қарши қўлланилади.

Зоокумарин, 0,5% ли кукун, оқ рангли, одам ва иссиққонли ҳайвонлар учун ўта заҳарли, 5% ли заҳарли емни 5—10 г дан қўлланилади. 4—8 кундан кейин зааркунанда ўлади.

Бродифакум — родентицид, антикоагулант хонадонларда ва дала шароитида сичқон ва каламушларга қарши қўлланилади, ҳатто зоокумаринга чидамлилариға ҳам таъсир қиласди. Зааркунанда 5—7 кундан кейин нобуд бўлади. Одам учун ўта заҳарли, 0,1% кукун ҳолида чиқарилади, 5% ли заҳарли ем тайёрланади ва 20—100 г дан ишлатилади.

Дифенакум таъсирига кўра бродифакумга ўхшаш, фарқи бродифакумга иисбатан каламушларга яхши таъсир қиласди, 0,1% кукун ҳолида чиқарилади, 10% ли заҳарли ем тайёрланади. Одам ва иссиққонли ҳайвонлар учун ўта заҳарли.

7.7. ФУМИГАНТЛАР

Фумигантлар ўта хавфли зааркунандаларга, ҳатто карантин зааркунандаларга қарши қўлланилади. Фумигация қилинганда зааркунанданинг барча бўгинлари (тухуми, қуртчалари, ғумбаги ва стук ёшдаги авлоди) нобуд бўлади. Фумигация натижасида зааркунанда хонанинг ҳар қандай тирқишиларида бўлмасин, ҳатто ҳашаротлар қалқони остида бўлсаларда нобуд бўладилар.

Фумигацияга ҳаво ҳарорати ва карбонат ангидрид миқдори катта таъсир қиласди. Ҳарорат кўтарилиши билан фумигантнинг ўлдирувчи концентрацияси камаяди, чунки ҳашаротининг нафас олишини тезлатади ва нафас олиши апаратининг очилишига ёрдам беради, натижада организмга заҳарни кўпроқ тушишига имкон яратади.

Метил бромид — CH_3Br рангсиз суюқлик, сувдан, оғир, сувда ёмон эрийди, органик эритувчиларда, яхши эрийди. Унда мойлар, бўёқлар яхши эрийди, лак бўёқлари, каучук унинг таъсирида бузилади.

Метил бромид буғлари ҳаводан оғир, моддаларга


яхши сингиіш вә ажралиб чиқиши ҳолатига зәға бўлиб, моддага сўрилиш қобилияти кам. Унинг ҳаво билан аралашмаси портламайди.

Суюқ метил бромид ўсимликларга салбий таъсир қиласи. Юқори концентрацияларда уруғлар ва экиш материалларининг ушуучанлигини камайтиради. Лекин унинг буглари бу хусусиятларини камроқ намоён қиласи. Аммо метил бромид тавсия қилинган меъёлларда ўсимликларга қўйдирувчи таъсир қиласи.

Метил бромид инсектицид ва акарицид бўлиб, ҳашарот ва каналарниң барча бўғинларида таъсир қиласи. У ҳашаротлар организмида, асосан асад тизимиға заҳарли таъсир қиласи.

Метил бромид таъсири секин боради, шунинг учун унинг самарадорлигини қўлланилгандан кейин 24 соат ўтгач аниқланади. Одам ва иссиққонли ҳайвоnlар учун метил бромид юқори заҳарли пестицидлар гуруҳига киради. Заҳарланиш оқибатида жигарииң иши бузилади ва заҳарланган одам бутунлай кўр бўлиб қолади.

Сут эмизувчилар организмида метил бромид тезда метил спирт ва кейинчалик формальдегидга парчаланаади:



Бромметил юқори концентрацияларда терига маҳаллий таъсир қилиб, уни яра қилиб юборади.

Бромметил 98,5 % ли сиқилган газ ҳолида чиқарилади. Препарат омборхоналарда озиқ-овқат ва ем учун мўлжалланган галлани ҳашарот ва каналарга қарши фумигация қилишда қўлланилади. Сарфлаш меъёри 25—35 г/м³. Экспозиция муддати 1—2 кечакундуз, нематодларга қарши пиёз ва саримсоқни 4 соат давомида фумигация қилинади, сарфлаш меъёри 60 г/м³. Турли экин уруғлари, қуритилган ва ҳўл мевалар ҳамда сабзавотлар, кўчатлар зааркунандаларига қарши 2—4 соат давомида фумигация қилинади. Бромметал сарфи 30—60 г/м³.

Фумигация маҳсус тайёргарлик кўрган гуруҳлар

томонидан «Қишлоқ хұжалиғи ва саноат маҳсулотларини фумигация қилиш бүйічә йўриқнома» асосида бажарылади. Бунда, ишловчилар албатта А қутичали РУ—60 м универсал респиратори билан таъминланган бўлишлари шарт.

7.8. ҲАШАРОТЛАР РИВОЖЛАНИШИННИ БОШҚАРУВЧИ МОДДАЛАР

Бу моддалар биологик фаолликка эга бўлиб, ҳашаротлар, организмида ишлаб чиқарилади, унинг ҳаёт фаолиятида иштирок этади. Буларга феромонлар, атрактантлар, репеллентлар, ингибиторлар, гормонлар ва бошқалар киради. Улар ҳашаротларнинг асаб тизимлари билан бирга организмнинг бир бутушилигини таъмилашда хизмат қилади. Биологик фаол моддалар ҳашаротларни тўғридан-тўғри заҳарламайди, аммо улар онтогенезида содир бўладиган жараёнлар тартибининг кескин бузилишга олиб келади, баъзи органларниң ривожланиш тартибини ва организмнинг ташқи муҳит билан алоқасини бузади. Бундай бузилиш оқибатида ҳашарот ривожланишининг маълум бир босқичидан иккинчи босқичига ўтаётгандага нобуд бўлади ёки мажруҳ, ҳаётчанлиги заиф авлод вужудга келади, улар сўнгги икки босқичдаги ғнатомо-морфологик белгиларни ўзида мужассам қилади; бу зотлар учун етук авлоднинг репродуктив фаолияти кучсиз бўлади. Бу моддаларга ҳашаротлар онтогенезининг бир босқичида ёки барча босқичлари ўртасида турлиса сезигирликка эга бўладилар. Ҳашаротлар барча ривожланиш давларида ўзига хос ҳолда бу моддаларга нисбатан сезигирликка эгадирлар.

Ҳашаротларнинг ўсиши ва ривожланишини бошқарувчи моддалар одамлар ва иссиққонли ҳайвонлар учун кам ёки бутунлай заҳарсиз моддалар (уларнинг ҮД₅₀ кўрсаткичи 10 минг мг/кг дан ортиқдир). Шунинг учун ҳам уларнинг танлаб таъсир этиш хусусияти жуда юқори, чунки улар иссиққонли ҳайвонларда учрамайдиган функцияларни—пўст ташлаш, ўзгариш, диапауза жараёнларини бошқаради.

Ҳашаротларнинг ўсиши ва ривожланишини бошқарувчи моддалар (ҲЎРБМ) табиий ва сунъий йўллар билан олинадиган турли кимсёвий бирикмалардир, улар гормонлар фаолиятига қарама-қарши йўналишда иш-

бажаради. Бу моддалар бошқа инсектициларга нисбатан ўзида чидамлилик белгилариши намоён қилган зааркунаңдаларга нисбатан юқори самарадорликни намоён қиласы, уларнинг энтомофаглар учун салбий таъсири кам.

Ҳашаротларнинг ўсиши ва ривожланишини бошқарувчи моддалар (ҲУРБМ) дан ювенондлар ҳозирги вақтда катта аҳамиятга эга. Ювенондлар ҳашаротларнинг ювенил гормонларига онд (ўхшаш) моддалар бўлиб, табигий ювенил гормонлари каби метаморфоз жараёнинг бузилишига олиб келади, яъни ҳашаротларнинг бир ривожланиш давридан иккинчисига ўтиш жараёнини издан чиқаради, оқибатда улар ҳалок бўлади.

Умуман ҳашаротларнинг ўсиши ва ривожланишини бошқарувчи моддалар учинчи авлод пестициллари ҳисобланади. Бу гурӯҳ моддалар ҳашаротларни тўғридан-тўғри заҳарлаш қобилиятига эга бўлибгина қолмай, балки улар организмда маълум тартибдаги ривожланиш жараёнини ҳам бузади. Бу моддалар ўсимликларни уйгунашган ҳолда ҳимоя қилишда жуда катта аҳамият касб этади. Айниқса, бу борада феромонларнинг аҳамияти катта. Улар ҳашаротларнинг феълларини ўзгартиришга мажбур этади, оқибат натижада пестициллар қўлланилишининг чегараланишига олиб келади. Бу чегараланиш икки йўл билан амалга оширилади. Биринчидан, пестициллар билан ишлов беришни улардан селективроқ усуллар билан алмаштирилади ва зарарли организмлар миқдори камайтирилади. Иккинчидан, ҳашаротларнинг ривожланиш динамикасини аниқ кузатувлар асосида олиб борилади ва уларнинг иқтисодий хавфли чегараси сони аниқланади, бинобарин, пестициллар қўлланилишининг ҳажми камаяди. Натижада ҳашаротларнинг ўсиши ва ривожланишини бошқарувчи моддалар ўсимликларни ҳимоя қилишда энтомофаглардан фойдаланишга қулагай вазият яратади.

Зааркунандаларга қарши курашда бир турнинг турли жинслари орасидаги феромон алоқаларидан фойдаланиш ёки феромон сигналлари асосида сунъий манбалар ўрнатиш ўсимликларни ҳимоя қилишдаги янги воситалардан дандир. МДҲ мамлакатларида бу тадқиқотлар 1970 йилдан бошланган.

Ҳозирги вақтда ювенил гормонлари ва уларга ўхшаш сунъий моддалар ҳашаротларга қарши курашда кенг миқёсда қўлланилмоқда. Аммо бу моддаларнинг

таъсир қилиш мөханизмлари ва уларнинг токсиколог-
гиеник хоссалари ҳануз ётарлича ўрганилган эмас.

Ювенойдлардан ҳозирги вақтда Ўзбекистонда инсегар
препарати кенг кўламда ўрганилмоқда. Препарат
Швейцариянинг «Сиба» фирмаси томонидан 25% ли
ҳ.к. ҳолида ишлаб чиқарилади. Унинг таъсир қилувчи
моддаси феноксикарбdir.

Инсегар ҳашаротларга уларнинг ўзи вужудга кел-
тирадиган табиий бошқарувчи моддалар сингари таъ-
сир кўрсатади. У ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, зарур
пайтда таъсир қўрсатади. Инсегар ҳашаротларга улар
ривожланишининг бир босқичидан иккинчисига ўтаёт-
ганида таъсир этиб, бу жараёнига тўсқинлик қиласи,
чунончи, у онтогенезда бир босқичидан иккинчисига из-
чил ўтишига тўсқинлик қиласи ёки ҳаракатчан шакл-
ларни турғун шаклларга айланишига ҳалақит берниши
ёхуд қуртлар озиқланишининг сўриш типидан кемирув-
чи типга ўтишини бартараф этади. Бу ана шундай ўзи-
га хос тарзда таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлган
ўсимликларни ҳимоя қилиш воситасидир. Бу сиртдан
ва меъда-ичак орқали таъсир қилувчи пестицидлар.

Таъсир қилувчи моддаси сут эмизувчилар учун амал-
да заҳарли эмас. Инсегар алаингаланмайди, металлар-
ни коррозияламайди, сувда ёмон эриди, атроф-муҳит-
да биоэологик жиҳатдан тўпланиб қолмайди, тупроқда
тез парчаланиб кетади.

Инсегар уруғли мева багларида барг ўровчилар, ол-
ма қурти ва куяларга қарши, айниқса самаралидир.
Препарат зааркунандаларни йўқотиш учун анъанавий
инсектицидлардан олдинроқ қўлланади. Багларни бу
инсектицид билан тавсия қилинган муддатларда иш-
лов бериш меваларда заарли қолдик миқдори сақла-
нишини истисно этади.

Барг ўровчиларга қарши курашилганда пестицид
кўкламда қишлиб чиқсан қуртлар охирги, бешинчи ёш-
га тўлганда сепилади. Бу аксарият минтақаларда, гул-
лаш охири ёки буидан бир ҳафта кейинроққа тўғри ке-
лади. Бу даврда гектарига 600 г миқдорида дорилаш
ҳашаротнинг ёзги авлоди ривожланишининг олдини
олади, шунингдек олма ҳосилини теримгача барг ўров-
чисидан ҳимоя қиласи. Олма қуртига қарши эса, тухум
қўйиш бошланиши биланоқ ўтказилиши лозим. Бу кў-
пинча олма кечки навларининг гуллаши охирги пайтига


түғри келади. Инсегар құлланилган болгарда күяларда шам ҳимояланиш таъминланади.

Инсегарни күп йиллар давомида синаш унинг эң мұхим йиртқичлар ва паразитлар учун хавфсиз эканligини күрсатди. Айниқса, йиртқыч каналар, паразитлар учун хавфсизлиги мұхимдир. Табиий күшандалар иккіламчи зааркушандаларнинг ривожланишига йүл қўймайди. Натижада кана ва бошқа зааркушандаларга қарши маҳсусе дорилаш сони камайиши мумкин.

Инсегарни иккى марта қўллаш ҳосилнинг ҳашаротлардан ҳимояланишини таъминлайди. Ҳашаротларнинг ўсиши ва ривожланишини бошқарувчи моддалар — эквидзоидлар ҳам ҳозирги вақтда кенг кўламда синалмоқда, улар ҳашаротларнинг пўст ташлашини таъминловчи гормонлар ишини сусайтиради. Бу моддалар ўсимлик ва ҳайвонлар организмидан топилган.

Ҳашаротларнинг ўсиши ва ривожланишини бошқарувчи моддалардан хитин ишлаб чиқарилишига тўсқинлик қилувчи моддалар ҳам кенг кўламда ўрганилмоқда, улар ҳашаротлар организмида кутикула қурилиши ва улар қобиғининг муҳофаза этилишини бузади. Бу моддалардан энг күп ўрганилиб, ишлаб чиқаришга тавсия қилингани Эймдир.

Эймнинг таъсир қилувчи моддаси хлорфлуазурондир:



Таъсир қилувчи моддаси кристалл, эриш ҳарорати $+228^{\circ}\text{C}$, бупда препарат парчаланади, лаборатория шарттида гидролизланишига ва ёруғликка бардошли. Препарат органик эритувчиларда камроқ эрийди.

Хлорфлуазурон ўсимликка системали таъсир қилмайди, унда ҳаракатланмайди. Бу модда ўсимлик сиртида сақланади, сувда эрувчанлиги ёмон бўлганлиги сабабли, ёғин-сочин уни ювиб юборолмайди. Шунинг учун ҳам эйм тупроқда ҳаракатланмайди. Шу туфайли унинг ер ости сизот сувларига ўтиш хавфи камроқдир.

Препарат ҳашаротларда хитин ҳосил бўлиш жараёнини бузади, эйм билан ишланган урғочи капалак бемалол тухум қўяди, бироқ улардан қуртчалар ҳосил бўлмайди. Бунда капалакларнинг қўйгани тухумни қуртчалар пайдо бўлгунга қадар бир меъёрда ривожланаверади, фақат қуртчалар тухум қобиғини ташлаган бўлса, улардан чиқсан қуртчалар овқатлана олмайди ва ривожланмайди. Шу билан бирга, улар зарар етказа олмайди ҳам. Эйм ҳашаротларниң эркак жинсига таъсири этмайди. Эйм тухумга бевосита таъсири қилмайди. У қуртчаларга икки хил таъсири қиласди:

— пўст ташлаш жараёнинг таъсири қилиш: пўст ҳашарот қуртчалариниң орқа елкасига ёпишган бўлиб, шундоққина бош қисмининг тагида жойлашади ва шу ҳолда ҳашарот нобуд бўлади.


— иккинчи ҳолда ҳашарот пўст ташлашга улгуради, аммо унинг оғиз аппарати шикастланганлиги сабабли овқатланолмайди ва улар нобуд бўлади.

Эйм ҳашаротлар организмига сиртдан, тери, меъдичак орқали киради.

Эйм тангача қанотли ва қаттиқ қанотли ҳашаротларга таъсири қилувчи инсектицид, шунинг учун ҳам препарат гўза, картошка ва кўпгина сабзавот экинилари зааркунданаларига қарши курашда келажаги порлоқдир. Эйм иссиққонли ҳайвоилар учун кам заҳарли (унинг сичқонларга нисбатан УД₅₀ унинг кўрсаткичи 7000 мг/кг га тенг).

МДҲ мамлакатларида Швейцарияниң «Сиба» фирмаси тавсия қилган Эймниң 12% ли к.э. ишлатишга рухсат этилган. Препарат гўзадаги кўсак қуртига қарши ўсимликниш ривожланиш даврида ҳар гектар майдонга 0,8 кг дан тавсия этилади, картошкада эса колорадо қўнгизига қарши 0,15 кг дан қўлланилади. Гўзада Эймниң «кутиш вақти» 30 кун, картошкада 20 кундир, ишлов бериш такрорийлиги гўзада 4 марта ва картошкада 2 марта дидир.

Димилин — дифлубензурон — 1 — /2,6-дифторбензоил—3—/4—хлор/ фенил мочевина:



Бу таъсир құлувчиси оқ кристалл модда бўлиб, 236—239°C да эрийди. Препарат сувда ёмон эрийди, эфир, бензол ва спиртда эрийди, ацетон, ацетонитрилда эса яхши эрийди. Кислотали ва ишқорий мұхитда турғун ҳисобланади. Юқори ҳароратда қисман парчаланади.

Димилин сувда кам турғундир, чунки у сувда бир ҳафта давомида парчаланиб кетади, аммо сув ўтларида узоқ вақт сақланади, балиқлар организмида эса тезда парчаланиб кетади ва уларда түпланмайди. Балиқлар учун димилин ўртача заҳарли. Препарат ёргугда барқарор, тупроқда 4 ҳафта давомида сақланади, 2—3 ҳафта давомида унинг 50% миқдори парчаланади. Унинг тупроқдаги парчаланиш маҳсулотлари — 4 — хлор—фенил—мочевина ва 2,6—дифторбензол кислоталари одамларга заҳарли таъсир қилмайди.

Димилин иссиққонли ҳайвонлар учун кам заҳарли (унинг УД₅₀ нинг кўрсаткичи оғиз орқали киритилганда сичқон ва каламушлар учун 4640 мг/кг дир).

Дифлубензурон қушларга нисбатан амалда кам заҳарли, ўрдак ва бедана таркибида 4640 мг/кг димилин сақловчи озиқ билан 7 кун давомида боқилганда ҳеч қандай салбий таъсир этмаган.

Лаборатория шароитида текшириш натижаларига кўра димилин гўза, соя, галла, карам, олма каби ўсимликларга «куйдирувчи» таъсир кўрсатмаган.

МДХ мамлакатларида димилиннинг 25% л. ҳ.к. Голландиянинг «Дюфар» фирмаси томонидан тавсия этилган шакли қўлланилади. Димилин олмазорларда олма қуртига қарши ўсимликнинг ривожланиш даврида гектарига 1—2 кг дан, куяларга қарши 0,5 кг дан, карамла тунламлар, куялар, оқ капалакларга қарши 0,15 кг дан қўлланиш тавсия қилинади. Бунда «кутиш вақти» 30 кун ва ишлов бериш такрорийлиги 2 мартаидар.

~~Апплауд~~ — таъсир құлувчи моддаси бупрофезин (2—тертбутилимино — 3—изопропил — 1—5— фенил—3,4,5,6—тетрагидро—1,3,5—тиадиазин—4—1).

Апплауд ҳашаротларнинг ұсиси ва ривожланишини бошқарувчи моддалардан бўлиб, чирилдоқлар, оққапотлар, колкондорлар ва баъзи каналарни йўқотишда қўлланилади. Препарат таъсиридан ҳашаротлар куртчалар ҳолида пўст ташлаш даврида нобуд бўлади. Унинг таъсирида қўйилган тухумлар кейинги ривожланиш даврлари учун яроқсиз ҳолга келади.

Апплауд таъсири 3—4 кун давомида айтарли сезил-

майды, бирок унинг экинни ҳимоя қилиш муддати 25 кун ва ундан күпроқ давом этади. Апплауд иссиққондя ҳайвонлар, асаларилар учун хавфсиздир.

Апплауд иссиқхона оққанотининг энтомофаги учун заҳарсиз ҳисобланиб, фосфорорганик пестицидларга чидамли бўлган зааркунандаларга ҳам таъсир этади. Ўзбекистонда Япониянинг «Сумитомо Кэмикал» фирмасида ишлаб чиқарилган апплауднинг 25% ҳ.к. кўлланилади.

Апплауд иссиқхоналардаги помидор ва бодринг оққанотларига қарши ишлатилади. Препаратнинг «кутиш вақти» З кун, ишлов бериш тақорийлиги 1 марта.

Жинсий феромонлар. Булар кўпроқ ургочи жинс томонидан ишлаб чиқарилиб, қарама-қарши жинсни ўзига жалб қилиш мақсадида хизмат қилади. 1960 йиллардан бошлаб жинсий феромонларнинг кимёвий таркиби аниқланана бошланди. 1980 йилга келиб, 700 тур ҳашаротнинг феромонлари аниқланди. Улардан 230 турнинг кимёвий таркиби аниқланди.

Иzlанишларнинг дастлабки даврларида ҳар бир тур ҳашарот ўзига хос феромон ишлаб чиқарди, деган хуносага келинган эди, аммо кейинги izlaniшлар бир тур ҳашаротларга онд феромонлар иккичи бир тур ҳашаротларга ҳам самарали бўла олиши мумкинлигини тасдиқлади. Худди шундай таъсирни шарқ меваҳўридан ажратиб олинган феромонда кузатилди, чунки бу феромон шарқ меваҳўридан ташқари олхўри меваҳўрининг эржак капалагини ҳам жалб қилиши қобилиятига эга.

Тунги тангачақанотлиларнинг феромонлари узоқ масофадаги ҳашаротларни ўзига жалб қилади, баъзи бир тур ургочи қалқондорларнинг феромонлари эса фаяқат шу турнинг эркак жинсли капалагинигина эмас, балки уларнинг паразитларини ҳам ўзига жалб қилали. Дастлабки бундай моддалар кўсак қурти капалаги қанотининг тангачаларидан ажратилди ва бу модда трихограммани зааркунанда тухумига жалб қилиши аниқланган.

Кўпгина эркак капалаклар ҳам феромонлар чиқарishi ва бу феромонлар ургочи капалакларни урчиш қобилиятини оширишга хизмат қилиши аниқланган. Бундай моддалар афродигиаклар деб аталади.

Жинсий феромонлардан ўсимликларни ҳимоя қилишда иккى йўл билан фойдаланилади: зааркунанданинг

пайдо бўлишини олдиндан аниқлаш ва улар билан кураш воситалари сифатида.

Зааркунанданинг пайдо бўлишини олдиндан аниқлаши мақсадида феромонлар ва уларнинг сунъий йўл билан олинган бирикмалари феромон тутқичлари сифатида боғдорчиликда кенг қўлланилмоқда. Тутқич ичига феромон шимдирилган резина патрони ўрнатилиб, тутқичниш ички девори елим билан копланади, унга капалаклар ёпишиб қолади. Тутқич ҳар 5 га дараҳтзорга 1 тадаи ўрнатилади. Тутқичга 1—2 та капалак ушланағандан кейин 1—2 ҳафта ўтгач, пестицид билан ишлов берилади.

Феромонлардан зааркунандаларга қарши кураш воситалари сифатида фойдаланиш ҳам мумкин: тутқичларга кўплаб эркак капалаклар тушади ёки феромон тутқичларга инсектицидлар ўрнатиш йўли билан ҳашаротлар қириб ташланади.

Феромон тутқичларга эркак капалаклар кўплаб тушиб қолса, табиатда урғочи капалаклар уруғланмай қолади, патижада табиатда зааркунандалар миқдори камаяди, бу ҳол экинларнинг зааркунандалардан заррланиши камайнишига олиб келади.

7.9. КАРБАМАТ КИСЛОТА ҲОСИЛАЛАРИ


Карбамат кислота ҳосилаларига оид пестицидлар орасида инсектицидлар, фунгицидлар ва гербицидлар мавжудdir. Бироқ булардан фақат N—алкилкарбамат кислотанинг эфирларигина инсектицидлик хоссаларига эгадир.

N—метилкарбаматлар ёруғликка чидамли, нейтрал ва кислотали муҳитда сақланишга мойил моддадир. Ишқорий муҳитда улар арил гуруҳини ажратиш билан енгилгина гидролизланади ва кислотали қолдиқлари CO_2 ҳамда оддий аминларга қадар парчаланади. Ишлов берилган ўсимликлар сиртида 14—40 кун давомида сақланади.

Бу гурухга оид пестицидлар ўсимликларга барглари ва илдиз тизими оркали киради, улар маданий экинларнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатмайди ва хосилни камайтиrmайди. Аммо улар юкори сарфлаш меъёрларида қўлланилганда илдиз ҳужай-

раларининг бўлинишини сусайтириб, илдиз ипчаларини нобуд қилади.

N—метиларилкарбаматлар ўсимликларда




билан ўзгаришларга учрайди, кейинчалик улар CO_2 ва NH_3 га қадар парчаланади. Шунингдек, ароматик ҳалқадаги водород атомлари гидроксил гуруҳига алманиш йўли билан ҳам турли ўзгаришларга учрайди. Узгарув маҳсулотлари устъидалар орқали ажралади. N—метилкарбамат кислотанинг арил эфиirlари сиртдан ёки меъда-ичак орқали таъсири қилувчи юқори самарали инсектицилардир. Уларнинг таъсири қилиш механизмлари асаб толаларидаги ацетилхолинэстераза ферментининг фаолиятини сусайтиради. Ацетилхолин эстераза фаолиятини сусайтириши оқибатида асаб тўқималарида ацетилхолиннинг ортиқча тўпланиши содир бўлади, натижада асаб тизимининг фаолияти бутунлай издан чиқади. Бу эса шоллика, сўнгра ўлимга олиб келади.

Карбаматлар таъсиридан кейин ферментларниш фаоллиги аста-секин, бироқ фосфорорганик пестицидларига қараганда тезроқ, тикланади. Шунинг учун ҳам улар таъсирида юзага келган шоллик қайтдир.

Карбаматларни узлуксиз равишда қўллайвериш уларга нисбатан ҳашаротларда гуруҳли сунъий чидамлиликни юзага келтиради. Чидамлиликни намоён қилувчи зааркунандалар танасида карбаматлар тезда парчаланиб, заҳарсиз ҳолга келади.

Кўпгина карбаматлар одам ва ҳайвонлар учун юқори заҳарлилар гуруҳига мансубдир. Улар одам ва ҳайвонлар организмига, ҳатто кам миқдорда киритилганда ҳам эмбриотоксик ва мутаген таъсири кўрсатади. Шунинг учун ҳам карбаматлар ҳосилаларига оид инсектициларни Ўзбекистонда қўлланилиши кескин чегаралганга, фақат улардан ларвинни қўлланилишига руҳсат берилган.

Ларвин — таъсири қилувчи моддаси — тиодикарбдиметил тиобис N_1N^1 (метилимино) карбонил-оксибис (этонимидотноат):



Бу модда оқ-сарғиши кристалл бўлиб, енгилгина водород сульфид ҳидини эслатади, сувдан оғир, сувда ва органик эрутувчилардан дихлорэтанда яхши эрийди. Тиодикарб қоронғуликда турғун, сувли эритмалар ҳолида УФ нурларининг гидролиз ва оксидланиш жараёнини тезлаштиради.

Ларвии-тиодикарб — юқори самарали оксимкарбаматлар гуруҳига оид янги инсектицид, меъда-ичак орқали қучли таъсир қилувчи модда, сиртдан таъсири камроқ.

Ларвии 100 дан ортиқ ўсимлиқ турларида синаб кўриш мақсадида ҳар гектар юзага 2 кг дан қўлланилганда уларга салбий таъсир кўрсатмаган. Инсектицид сабзавот экинларида, бедада, ўрмонзорларда, кунгабоқарда, шолида, уруғли мева боғларида ва токзорларда, маккажӯхорида, ғўзада тангача қанотли ҳашаротларга, шунингдек баъзи қаттиқ қанотлилар, тенг қанотлиларга қарши тавсия қилинган ва ларвии иссиққонли ҳайвонлар ва одамлар учун юқори заҳарли пестицидлар гуруҳига оидdir (унинг ЎД₅₀ каламушлар учун 165 мг/кг га баробар).

Терига, кўз шиллиқ қаватларига қитиқловчи таъсир кўрсатмайди. Унинг канцерогенлик, мутагенлик, тератогенлик хоссалари намоён бўлмайди. У табиатда турғун эмас, ҳайвоилар организмидаги қолдиқ миқдори улар организми учун хавф түғдирмайди. Тупроқ микрофлорасига ларвии салбий таъсир кўрсатмайди. Ларвин шу даврга қадар қўлланилаётган севинга нисбатан фойдали ҳашаротларга салбий таъсири камроқdir.

Ўзбекистонда Франциянинг «Рон—Пулсенк» фирмаси тавсия қилган ларвиининг 80% қуруқ ҳолдаги оқувчани суспензиясини қўлланишга рухсат берилган бўлиб, ғўзанинг ривожланиш даврида кўсак қуртига қарши ҳар гектар майдонига 0,9 кг дан тавсия қилинади. Унинг «кутиш вақти» 30 кун, ишлов бериш тақрорлилиги 4 марта.

7.10. ЯНГИ ИНСЕКТОАКАРИЦИДЛАР

Вертимек — түрлі әқинлардаги каналар ва ҳаша-роттарға қарши құлланилувчи пестициддир. Үнинг таъ-сир құлувчи моддаси абамектин бўлиб, тупроқ микроор-ганизмларидан олинган. Препарат ўзининг кимёвий таркиби ва тузилишига кўра шу даврга қадар маълум бўлган барча инсектоакарицидлардан тубдан фарқ қи-лади. Шунинг учун ҳам бу препарат фосфорорганик, пиретроид, карбаматларга чидамли бўлган зааркунан-даларга ҳам ўта юқори самаралидир.

Вертимекнинг кимёвий номланиши абамектин: 80% миқдорда авермектин Б, а, (S—0—диметилавермектин /A, a/ ва 20% авермектин Б, б /S—0—диметил—25—де—/I—метил пропил—25—/I—метил этил/ авермектин A.a) аралашмасидан иборат:

Авермектин Б, а С₄₈ H₇₂ O₁₄

Авермектин Б, б С₄₇ H₇₀ O₁₄

Таъсир құлувчи моддаси оқ-сарғыш, ҳидсиз, кристалл бўлиб, сувда эримайди, ацетон ва метанолда яхши эрийди, толуолда ёмон эрийди, оддий шароитда турғун, 50—155°C да суюқланади. Оловга яқин жойда сақлаш мум-кин эмас.

Вертимек АҚШ шинг «Мерк энд. Ко» фирмаси то-монидан 18% ли к.э. ҳолида тавсия қилинган. Одам ва иссиққонли ҳайвонлар учун ўртача заҳарлидир (ка-ламушлар учун УД₅₀ нинг кўрсаткичи 650 мг/кг га ба-робар). Шиллиқ қаватларга қитиқловчи таъсири сези-ларли даражада эмас. Асаларилар учун сиртдан заҳар-ли таъсир қиласи, бироқ унинг таъсири ўсимлик барг-ларида бир неча соат давомида сезиларли, холос.

Препарат тупроқда тезда парчаланиб кетади ва унинг табиатда айланниши кузатилмайди.

Вертимек кенг доиралы таъсирга эга бўлган инсек-тоакарицид, унинг таъсирида зааркунандалар синап-тик бўшилиғида асаб сигналларини узатишда кўмакла-шувчи гамма-аминомой кислотанинг фаоллигини камай-тирувчи модданинг кўплаб ишлаб чиқарилишига имкон яратади. Натижада бўғимоёқлилар ҳужайраларида асаб сигналларини узатиш жараёни пасаяди ва ҳашарот ҳамда каналар фалажланади ва, ниҳоят, улар побуд бўлади. Препарат холинергик тизимга умуман таъсир қилмайди.

Вертиmek ўз таъсирига ва кимёвий хоссаларига кўра, резистентлик хоссаларини ниҳоятда кам намоён қилади. Препарат сиртдан ва меъда-ичак орқали таъсир қилувчи инсектоакарицидлар. Пестицид организмга тушгач, зааркунандани тезда ҳаракатсизлантиради. Бироқ препаратнинг юқори даражага самарадорлигига эришмоги учун 3—4 кун керак бўлади.

Вертиmek ўргимчакканаларнинг барча ҳаракатчан ёшларида ва ривожланиш бўгинларида (тухум давридан ташқари) юқори самарадор.


Вертиmek «мина»лашгаш ҳашаротларга барглардаги «мина»лар кириб, улардаги личинкаларни нобуд қилиш йўли билан таъсир қилади.

Вертиmek барг тўқималарига кира олиш ва унда «вертиmek хазинаси»ни ҳосил қилиш қобилиятига эга бўлганлиги сабабли баргнинг орқа қисмига жойлашгани каналарни ҳам нобуд қилади. Вертиmek ишлов берилган барг сиртидан тезда йўқолади, натижада унинг фойдали ҳашаротларга салбий таъсири камаяди.

Препаратнинг ҳимоя қилинувчи ўсимликка салбий таъсири кузатилмаган.

Ўзбекистонда вертимелкнинг 18% ли к.э. гўзада ўргимчакканаларга қарши экпиннинг ўсув даврида ҳаректар майдонга 0,3—0,4 л дан пуркаш тавсия этилган, унинг «кутиш вақти» 30 кун, ишлов бериш тақрорийлиги 1 марта.

Требон — $C_{25}H_{28}O_3$ (376,5) таркибида карбон, водород ва кислород сақловчи янги инсектицидdir. Унинг таъсир қилувчи моддаси — этофенпрокс—2—4 этоксифенил/—2—метилпропил 3—феноксибензил эфир:



Таъсир қилувчи моддаси сариқ рангли кукун бўлиб, кўпгина органик эритувчиларда яхши, сувда эса ёмон эрийди. Ишқорий ва кислотали муҳитда барқарор.

Ўзбекистонда Япониянинг «Мицуи Тоацу» фирмаси ишлаб чиқарган требоннинг 10% ли фло ва 30% ли к.э. ҳолидаги препарат шакллари қўлланилади.

Требон кенг доирада таъсир этувчи инсектицидdir. У ярим қаттиқ қанотлилар, тангача қанотлилар, қаттиқ қанотлилар, иккىқанотлилар ва тўғри қанотлилар туркумига мансуб ҳашаротларга таъсир этади. Препарат сут эмизувлчилар ва балиқлар учун кам заҳарлидир. Шунингдек, препаратнинг салбий таъсири асаларилардага ҳам кузатилмаган. Препарат репелентлик хоссаларига эга, ҳашаротлар сўриш анифратишинг фаолиятини сусайтиради, улар тухум қўйиш жараёнини издан чиқарди.

Требон одам ва иссиққонли ҳайвонлар учун кам заҳарлидир (унинг каламушлар учун оғиз орқали ЎД₅₀ нинг кўрсаткичи 4280 мг/кг дир). Препаратнинг терига ва шиллиқ қаватларга қитиқловчи таъсири кузатилмайди.

Требоннинг 10% ли фло шакли гўзанинг ривожланиши даврида кўсак қуртига қарши ҳар гектар майдонга 1,8 л дан, картошкада қолорадо қўнғизига қарши 0,6—1,0 л дан, олма қурти ва барг ўровчисига қарши 0,6—1,2 л дан қўлланилади. Препарат 30% ли к.э. ҳолида гўзада кўсак қуртига қарши 0,6 л дан, картошкада қолорадо қўнғизига қарши 0,2—0,3 л дан, олма меваҳўри, барг ўровчиларига қарши 0,6—1,2 л дан, буғдоидага поя пашшаларига қарши 0,3 л дан, арпада шу зараркунандага қарши 0,2 л дан тавсия этилган. Препаратнинг «кутиш вақти» олмада 30 кун, қолган экинларда 20 кундир, унинг ишлов бериш тақориийлиги олмада 4 марта гача бошқа экинларда 2 марта.


8-б о б ҮСИМЛИК ҚАСАЛЛИҚЛАРИНИ ҚУЗГАТУВЧИЛАРИГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ПЕСТИЦИДЛАР

Ўсимликларни замбуруулар қўзгатадиган касалликлардан ҳимоя қилишда қўлланиладиган пестицидлар фунгицидлар деб аталади, касаллик қўзгатувчилари бактериялар бўлса, уларга қарши қўлланиладиган пестицидлар эса бактерицидлар деб аталади.

Касаллик—бу ҳужайраларда, органларда ва умуман организмда фитопатогенлар ёки ташқи муҳит шароити

(баъзи озиқ моддаларининг стицмаслиги, кескин совуқ ски иссиқ ҳарорат) таъсирида моддалар алмашинувининг бузилиши оқибатида ҳосилдорликнинг пасайиши ёки унинг нобуд бўлишидир.

Касаллик қўзғатувчи замбуруғ ёки бактериялар ўсимликка шамол, ёғин-сочин, ҳашаротлар, экинларни парвариш қилаётгандан одам орқали тарқалади. Ўсимлик танасига паразитлар ўсимликларда учрайдиган табий тешиклар (устъица, сув буғлатгичлари, нектарниклар, пўстлоқ чечевицалари, картошка тугунак қўзчалари) орқали киради. Шунингдек, касаллик қўзғатувчилар ўсимликка уларининг шикастланган жойларидан ҳам кириши мумкин. Ҳатто эпидермис орқали кирадиган паразитлар ҳам мавжуд. Бунга халтачали замбуруғлар синфиға онд ун-шудринг касалликларини қўзғатувчилари мисол бўлади. Бу замбуруғлар споралари ўсимлик сиртига тушгач, ўса бошлайди ва ўз ўсимтлари билан кутукулани тешиб, тўқимага киради, танаси эса ўсимлик сиртида қолади ва унга ўрнашиб олади ҳамда ундан озиқ моддаларни сўра бошлайди. Сўнгра замбуруғ ўсимлик сиртида ривожланади — бу экзопаразитдир (7-расм).



7-расм. Ўсимлик хужайралариз паразитларининг жойланиши:

1—ун-шудринг; 2—сохта ун-шудринг замбуруғлари гаусториилари (Г. С. Грузев бўйича, 1987)

Күпинча замбуруғ үсімлік сиртиға түшгач, уннің танаси ичида ривожланады, бунда улар гоҳо ҳужайра ичида, гоҳо ҳужайралараро бўшлиқда жойлашади—булар эндопаразитдир. Эндопаразитларга яққол мисол тариқасида карам киласи, картошка раки ва сохта уншудринг касаллигини қўзғатувчиларини олиш мумкин.

Үсімлік танаси ичида ривожланувчи паразитларни йўқотиш мушкул ишдир, шунинг учун уларни бартараф қилишда касалликниң олдини олишга катта эътибор берилади, чунки касаллик қўзғатувчисини йўқотиш мушкулдир.

Фунгицидлар үсімлікниң ривожланиш хусусиятларига, уларниң касаллик билан касалланиш даражасига қараб ташланади.

Бир йиллик экин турлари (дон бошоқлилар, техник экинлар)да асосий касаллик манбаларидан бирни зааралган экиш материаллари ҳисобланади, шунинг учун ҳам бу экинлар учун уруғларни заарсизлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Кўчат қилиб экиладиган бир йиллик экинлар учун уругларни дорилашдан ташқари иссиқхоналар тупроғини заарсизлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бутадбир соглом кўчат етказишга хизмат қиласи ва далаға иссиқхоналардан инфекцияниң ўтиши олдини олади.

Мева боғлари (данакли ва уруғли мева боғлари, токзорлар, резавор-мева боғлари)ни ҳимоя қилишда үсімлікниң ер устки қисмидаги қолдиқларини, ер юзасида сақланиб қолган инфекцияларни йўқотиш ҳам алоҳида ўрин тутади. Касаллик қўзғатувчиларни қишики авлодини йўқотиш уларни дастлабки ривожланиш даврларидаёқ камайишига, натижада үсімлікни эрта баҳорда авж олишига ёрдам беради. Умуман, фунгицидларни тавсия қилинган меъёрда сарфлаш үсімліклар ривожланишига фаоллаштирувчи таъсир кўрсатади.

Фунгицидлар кимёвий таркиби ва тузилишига кўра аниорганик ва сунъий органик гуруҳларга бўлинади. Шунингдек, улар таркибидаги таъсир қилувчи моддаларниң турларига қараб мис, олтингугурт ва симобирикмалари каби гуруҳларга бўлинади.

Фунгицидлар касаллик қўзғатувчисига таъсир қилиш хусусиятига кўра касаллик олдини оловчи ва уни даволовчи турларга бўлинади (13-жадвал).

Касаллик олдини оловчи (ҳимоя қилувчи) фунги-

Фунгицидларнинг таснифланиши



цидлар, асосан, патоген (касаллук құзатувчысы) нинең репродуктив аъзоларинигина камайтиради, бунда касаллук құзатувчысы заарланғанда қадар фунгицид таъсирига дучор бүлади, касаллукни авж олишиңа йўл қўймайди, аммо әкинда ривожланиб кетган құзатувчысини буткул йўқотолмайди. Бу гуруҳдаги фунгицидлар ўсимлик касалліклари қаттиқ зарар етказган далаларда келгуси йилда ўша касаллукнинг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Қасалликни даволовчи фунгицидлар қасаллик қўзғатувчисининг репродуктив, ўсув аъзоларига ва уларнинг қашловчи авлодларига таъсир этади. Бунда патоген ривожланиши гоҳо сусайди, гоҳо эса улар бутунлай нобуд бўлади. Даволовчи фунгицидлар самарадорлиги патоген ўсимликка тушган кундан ишлов берилгунга қадар ўтган вақтга боғлиқ бўлиб, бу вақт қанча узоқ бўлса, унинг самарадорлиги шунча кам бўлади.

Битта фунгицидинг ўзи унинг концентрациясига кўра даволовчи, ҳам қасалликни олдини олувчи таъсир кўрсатади. Агар фунгицид юқори концентрацияда қўлланилса, у даволовчи таъсир кўрсатади. Шуни алоҳида уқтириш лозимки, қасалликни даволаш таъсирига фақат фунгицид ёки бактерицидлик хоссаларига эга бўлган моддаларгина эга бўлмай, балки патоген токсинларининг фаоллигини сусайтирувчи, шунингдек ўсимликларда моддалар алмашинуви жараёнларини ўзгартириш йўли билан уларни қасалликка бардошлилигини оширувчи моддалар ҳам эгадир. Бу моддалар иммунизацияли таъсирга эга препаратлар деб аталади.

Ўсимликда фунгицидлар тарқалиш хоссаларига кўра сиртдан ва системали таъсир қилувчи фунгицидларга бўлинади.

Сиртдан (контактли) таъсир қилувчи фунгицидлар ўсимликка сўрилмайди ёки баргнинг сиртидан иккинчи томонига ўтолмайди, улар қасаллик қўзғатувчилари билан бевосита тўқиашгандагина таъсир кўрсатади. Буларга кўпгина ҳозирги замон фунгицидлари мисол бўлади, масалан, мис, олtingугуртнинг анорганик бирикмалари, дитиокарбамат кислоталари ҳосилалари ва бошқалар.

Сиртдан таъсир қилувчи фунгицидларнинг самарадорлиги ўсимлик сиртига ишлов берилгандан кейин сақланна олиш муддатига ва ташки муҳит омиллари (ёғингарчилик, ҳаво ҳарорати ва ҳоказо)га боғлиқдир.

Системали фунгицидлар— ўсимликлар томонидан ўзлаштира олинадиган, улар танасида (илдиз орқали баргларга, барглардан ёш баргларга) ҳаракатлана оладиган, ўсимликка зарар етказмайдиган, уни қасалликдан бутунлай форир қиласидиган, ёш ўсимлик танасига тушган қасаллик қўзғатувчисини йўқота оладиган фунгицидлар ёки уларнинг парчаланиш маҳсулотлариdir (бенлат, витавакс, байлетон ва бошқалар). Бу фунги-

цилдар об-жаво шароитига камроқ бөглиқ бўлиб, асёсан фунгициднинг ўзгариш тезлиги ва хусусиятига боғлиқдир.

Фунгицидлардан фойдаланишда уларниң ўзига хослиги ва селективлик хусусиятларига эътибор бериш лозим. Фунгицидлар селективлиги (танлаб таъсири этиши) дейилганда, уларниң касаллик қўзғатувчиларига юқори таъсиричаи ва ҳимоя қилинүвчи экинларга тўлиқ ижобий таъсири қилиш хусусиятлари тушунилади. Селективлик хоссаларига эга бўлмаган фунгицидлар касаллик қўзғатувчиларини ўлдириш билан бир вақтда ҳимоя қилинүвчи экинларга ҳам ўсув даврида салбий таъсири кўрсатади. Бундай таъсирига даволовчи фунгицидлар (нитрафен, $CuSO_4$ ва $GeSO_4$) мисол бўлади. Танлаб таъсири этиши хусусиятига эга бўлган кўпгина фунгицидлар юқори концентрацияларда ва маълум бир шароитда (мис купороси, олтингугурт) ўсимликларга салбий таъсири кўрсатади, бу ҳодиса турли экинларда ва уларниң навларига қараб турлича кечади. Мис биркмалари олма дараҳтига ўта кучли таъсири, аммо картошка палагига унинг таъсири камроқ. Олтингугурт арпа ишхолларини кўпроқ заарлайди, буғдой ва жавдар майсалари бир оз бардошли.

Фунгицидлар микроорганизмларга турлича таъсири кўрсатади. Масалац, олтингугурт препаратлари ун-шудринг касаллигини қўзғатувчи замбуруғларга жуда яхши таъсири қиласди ва соҳта ун-шудринг касалликларига, умуман таъсири қилмайди. Худди шунингдек витавакс бошоқли ғалла экинларининг қоракуя касаллигини анчагина камайтиради, бироқ фузариоз замбуруғларига бутунлай таъсири қилмайди. Юқорида баён қилинган мисолларга кўра, бир вақтнинг ўзида бир неча хил касалликларни йўқотишда қўлланиладиган мураккаб фунгицидлар (тигам, полихом) яратилган ва кенг миқёсда қўлланилмоқда.

Фунгицидлар қўлланилишига кўра қўйидаги гуруҳларга бўлинади: ўсимликларни ўсув даврида қўлланиладиган фунгицидлар, уруғлар ва экиш материалларини дорилаш учун қўлланиладиган фунгицидлар, ўсимликларни тиним даврида қўлланиладиган фунгицидлар, тупроқни дезинфекция қилувчи фунгицидлар.

Ўсимликларни ўсув даврида қўлланиладиган фунгицидлар уларни ўсув ва ривожланиш даврида қўлланади. Улар ўсимликка патоген тушмасдан олдин, ка-

салликни олдини олиш учун ёки дарҳол ўсимликка патоген тушгач унинг кенг кўламда тарқалиб кетиши олдини олиш мақсадида қўлланилади. Бу гурӯҳ фунгицидлар ўсимлик сиртида жуда қисқа вақт сақланади, зеро ўсимлик узлуксиз ривожлана бориб, янги-янги шох-шаббалар пайдо бўлади, унда янгидан пайдо бўлган касаллик янада авж олади.

Ўсимликларни тиним даврида қўлланиладиган фунгицидлар замбуруғларнинг қишлоғчи бўғинларини йўқотади, агар ўсув даврида қўлланилса уларга «куйдирувчи» таъсир кўрсатади. Шунинг учун эрта баҳорда, кеч кузда ёки қиша қўлланилади. Фунгицидлар ўсимликларнинг тиним даврида қўлланилганда ишчи суюқлик миқдорини кўпроқ сарфлаш лозим, чунки касаллик қўзғатувчилар пўстлоқ остида, дараҳт танаси ёриқларида жойлашган бўлади.

Уруғлар ва экиш материалларини дорилаш. Ўсимликларнинг уруғлари ва экиш материалларини дорилаш билан улардаги ёки тупроқдаги касаллик қўзғатувчиларга қарши курашилади. Ҳозирги вақтда уруғлар ва экиш материалларини дорилаш экиш даврида ёки ундан бир неча кун олдин ўтказилади. Шу билан бирга уруғлар экинларни экишдан 1—2 ой олдин марказлаштирилган йўл билан ҳам фунгицидлар ёки уларнинг мураккаб таркибли бирикмалари билан дорилашади. Бу йўл билан уруғлар дориланганда атроф-муҳитни пестицид қолдиқлари билан ифлосланиши, шунингдек энтомофаглар учун заҳарли таъсири камроқ бўлади. Шунингдек, бу усулда фунгицидлар инсектоакарицидлар билан бирга қўлланилиши мумкин, бунда бир вақтнинг ўзида зааркунанда ва касалликларга қарши курашга имкон яратилади.

Уруғлар марказлашган усулда дориланганда фунгицид ёки акарацидлардан ташқари, уруғларнинг униши ва ўсишини тезлаштириш мақсадида макро-микро ўғитлар, ўсишини тезлаштирувчи моддалар ҳам қўшиш мумкин.

Фунгицидларни тупроққа солиш. Бу усулда фунгицидлар бошқа усулларга қараганда бироз камроқ ҳажмада қўлланилади. Унинг асосий мақсади тупроқдаги патоген замбуруғ ва бактерияларни йўқотишдан иборат.

Фунгицидларни тупроққа солиш усули кўпроқ иссиқ-хоналар ва парникларда қўлланилади.

8.1. ҮСИМЛИКЛАРИНИНГ ҮСУВ ДАВРИДА ҚҰЛЛАНИЛАДИГАН ФУНГИЦИДЛАР

Үсимликларни үсув даврида құлланиладиган фунгицидлар сиртдан ва системали таъсир этувчилар гүрухига бўлинади (14- ва 15-жадвалларга қаранг).

14-жадвал

Үсимликларни үсув даврида құлланиладиган сиртдан таъсир этувчи фунгицидларни таснифланиши

Кимёвий тузилишига кўра гуруҳланиши	Препарат шакллари	Қандай касалликка қаршатасвия этилади
Мис бирикмалари	Бордо суюқлиги мис хлороксиди	Токпинг милдью касаллиги, пиёзнинг пероноспориози, данакли меваларнинг доғланиши, нок ва олмалар калмарази
Олтингугурт бирикмалари	Түйилган олтингугурт, олтингугурт коллоиди, олтингугуртнинг оҳакли қайнатмаси (о. о. к.)	Барча экинларнинг чин ун-шудринг замбуруғи қўяғайдиган касаллеклари, нок ва олманинг калмараз касаллеклари
Фталат кислотанинг ҳосилалари	Каратан	Мева боғлари ва бодрингнинг ун-шудринг касаллиги

Сиртдан таъсир этувчи фунгицидларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири улар билан ишлов тақрорийлигининг кўплигидир (2—6 марта). Уларни таъсири қисқа муддатли бўлиб, ишлов берилгач, 5—25 кун давомида үсимлик сиртида сақланади. Үсимликларни үсув даврида құлланиладиган сиртдан таъсир қилувчи фунгицидлар билан ишлов мунтазам равишда тақрорланиб туриши лозим.

**Үсімлікларниң үсув даврида құлланиладын системали таъсир
қылувчы фунгицидларнинг таснифланиши**

Кимбейт таркибиға өндір турухтар	Препарат	Құйидеги касалліктерге қаршы самарағы
Бензимидазол қосылалари	Бенлат (фунда- зол, узген), БМК (дерозал, олгин, фупабен)	Барча экинларнинг үн- шудришг, олмазор ва нокзорларнинг калма- раз, данакли мева боя- ларнинг дөргөншіл, бу- гайдыншіл занг, ғұза- нинг вильт касаллік- лари Қаңдлавлагининг церко- спороз ва үн-шудриш касаллігі
Тиомочевина қосылалари	Топсин	Олмазор, тоқзор ва ре- завор мева бояларнинг, сабзанот экинларнинг үн-шудрияны, бугайдыншіл иддиз чириш касаллік- лари Галладошлар оиласынга кирувчы экинларнинг үн-шудриш, занг ва доғлапиши касалліктері.
Гетероциклик бирақмалар қо- сылалари	байлетон	Олмазор, тоқзорлар- нинг үн-шудриш, мева чириш касаллігі, бол- рингнинг үн-шудриш касаллігі
	Тилт	Сабзанот экинларнинг переноиспороз касаллік- лари
	Топаз	Сабзанот экинларнинг переноиспороз касаллік- лари
	Садофан	

Шуннанда, ular билан ишлов берилгандың үннінде
мұддати ҳам муҳым үрін тутады. Бунда ұмоя қылув-
чы фунгицидлар патоген тушиб үлгурғанға қадар құл-
ланилиши лозим, бу эса заарланишиннегін олданды
әки патоген тушган захотиेक құлланилады, бунда па-
тоген тарқалишиннегін олди олинади.

Фунгицидларнинг самарадорлығы пуркашнинг сифа-

тига ҳам боғлиқ, ўсимликнинг барча қисмлари ишчи суюқлик билан бир текис қопланиши зарур, баргнинг сиртқи ва остки қисми суюқлик билан бир текис қопланиши лозим, бунда суюқликнинг ўсимлик танасидан ерга оқиб кетиши ижобий натижадар бермайди.

Мис бирикмалари — мис бирикмаларига бордо суюқлиги ва мис хлороксиди киради. Булар касаллик олдини оловчи фунгицидлардир. Буларнинг самарадорлиги ишлов муддатига, пуркашининг сифатига боғлиқ. Бу препаратлар сохта ун-шудринг замбуруглари билан курашда самаралидир. Бу замбуруг мицелийлари тўқима ичидаги ривожланади, уларни сиртдан таъсир қиливчи фунгицидлар билан йўқ қилиш мумкин эмас, шунинг учун бу замбуруғлар билан курашда, биринчи навбатда касаллники олди олинади. Мис бирикмалари ўсимликларда касаллик белгилари пайдо бўлгунга қадар қўлланилиши лозим. Бу мақсад учун эрта баҳорда бордо суюқлигининг 3%ли суспензияси қўлланилади ва ўсимликнинг ўсуви даврида ҳимоя қиливчи фунгицидлар ёрдамида мунтазам равишда кураш олиб борилади. Мис бирикмаларининг ҳимоя қиливчи муддати уларнинг ишлов берилган сатҳда сақланишига боғлиқ ва бу муддат 10—20 кун қилиб белгиланади.

Мис бирикмаларининг камчиликларидан бири уларнинг ҳимоя қилинувчи ўсимликларга «куйдирувчи» таъсирини мавжудлигидадир, бу ҳол айниқса ҳаво намалиги ортиқча бўлган даврларда, сурункали ёғин-сочин бўлган йилларда содир бўлади.

Мис бирикмаларининг «куйдирувчи» таъсири ўсимлик ривожланиши фаоллашган даврда кўпроқ кузатилиди: бунинг олдини олиш учун уларнинг ўрнига бошқа гуруҳдаги препаратларни алмаштаб қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ўсимликнинг гуллашидан олдин ҳам мис бирикмаларини қўллаш салбий натижалар беради, чунки бу даврда уларнинг «куйдирувчи» таъсири кучлидир. Экипиларнинг мевалари етилишдан олдин бордо суюқлигига нисбатан мис хлороксидини қўллаш маъқулдир, чунки унинг «куйдирувчи» таъсири нисбатан камроқ ва у ўсимликда кам муддат сақланади, бинобарин унинг заҳарли қолдиқ миқдорининг экинлар ҳосилида сақланиши хавфи камаяди.

Мис бирикмалари бирмунича турғундир, шунинг учун улар қўлланилиши натижасида сувда, ҳавода ва тупроқда миснинг миқдори орта боради,


Тупроқ ва сув ҳавзаларидаги микроорганизмларга мис ва унинг биримлари фунгицидлик ва бактерицидлик таъсир кўрсатади, бу эса улардаги органик моддаларнинг минераллашиш жараёнини бузади.

Мис табнатда жуда кўп тарқалган микроэлемент бўлишига қарамай, унинг биримлари инсон ва иссиқ-қоили ҳайвонлар учун заҳарлидир, 0,2—0,5 г миқдордаги мис тузлари организмга тушгач қостиради, агар бу миқдор 1—2 г га етса, организмни ўлимга олиб келиши мумкин. Мис биримлари ошқозон-ичак йўлини, нафас йўлларини қаттиқ яллиғлантиради, терига яллиғлантирувчи таъсир кўрсатади, қичитади, тошмалар тоширади.

Бордо суюқлиги — мис купоросининг сувдаги эритмаси билан «оҳак сути»нинг аралашмасидан ҳосил бўлган мис сульфатнинг асосли қўш тузидир, унда гипс ҳам бўлади. Бордо номи биринчи марта Франциянинг Бордо шаҳри (1882 й.) яқинидаги узумзорларда мильдю касаллигига қарши ишлатилгандан кейин берилган.


Бордо суюқлигини хўжаликларда ишлатишдан олдин тайёрланади. Тайёрланган бордо суюқлиги суспензия ҳолида ҳаво раигда бўлади. Унинг муҳити нейтрал ёки кучсиз ишқорийдир. Бордо суюқлиги 1—3% ли қилиб ишлаб чиқарилади. 100 л 1% ли бордо суюқлигини тайёрлаш учун одатда 1 кг мис купороси ва 750 г сўндирилмаган оҳак олинади, агар оҳак сифатсиз бўлса, ундан ҳам 1 кг олинади. Мис купороси алоҳида ёғоч, шиша ёки сопол идишда 50 л сувда эритиб олинади. 1 кг сўнмаган оҳакни иккинчи бир шундай идишда озгина сувда сўндириллади, сўнгра унинг ҳажмини ҳам сув билан 50 л. га стказилади. Мис купороси эритмасини аста-секин аралаштириб туриб, «оҳак сути»га қўшилади («оҳак сути» мис купоросига қўшилганда ҳам шундай моддалар ҳосил бўлади), бироқ бунда реакция кислотали муҳитда боради, ҳосил бўлган суспензия ўта бекарор бўлиб, тезда икки қатламга ажralиб, қуйқаси чўкмага тушиб қолади, бундай бордо суюқлиги қўлланилишга яроқсиз ҳисобланади. Тўғри тайёрланган бордо суюқлиги қўлга худди совунли сув каби илашади, заррачаларининг ҳажми 3—4 микронга тўғри келади. Бордо суюқлигини узоқ мuddат сақлаб бўлмайди, чунки коллоид заррачалади бирлашиб, катталашиб, тезда чўкма ҳосил бўлади. Худди шундай ҳолат 3% ли тайёр

бордо суюқлигига сув құшиш йўли билан 1% ликка айлантириш вақтида ҳам юз беради. Мис купороси эритмасининг ва «оҳак сути»ни бир-бирига иссиқ ҳолда құшиш ҳам мүмкін әмас. Бордо суюқлигини фосфорорганик пестицидларга құшиш ҳам мүмкін әмас. Бордо суюқлигини тайёрлаётганда қуидаги реакция боради:



Тайёр бордо суюқлигини реакция мұхити лакмус қозози ердамида текшириб күрилади, түгри тайёрланған бордо суюқлигига туширилған күк лакмус қозози қизариб кетса, тайёрланған бордо суюқлигига оз-оздан сүндирилмаган оҳак құшилади, токи реакция мұхити нейтрал ҳолға келгунга қадар. Лакмус қозози бүлмаган тақдирда пичоқ учи ёки мих ботирилади, пичоқ учига ёки михга қызил доғ-мис заррачалари ёпишиб қолса, оҳак құшиш зарурлигини күрсатади.

Үсимлик, замбуруғлар организмидан ажралиб чиққан моддалар, ҳаводаги карбонат ангиидирд гази таъсирида мис сульфатнинг асослы құшалоқ тузи гидролизланиши натижасыда ажралиб чиққан мис сульфат заррачалари касаллиқ құзғатувчиларга фунгицидлик таъсирини күрсатади:



Агар бу жараён жуда тез суръатлар билан содир бўлса, үсимликни ҳимоя қилиш жараёни қисқа муддатли бўлади, ҳатто үсимликтек «куйдирувчи» таъсири ҳам кузатилиши мүмкін.

Уз вақтида қўлланилған ва түгри тайёрланған бордо суюқлиги жуда кўп касалликларга қарши қўлланилиши мүмкін, препарат мева боғларида, резавор-мева үсимликларида, цитрус үсимликларида, токзорларда, картошка, сабзавот, полиз ва дуккакли экинларда қўлланилиши мүмкін. Бордо суюқлиги чин ун-шудрининг замбуруғлари қўзғатган касалликларга ва тамаки переноспориоз касаллигига ижобий таъсир кўрсатмайди.


3% ли бордо суюқлиги олма, нок, беҳи каби мева боғларидаги калмараз, монилиоз ва бошқа дөгланиш касалликларини даволаш мақсадида эрта баҳорда

ұсымликлар күртак чиқарғунга қадар мис купоросиниң миқдори бүйіча ҳар гектар майдонға 30—60 кг ҳисобида пуркалади. Шунингдек, бу даврда данакли мева боғларыда клястероспироз, барг буралиши, коккомикоз, монилиоз қасалликларига қарши ұнай ҳам шундай миқдорда сарфланади.


Уруғли мева боғларыда құтирилған касаллиги, филлостиктоз, доғланиш қасалликларига, данакли мева боғларидаги клястероспироз, барг буралиши, коккомикоз, монилиоз қасалликларига қарши ұсымликтан вегетация даврида 1% ли бордо суюқлиги мис купоросини миқдорига күра 10—20 кг дан, токзорларда антракноз қасаллигига қарши мис купороси миқдорига күра 10—15 кг дан, қорақатда антракноз, септориоз ва занг қасаллигига қарши 8—10 кг дан құлланилади. Картошка ва помидорда макроспироз қасаллигига қарши мис купоросига күра 6—8 кг дан, бодрингда антракноз, пероноспороз, аскохитоз, доғланиш, бактериоз қасалликларига қарши 6—10 кг дан, қовун ва тарвузда пероноспорозға қарши 6—10 кг дан, қанд лавлаги, оқ лавлаги ва хашаки лавлагида церкоспорозға, пиёзда пероноспороз, занг, чириш қасалликларига қарши 6—8 кг дан, бедада құнғыр рангли доғланиш қасаллигига қарши 12—15 кг дан құлланиш тавсия қыллинган. Препарагиннің «кутиш вақты» иссиқхоналарда 5—8 күн, қовун ва тарвузда 20 күн ва қолған әкниларда 15 кундир. Ишлов бериш тақрориілігі бедада 2 марта, токзорда, уруғли мева боғларыда 6 марта, картошкада 5 марта, иссиқхоналарда, данакли мева боғларыда 4 марта, қолған әкниларда 3 марта ділір.

Мис хлороксид, таъсир қылувчы мөддасы купритокс, бу мөддә $[3\text{Cu}(\text{OH})_2 \cdot \text{CuCl}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}]$ нине шисбатларига қараб түрли бирикмалар ҳосил қиласы, улардан фунгицидлик ҳоссаларини яқын ғамоён қылувчы бирикмасы: $3\text{CuO} \cdot \text{CuCl}_2 \cdot 4\text{H}_2\text{O}$ ёки $3\text{Cu}(\text{OH})_2 \cdot \text{CuCl}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$, яғни мис хлоридиннің асослы түзидір.

Соф ҳолдаги мис хлороксиди — оч яшил рангли күкүн бўлиб, ҳидесиз. Сувда ва органик эритутувчиларда эримайди. Аммиакда эриб, кўк рангли комплекс бирикмалар ҳосил қиласы, шунингдек кислоталарда ҳам эрийди:



Мис хлороксид қүёш нури, намлиқ, ҳаво кислороди ва карбонат ангидрид таъсирига чидамли. Ишқорлар таъсирида касаллик қўзгатувчиларга таъсири кам моддаларга парчаланади:



Препарат Узбекистонда 90% ли намланувчан кукун ҳолида қўлланилади, тавсия қилинган сарфлаш мөъёрларида ҳимоя қилинувчи ўсимликлар учун «куйдирувчи» таъсир кўрсатмайди.

Мис хлороксид одам ва иссиққонли ҳайвонлар учун ўртача заҳарли (унинг УД₅₀ ишинг кўрсаткичи сичқонлар учун 470 мг/кг га баробар). Меъда-ичак йўлига тушгандан препарат уни яллиғлантиради, куммулятив хоссаларини намоён этади.

Мис хлороксиди картошканинг фитофтороз, макроспориоз, помидорнинг фитофтороз, макроспориоз, қўнғир додганиш касалликларига қарши ўсимликларнинг ўсуви даврида ҳар гектар майдонга 2,4—3,2 кг дан, бодрингни пероноспороз, антракноз, бактериоз, пиёзни пероноспорозига қарши 2,4 кг дан, токзорни антракнозига қарши 6 кг дан, қанд лавлагини пероноспорозига қарши 3,2—4,0 кг дан, данакли мева боғларининг клястериоспориоз, коккомикоз, додганиш, монилиоз, барг бурмаланиши, уругли мева боғларининг қўтириш ва бошқа доғланиш касалликлари ҳамда монилиозга қарши 4—8 кг дан қўллаш тавсия этилади. Бунда «кутиш вақти» токзорда 30 кун ва бошқа экиниларда 20 кун бўлиб, ишлов бериш тақрорийлиги мева боғларида 4 марта, токзорда 6 марта ва бошқа экиниларда 3 марта дир.

Чин ун-шудринг замбуруғлари қўзгайдиган касалликларга қарши сиртдан таъсир қилувчи фунгицидлар.

Бу гуруҳга касалликнинг олдини олувчи ва даволовчи фунгицидлар кириб, улар халтачали замбуруғлар (чин ун-шудринг замбуруғлари) синфиға оид микроорганизмлар қўзгайдиган ондиум, бодринг, ғалла экиниларининг ун-шудринг касалликларига қарши қўлланилади.

Бу гурұға олтингугуртнинг анорганик бирикмалари, фенол қосылалари киради. Улар калмараз ва түрли доғланиш касаллукларига ҳам таъсир қилиб, акарицидлик хоссаларини ҳам намоён этиш қобилятига эга.


Олтингугурт препаратлари

Олтингугурт препаратларига олтингугурт талқони, олтингугуртнинг намланувчан қукуни, олтингугурт коллоиди ва олтингугуртнинг оқакли қайнатмаси (ООҚ) киради. Улар чин үн-шудриң замбуруғлари, түрли доғланиш касаллукларига нисбатан юқори самараадорликка эга, шунингдек акарицидлик хоссасига ҳам эга, аммо калмаразға камроқ таъсирац, касаллук құзгатувчиларга нисбатан ұмоя құлувчи (касаллукнинг олдини олувчи) ва даволовчи таъсир күрсатади. Олтингугурт билан ишлов берилған замбуруғларнинг споралари ривожланиш қобилятини йүқтөтади.

Олтингугурт препаратлари үзидан соф олтингугурт бүгін ажратиш қобилятига эга, бу эса үз навбатида замбуруғлар мицелийсига ва спорасига, ұхжайра липидларида эриш үйіли билан киради ва уларға фунгицидлик таъсирини күрсатади. Олтингугурт водород акцептори сифатида гидрирлаш ва дегидрирлаш жараёнларини бузади (8-расм). Бунда H_2S ҳосил бўлади. Замбуруғлар споралари ва мицелийлари олтингугуртни үзлаштириб, ундан H_2S ни ҳосил қиласади ва шу йўсийда соф олтингугурт замбуруғни заарсизлантиради. Бироқ үсишдан тўхтаган замбуруғ споралари соф олтингугуртдан водород сульфид (H_2S) ҳосил қила олмайди, ҳосил бўлган H_2S нинг үзи ҳам замбуруғлар учун юқори заҳарлиликтан әгадир. H_2S каталаза, цитохромоксидаза, лактаза ферментларининг фаоллигини сусайтиради. Соф олтингугурт, шунингдек ферментлар таркибидаги металлар (темир, мис, марганец, рух)дан сульфидлар ҳосил қиласади, буларнинг барчаси замбуруғлар ҳаёт фаолиятини бузади ва оқибатда уларни нобуд қиласади.

Түрли замбуруғларнинг споралари соф олтингугуртни турлича үзлаштириш ва уларни H_2S га айлантириш билан заҳарлилигини камайтириш қобилятига эга, бу эса үз навбатида олтингугуртнинг таъсирчанлиги үзига хос эканлигини белгилайди.

Юқорида көлтирилған маълумотларга қараганда



8-расм. Олтингугурт фунгициддин замбуруулларга таъсир қишиш механизмі (Г. С. Груздек, 1987).

олтингугурт препаратларининг таъсиричаллиги, құлланылған препаратларнинг узоқ вақт давомида замбуруғ мицелийсига яқын жойда соғ олтингугурт бүғини ажратып туришига боғлиқдир. Бу эса үз навбатида фунгицидни ҳимоя қилинувчи ўсимликка бир текис сочилишини таъмилаш зарурлигини тақозо қилади, бунинг учун футицид ўсимликка яхши ёпишадиган ва турғун бўлиши керак.

Олтингугурт препаратларининг таъсиричаллигига ҳаво ҳарорати ҳам катта роль ўйнайды. Унинг таъсиричаллиги ҳаво ҳарорати 17°C га етгаидагина бошланади ва у 33°C га боргунга қадар орта боради. Ҳаво ҳарорати $+35^{\circ}\text{C}$ га күтарилганда ҳимоя қилинувчи ўсимликка фитоцидлик таъсирини кўрсатади. Қовоқдошлар оиласига кирувчи экинилар олтингугурт препаратларига ўта сезгирилди, уларда олтингугурт таъсиридан «куйиш», барглар мўртлиги ва тўкилиши каби ҳоллар юзага келади. Намлик стишмайдиган экинзорларга ҳам

олтингугуртни құллаб бўлмайди, чунки унда препарат-нинг ўсимликка салбий таъсири ортади (А. Ш. Ҳамроев, Э. А. Алимов, А. Ю. Иўлдошев, 1983).

Олтингугурт препаратлари мойлар билан аралаштирилмайди. Шу сабабли булар мойлар билан ишлов берилгандан 15 кундан кейин құллашилади ёки 15 кун олдинроқ құлланылади. Олтингугурт препаратлари касаллик белгилари пайдо бўлган кундан бошлаб құллашилади ва ҳар 7—10 кун мобайнида такрорланади.

Олтингугурт препаратлари одам ва иссиққонли ҳайвоnlар учун кам заҳарли, аммо унинг буглари билан муттасил нафас олиш ўпка касалникларини келтириб чиқариши мумкин, шунинг учун олтингугурт билан ишлаётгандан, албатта чаңгга қарши респираторлардан фойдаланиш лозим. Препаратнинг «кутиш вақти» 1 кундир. Унинг қышлоқ хўжалик экиниларидағи қолдиқ миқдори белгиленмаган.

Түйилган олтингугурт оч-сариқ рангли кукун бўлиб, унинг заррачаларининг диаметри 4—200 микрондир, суюлиш ҳарорати 112,8°C. Таркибида 95—99% соф олтингугурт сақлайди. Сувда эримайди ва у билан аралапмайди. Ҳавода аста-секин буғланади.

Олтингугурт талқони ҳаводан намни ўзига торгмайди ва сақланганда ёпишиб қолмайди, аммо майда заррачалари ўзаро бирикиб,чувалчансимон шаклга ўтиб қолиш ҳоллари кузатилган. Олтишгугурт ўз-ўзидан алангаланиш хоссасига эга, шунинг учун минерал ўгитлар, айниқса азотли ўғитлар қўшилмаслиги зарур. Ундан чанглаш усулида фойдаланилади. Препарат билан чанглаш шудрингдан сўнг бўлса, жуда яхши натижа беради. Бу вақтда ҳаво ҳарорати + 20°C дан кам бўлмаслиги лозим. Сарфлаш меъёри 15—30 кг/га.

Препарат турли ўсимликларда ун-шудринг, занг касалниклари ва ўргимчакканаларга қўлланылади.

Олтингугурт н. к. ва коллоиди: олтингугурт коллоиди табиий газдан олинувчи олтингугуртни сувда турли яроқсиз моддаларини ювиб, тозалаш йўли билан олинади. Бу юқори дисперс ҳолдаги сариқ рангли кукундири, унда тезда уваланиб кетишга мойил гувачалар мавжуд. Олтингугурт коллоиди таркибида 80% соф олтингугурт сақлайди. Препарат нам ўтказмайдиган полиптилен халтачаларда чиқарилади, чун-

ки препарат намни йўқотиб, уваланиб кетмайдиган гувалачаларга, айланиб қолади, суспензия ҳосил бўлмайди.

Олтингугурт талқонини маҳсус тегирмонларда (микроионизаторларда) майдалаш йўли билан олтингугуртнинг намланувчи кукуни олинади. Бунда, албатта, ҳўлловчи моддалар ва стабилизатор (эмулагатор)лар қўшилади. Бунинг таркибида ҳам 80% га қадар соф олтингугурт сақланади.

Олтингугурт коллоиди ва намланувчи кукуни токзорларда ондумгага қарши ўсув даврида ҳар гектар майдонга 9—12 кг дан, қарағатда, манзарали ўсимликларда уншудрингга қарши, қовун ва тарвузда уншудринт, антракноз, аскохитозга қарши 3,0—4,0 кг дан, қанд лавлагида ва иссиқхона шароитидаги бодрингда уншудрингга қарши 2—6 кг дан қўллаш тавсия этилади.


Бу препарат ғўзадаги ўргимчакканага қарши ҳар гектар майдонга 10 кг дан сарфланади. Бунда ишлов бериш такрорийлиги 5 мартаға қадар бўлиши мумкин.

Олтингугуртнинг оҳакли қайнатмаси (ООҚ), одатда хўжаликда ишлатишдан олдин тайёрланади. Уни тайёрлаш учун олтингугурт талқони, сўндирилмаган оҳак ва сув лозим бўлади. Олтингугурт, оҳак ва сув 2:1:17 нисбатда бўлади. Бунинг учун одатдаги чўян қозон олиниб, унда зарур миқдордаги оҳак озгина сувда сўндирилади, бунда сўндириш вақтида ажralиб чиқсан тошсимон моддалар олиб ташланади ва унга баробар миқдорда янги оҳак қўшилиб, уни ҳам сўндирилади. Бунда «оҳак сути» ҳосил бўлади. «Оҳак сути»да керакли миқдордаги олтингугурт талқони намланади (аралаштириш йўли билан). Шундан сўнг сувнинг қолган қисми қозонга солинади ва суюқликпинг сатҳи ўлчаниади. Қозондаги маҳсулот 70 минут давомида қайнатилади. Қайнатиш жараённида буғланниб кетган сувнинг ўрнига сув қўйиб борилади. Сув қўшиш қайнатиш 15 минут қолгунча давом этади.

Ҳосил бўлган ооқ «она суюқлик» деб юритилади, унинг ранги олча мураббоси рангига ўхшаш қизил рангли бўлади. Унинг таркибида кальций полисульфид (CaS/Sx) кальций тиосульфат ва бошқалар бўлади.

ООҚни қайнатиш мобайнида қандай реакциялар содир этилиши шу кунга қадар аниқланмаган, бироқ водоросульфид ва SO_2 ни ҳосил бўлиши ва уларни


кальций гидроксид билан реакцияга киришиши таҳмин қилинади: $S + O_2 \rightarrow SO_2$




Шундан сўнг, кальций сульфид ўзига олтингугуртнинг янги атомларини (кўпинча 4 ва 5 тага қадар) бириткириб олиб, кальций полисульфидни ҳосил қилади; $CaS + Sx \rightarrow CaS \cdot Sx$

Х — олтингугурт миқдори, 5 тага қадар боради. Бу миқдорнинг ўзгариши ООҚ ни тайёрлаш учун ишлатиладиган маҳсулотларнинг ўзаро нисбатларига боғлиқ.

Кальций сульфит эса тиосульфатга айланади:



Шундай қилиб, ООҚ нинг таъсир қилувчи моддаси қўйидагича изоҳланиши мумкин:



ООҚ нинг таъсир қилувчи моддаси (кальций полисульфид) нинг миқдори тайёрлаш учун зарурий моддаларнинг ўзаро нисбатларига ва уни тайёрлаш технологиясигагина боғлиқ бўлмай, балки оҳак ва олтингугурт кукуни таркиби ва сифатига ҳам боғлиқ. Шунинг учун ҳам ооқ нинг «она суюқлиги» таркибидаги кальций полисульфид миқдорини, уни қўллашдан олдин аниқлаш зарурати туғилади.

Амалда ооқ нинг қуввати (сифати) унинг солиштирма массасига қараб аниқланади, бунда ўлчов бирлиги сифатида Боме градуслари қабул қилинади. Бунда солиштирма масса кўрсаткичи 16-жадвал асосида Боме градуси кўрсаткичларига осонгина айлантирилади. Чунки ооқ нинг сифати кўпинча Боме градуслари билан белгиланади, аммо сотувда Боме ареометри йўқлиги туфайли, аввал «она сути» нинг солиштирма массаси оддий ареометрлар ёрдамида аниқланади, сўнгра бу


олинган кўрсаткич жадвал асосида Боме градусларига айлантирилади.

Хўжаликда ареометр бўлмаган тақдирда ооқ нинг тайёрланган «она» суюқлигидан 1000 мл ни массаси тарозида ўлчанади ва бу кўрсаткич граммларда белгиланади ва 1000 га бўлинади, олингаи натижা мазкур суюқликнинг солиштирма массасини белгилайди.

Солиштирма массаси 1,285 (Боме бўйича 32° ли) бўлган «она» суюқлик юқори сифатли тайёрланган ооқ ҳисобланади. Бироқ қўлланилган оҳакнинг сифати пастроқ бўлиши (CaO нинг миқдорига кўра) сабабли хўжаликлар шаронтида тайёрланган ооқ нинг «она» суюқлиги солиштирма массаси 1,0990—1,1160 (Боме бўйича $13-15^{\circ}$ ли) дан ортиқ бўлмайди.

ООҚ нинг «она» суюқлиги устки қисми бирор минерал мой (керосин, солярка мойи, дизел ёқилгиси ва ҳоказо) билан қопланаб, оғзи мустаҳкам беркитила-диган шиша идишларда сақланади.

ООҚ нинг «она» суюқлиги ҳаво кириши мумкин бўлган шароитда узоқ вақт сақланганда кальций полисульфид аста-секин парчалана бошлайди, тиосульфатлар миқдори тионосульфатларга нисбатан ортади ва идиш остида ёки сиртида чўкма ҳосил бўлиб, таркибида кальций карбонат кўп бўлади. Умуман, кальций полисульфиднинг парчаланиш жараёни ҳаво кислороди таъсирида оксидланиш ёки карбонат ангидрид таъсирида гидролизланиш оқибатида юз беради.



Кальций полисульфиднинг кальций карбонаг ва водород сульфидга парчаланиш ҳоллари ооқ ни узоқ вақт давомида қайнатилиш сабабли ҳам рўй бериш мумкин.

ООҚ олтингурут коллоид каби пуркаш усули билан ун-шудринг касалликлари ва каналарга қарши қўлланиллади. Бунинг учун ООҚ нинг «она» суюқлиги Боме градуси бўйича $0,5-1^{\circ}$ га қадар сув қўшиш йўли билан суюлтирилади ва ўсимликларни ўсув даврида мева боғларининг барг доғланиши, қора рак, монилиоз ка-


ООК «Она» суюклигидан ишчи суюклигини тайёрлаш мақсадыда суюлтириш

Денситет бүйіча солиш- тирма массасы	Боме бү- йінчалық, °	0,5°	100 л шынын суюклигини тай- ёрлаш учун лозым бұлған «она» суюклигидегі мөндорді (л қисобда)		100 л шынын суюклигини тай- ёрлаш учун лозым бұлған «она» суюклигидегі мөн- дорді 4:1 хисобда)	
			ООК «она» суюклиги- ниң күзатын	ООК «она» суюклигидегі күзатын	Денситет бү- йінчалық солиш- тирма массасы	Боме бүйінчалық, °
1,100	13	3,50	7,0	1,190	23	1,80
1,108	14	3,25	6,5	1,200	24	1,75
1,116	15	3,00	6,0	1,210	25	1,65
1,125	16	2,80	5,6	1,220	26	1,60
1,134	17	2,60	5,2	1,230	27	1,50
1,143	18	2,45	4,9	1,241	28	1,45
1,152	19	2,30	4,6	1,252	29	1,40
1,161	20	2,15	4,3	1,263	30	1,30
1,170	21	2,05	4,1	1,274	31	1,25
1,180	22	1,90	3,8	1,585	32	1,20
						2,4

салликларига қарши тавсия қўлиниади (суюлтириш 16-жадвал бўйича бажарилади).

Фенолнинг нитроҳосилалари

Каратан таъсир қилувчи ѡоддаси (диоктаң) кро-
тон кислотанинг (2,4-динитро-6-) октил-2 фенил)
эфиридир:



Бу ѡодда ёпишқоқ жигаррағли суюқлик бўлиб, 138—140°C да қайнайди. Амалда сувда эримайди, органик эритувчиларда эрийди.

Каратан — контакт (сиртдан) таъсир қилувчи, касалликни олдини олиш ва даволаш хоссаларига эга бўлган фунгициддир, чин ун-шудринг замбурургларига таъсиричан, ун-шудринг замбуруғлари спораларининг ўсишини тўхтатади, мицелийни эса емиради. Баъзи ҳолларда каратаң олtingугурт препаратларига нисбатан таъсиричароқ эканлиги кузатилган.

Каратан эканларининг калмараз касаллиги замбуруғларидан заарланиши олдини олади, шунингдек акарицидлик хусусиятларини ҳам намоён қиласди, лекин бу хусусият олtingугуртниги қараганда камдир.


Каратанинг ҳимояловчи таъсири 10—15 кундир. Ишчи аралашмада препарат концентрациясининг орта бориши, унинг ҳимоя қилиш таъсириининг узайишига сабаб бўлади (бироқ бунда экинга салбий таъсири кучайиши мумкин, «куйин» ҳоллари юз беради). Амалда каратанинг олtingугурт препаратларига нисбатан ўсимликка фитотоксик таъсири камроқ, уни ишқорий ва мойсимон пестицидлар билан қўшиб ишлатиш мумкин эмас.

Ўзбекистонда каратанинг АҚШнинг «Рон Ховс» фирмаси ишлаб чиқарган 35% ли к. э. си қўлланилишига тавсия этилган. Очиқ ва иссиқхона шароитида етиштирилган бодрингни ун-шудринг касаллигига қарши

Экиннинг ўсув даврида 0,1% ли эмульсия ҳолида пуркалади (0,1—1 л/га). Уруғли мева боғларида уишудринга қарши 1—2 л/дан, токзорда оидиумга қарши 1—1,5 л/дан пуркалади. Препаратнинг «кутиш вақти» 2 кун, уруғли мева боғларида 20 кун, токзорда эса 30 кундир, ишлов бериш тақориийлиги бодрингда 5 кун, қолган экин турларида 6 кундир. Қаратан иссиққошли ҳайвонлар учун юқори заҳарли моддалар гуруҳига мансуб (унинг УД₅₀ сичқонлар учун 112 мг/кг га баробар). Асаларилар учун кам заҳарли.

Системали фунгицидлар. Бу гурұхга оид фунгицидлар таркибіда мис бирикмалари сақлаган фунгицидлардан фарқылы үлароқ үсімлікка жуда тез суръатлар билан синга олиш қобилятига әга, шунингдек улар үсімлікда узоқ вақт (20—70 күн давомида) сақланади. Шунинг учун улар билан ишлов берішишінг оралиқ мүддати 1—2 ҳафтадан 3—5 ҳафтага қадар давом этиади. Үсімлікка уларнинг тез синга олиши (1 соат ичида) улар билан ишлов берішишінг табиий-иқтим шароитига боғлиқлігіні камайтиради.

Тилт (пропиконазол) -2-(2,4-дихлорофенил)-4-пропил-2-1 Н-1, 2, 4)-триазолил-1-метил)-1,3-диоксолан:



Бу модда раңгыз суюқлик бўлиб, 180°C да қайнайди, сувда эрувчалиги 110 мг/л, кўпгина органик эритувчиларда яхши эрийди.

Тилт системали таъсирга эга бўлган фунгициддир, у касалликнинг олдини олиш ва даволаш хоссаларига эга. Унинг ҳимоя қилиш муддати 3—4 ҳафта. Препарат ҳимоя қилинувчи экинга салбий таъсир кўрсатмайди.

Узбекистонда Швейцариянинг «Сиба-Гейги» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган тилтнинг 25% ли к. э. ишлатишга рухсат берилган.

Одам ва иссиқонли ҳайвонлар учун тилт кам за-
ҳарлилар гурухига мансуб пестицидидир (унинг $УД_{50}$
күрсаткичи каламушлар учун 1517 мг/кг таңг).
Тери ва шипшлиқ қаватларига, шунингдек, асаларилар,
қушлар ва балиқлар учун кам заҳарли.

Тилтнинг 25% ли к. э. буғдоіда ун-шудринг, занг, гельминтоспориоз, септориоз касаллукларига қарши экиннинг ривожланиши даврида ҳар гектар майдонга 0,5 л дан, арпада ун-шудринг, занг, доғланиш касаллукларига қарши, жавдарда занг, поя занг, ун-шудринг, септориоз, сулида занг, қизилқұнғир доғланиш касаллукларига қарши 0,5 л дан құлланилади. Препаратнинг «кутиш вақти» барча экинларда 30 күн, ишлов беріш тақрориілдігі эса 1 марта.

Топаз (пенконазол) нинг таъсир қылувчи моддаси—

1- [2-(2,4-дихлор фенил)-пентил]-1 Н-1, 2, 4 триазолдир. У оқ рангли кристалл модда бўлиб, 60°C да суюлади. Сувда әрувчашлыги 70 мг/л, кўнгина органик эритувчиларда яхши эрийди. Идишларни занглатиш, ўз-ўзидан портлаш хусусиятига эга эмас.


Топаз системали таъсир қылувчи фунгицид бўлиб, касаллукнинг олдини олиш ва даволаш мақсадларида қўлланылади. Препарат данакли мевалар, резавор-мевалар, мой экинлари, сабзавот ва полиз экинларини ун-шудринг касаллигидан сақлайди. Топазнинг ҳимоя қилинүвчи экинга салбий таъсири кузатилмаган.

«Сиба Гейги» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган топазнинг 10% ли к.э. касаллукларга қарши ишлатиш тавсия қилинган.

Препарат одам ва иссиққонли ҳайвонлар учун кам заҳарли пестицидлар гурӯҳига мансуб (унинг каламушлар учун $УД_{50}$ нинг кўрсаткичи 4095 мг/кг) дир, терига енгилгина, кўзга эса суст қитиқловчи таъсир этади.

Топазнинг 10% ли к. э. бодрингда ун-шудринг касаллигига қарши ўсимликнинг ривожланиши даврида ҳар гектар экинзорга 0,125—0,15 л дан қўллаш тавсия қилинган. Препарат иссиқхоналардаги бодришгда ун-шудрингта қарши 0,5—0,75 л дан, олмазорларда ун-шудринг, мева чириши, токдаги оидиум, шафтолидаги ун-шудринг, мева чириши ва ертутдаги ун-шудринг касаллукларига қарши 0,2—1,0 л дан қўлланилади. Топазнинг «кутиш вақти» иссиқхоналарда 3 күн, қолган экинларда 20 күн. Унинг ишлов беріш тақрориілдігі олмазор ва шафтолизорда 3 марта, токзорда 4 марта, қолган экинларда 2 маю тадири.

Садофан (оксадиксил) 2,6-диметил-N-(2-метоксиацетил)-N-2-оксо-1, 3-оксазолидинил-3) анилин:




Үзүнг таъсир қилувчи моддаси ҳидсиз, рангсиз кристалл модда бўлиб, 104—105°C да эрийди, сувда ёмон эрийди, органик эритутувчиларда эрийди. 54—70°C ли ҳароратда 2—4 ҳафта давомида турғунидир.

Садофан системали таъсирга эга бўлган фунгицид бўлиб, кўпгина экиниларда оомицетлар синфига онд замбуруғлар қўзгайдиган касалликларни даволайди.

Иссиққонли ҳайвонлар учун кам заҳарли (унинг УД₅₀ ни кўрсаткичи каламушлар учун 1860—3480 мг/кг) дир. Қушлар учун заҳарли эмас.


Садофан Швейцариянинг «Сандоз» фирмаси томонидан 25% ли и.к. ҳолида чиқарилади. Картотекада фитофтороз касаллигига қарши экинининг ривожланиш даврида ҳар гектар экинзорга 0,8—1 кг дан қўлланилади. Писэз ва тамакида пероноспороз касаллигига қарши 1,2 кг дан қўллаш мумкин. Препаратнинг «кутиш вақти» 20 кун, ишлов бериш тақрорийлиги 2—3 марта-дир.

Бензимидазол ҳосилалари — Бенлат (арилат, фундазол, узген). Таъсир қилувчи моддаси беномил номи билан юритилади: N-[1-(бутилкарбамоил] бензоимидазолил-2)] -O-метилкарбамат:



У соф ҳолда сувда, мойларда ёмон эрувчан ва 100 г хлороформда 9,4 г нисбатда эрувчан кукун бўлиб, учувчан эмас, қиздирилганда эрийди.

Сувли шароитда бенлат N-(бензимидазолил-2)-O-метил-карбамат (БМК) га қадар парчаланади, бунда бутиламин ва CO₂ ҳосил бўлади;



Беномил қиздирилганда, сақлаш даврида, шунингдек ультрабинафша нурлари таъсирида БМК га айланади, бу модда ҳам фунгицидлик хоссасига эгадир.

Бу жараён ўсимлик танасида содир бўлади. Тупроқда, бундан ташқари, 2-аминобензимидазол ҳам ҳосил бўлади, бу модда бирмунча турғун бўлиб, ишлов берилган майдонда тез ювилиб кетмайди. Йиссиқхоналарда ва дала шароитида ишлов берилгандан сўнг препарат узоқ вақт давомида тупроқда сақланиб туради.

Бенлат ўсимликда фақат пастдан юқорига келилема бўйича ҳаракатланади ва флоэма бўйича ҳаракатланмайди. Шунинг учун ҳам препаратнинг системали таъсири фақат илдиз орқали берилганда ёки уруғлар дориландагина содир бўлади. Препарат барглар орқали ҳам сўрилиш хусусиятига эга, аммо бунда у бир баргдан иккинчисига таъсир кўрсатиш даражасида ўтмайди.

Фундазол системали ва сиртдан таъсир қилувчи фунгициддир, унда касалликнинг олдини олиш ва даволаш хусусиятлари мавжуд. Препарат акарицидлик хоссаларига ҳам эга, бинобарин у овициддир, беномил қўлланилган далаларда ширалар ҳам ривожланмайди.

Чин ун-шудринг замбуруғлари қўзгатган касалликлар, вертицидлиум, фузарийум, ризоктония замбуруғлари келтирган сўлиш, чириш касалликларига юқори самарали таъсир кўрсатади. Препарат бактерияларга, хусусан гельминтоспориум, альтериария ва склеротинияларга таъсир қилмайди. Узбекистонда Венгриянинг «Санофи Хинони» фирмаси ишлаб чиқарган фундазолнинг 50% ли и.к. қўлланилади.

Препарат иссиққонли ҳайвонлар учун кам заҳарли пестицидлар гуруҳига киради (унинг каламушлар учун УД₅₀ ни кўрсаткичи 9500 мг/кг га tengdir), куммулятивлик хусусияти йўқ, қушлар, балиқлар ва асаларилар учун кам заҳарли.

Фундазол бугдой, жавдарда ун-шудринг, фузариоз,

илдиз чириш касаллукларига қарши экиннинг ўсув даврида гектарига 0,5—0,6 кг дан, шолида пирикуляриозга қарши 2 кг дан, очиқ дала ва иссиқхона шароитида бодрингда ун-шудринг ва антракнозга қарши 0,8—1 кг дан, помидорда иссиқхона ва дала шароитида қўнғир доғланиш касаллиғига қарши 2—3 кг дан, уруғли мева боғларида ун-шудринг ва калмараз касаллукларига қарши 1—2 кг дан, токзорда оидиум, кулранг чириш касаллукларига қарши 1,5 кг дан, тамакида илдиз чиришига қарши ҳар m^2 майдонга 1,5—3 г дан, қанд лавлагида ун-шудринг, церкоспориоз касаллукларига қарши 0,6—0,8 кг дан қўлланилади.

Фундазолнинг 50% ли н.к. бугдой уруғининг ҳар тоннасига чангли ва қаттиқ қоракуя, илдиз чиришига қарши 2—3 кг дан дорилаш тавсия қилинади, арпа ва сули уруғи чанг, қора куя касаллиғига, илдиз чиришига қарши ҳар тонна уруғга 2—3 кг дан сарфланади, жавдар уруги эса поя қоракуя касалига, илдиз чиришига қарши 2—3 кг дан дориланади, шоли уруғи пирикуляриоз, фузариозга қарши 2—3 кг дан дориланади, нўҳат уруги аскахитоз, фузариоз, антракноз, кулранг чириши касаллукларига қарши ҳар тоннасига 3 кг дан дориланади (дорилашда 1 т уруғга 5—10 л ҳисобида сув сарфланади).

Дерозал (бмк. бавистин, олгин, фунабен). Таъсир қилувчи моддаси карбензимидазол: N— (бензимидазолил—2) —0—метилкарбамат. Бу 300°C дан юқори даражада қиздирилганда парчаланиб кетувчи кукундир. Сувда ва органик эритувчиларда кам эрийди. Кислотали муҳитда барқарор, ишқорий шароитда эса аста-секин сувда эрувчан тузлар ҳосил қилиш билан парчаланаади.

Ўзбекистонда Олмониянинг «Агрево» фирмаси томонидан яратилган дерозалнинг 50% ли н.к. ишлатилади.

Дерозал сиртдан ва системали таъсирга эга, ўзининг фунгицидлик хоссаларига кўра фундазолга ўҳашадир. Препарат билан ишлов берилганда эккиларга салбий таъсир қўрсатмайди.

Одам ва иссиқконли ҳайвонлар учун дерозал кам заҳарлидир (унинг УД₅₀ каламушлар учун 6400 мг/кг га тенг).


Препарат буғдой, арпа, жавдар ва шолида илдиз чириш, гельминтоспороз, ун-шудринг, поянинг ётиб қо-

лиш касаллигига қарши экиніләрнің ривожлайниш даврида ҳар гектар әкінзорга 0,3—0,6 кг дан пуркалади, қанд лавлагида ун-шудринг, церкоспороз касалликлариға қарши 0,6—0,8 кг дан құлланилади.

Препарат гүзада вертициллез сұлиш касаллигига қарши 1 га майдонга 2 л ҳисобида 3 марта пуркалади: (1) гүза ниҳоллари б та чинбартынанда, (2) шоналаш даврида ва (3) мева шакллана бошлаганда.

Дерозал бүгдой, арпа уруғлариниң әкишдан олдин ҹанғли қоракуя, қаттық қоракуя, илдиз чириш, қора пұпанак, мөгор касалликларига қарши ҳар тонна уругта 2—2,5 кг дан сарфлаб дориланади, сули уруғи қора пұпанак (мөгор), поя қоракуяси, фузарноз, илдиз чириш касалликларига қарши, соя, нұхат уруғларинийнг мөгорлаш, асқахитоз, фузарноз, антракноз, күлбрайт чириш касалликларига қарши ва шоли уруғи фузарноз, илдиз чириш, пирикулярноз касалликларига қарши 2—2,5 кг дан дориланади. Бунда суюқлик 5—10 л сарфланаиди. Дерозалнинг «кутиш вақти» 30 кун, унинг құллаш тақрорийлиги 1—2 мартадир.

Тиомочевина ҳосиаллары: топсин-М (тиофонат-метил). Таъсир қылувчи моддаси—1, 2-бис-(3-метоксикарбонил-2-тиомочевина)-бензол:



Суда кам әрувчан қуқун бўлиб, ацетон, хлороформ ва метанолда яхши эрийди.

Топсин кенг таъсир доирасига эга бўлган системали фунгицидлар. Узининг фунгицидлик хоссаларига кўра фундазолга ўхшайди. Бу ҳам ўсимлик танасида фундазол каби парчаланиш оқибатида бмк ҳосил қиласи, ўсимликда 12—15 кун давомида унинг 50% и парчаланаиди.


Ўзбекистонда Япониянинг «ниппон сода» фирмаси ишлаб чиқарган Топсин-М нинг 70% ли н.к. ишлатилади. Бу препарат ООҚ, бордо суюқлиги ва мис хлороксид каби препаратлар билан бир вақтда ишлатилмайди.

Топсин-М иссиққонли ҳайвонлар учун кам заҳарли, шунингдек препарат асалариларга ҳам кам заҳарли (унинг УД₅₀ нинг кўрсаткичи каламушлар учун 7450 мг/кг) дир, куммулятив таъсири кам.

Топсин-М бодрингда ун-шудринг, кулранг чириш, олмазорда ун-шудринг, калмараз, токзорда оидиум, антрокноз касалликларига қарши ўсимликнинг ривожланиши даврида ҳар гектар экиизорга 1 кг дан қўллаш тавсия қилинади. Препаратнинг «кутиш вақти» бодрингда 7 кун, олмада 20 куни ва токзорда 30 кун, ишлов берини тақрорийлиги 3 марта.

Гетероциклик бирикмалар. Байлетон — таъсири қиёлувчи моддаси — триадимефон:

3,3-диметил-1 (ИИ-1,2,4-триазолил-1)-1-(4-хлорофенокси) бутанон-2:



Бу модда 82,3°C да суюқланувчан рангиз кристалл дир. 100 г сувда 0,026 г миқдорида эрийди; кўпгина органик эритувчиларда яхши эрийди; ишқорий ва кислотали муҳитда турғундир.

Байлетон касалликнинг олдини олувчи ва даволовчи таъсирга эга бўлган фунгициддир. Галла экинлари нинг ун-шудринг, занг касалликларига, қанд лавлагининг занг касаллигига, токзорнинг оидиум, кулранг чириш касалликларига қарши яхши самара беради. Шунингдек, препарат олманинг ун-шудринг, калмараз касаллигига, бодринг, помидор ва қовуннинг ун-шудринг касаллигига ҳам яхши самара беради.

Касаллик белгилари пайдо бўлиши биланоқ ишлов беришни бошлаб юбориш лозим.

Ўзбекистонда Олмониянинг «Байер» фирмаси тавсия қилган байлетоннинг 25% ли и.к. қўлланилади.

Байлетон иссиққонли ҳайвонлар учун ўртача заҳарли пестицидлар гуруҳига мансубдир (унинг УД₅₀ нинг кўрсаткичи каламушлар учун 568 мг/кг га teng). Шиллиқ қаватларга қитиқловчи таъсири кузатилмаган. Препарат асаларилар учун хавфсизdir.

Байлетон буғдойда занг, септориоз, ун-шудринг, құйғир занг касаллікларига қарши ўсимликнинг ривожланиш даврида ҳар гектар эквизорга 1 кг дан пуркалди, арпада ун-шудринг, занг, тұрсымон дөгланиш касаллікларига, жавдарда занг, септориоз, ун-шудринг, ҳалқасимон дөгланиш, церкоспориоз касаллікларига, маккажүхорида (дон учун) шуфакчали қоракуя, илдиз чириш касалига қарши 0,5 кг дан, сулида занг, қизил-құнғир дөғланиш касаллікларига қарши 0,5—0,7 кг дан, қанд лавлагида ун-шудринг, занг касалига қарши 0,6 кг дан, бодрингда ун-шудринг касалига қарши 0,06—0,12 кг дан тавсия қилинади.

Иссекхона шароитида бодрингда ун-шудринг касалига қарши 0,2—0,6 кг дан, помидорда эса 1—4 кг дан, олмазорларда ун-шудринг, калмаразга қарши 0,4 кг дан, токзорда оидиум, кулранг чириш касаллікларига қарши 0,15—0,3 кг дан, ертутда эса шу касаллікларга қарши 0,24 кг дан тавсия этилади. Препаратнинг «кутиш вақты» исекхоналарда 5 кун, олмазор ва токзорда 30 күн, қолган экинларда 20 кундир, уннинг ишлов бериш тақрориyllи бодрингда 4 марта, токда 6 марта, олмазор, қовун полизда, қанд лавлагида 3 марта, қолган экинларда 1—2 мартадир.

8.2. ЎСИМЛИКЛАРИНГ ТИНИМ ДАВРИДА ҚҰЛЛАНИЛАДИГАН ФУНГИЦИДЛАР

Бу фунгицидлар мева ва резавор-мева болгарини касаллік құзғатувчиларнинг қышловчи бүгниллари таъсиридан, тупроқда яшөвчи хавфли касаллік құзғатувчилар (вилт ва бошқалар) дан ҳимоя қилишда, шунингдек дараҳтларнинг шикастланған жойлари, идишлар, омборхоналар, сұрилар, исекхона аңжомларини дезинфекция қилиш мақсадида ишлатилади.

Бу мақсад учун нитрафен кеңг күламда құлланилмоқда. Бу бир вақтнинг ўзида ҳам инсектицидлик, ҳам фунгицидлик ва ҳам гербицидлик таъсирини намоён қиласы. Ишлов беришнинг самарадорлығы уннинг ишчи суюқлиги билан бир текисда ишлов берилшигі боғлиқ, ўсимлик таасисига ишлов беришда қанчалик бир текисда пуркалса, таъсири шунчалик юқори бўлади. Бунда ишчи суюқликнинг сарфи 800—2000 л га қадар боради. Пуркаш кеч кузда ёки эрта баҳорда, дараҳтлар куртак ёзгунга қадар ўтқазилади. Даволовчи фунгицид-

ларнинг аксарияти яшил ўсимликларга «куйдирувчи» таъсир кўрсатиши сабабли, уларни ўсимликларнинг ривожланиш даврида қўллаш мумкин эмас.

Касаллик қўзғатувчилар қиши бўгинларининг йўқотилиши, мева боғларини баҳорда, янги новдалар, барглар эндигина пайдо бўла бошлаган даврда касаллик қўзғатувчилардан сақлайди, чунки бу даврда улар касалликка кўпроқ берилувчан бўлади. Даволовчи фунгицидларни эрта баҳорда қўллаш оқибатида ишлов бериш такрорийлиги бир қадар камаяди.

Нитрафен, юқори концентрацияларда (2—3%) қўлланилади, бунда дараҳт танаасига бир текисда пуркаш лозим.

Нитрафен эрта баҳорда олма ва нокнинг калмараз касаллигига қарши ҳар гектар майдонга 50—60 кг дан пуркалади, шунингдек, данакли мева боғларининг касалликлари (клястериоспориоз, коккомикоз)да ҳам яхши самара беради.

Мис ва темир купороси ҳам даволовчи фунгицид сифатида қўлланилади (17-жадвал).

Мис купороси 98% ли кукун бўлиб, ҳаво рангда, мева боғларига пуркашда 10—20 кг дан сарфланади.

Темир купороси (темир сульфат)нийг 53% ли сувда эрувчан кўк рангли кукун. Препарат 30—40 кг дан эрта баҳорда дараҳтлар куртак ёзгуига қадар қўлланилади.

8.3. УРУФ ВА ЭКИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ДОРИЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ФУНГИЦИДЛАР

Экиш материалларини дорилаш уруғлар сиртидаги касаллик қўзғатувчиларни (буғдой қаттиқ қоракуяси, арпа тош куяси, жавдар поя куяси, сули чанг куяси ва бошқалар), уруғ қобигида ва унинг остидаги касаллик қўзғатувчиларни (сулининг чанг куяси, буғдой гель—минтоспориози, зигир полиспориози, кунгабоқар оқ чириш касаллиги) ва уругкуртак ичидаги касаллик қўзғатувчиларни (буғдой ва арпа чанг куяси) бартараф этишга қаратилган. Шунингдек, уруғларни дорилаш орқали тупроқда яшовчи кўпгина касаллик қўзғатувчилар ҳам (маккажӯхори ургининг мөгорлаши, ғалла экинлари фузариози ва илдиз чириши, ғўза илдиз чирими касаллиги) нобуд бўлиши мумкин.

Айниқса, уруғларда эрта (марказлаштирилган ҳол-

Мис ва темир купоросларининг қўлланилиши


Экин (ўсимлик) турлари	Касаллик	Қўллаш концентрацияси, усули ва вақти
	Мис купороси	
Давзкли мева боғлари	Клястиероспороз, коккомикоз, монилоз, баргбуралиши	Куртак ёзгунга қадар, 1%ли
Уруғли мева боғлари	Пўстлоқ раки, калмараз. Турли доғланиш касаллклари; монилиоз	
	Темир купороси	
Ток	Антракноз; милдью, бактериал рак	ток тапаси ва тупроқни 2—3% ли зритмаси билан эрта баҳорда пуркаш куртак ёзгунга қадар пуркаш 1%
Уруғли мева боғлари	Поя ва новда касаллклари, калмараз, доғланиш касаллклари, монилиоз, рак	

да) дорилаш юқори самара беради. Бунда дори уруғга яхши ёпишади, унда узоқ вақт давомида тўқнашув натижасида касаллик қўзгатувчилар кўпроқ нобуд бўлади, натижада препаратнинг пуркаш усулидагига нисбатан сарфиши камайтиради.

Асримизнинг 70—80-йилларида уруг ва экиш материалларини дорилаш кенг кўламда ривожланди, аммо бу даврда ҳам таркибида симоб бирикмалари сақлаган препаратларга (гранозан) катта ўрин берилди, чунки бу препаратнинг таъсир доираси ийҳоятда кенг эди, шунинг учун унинг ўриндошлари (ТМТД, витавакс) заҳарлилиги кам бўлиши билан муҳим ўрин тутса-да, улар симоб бирикмаларига тенглаша олмас эди. Ҳозирги вақтда бизда симоб бирикмалари (гранозан), шунингдек ТМТД, ТХФМ препаратлари мутлақо қўлланилмайди.

Шуни эслатиш лозимки, ўсимликларнинг ривожлаш даврида қўлланиладиган бир қатор фунгицидлар (фуидазол, дерозол) уруғларни дорилашда қўлланишга тавсия этилган.

Байтан — таъсир қилувчи моддаси-триадименол: 3,3-диметил-1-(1Н-1,2,4-триазолил-1)-1-(4-хлорфенокси) бутанол-2:



112°C да суюлиш қобилиятига эга бўлган кристалл модда, сувда ёмои эрийди, пропанол ва циклогексанада яхши эрийди. Нейтрал, кучсиз ишқорий ва кислотали муҳитларда тургун моддадир.


Байтан системали таъсирга эга бўлган фунгицидdir, чин ун-шудринг замбуруғлари қўзгайдиган қаттиқ, чанг ва бошқа тур куяларга, турли занг ва илдиз чириш касалликларига яхши самара беради. Турли мөгор касалликлари, гельминтоспориозларга таъсир қилмайди.

Ўзбекистонда Олмонияниш «Байер» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган байтан универсалнинг 19,5% ли и.к. қўлланилишга рухсат берилган. Буниш таркибида триадименолдан ташқари фуберида зол ва имазалил сақланади, шунинг учун ҳам бу гельминтоспориоз ва мөгор касалликларига ҳам таъсир қиласди.

Байтан универсал одам ва иссиққонли ҳайвоналар учун кам заҳарли пестицид турига киради (унинг УД₅₀ нинг кўрсаткичи каламушлар учун 800—1000 мг/кг га тенгдир). Фойдали ҳашаротлар ва асаларилар учун хавфсизdir.

Байтан универсал бугдой уруғини чанг ва қаттиқ куяга қарши дорилаш учун тавсия қилинган, 1 т уруғни 2 кг препарат билан 10 л сув қўшиб намлаш йўли билан дориланади.

Витавакс (карбоксин) — таъсир қилувчи моддаси-2-метил-3-фенилкарбамоил-5,6-дигидро-1,4 оксатин:



Таъсир қилувчи моддаси сувда, бензолда, этанолда, ацетонда, метанолда суст эрийди. Кучли кислота ва ишқорлар таъсирида парчаланади.

Витавакс — системали таъсирга эга бўлган фунгидир, куя касаллигининг барча турларига юқори самарали, шунингдек занг замбуруглари ва ризоктониозга кучли таъсир қилади. Уруғ уна бошлаганда унга сўрилади ва унинг ичидаги инфекцияни нобуд қилади.


Витавакс уруғлар мөгорлаши, септориоз, галласимонларининг илдиз чириш касалликларига таъсир қилмайди.

Витавакс ташки муҳит шароитида кам ўзгаради. Тупроқда 3 ҳафта ичидаги бутунлай парчаланиб кетади. Витавакс билан дорилангани арпа ва буғдой майсалари таркибида экилгандан кейин 6 ҳафта давомида, пестицид таъсир қилувчи моддасининг энг кўп миқдори эса экилишининг 3- ҳафтасида аниқланган. Буғдой ва арпа таркибида витавакс тўла парчаланиб кетади ва янги ҳосил таркибида буткул учрамайди.

Бизда АҚШ нийг «Юниројл Қемикал» фирмасининг Витаваксе—200, 75 % ли н.к. ишлатилади. Препарат одам ва иссиқонли ҳайвонлар учун кам заҳарли пестицид гуруҳига киради (унинг УД₅₀ ни кўрсаткичи каламушлар учун 3200 мг/кг га баробар). Витавакснинг парчаланиш маҳсулотлари ҳайвон организмидан сийдик орқали тезда ажralиб чиқади.

Витавакс буғдой уруғини чанг, қаттиқ қора куяга қарши дорилашда қўлланилади, бунда 2,5—3 кг препарат 10 л сувга аралаштирилиб 1 т уруғга сарфланади.

Бронотак, таъсир қилувчи моддаси бронопол: 2-брому-2-нитропропандиол-1,3:




Бу оқ рангли модда бўлиб, 130°C да суюқланади; сувда эрувчанилиги 25%, ўзига сувни тортиб олиш (гигроскопик), шунингдек алюминий идишларда парчаланиш қобилиятига эга.

Бактерицидлик хоссасига эга бўлган сиртдан таъсир қилувчи фунгицид. Узбекистонда Олмониянинг «Агрэво» фирмаси ишлаб чиқарган бронотакниш 12% ли дустри чигитини дорилашда қўлланилади. Бунда гоммозга қарши 1 т чигитга 6—7 кг, препарат, шунингдек 15—30 л сув сарфланади.

Одам ва иссиққоили ҳайвонлар учун юқори заҳарли пестицидлар гурӯҳига киради. Пестицид терига ва шидлиқ қаватларга қитиқловчи таъсир қиласи, препарат билан ишлаганда албатта, противогаз, респираторлардан фойдаланиш лозим.

Формалин, таъсир қилувчи моддаси формальдегид:



Рангсиз газ, ўткир ҳидли модда бўлиб, сувда яхши эрийди. Формалин формальдегиднинг сувдаги 40% ли эритмасидир. Формалин рангсиз, ўткир ҳидли суюқлик. Унинг таркибида формальдегиддан ташқари метил спирт, ацетон, чумоли кислота, темир тузларининг қолдиқлари учрайди. Темир тузларининг ранги формалинга сарғиш ранг бериб туради.

Формалин узоқ муддат туриб қолса, ёхуд совуқ ёки жуда юқори иссиқ ҳароратда сақланса, қаттиқ қўйقا ёки чўкма ҳосил бўлади. Бу формальдегиднинг полимеризациялашганилигидан далолат беради. Бу ноҳуш ҳолат натижасида формалиннинг концентрацияси камаяди ва бундай формалин қўлланилиш учун, албатта чўкмадан холи бўлиши керак. Бунда формалинн таркибидаги формальдегид миқдорини аниқлаш ва ишлатишда буни эътиборга олиш лозим.

Шунингдек, формалин таркибидаги полимерлар уруғларнинг унишини камайтиради.

Формалиннинг полимеризациялашиши олдини олиш учун уни тўғри сақланишига алоҳида эътибор бериш лозим. Формалин уй ҳарорати шароитида оғзи маҳкам беркитилган шиша идишларда сақланади.

Полимеризациялашган формалинни қўлланишдан

олдин деполимеризация қилинади, буништук учун суюқлик қыздырылади. Баъзи ҳолларда қыздыриши натижасы бермаслыгы мүмкін (чүкма ниҳоятда күп бўлса). Бу вақтда формалинга илиқ 5—10% ли сода (Na_2CO_3) эритмаси қўшилади (ҳар 100 л формалинга 50 л миқдорида). Чўкма бир неча кун давомида бутунлай йўқолади.

Формалин сиртдан таъсир қилувчи фунгицид ва бактерициддир. Препарат уруғ сиртидаги инфекцияни йўқотади, аммо тупроқдаги микроборганизмларни йўқота олмайди. Формалиннинг заҳарли таъсири ҳужайра цитоілазмасида вужудга келадиган қайтмас реакция—оксилинг чўкиши натижасидир.

Формалин билан уруғлар ҳўл ёки ярим ҳўл усулда дориланади. Чанг куяси билан кучли зааралангац жавдар уруги формалин билан ҳўл усулда дориланади, қаттиқ ва чанг куяси билан заараланган сули, тош куяси билан заараланган арпа уруги эса ярим ҳўл усулда дориланади. Уруглик чигитни ҳам гоммозга қарши дорилаш тавсия этилади. Буништук учун тукли чигитнинг 1 т суга 350—400 л ҳисобидан, туксизига 250—300 л ишчи суюқлиги сарфланади (ишчи суюқлик тайёрлаш учун 90 л сувга 1 л формалин қўшилади). 1 т чигит учун формалиннинг сарфи 3—4 л ни ташкил этади.

Умуман, формалин билан ҳўл усулда уруғларни дорилаш учун ундан 0,33% ли ишчи суюқлик тайёрланади. Дорилаш учун мўлжалланган уруғ 5 минут давомида бу ишчи суюқликка ботириб қўйилади (1 т уруғга 100 л ишчи суюқлиги сарфланади). Ундан кейин дориланган уруг олиниб, 2 соат мобайнинг плёнка остида димланади. Ишчи суюқликдан фақат 1 марта фойдаланилади.

Формалин билан ярим ҳўл усулда уруғларни дорилаш учун ундан 1,25% ли ишчи суюқлик тайёрланади. 1 т сули уругини дорилаш учун бу ишчи суюқликтан 30 л, арпа учун эса 15—20 л сарфланади. Ундан кейин дориланган уруғ плёнка остида 3—4 соат давомида димланади. Дориланган уруглар соя жойда (куёш нури уруг сиртидаги формалинни полимеризацийланишига олиб келиши мүмкін) агдариб туриш орқали, шамоллаби куритилади.

Уруғлар экишдан 3—4 кун олдин формалин билан дориланади. Формалин билан ишлов бериш қийинлиги

ва уругнинг унишига салбий таъсири эҳтимоллиги учун ундан меъёрида фойдаланилади.

Формалиндап асбоб-ускуналар, идишлар, сабзавот омборхоналарини, иссиқхоналарни ва бошқа жойларни дезинфекция қилишда ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг учун унинг 2% ли эритмасидан фойдаланилади, 1 м² ҳажмдаги юзага 1 л ишчи суюқлиги сарфланади.

Формалин одам ва иссиқониلى ҳайвонлар учун ўрта-ча заҳарли пестицидлар гуруҳига мансубдир (унинг ЎД₅₀ каламушлар учун 424 мг/кг га тенг). Газсимон формальдегид кўзни, нафас олиш йўллари шиллиқ қаватларига кучли қитиқловчи таъсир қилиб, терини емиради. Сурукали заҳарланишга олиб келади.

Формалин билан ишлаганда А маркали патронли противогаздан фойдаланиш керак.

Нусан, таъсир қилувчи моддаси 2—(тиоцианометилтио) бензотиазол.

Ўзбекистонда бу янги фунигицид АҚШ нинг «Вильбур Эллис» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган нусанинг 30% ли к.э. қўлланилади. Унинг таъсир доираси кенг бўлиб, уруғ сирти ва тупроқдаги замбуруғларга яхши таъсир этади. Препарат буглари уруғ уюмiga яхши сингиб, системали таъсир кўрсатади. Нусан экинларни қоракуя, уруғ чириши, илдиз чириши каби касалликлардан ҳимоя қиласди. Препарат ризоктония, фузириоз, вертициллез касалликларига қарши қўлланилади.

Нусанинг ишчилар учун хавфсиз эканлиги ҳақида фирма тавсияномасида алоҳида таъкидланган.

Нусан Узбекистонла чигитни гоммозга қарши дорилашда қўлланилади. Бунинг учун 1 т чигитта 4 кг препарат сарфланали.

Ортен, таркибида 75% ли таъсир қилувчи молла ацефат (0,8—диметилацетофосфорамидотиоат) сақлайди. Бу системали таъсирга эга бўлган янги инсектицид бўлиб, лориланган чигит билан экилганда гўза ниҳолларини 3 хафта мобайнида трипс, гўза битлари ва илдизни кемирувчи тунламалардан ҳимоя қиласди.

Ўзбекистонда АҚШ нинг «Томен Америка» фирмаси томонидан тавсия қилинган ортенинг 50% ли концентрати қўлланилади. Фирма тавсиясига кўра препарат одам ва иссиқониلى ҳайвонлар учун кам заҳарли. Препарат чигитни дорилаш учун тавсия қилинган,

1 т чигит учун 4 кг препарат сарфланади. Чигит ортенни Нусан билан бирга қўшиб дориланса ҳам бўлади.

8.4. ТУПРОҚНИ ДЕЗИНФЕКЦИЯ ҚИЛИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ФУНГИЦИДЛАР

Бу гуруҳга оид фунгицидлар тупроқни заарсизлантириш мақсадида қўлланилади. Улар тупроқда карам киласи, кўчатлар чириши, оқ чириш, бодринг ва помидорларнинг фузарноз сўлиши, фўза вертицеллези каби касалликларнинг қўзғатувчиларидан тупроқни заарсизлантириш мақсадида фойдаланилади. Тўйилган олтингугурт (222-бетга қаралсин): карам касалликларига қарши уруғ сепилишиб ёки ниҳоллар «пикировка» қилингунга қадар 3 кун қолгаида 1 м² майдонга 5 г тўйилган олтингугурт берилади, шунингдек очиқ даладаги карам кўчатларини экиш вақтида сугориш йўли билан олтингугурт коллоиди 0,4% ли суспензия ҳолида (гектарига 30—40 кг) берилади.

Нитрафен тупроқ дезинфекцияси учун 1 м² майдонга 400—440 г миқдорида солинади.

Бенлат (олгин, узген, 230-бетга қаралсин). Бу препаратлар тупроқдаги вертицелёз вилти қўзғатувчисига қарши ерни кузги ҳайдашдан олдин ҳар гектар майдонга 75—100 кг дан қўллаш кенг кўламда синовдан ўтказилмоқда.

9-б о б. БЕГОНА УТЛАРГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ПЕСТИЦИДЛАР


9.1. ГЕРБИЦИДЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ

Бегона ўтларга қарши қўлланиладиган барча пестицид турлари **гербицидлар** деб аталади. Кўпчилик гербицидлар органик моддаларга мансуб бўлиб, ўта юқори физиологик фаолликка эгадир, улар озгина сарфлаш меъёрида юқори самарадорлик кўрсатади. Ҳозирги вақтда оз бўлса-да, анорганик моддалар гуруҳига оид гербицидлар ҳам мавжуд.

Гербицидлар хоссаларига кўра, ёпласига ва танлаб таъсир қилувчи гуруҳларга бўлинади (18-жадвал).

Ёпласига таъсир қилувчи гербицидлар ўз таъсир доирасида учраган барча тур ўсимликларни нобуд бўлишга олиб келади. Шунинг учун бундай гербицидлар

Гербицидларнинг таснифланиши



Экинзорларда қўлланилмайди, фақат тош ва темир йўл чеккаларида, суғориш шохобчаларида, йўл ёқаларида, электр тармоқлари ва спорт майдончаларида бегона ўтларга қарши қўлланилади.

Ташлаб таъсир қилувчи (селектив) гербицидлар бегона ўтларнингина ўлдиришга мослашган бўлади ва экинларга ҳеч қандай зарар етказмайди. Селектив гербицидлар экинзорлардаги бегона ўтларга қарши ишлатилади.

Ташлаб таъсир қилиш ўсимликнинг анатомо-морфологик ва физиологик хусусиятларига боғлиқ, шунингдек гербицидинг кимёвий таркибига ва физик-кимёвий хусусиятларига, унинг физиологик фаоллигига ҳам боғлиқдир. Кўпгина селектив гербицидлар жуда кўплаб тур бегона ўтларни ўлдира олади. Масалан, которан ва трефланғўза далаларидаги кўпгина икки паллали бегона ўтларни ўлдиради. Симм-триазинлар гуруҳига мансуб гербицидлардан — симазин ва атразин маккажӯхори дала-ларидаги кўпгина бир ва икки паллали бегона ўтларни йўқотиша фойдаланилади. Булар кенг доирадаги ташлаб таъсир қилишга мисолдир. Баъзи гербицидлар тор доирада ташлаб таъсир қилишга мослашган. Улар жуда оз тур бегона ўтларни, ҳатто биргина бегона ўтни

ўлдиришга мослашган бўлади. Масалан, пропанид гербициди шолидаги курмакнигина ўлдиради ва бошқа бегона ўтларга мутлақо таъсир қилмайди. Топографик танлаб таъсир қилиш ўсимликларни анатомо-морфологик тузилишига асосланган. Масалан, жуда қалин пўстлоқ билан қопланган, мустаҳкам кутикулага эга бўлган, танаси мум билан, шунингдек танаси туклар билан қопланган ўсимликлар гербицидлар таъсирига чидамли бўлади, чунки қалин қобиқ билан қопланган таша орқали гербицид суст сўрилади. Тик ўсган, силлиқ сиртга эга бўлган барглар ҳам гербицидларга чидамли бўлади. Чунки уларга тушган гербицидинг томчилари тезда ўсимлик сиртидан буғланиб кетади.

Илдиз тизими жуда чуқур кирадиган ўсимликлар ҳам гербицидлар таъсирига чидамли бўлади. Масалан, бўзтикан, қўйпечак симазин ва атразин таъсирига чидамлидир. Чунки уларнинг илдиз тизими асосан тупроқ қатламишининг чуқур қисмида жойлашади ва гербицидлар эса 10—15 см лик қатламдагина ўз таъсирини кўрсатади. Симазин ва атразинни уругли мева боғларидан қўлланилиши уларнинг ана шу хусусиятига боғлиқдир.

Гербицидларга нисбатан ўсимликларниг чидамлилиги ва сезгирилиги биокимёвий танлаб таъсир қилишга ҳам боғлиқдир. Бизга аввалги боблардан маълумки, ҳар қандай ўсимлик организмига кирган модда, албатта, турли хил ўзгаришларга учрайди. Баъзан бу ўзгариш пестицидни парчаланишга ва оқибатда заҳарсизланишга олиб келади, баъзан эса бу ўзгариш модданинг фитоцидлик хусусияти ортишига сабаб бўлади. Кўпгина ўсимликларда барги орқали кирган пестицид, уларга ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмай, илдиз орқали ажралади.

Маккажўхорини симм-триазинлар гуруҳига оид гербицидларга чидамлилиги гербицидинг ўсимлик танасида силжиш ва тўпланиш хусусиятига боғлиқдир. Маълум бўлишиба, чидамли ва сезгири ўсимликлар танасига гербицидлар бир хил миқдорда қабул қилинади, лекин чидамли ўсимлик (маккажўхори)да гербицид (симазин)нинг асосий миқдори илдиз тизимида тўпланар экан, чидамли ўсимликларда эса гербицидинг асосий қисми фотосинтез жараёни кечадиган қисмларида зудлик билан тўпланади, шу боисдан у ўсимликка фитоцидлик таъсир қиласди. Бундан ташқари, чидамли ўсим-

лік танасида симазин ва атразин заарсіз маңсулоттарға қадар жуда тез суръатлар билан парчаланади, сезгір үсимліклар танасида эса препарат узоқ муддат парчаланмайды.

Симазин ва атразин үсимлік (маккажұхори) танасида ферментлар (пероксидаза) таъсирида ва шунингдек, кимёвий йүл билан парчаланади.

Танлаб таъсир қилиш бир қадар нисбий тушунчадыр, чунки у гербицид турғагина әмас, балки уннің құлланиш усули ва сарфлаш мөщериге ҳам боғлиқ. Шунингдес үсимліктердегі турниң тағы да өткізу мүмкін болады.

Танлаб таъсир қилувчи гербицидлар үсимлікка турли йүллар билан киради, баъзилари үсимлікка барғы орқали (флоэма найчалари орқали ҳаракатланади), башқалари эса илдиз тизими орқали киради, шунинг учун гербицидлар турли усулларда құлланилади. Шунга күра баъзи гербицидлар үсимліктердегі ер устки қисмінде пуркаш усули билан құлланилади.

Барча танлаб таъсир қилувчи гербицидлар үсимліктердегі үз хусусиятларына күра сиртдан (контакт) ва системали таъсир қилувчиларға бўлинади.

Сиртдан таъсир қилувчи гербицидлар фақат үсимлік билан тўқнашгандагина таъсир қиласы. Бунда үсимліктердегі кўпгина қисми гербицид таъсиридан заарланаса ёки уннің майсалари тупроқ гербициди билан тўқнашиб, улар нобуд бўлади. Бу гербицидлар үсимліктердегі ҳаракатланмайды, шунинг учун уларнинг илдиз тизими шикастланмайды, шу сабабли улар қайта үсиши мумкин.

Системали таъсир қилувчи гербицидлар үсимліктердегі томирларида ҳаракатланади ва уннің барча қисмни бирдек шикастлады. Гербицид үсимлік танаси бўйлаб ҳаракатланганда, уннің ҳужайралари билан тўқнашиб, қисман заарсизлантиради: ҳужайраларга сўрилади, ферментлар таъсирида парчаланади, комплекс бирикмалар ҳосил қиласы. Гербицидлар флоэма бўйлаб илдиз тизимида томон йўналиб, үсиш шукталарида тўпланади. Үсимлік танасида чуқур физиологик үзгаришлар содир қиласы ва оқибатда үсимлік нобуд бўлади.

Гербицидлар тупроқ эритмалари ҳолида үсимлікка илдизчалар орқали сўрилади, ксилама найчалари орқали эса үсимліктердегі ер устки қисмінде қараб ҳаракатланади ва баргларда тўпланади.

Системали таъсирга эга бўлган гербицидлар чўқур илдиз тизимиға эга бўлган кўп йиллик бегона ўтлар ва буталарга самарали таъсир кўрсатади.

Хозирги замон фани ривожланиши нуқтаи назаридан ўсимлик танасида гербицидлар фаол ва пассив сўрилиш ҳамда ҳаракатланиш хусусиятига эга. Пассив ҳаракатланаётганди ҳеч қандай энергия сарфланмайди. Фаол ҳаракатланиши эса АТФ боғи энергияси ҳисобига вужудга келади.

Гербицидларни тўғри танлай билиш, уларни қўллаш муддатини ва усулини аниқлаш, шунингдек ўларни ва ишчи суюқликларининг сарфланиш меъёrlарини белгилаш бегона ўтларга қарши курашнинг асосий омилидир.

Гербицидлар қўлланилишининг муддати ва усули уларнинг ўсимликка кириши, ҳимоя қилинувчи ўсимликка танлаб таъсир қилиш хусусиятига боғлиқ.

Гербицидларни кузда шудгор қилиш билан боғлиқ ҳолда қўллаш кўп йиллик бегона ўтларга қарши курашда муҳим ўрин тутади. Бу даврда системали ва сиртдан таъсир қилинувчи гербицидларни экинзорлардаги бегона ўтларга қарши уларни юқори сарфлаш меъёrlарида қўлланилади, бунда қиши даврида гербицидлар парчаланиб келгуси йил экинлари учун мутлақо заарсиз ҳолга айланади.

Масалан, ажриқ босган гўза далаларига пахта иккичи марта териб олингач, унга қарши раундапнинг 36% ли к.э. ни ҳар гектар майдонга 6 л дан пуркалади. Бегона ўтларга қарши кузги шудгор даврида қўллаши учун бир қатор гербицидлар мавжуд.

Баъзи гербицидлар экин экишдан оддин қўлланилади. Бунда гербицид эритмалари, суспензиялари ёки эмульсиялари тупроққа пуркалади ва тезда тупроққа аралаштирилади. Гербицидлар бегона ўтларнинг ниҳоллари ва майсаларини ибруд қиласади. Тупроққа зудлик билан трефлан, нитран, трифлурекс аралаштирилади, чунки бунда улар учуб кетишнинг олди олиниади.

Гербицидлар экин экиш билан бир вақтда қўлланилади. Булар прометрин, котофор, гезагард—50 ва бошқалар. Бунда кўпинча гербицидлар тасма ҳолида фақат экин экилган қаторга пуркалади, қатор оралигига эса гербицид ишлатилмайди. Натижада гербицид кам сарф бўлади, шу билан бирга ишчи суюқлик кам сарфланади, гербициддан атроф-муҳитнинг ифлослани-

ши камаяди, шуннингдек гербицид ишлатадиган агрегатнинг иш унуми ҳам ортади. Шуннинг учун кейинги 10 йиллар давомида гўза, маккажӯхори, каноп, қанд лавлаги каби экинларда гербицидларни экин экиш билан бир вақтда тасма усулида қўллаш кенг қўлланилмоқда.

Гербицидларни экин экишгача ва экиш даврида қўллаш жуда яхши самара беради, чунки бунда бегона ўтлар жуда барвақт, яъни ёш инҳоллигидәк йўқотилади, бу вақтда улар гербицидлар таъсирига жуда сезгир бўлади.

Гербицидлар маданий экинларнинг ўсув даврида ҳам қўлланилиши мумкин. Зеллек, фюзилад, тотрил, базагран кабилар гўза, қанд лавлаги, сабзи, пиёз, бутдой каби экинларда уларнинг ўсув даврида бегона ўтларга қарши қўлланилади.

Гербицидларни маданий экинларнинг ўсув даврида уларнинг қўлланиш муддатига алоҳида эътибор бериш керак, бинобарин, улар маданий экинларга салбий таъсири кўрсатмаган ҳолда, бегона ўтларни қириб юборади.

Маданий экинлар орасидаги бегона ўтларга қарши курашда маҳсус мосламалар ёрдамида гербицид суспензияси ёки эмульсияси бевосита қатор ораларига пуркалади, бунда у маданий экинларга тегмайди.

Кейинги йилларда гербицидлар микрокапсулаларда ҳам қўлланилмоқда, улар таркибидағи таъсир қилувчи модда аста-секини ажralиб чиқиб, тупроққа сўрилади, бегона ўтларни йўқотишга хизмат қилади, микрокапсулалар микроорганизм ва ташки муҳитнинг физик-кимёвий хоссалари таъсирида парчаланади.

Кўпгина мамлакатларда гербицидлар сугориш сувлари ёрдамида ҳам берилади. Ялан гербициди шолипояларда қўллатиб сугориш йўли билан, эптам гербициди қанд лавлагида ёмғирлатиб сугориш орқали бегона ўтларга қарши қўлланилади. Ҳозирги вақтда ёмғирлатиб сугориш даврида гербицидларни минерал ўритилар билан бирга қўлланиш борасида ҳам кўпгина илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Гербицидларни сарфлаш меъёри, албатта, тавсия қилинган пестицидларни қўллаш рўйхати асосида бўлиши шарт, чунки ортиқча миқдорда қўллаш маданий экинларга салбий (қўйдирувчи)» таъсир қилади, унинг ҳосили камайишига олиб келади, сарфлаш меъёрини

камайтириш ҳам үз навбатида бегона ўтларга иисбаташ самарадорлиги, шунингдек ҳосилдорлиги камайишига сабаб бўлади.

Ҳар бир тур бегона ўт учун муайян шаронитга мослаштирилган сарфлаш меъёри аниқланиши лозим. Шунингдек, об-ҳаво, тупроқ шаронит ва келгуси йил экиладиган экинга таъсири, албатта ҳисобга олиниши қерак. Масалан, зеллекининг 12,5% ли к.э. қанд лавлаги ва гўза далаларидаги бегона ўтларга қарши унинг 2—5 барг чиқарған босқичида ҳар гектар экий майдонига 1—3 л дан сарфланади. Демак, препараф 1—2 л дай бир йиллик бегона ўтларга қарши, 2,5—3 л дай эса кўп йиллик бегона ўтларга қарши қўлланилайди. Препарат механик таркиби сингил тупроққа 1 л дай ва оғир таркибли тупроққа 2 л дан қўлланиш мўлжалланганӣ.

Чопик қилинадиган экинилар (гўзә, лавлаги, картошка, каноп)да гербицидлар тасмасимон усулда қўлланилади, яъни улар экин қаторларига 10—15 см кенгликда пуркаланади, қатор оралиги эса ишланмайди. Бунда гербицид кам сарфланади ва бу қўйидаги формула билан ҳисобланади:

$$D_a = D_c \cdot \frac{M}{S},$$

бунда:

D_a — тасмасимон усулда қўлланилгандаги гербицид миқдори (л/га ёки кг/га);

S — пуркаш қамровининг кенглиги, см;

M — қатор оралиги (см);

D_c — гербицидни ёлласига қўлланилгандаги сарфлаш меъёри (кг/га).

Тасмасимон усулда қўлланиладиган ишчи суюқлик сарфи ҳам худди шундай йўсинда аниқланади.

Гербицидлар ишлатилишида гектар ҳисобига сарфланадиган ишчи суюқлик миқдори пестицидга ва аппарatura турига боғлиқдир. Сиртдан таъсир қилувчи ва тупроққа пуркаловчи гербицидлар учун ишчи суюқлик сарфи гектар ҳисобига кўпроқ бўлади. Шунингдек, трактор пуркагичлари қўлланилганда ишчи суюқлик сарфи гектар ҳисобига самолётдагидан кўпроқ бўлади.

Трактор пуркагичлари қўлланилганда гербицидлар ишчи суюқлиги ҳар гектар майдон учун қўйидагича сарфланади (л/га):

Контакт (сиртдан) таъсир қилувчи гербицидлар билан ишланилганда	300—600
Системали таъсир қилувчи гербицидлар қўлланилганда	150—300
Тупроққа пуркалувчи гербицидлар учун	300—400
Гербицидлар самолётлар ёрдамида	
пуркалганда ишчи суюқлик сарфи	100—200

Самолёт ёки трактор пуркағичлари ёрдамида пуркалганда гектарига суюқлик сарфи турлича бўлганлигидан унинг концентрацияси ҳам ўзгаради ва у қуйидагича ҳисобланади:


$$K = \frac{D \cdot 100}{Q}$$

бунда K — ишчи суюқлик концентрацияси, %

D — препаратнинг сарфлаш меъери (л/га, кг/га)
 Q — ишчи суюқликнинг сарфлаш меъери (л/га)

9.2. ГЎЗА ДАЛАЛАРИДАГИ БЕГОНА ЎТЛАРГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ГЕРБИЦИДЛАР

Зеллек — галаксифоп-этоксиэтил-2-[4-(3-хлоро-5-трифторметилпиридин-2) оксифенокси] пропион кислотанинг 2-этоксиэтил эфири. Бу оқ мумсимон модда бўлиб, 56—58°C да суюлади. Сувда эримайди:




Зеллек бир йиллик ва кўп йиллик begona ўтларга қарши гўза, қанд лавлаги ва ҳашаки лавлаги, сабзи, картошка, шиёз далаларида қўлланилади. Препарат системали таъсирга эга бўлган гербицидdir, ғалласимон кўп йиллик begona ўтларнинг бўйи 10—15 см га етганда, яъни улар ниҳоятда фаол ўсаётган вақтда, бир йиллик begona ўтлар эса 2—6 барг чиқарган вақтда қўлланилади.

Зеллек Узбекистонда АҚШ нинг «Дау Эланко» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган 12,5% ли к.э. шак-

ліда құлланилади. Гербицид одам ва иессиқтоңли ҳайвонлар үчун кам зақарлы (препартнинг УД₆₀ нинг күрсаткичи каламушлар үчун 3000 мг/кг га тенг). Терига қитиқловчи таъсири йўқ, аммо кўзга таъсир қилади. Бир йиллик бегона ўтларга қарши гербицид ҳар гектар майдонга 1—2 кг дан, кўп йиллик бегона ўтларга эса 1,5—2 кг дан, агар бир йиллик ва кўп йиллик ғалласимон бегона ўтлар бир вақтда учраса, ҳар гектар экинзорга 2,5—3 кг дан қўллаш тавсия этилади.

Которан — таъсири қилувчи моддаси — флуометурон: N₁N-диметил — N¹ (3-трифторметилфенил) мочевина:




Бу оқ рангли кристалл модда бўлиб, 163—164°C да суюлади, сувда ёмон эрийди, органик эритувчиларда эса яхши эрийди. Флуометурон мочевина ҳосилаларига оид бўлиб, системали таъсирига эгадир. Бу гербицид кўпроқ ўсимлик илдизига ўтиб, ксилема найчалари орқали ҳаракатланади, сўнгра барг тўқималарига, шунингдек ёш новдалар ва ҳосил органларига ўтади. Бу гербицид таъсирида унга сезгир ўсимликларда тургор ҳолати сусаяди, баргларда хлороз жараёни юз беради ва улар аста-секин нобуд бўлади, бинобарин новдаларда ўзгарувчанлик ҳолати вужудга келади. Натижада ғалласимон ўсимликларда поянинг буралиши, бошоқланиш жараёнига ўтмаслик каби салбий ҳолатлар содир бўлади. Барча ўсимликларда которан таъсирида сувга талабчанлик ва қуриб қолиш ҳолатлари юз беради.

Флуометурон (мочевина ҳосилали гербицид) дан таъсиrlанган, унга сезгир ўсимликларда фотосинтез жараёни секинлашади: хлорофилл синтези сусаяди, карбон сувлар ҳосил қилиш жараёни издан чиқади.

Барча мочевина ҳосилаларига оид гербицидлар тупроқда ва ўсимликлар организмида парчаланади ҳамда зарарсиз моддалар холига келади. Баъзан бу гуруҳдаги гербицидлар ўсимликлар танаисида парчаланмай, комплекс бирикмаларига айланиши ҳам мумкин.

Бу гуруҳдаги гербицидларнинг парчаланиш жараёни деалкилирлаш билан бошланади:




Буідай деметиллариниң ва гидролиз оқибатида гербицидининг фаоллиги аста-секин йўқола боради (Кимсанбоев, 1983).

Тупроқнинг микроорганизмлар яшаши учун энг мақбул бўлган намлик ва ҳорорат шароитида бу гуруҳдаги гербицидларнинг парчаланиши тез боради.

Которан — системали танлаб таъсир қилувчи гербицид бўлиб, Узбекистонда Швейцариянинг «Сиба Геиги» фирмаси томонидан яратилган котораннинг 80% ли и.к. тўзада қўлланилади. Препарат бир йиллик икки паллали ва бошоқли бегона ўтларга қарши экин экиш билан бир вақтда тупроқка 1,3—1,6 кг дан пуркаш усулида қўлланилади.

Одам ва иссиққонли ҳайвоналар учуноторан кам заҳарли пестицидлар гурухига киради. (Униит УД₅₀ ни кўрсаткичи 1515 мг/кг га тенгдир.) Бизда флуометурон Иероилдининг «Мактешин Аган» фирмаси яратган котонекснинг 80% ли и.к. холида ҳам қўлланилади.

Трефлан (трифлуралин, олитреф). Таъсир қилувчи моддаси 2,6-динитро-N,N-дипропил -4-трифторметиланилин, ароматик аминлар ҳосилалариданdir:



Трефлан соғ ҳолда тўқ сариқ рангли кристалл модда бўлиб, 48,5—49°C да суюқланади, сувда ёмон эрийди, ацетон, дихлорэтан, ксилол ва толуолда яхши эрий-

ди. Эритма ва юпқа парда ҳолида пуркалганда қүеш нурлари таъсирида жуда тез парчаланади. Парчаланиш маҳсулотлари зарарсизdir.

Трефлан учувчан гербицидлар гурухига мансуб, шунинг учун уни қўллангандан кейин тезда тупроққа аралаштириб юбориш керак. Бунда у бир йилга қадар сақланади (15%), тупроққа камроқ аралаштирилса, парчаланиш тезроқ бўлади.

Тупроқдан ўсимлик илдизига ва барча тупроқ ости қисмiga ўтади, бироқ ер устки қисмiga ўтмайди, шунисдан препарат қолдиги фақат илдизмевалардагина сақланади.

Ўзбекистонда АҚШ нинг «Дау—Эланко» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган трефланнинг 24,4% ли к.э. қўлланилади.

Трефлан ҳам системали танлаб таъсир қилувчи гербициддири, у Кўпгина бир паллали ва икки паллали бир йиллик бегона ўтларни йўқотишда яхши натижা беради, кўн йиллик бегона ўтларга таъсирчалиги кам.


Одам ва иссиққоили ҳайвонлар учун кам заҳарли (унинг ЎД₅₀ нинг кўрсаткичи каламушлар учун 10000 мг/га тенг).

Трефлан гўза, кўчат қилиб ўтказилган карам, помидор ва сояда бир йиллик икки паллали ва бошоқли бегона ўтларга қарши уруғ ёки кўчатни экишга қадар ҳар гектар майдонга 4—6 кг дан пуркалади ва тезда тупроққа аралаштирилади, уруғдан экилган помидорда уруг экилгунга қадар 1,7—2 л дан пуркалади, тамакида кўчат ўтказилгунга қадар 3,3—6,7 л дан, бақлажон, қаламиирда 3,4—4,5 л дан, саримсоқда 3,3—5 л дан, пиёз (уруглик)да 5—6,7 л дан, бодрингда 1,6—2 л дан (екипидан 15 кун олдин пуркалади), сабзида 2,5—3,5 л дан пуркалади. Барча экинларда ишлов бериш такроийлиги 1 марта.

НитранК (трифлуралин), препарат МДҲ мамлакатларида ишлаб чиқарилган бўлиб, 30% ли к.э. дир. Бу препаратни ҳам трефлан каби гўза, соя, канакунжут ва сабзавот экинларида экин экишга қадар пуркаб, тезда тупроққа аралаштириб юбориш керак. Сарфлаш месъёри 1,7—6,7 л/га.

Ўзбекистонда трифлуралин Исройлиниң «Мактешин аган» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган трифлурекснинг 24% ли к.э. ҳолида ишлатилишига ҳам рухсат берилган.

Пенитран (пендиметалин) таъсир қилувчи моддаси 3,4-диметил -2,6-динитро-N-(пентил-3) анилин:



Сарық рангли кристалл модда бўлиб, эриш ҳарорати 56—57°C, 20°C сувда эрувчанлиги 0,3 мг/л, ароматик карбонводородлар ва уларнинг галоген ҳосилаларида яхши эрийди. Кислотали ва ишқорий муҳитда турғун. Қуруқ ҳолда металларни коррозияламайди.

Пенитран ўсимлик майсалари ва илдизлари ҳужай-раларининг бўлинишини сусайтиради, бегона ўтлар униб чиққач, нобуд бўла бошлайди. Препарат униб чиққан бошоқли ва икки паллали ўсимликларни ҳам 1,5—2 та чин барг чиқаргунга қадар нобуд қиласди. Пендиметалин ғалласимон кўп йиллик ва баъзи икки паллали бегона ўтларни йўқ қиласди. Аммо препарат илдизпоялардан униб чиққан бегона ўтларга йўқ қиласдиган дара жада таъсир қилмайди.

Пенитран маккажӯхори, соя, гўза, тамаки, помидор, карам, пиёз, саримсоқ, петрушка, сабзи каби экипларда итқўноқ, ёввойи тариқ, олабута, шўра ва бошқа бегона ўтларни ўлдиради.


Ўзбекистонда МДХ мамлакатларида ишлаб чиқарилган пенитраннинг 33% ли к.э. қўлланилади. Препарат соя, гўза, тамаки, помидордаги бир йиллик икки паллали ва бошоқли бегона ўтларга қарши экинилар униб чиққунга ёки кўчатлар ўтқазилгунга қадар ҳар гектар майдонга 3—4,5 л дан, пиёздаги бегона ўтларга қарши гектарига 2,5—4 л дан пуркалади.

Одам ва иссиққонли ҳайвонлар учун препарат кам заҳарли (унинг ЎД₅₀ ининг кўрсаткичи каламушлар учун 1050—1250 мг/кг га тенг).

Энтомофаглар ва асаларилар учун кам заҳарли,

Пендиметалин АҚШ нинг «Цианамид» фирмаси томонидан стомпнинг 33% ли к.э. си' ҳолида ҳам чиқарилади ва гўза, маккажӯхори экинларида бир йиллик икки паллали ва бошоқли begona ўтларга қарши экинни экиш билан бир вақтда тасмасимон усулда ҳар гектар майдонга 1,2—1,5 л дан пуркалади. Шунингдек, препарат республикамида гўза, маккажӯхори, картошка, сабзи, помидорнинг begona ўтларига қарши экин экишдан олдин, униб чиққунга қадар тупроққа пуркалади.

Фюзилад, таъсир қилувчи моддаси: флуазифоп-бутил: 2-[4-(5-трифторометилпиридил)-2-окси] фенокси пропион кислотанинг и-бутил эфири:



Бу сариқ рангли суюқлик, ҳидсиз, 170°C ли ҳароратда қайнайди. Сувда эрувчалиги 2 мг/л, ацетон, метанол, гексан, дихлорметанда яхши эрийди, 37°ли ҳароратда 6 ой давомида тургундир.

Бу гербицид системали таъси́рга эга бўлиб, бир ва кўп йиллик бир паллали begona ўтларга қарши икки паллали экинларда экиннинг ўсиш даврида қўлланилади.


Одам ва иссиққонли ҳайвонлар учун ўртача заҳарли (унинг УД₅₀ нинг кўрсаткичи каламушлар учун 328 мг/кг) дир. Қушлар ва асаларилар учун кам заҳарли.

Ўзбекистонда Англиянинг «Ай—Си Ай» фирмаси ицлаб чиқарган фюзилад—супернинг 12,5% ли к.э. си қўлланилади. У гўзадаги бир йиллик ва кўп йиллик begona ўтларга қарши кўпчилик begona ўтларнинг бўйи 10—15 см бўлгандаги, экинлар 4—5 та барг чиқарган боскичда ҳар гектар пахтазорга 1,5—2 л дан пуркалади. Қанд лавлаги ва хашаки лавлаги, сабзи, пиёзнинг барча навларидаги, кунгабоқар, помидор, карам, бодриингдаги бир йиллик бошоқли ўтларга қарши улар 4—5 та чин барг чиқарганда экинлар (кўчатлар)га 1,5—2 л дан, кўп йиллик begona ўтларнинг бўйи эса 10—15

см га етганда, уларга қарши гектарига 2—3 л дан пуркалади. Мевазор, токзор ва цитрус үсимликларида бир йиллик бошоқли бегона ўтларга қарши улар 2—5 та чин барг чиқарганда гектарига 1—2 л дан, кўп йиллик бегона ўтларга қарши эса гектарига 4—5 л дан пуркалади.

9.3. ДОН ВА ДОН-ЛУККАКЛИ ЭКИНЛАРДАГИ БЕГОНА ЎТЛАРГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАНИЛДИГАН ГЕРБИЦИДЛАР

Базагран, бентазон, таъсир қилувчи мелдаси-3-изопропил бензо-2,1,3-тиадиазинон-4-диоксид-2,2:



Бу оқ рангли кристалл модда бўлиб, 137—139°C да суюқланади. Модданинг 20°C ли ҳароратда эрувчалиги (г/кг ҳисобида); ацетонда 1507, этанолда 862, диэтилэфирда 650, хлороформда 180, бензолда 33, сувда 0,5 ва циклогександа 0,2.

Кучиз кислота ва ишқор таъсирига чидамли. Тупроқда 3—4 ой давомида тўлиқ парчаланади.

Системали таъсирга эга, бегона ўтларниң ривожланиши даврида таъсир қилувчи гербицид, қўйпекак, шўра, олабўта, итузум каби кўпгиша ўтларга таъсирчан. Қамишга ҳам қарши фаоллик кўрсатади.


Ўзбекистонда Олмониянинг «БАСФ» фирмаси томонидан яратилган базаграннинг 48% ли сувли эритмаси қўлланилади. Одам ва иссиққоили ҳайвонлар учун кам заҳарли пестицидлар туругига киради (унинг ЎД₅₀ нинг кўрсаткичи каламушлар учун 1100 мг/кг га тенг). Кўз ва тери шиллиқ қаватларини қитиқлаш хусусиятига эга.

Асаларилар ва бошқа фойдали ҳашаротлар учун кам заҳарли.

Базагран буғдой, жавдар ва арпадаги бир йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши үсимликлар бачкилайдиган босқичда (баҳорда) экинларга гектарига

2—4 л дан, шолидаги ҳилолга қарши 2—4 л дан ва маккажүхоридаги бегона ўтларга қарши уларни 3—4 барг чиқарган босқичида 2—4 л дан пуркалади.

Банвел (дикамба), таъсир қилувчи моддаси-2-метокси-3,6-дихлорбензол кислота:



Оқ кристалл модда бўлиб, суюлиш ҳарорати 114—116°C га баробар. Сувда эрувчанилиги (г/л. ҳисобида) 4,5.

Препарат ўсимликларни ўсув даврида қўлланиладиган системали таъсир қилувчи гербицидdir. Кўп йиллик бачки илдизли бегона ўтларга қарши қўлланилади.

Ўзбекистонда Швейцариянинг «Сандоз» фирмаси яратган банвелнинг 48% ли сувдаги эритмаси қўлланилади.

Препарат одам ва иссиққонли ҳайвонлар учун кам заҳарли (унинг УД₅₀ нинг кўрсаткичи каламушлар учун 1200—3000 мг/кг).

Банвел маккажүхоридаги бир йиллиқ икки паллали бегона ўтларга қарши ўсимликларни 3—5 барг чиқарган босқичида бегона ўтларга қарши ҳар гектар майдонга 0,5—0,8 л дан, буғдой, жандар, арпа, сулидаги бегона ўтларга қарши эса ўсимликларниң бачкилаш босқичида 0,15—0,5 л дан қўлланилади.

Ордрам, таъсир қилувчи моддаси молинат; N — гексаметилен—S — этилтиокарбамат. Бу мойсимон суюқлиқ бўлиб, 137° ли ҳароратда қайнайди. Эрувчанилиги: сувда 880 мг/л, кўпгина органик эритувчиларда яхши эрийди.

Ордрам системали таъсир қилувчи карбаматлар гуруҳига оид гербицид.


Одам ва иссиққонли ҳайвонлар учун ўртача заҳарли пестицидлар гуруҳига оид (унинг УД₅₀ нинг кўрсаткичи каламушлар учун 500—740 мг/кг дир). Кўзининг шиллиқ қаватларини қитиқлайди. Асаларилар учун ўртана заҳарли, энтомофаглар учун кам заҳарлидир.

Ўзбекистонда ордрамнинг 60% ли к.э. қўлланилади,

уни Англияниң «Ай—Си—Лай» фирмаси ишлаб чиқарған.

Ордам 6 Е шолидаги бир йиллик бошоқлы бегона ўтларга қарши әкин экилгунга қадар тупроққа тезда аралаштирилган ҳолда ҳар гектар майдонга 5—10 л дан ёки әкин 2—3 та барг чиқарғунга қадар ҳар гектар экинзорга 5,6—8,3 л дан пуркалади.

Пропанид (стам ф-34, суркопур, агропур), таъсир қилувчи моддаси-(3,4-дихлорфенил) пропионамид):



Бу оқ кристалл модда бўлиб, 91—92°C ҳароратида суюлади. Сувдаги эрувчанлиги 225 мг/л бўлиб, кетонларда, ароматик карбонводородларда ва уларининг галоген ҳосилаларида яхши эрийди. Препарат контакт (сиртдан) таъсир қилувчи, фенол ҳосилаларидан иборат гербициддир.


Пропанидинг тупроқдаги асосий ўзгариш маҳсулоти тетрахлоразобензолдир. Пропанид одам ва иссиқ-қонли ҳайвонлар учун кам заҳарли пестицидлар турұхига мансуб (унинг УД₅₀ нинг күрсаткичи каламушлар учун 1380 мг/кг) дир. Препарат құлланилган шолипоялдардагы сувда балиқ боқиши ман этилади ва хұжаликдаги балиқ боқиладиган сув ҳавзаларининг препарат билан заарланишига йўл қўймаслик зарур.

МДҲ мамлакатларида ишлаб чиқарилған пропанидинг 30% ли к.э. Ўзбекистоннинг барча шолиқорлик хұжаликларида құлланилади. Бунинг учун препарат ҳар гектар экинзорга 16,7—30 л дан бир паллади бошоқлы бегона ўтларга қарши құлланилади. Шолига 1—4 та барг чиқарган даврида ишлов берилади. Бунда бегона ўтлар 1—2 та барг чиқарган ва улар гербицидга нисбатан ўта сезгир бўлади. Ишлов берилишидан олдин шолипоядан сувни чиқаруб юборилади ва ишлов берилгандан кейин 1—2 кун сув берилмайди.

Ўзбекистонда пропанид Туркияниң «Чукурова Аг-

росац» фирмаси ишлаб чиқарған агропурнинг 36% ли к.э., Германиянинг «Байер» фирмаси тавсия қилган суркопурнинг 36% ли к.э. шоликорликда гербицид сифатида ҳар гектар шолипояга 14—25 л дан қўллаш тавсия этилади.

Парднер (бромоксинил) — таъсир қилувчи моддаси 3,5-дибромо-4-гидроксибензонитрил:




Бу оқ рангли кристалл модда бўлиб, суюқланиш ҳарорати 194—195°C дир. Сувдаги эрувчалиги 130 мг/л, метанолда 90 г/л, этанолда 70 г/л, ацетонда 170 г/л, ксилолда 700 г/л. Минерал мойларда ёмон эрийди.

Парднер контакт (сиртдан) таъсир қилувчи гербицид. Узбекистонда парднернинг 22,5% ли к.э. қўллашилади. У Франциянинг «Ронпулленк» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган.

Одам ва иссиққонли ҳайвонлар учун ўртача заҳарли пестицидлар гуруҳига киради (унинг $УД_{50}$ ни кўрсаткичи каламушлар учун 190 мг/кг). Тери ва қўзнинг шиллиқ қаватларига қитиқловчи таъсир қиласи, асаларилар ва бошқа фойдали ҳашаротлар учун кам заҳарли.

Парднер маккажўхоридаги икки паллали бир йиллик бегона ўтларга қарши уларнинг кўпчилиги 10—15 см га етганда экинзорга пуркалади, кузги буғдойдаги бегона ўтларга қарши эса буғдой найчалаган даврда пуркаланди. Унинг сарфланиш меъёри 1,5 л/га.

Фуроре (феноксапроп-этил). Таъсир қилувчи моддаси-2-[4-(6-хлоробензоксазолил-2-окси) фенокси] пропион кислотанинг этил эфири:



Бу рангиз кристалл модда бўлиб, эриш ҳарорати 41—42°C. Органик эритувчиларда яхши эрийди, сувдаги эрувчанилиги 2,3 мг/л. Кислотали муҳитда турғун, ишқорий муҳитда ва қиздирилганда барқарордир.

Гетероциклик гуруҳига оид системали таъсир қилувчи гербицид бўлиб, бир йиллик ва кўп йиллик бегона ўтларга қарши кенг баргли экинларда уларнинг ривожланиши даврида қўлланилади.


Фурбре одам ва иссиққоёли ҳайвонлар учун кам зарарли пестицидлар гуруҳига оид (унинг ЎД₅₀ ниңг кўрсаткичи каламушлар учун 2357—2500 мг/кг га тенг): Тери ва кўзнинг шиллиқ қаватларини кам яллиглантиради.

Ўзбекистонда Германиянинг «Агрэво» фирмаси яратган фурборе супернинг 7,5% ли қ.э. қўлланилади. Препарат қанд лавлаги ва ҳашаки лавлаги, сабзи, кунга боқар ва соядаги, ўрта ва кечшишар навли карам, пиёздаги бир йиллик ва икки йиллик бошоқли бегона ўтларга қарши ҳар гектар экинзорга 1,5—2 л дан пуркалади.

Шунингдек, трефлан (9.2. боб), пенитран (9.2.боб), нитран (9.2. боб), фурборе супер (9.4. боб), прометрин (9.4. боб) ҳам дон-дуккакли экинлардаги бегона ўтларга қарши қўлланилади.

9.4. САБЗАВОТ ЭКИПЛАРИДАГИ БЕГОНА ЎТЛАРГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ГЕРБИЦИДЛАР

Прометрин (мерказин, гезагард-50, селектин), таъсир қилувчи моддаси—2-метилтио-4,6-бис (изопропиламино)-симм-триазин:



Бу оқ кристалл модда бўлиб, сувда ёмон эрийди, органик эритувчиларда яхши эрийди. Унинг эриш ҳарорати 118—120°C.

Прометрин системали таъсир қилувчи селектив гер-

бициддир, симмтриазинлар гурухига оид. Гербицид ўсимликка, асосан, илдиз орқали киради, шунинг учун ҳам бу гербицид тупроққа пуркаш йўли билан қўлланади. Унинг таъсирида ўсимликлар ўсишдан тўхтайди, барглар раңгизланади, фотосинтез жараёни сусаяди. Прометрин симм-транзинлар гурухига оид гербицидлар каби хлоропластларни емиради, CO_2 нинг ҳосил бўлиш жараёни тўхтайди.

Прометрин таъсирида ўсимликнинг минерал озиқларини ўзлаштириши бузилади, илдиздаги синтез жараёни, сув алмашинуви, нафас олиш жараёни бузилади, натижада ўсимлик нобуд бўлади.


Тупроқда прометрин 3 ой давомида сақланади.

Препарат одам ва иссиқонли ҳайвонлар учун кам заҳарли.

Узбекистонда МДҲ мамлакатларида ишлаб чиқарилган прометриннинг 50 % ли и.к. қўлланилади, препарат картошкадаги бир йиллик икки паллали ва бошоқли бегона ўтларга қарши ўсимлик униб чиққунга қадар ҳар гектар майдонга 2,5—3,5 кг дан тупроққа пуркаш усулида қўлланилади. Тугунаклар ишлов берилгач, 3 ойдан кейин истеъмолга чиқарилиши мумкин. Препарат, шунингдек ғўза (3—5 кг/га), сабзи (2—3 кг/га), дуккакли экинларда (3—5 кг/га) да ҳам қўлланади.

Препарат Швейцариянинг «Сиба-Гейги» фирмаси яратган гезагарднинг 50 % ли и.к. ҳолида сабзидаги бир йиллик икки паллали ва бошоқли бегона ўтларга қарши экишгача, экин униб чиққунга қадар ёки экинлар 1—2 та чинбарг чиқарганда тупроққа пуркалади. Сабзи ишлов берилгандан кейин 4 ой ўтгач, сотувга рухсат берилади. Препарат сельдерей, укроп, петрушка экинларида бегона ўтларга қарши гектарига 2—3 кг дан ўсимлик униб чиққунга қадар пуркалади.

Семерон (десметрин). Таъсири қилувчи моддаси—2-метилтио-4-метиламино-6-изопропил-амино-симмтриазин:



Таъсир құлувчы мөддә оқ сарғыш кристалл, 84—86°C да эрийди. Сувда эрувчанлығы 500 г/л, этил спиртде, хлороформда яхши эрийди, семерон симм-триазинлар гурухында сид системалы таъсир құлувчы гербицид. Ұсим-никларға семерон илдиз ва барглар орқали киради, шу сабабли уни ўйіб түрган бегона ўтларға қарши ішлатса ҳам бұлади.


Семеронни шудрингда құлланилса, уннің самарадорлығы камаяди. Тупроқда препарат 6 ҳаftа ичида парчаланып кетади. Қарам пашшаси мавжуд бұлған далаларда семеронның құллайш зааркунаңда фаолнитини күчайтиради.

Ўзбекистонда семероннинг 25 % ли к.э. құлланиллади. Препарат Швейцарияннің «Сиба» фирмасы томопидан тавсия қылған.

Семерон қарамдаги бир йиллик икки паллали бегона ўтларға қарши иссиқхоналардаги күчатлар униб чиққунға қадар гектарига 1—2 л дан пуркаланади. Пиёздегі бегона ўтларға эса экин 2—3 та барг чиқарғанда, гектарига 1,4—2,8 л дан пуркалади.

Семерон одам ва иссиққонли ҳайвоnlар учун кам заҳарлы пестицидлар гурухынан мансубдир.

Тотрил (иоксинил) таъсир құлувчы мөддаси—иоксинил октаноат -4- циано -2,6- диодофенил октонат:




Қаттық мұмсымон мөддә бўлиб, жигар ранг тусли, амалда сувда эримайди, ацетонда эрувчанлығы 100 г/л, метанолда —90 г/л, ксилолда —500 г/л. Контакт (сиртдан) таъсир құлувчы оксибензол кислота ҳосилаларига оид гербицид.

Бизда Францияннің «Рон пуленк» фирмасы яратган тотрилнинг 22,5 % ли к.э. құлланиллади. Препарат одам ва иссиққонли ҳайвоnlар учун ўртача заҳарлы пестицид гурухынан киради (уннің УД₅₀ нинг күрсаткичи каламушлар учун 360 мг/кг ни ташкил қылади).

Тотрил пиёздаги (күк пиёзда құлланилмайды) бир

йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши экиннинг 3–5 барг чиқарған босқичида гектарига 2–3 л дан нуркалади. Саримсоқниёзда эса экиннинг 2–3 барг чиқарған босқичида 1,5–3 л дан қўлланилади.

Зенкор (метрибузин). Таъсир қилувчи моддаси—4-амино -6-трет бутил -3- метилтио -1, 2, 4- триазийон -5:



Бу рангиз кристалдир, 125,5–126,6°C ҳароратда эрийди, сувда ёмон эрийди, спиртда, ацетонда эрийди, метанолда яхши эрийди.


Зенкор системали таъсир қилувчи гетероциклик гуруга оид тупроқда пуркалевчি гербициддир.

Одам ва иссиққонли ҳайвонлар учун кам заҳарли пестицид гуруҳига киради (унииг ЎД₅₀ нинг кўрсаткини каламушлар учун 2200 мг/кг дир).

Ўзбекистонда Олмониянинг «Байер» фирмаси ишлаб чиқарған Зенкорининг 40 % ли н.к. қўлланилади.

Зенкор помидор ва картошкадаги бир йиллик икки паллали бошоқли бегона ўтларга қарши экишдан олдин ёки кўчат ўтказишдан олдин ҳар гектар майдонга 1 кг дан қўлланилади.

Набу (сетоксидим). Таъсир қилувчи моддаси—3-гидрокси -5- (2-этилтиопропил) -2- [1-этоксимино] бутил] -циклогексан -2-ОН-1:



Хидсиз, мойсимон суюқлик бўлиб, 90° да қайнайди. Органик эритувчиларда эрийди, сувда эрувчанлиги —25 мг/л. Ишқорий муҳитда турғун.

Набу системали таъсир қилувчи гербицид, қанд лавлаги, соя, гўза, пиёз, сабзи каби экинларда бир йиллик ва кўп йиллик галладош бегона ўтларга қарши қўлланилади. Кўп йиллик бегона ўтларга қарши, уларнинг бўйи 10—15 см га етганда, ҳар гектар эквиворга 3,5 л дан пуркаланади, бир йиллик бошоқли бегона ўтларга қарши гектарига 1,5 л дан қўлланилади.


Ўзбекистонда Япониянинг «Ниппон Сода» фирмаси яратган набунинг 20 % ли к.э. қўлланилади.

Препарат одам ва иссиққонли ҳайвонлар учун кам заҳарли (унинг УД₅₀ нинг кўрсаткичи каламушлар учун 3200—3500 мг/кг га тенг).

Сабзавот экинларидаги бегона ўтларга қарши зеллек (9.2-боб), нитран (9.2-боб), трефлан (9.2-боб), пенитран (9.2-боб), стоми, фюзилад (9.2-боб) ҳам қўлланилади.

9.5. МЕВА БОҒЛАРИ ВА ТОКЗОРЛАРДАГИ БЕГОНА ЎТЛАРГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАПИЛАДИГАН ГЕРБИЦИДЛАР

Баста. Таъсир қилувчи молдаси—аммоний глутаминат



Бу оқ рангли ёки қўнғир тусли кристалл модда бўлиб, сувда эрувчанилиги 13702 г/л (яхши эрийди).

Баста, ёппасига таъсир қилувчи, қисман системали гербицид, асосан бегона ўтларга барги орқали таъсир қиласди. Бу гербицид ўсимликка, асосан яшил қисми орқали киради. Одатда нитратларнинг қайтарилиши жараёнида ўсимлик ҳужайраларида аммиак ҳосил бўлади. Заарланмаган илдиз тизими орқали ўтмайди, бу эса глутаминсингтаза ферменти ёрдамида глутамин кислота билан боғланади.

Баста глутаминсингтаза ферментини сусайтиради, натижада пуркашдан кейин ҳужайраларда аммоний миқдори ортиб кетади ва ҳужайрани емиради. Фото-

синтез жарабени бузилади, ҳужайра дөвортаришинг ўтказувчалиги ортади, чунки аммиак электронлар ҳаратини ортишига сабаб бўлади. Ўсимлик қуёш шури таъсирида баста таъсирига ўта сезгир бўлади.

Баста таъсирида ўсимлик сарғаяди, сўлийди, қурийди ва саноқли кунлар ичида нобуд бўлади.

Баста тупроқда, сувда ва ўсимликда парчаланаади. Препарат табиий шароитда тупроқда 15 см даи чуқурга бормайди. Баста қолдигининг мавжудлиги ишлов берилган экинлар ҳосил меваларида, узумда ва сабзавотларда аниқланмаган.

Препарат кўпгина кенг баргли ва бошоқли бегона ўтларни нобуд қиласди. 1976 йили Олмониянинг «Агрэво» фирмаси томонидан яратилган, ҳозирги вақтда бутун дунё мамлакатларида кенг Миқёсда қўлланилади. Бизда бастанинг 14 % ли к.э. си қўлланилади.

Баста одам ва иссиқлонли ҳайвонлар учун кам заҳарли пестицид гуруҳига мансуб (унинг УД₅₀-нинг кўрсаткичи каламушлар учун 2000 мг/кг) дир. Препарат балиқлар, қушлар, асаларилар учун хавфсиз.

Баста мевали дараҳтлар, токзорлар, цитрус ўсимликлари, резавор-мева боғларидағи бир йиллик ва кўп йиллик икки паллали ҳамда бошоқли бегона ўтларга қарши, уларнинг ривожланиш даврида ҳар гектар экинзорга 3—5 л дан пуркалади.

10 - б о б. ДЕФОЛИАНТЛАР ВА ДЕСИКАНТЛАР

Ўсимликлар баргини сунъий тўкилишга олиб келувчи моддалар дефолиантлар ва уларни илдизи билан қуритиб, нобуд бўлишига олиб келувчи кимёвий моддалар десикантлар деб аталади. Бу моддалар пахтачиликда, айниқса кенг қўлланилади, бинобарин пахтани машина ёрдамида териш фақат дефолиациядан кейин амалга оширилади.

Ўз вақтида ва сифатли ўтказилган дефолиация натижасида:

- ғўза барги барвақт ва буткул тўкилишига;
- кўсакларнинг эрта стилиши ва очилишига;
- биринчи нав пахта хомашёсининг 4—5 % ортишига;
- пахта хомашёсининг 90 % часини совуқ тушгунга қадар йигиб-териб олиншишига эришилади.

Дефолиация таъсирида толанинг сифати, уруғнинг биологик ва экиш кўрсаткичлари пасаймайди.

Гүза ривожланишининг сўнгидаги кўсакларниң пишиш ва очилиш даврида дефолиантларниң қўлланилиши унинг биологик ривожланишига салбий таъсир кўрсатмайди. Бу даврда барг ўз вазифасини, яъни қуёш нурлари энергиясини қабул қилиш, ҳаво, карбонат ангиридинг ўзлаштириш, ортиқча сувни буглантириш ва натижада ўсимлик ҳосил органларининг ривожланиши, яъни ассимиляция жараёни тутгаллади. Бу даврда ўсимликларда ҳосил тўплаш тутгалланишига, унинг ўсиши секинлашишига ўтади, озиқ моддаларни қабул қилиши тўхтайди, экинлар баргларида «қариш» жараёни бошланади, диссимилляция жараёни устун келади, гўза ҳаётини учун барглар керак бўлмай қолади, гўза кўсакларининг етила бориши билан унинг барглари астасекин табиий тўкила бошлайди. Гўза барги одатда атта-секин ўсимликнинг пастки қисмидан юқорига қараб тўкила бошлайди.

Гўза ўз Ватанида ҳосили етилгач, баргларини бутунлай тўкади. Бизning табиий иқлим шаронтимизда эса барглар қисман тўкилади. Барг тўкилгунга қадар барг бандининг асосида «ажратувчи қобиқ» ҳосил бўлади ва унинг таъсирида барг ўзи ўрнашган жойидан — новдадан енгилгина ажралади. Дефолиантлар барглардаги «ажратувчи қобиқ» ҳосил бўлиш жараёнига таъсир қилади ва уни тезлаштиради.

Дефолиацияда унинг ўтказилиш муддати муҳим ўрин тутади, бинобарин унга дефолиациянинг сифатигина эмас, балки пахта хомашёсининг миқдори ҳам боғлиқдир.

Гўза кўсаклари шишиб етилгунга ва очила бошлагунга қадар ўтказилган дефолиация гўза ҳосилдорлигининг камайишига сабаб бўлади. Уртacha ҳаво ҳарорати $+15^{\circ}\text{C}$ ва ундан кам бўлганда, яъни кечикиб ўтказилган дефолиацияда гўза баргининг тўлиқ тўкилишига эришилмайди. Бунда дефолиантлар, ишчи кучи ва воситалар бефойда сарфланади.

Дефолиация муддатини аниқлашда гўзанинг ҳолатини ҳар бир далада алоҳида ҳисобга олинади. Бунда асосий эътибор кўсакларининг очилиш даражасига қаратилини лозим. Агар дефолиация ҳали биронта ҳам кўсак очилмаган далада ўтказилса, албатта ҳосилдорлик камаяди, пахта толаси ва чигитининг сифати пасяди.

Акад. Г. С. Зайцев (1930) маълумотларига кўра ғўзанинг гуллаш, ҳосил тўплаш, пишиш ва кўсакларнинг очилиш жараёни аниқ бир қонуният асосида боради. Ғўза кўсакларининг пишиши ва очилиши ўсимликининг пастки қисмидан юқорига қараб боради. Одатдаги шароитда ғўза меваси 50—60 кун давомида етилади. Ҳаво ҳароратининг пасайиши ва шароитнинг ёмонлашиши оқибатида кўсакларнинг етилиши янада кечикади. Масалан, 11—13 ҳосил шохларидаги кўсаклар 60—65 кунда, 14—16-ҳосил шохларидагилари эса 65—70 кунда очилади. Маълумки баъзи кўсаклар ҳатто, совуқ кунлар бошлангунга қадар очилиб улгурмайди (Т. С. Зокиров, 1962). Шунинг учун ҳам ғўзадаги кўсакларнинг ва мева шохларининг миқдорига қараб ғўза дефолиацияси турли муддатларда ўтказилиши керак.

Бунинг учун пастдан юқорига ҳар уч кунда гуллашини ҳисобга олган ҳолда пастки шохдаги (биринчи кўсак) очилганда юқори шохдаги кўсакнинг ёши неча кунлик эканлигини тахминаи ҳисоблаб билиш мумкин. Масалан, 10-шохда энг юқорида жойлашган шона гуллагандан ($10 \times 3 = 30$) кун кейин гуллайди. Бу гулнинг кўсакка айлангунига қадар 55—60 кун лозим. Бинобарин пастдаги кўсакнинг очилиш вақтида энг юқориги 10-шохдаги кўсакнинг ёши ($55 - 60 = 30 = 25 - 30$ кунлик бўлади. Демак, дефолиация ўтказиш вақтида юқориги шохдаги кўсакнинг ёши 30—35 кунлик бўлади.

14 та ҳосил шохига эга бўлган ғўзада гуллашдан то биринчи пастки кўсак очилгунга қадар 65—70 кун керак бўлади. Бунда биринчи пастки шохдаги кўсак ёши билан 14-шохдаги кўсакнинг ёши орасидаги фарқ 42 кун ($14 \times 3 = 42$) дан иборат. Демак, юқориги кўсакнинг ёши $23 - 28$ ($65 - 42 = 23$) ва ($70 - 42 = 28$) кунлик бўлади. Бу вақтда юқори ярудаги кўсакнинг ёши 26—34 кунлик бўлади. Холоса қилиб шуни айтиш керакки, бундай далалардаги ғўзаларда 2—3 та кўсак очилгандан кейинги дефолиация ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлади (19-жадвал).

Мутахассис бу жадвалдан фойдаланиб, ҳар бир дада дефолиация ўтказиш муддатини аниқлаши мумкин.

Шунингдек, дефолиация ўтказиш муддатини аниқлашда ҳаво ҳароратининг ўртача кўп йиллик кўрсаткичидан фойдаланиш ҳам мумкин. Бунда дефолиацияни дастлабки совуқ кунлар бошланишидан, ғўза баргла-

**Дефолиация ўтказиш учун зарурый очилган кўсаклар миқдори
(Т. С. Зокиров маълумоти)**

Хосил шохлари, дона	кўсаклар, дона
8—11	1—2
12—13	2—3
14	2—3
15—16	3—4

рини совуқ уришидан бир ой олдин ёки ўртача кечакундуздаги ҳаво ҳарорати $+17^{\circ}\text{C}$ га тушишига 10—12 кун қолганда ўтказилиши керак. Кўп йиллик кузатишлардан маълумки, Ўзбекистонинг кўпгина вилоятларида бундай ҳарорат сентябрь ойи охириларида бўлади. Сурхондарё вилоятида эса октябрда кузатилади.

Десикация ғўзадан ташқари қанд лавлаги, кузги картошка, кунгабоқар, шоли каби экинларда ўтказилади. Бу тадбир натижасида мева ва уруғининг пишиб стилиши тезлашади, уларнинг намлиги камаяди.

Ғўза дефолиацияси даврида далаларда бегона ўтлар, айниқса кўп йиллик бегона ўтлар, зааркунандалар ва айрим касалликлар кўплаб учрайди. Улар озиқланиш, ривожланиш ва кўпайишни давом эттиради, бинобарин уларнинг зарари сезиларли даражада бўлади.

Адабиёт маълумотларига қараганда, келгуси йилда зарарли организмларнинг келтирадиган зарари далаларда қишилаб қолувчи миқдорига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам дефолиантлар таъсирида зарарли организмларнинг камайиши келгуси йил экинларида уларнинг кескин суратда камайишга олиб келади.

Профессор Т. С. Зокиров маълумотининг (1962) кўрсатишича барча дефолиантлар ғўза далаларидағи организмларни у ёки бу даражада камайтиради. Олимнинг тажрибаларидан маълумки, ғўза далаларидағи ўргимчаккананинг миқдорини камайтиришда магний хлорат пентахлорфенолдан кейин иккинчи ўринда туради. Унинг таъсирида 69,4—79,1 % зааркунанда нобуд бўлади.


Уз вақтида сифатли қилиб ўтказилган дефолиация

күсак қурти, кузги тунлам қуртлари каби зааркунандаларнинг ҳам камайишига олиб келади. Шундай қилиб, дефолиация ғўзанинг заарларни организмларига қарши курашда муҳим агротехник тадбирилардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда гўза дефолиациясида ва бошқа экинлар десикациясида қуйидаги пестицидлардан фойдаланилади.

Баста (аммоний глюфосинат) — 9,5-да баён қилинган. Препарат 14% ли сувли этитма ҳолида чиқарилади. Десикант сифатида баҳори буғдойда дон пишиб етила бошлаган босқичда, кунгабоқарда намлиги 25—30 % бўлган уруг тўлиқ пишиб етилганда ҳар гектар экинзорга 1,5—2,0 л дан, бедада дуккакларининг 80—85 % қорамтири туслана кирганда ҳар гектар майдонга 1,0—1,5 л дан пуркалади.

Дропп (тидиазурон). Таъсир қилувчи моддаси N-(1, 2, 3-тиадиазолил-5)-N¹-фенилмочевина:



Тидиазурон рангиз кристалл модда бўлиб, 213° да эрийди, сувда эрувчанилиги 10 мг/л, диметилсульфонсидда ва диметилформамидда эрувчанилиги 500 г/л, бошқа органик эритувчиларда эримайди.

Ўзбекистонда Олмониянинг «Агрэво» фирмаси ишлаб чиқарган дроппнинг 50 % ли н.к. ишлатилади.

Одам ва иссиқлонли ҳайвонлар учун дропп кам заҳарли пестицид гуруҳига киради (унинг УД₅₀ нинг кўрсаткичи каламушлар учун 4000 мг/кг га тенг). Асаларилар ва бошқа фойдали ҳашаротлар, ёввойи қушлар ва ҳайвонлар учун кам заҳарли.

Полиэтилен халтачаларда сақлаш мумкин, уй ҳарорати шароитида етарли даражада турғун.

Дроппни ҳавонинг ўртача кечакуандузги ҳарорати +17°C дан наст бўлмаган даврда ўртача толали ғўзада дефолиация мақсадида кўпчилик гўзаларда 2—4 тадан кўсак очилганда ҳар гектар майдонга 0,5—0,7 кг дан, ингичка толали ғўзаларда эса 3—6 тадан кўсак очилганда 0,3—0,6 кг дан қўлланилади.

Магний хлорат (гексагидрат магний хлорат $Mg(ClO_3)_2 \cdot 6H_2O$, бу рангиз ёки сариқ рангли ромб-игнасион мон кристалл модда бўлиб, сувда, спиртда ва ацетонда жуда яхши эрийди, ўтга чидамли, иссиқёнли ҳайвонлар учун кам заҳарли, кучли гигроскопик моддадир. Шунинг учун уни қуруқ жойда, нам ўтказмайдиган идишларда сақлаш лозим.

Магний хлорат контакт ва қаттиқ таъсири дефолиантлар гуруҳига киради. Унинг таъсирида гўза баргларида сув алмашинуви кескин бузилади, фотосинтез жараёни сусаяди, каротин ва хлорофилл парчаланади, оқсил ҳамда карбонсувлар алмашинуви бузилади.

Диссимилияция жараёни ассимиляцияга нисбатан устуни бўлиши туфайли барглар сўлий бошлайди, барг бандлари асосида ажратувчи қобиқ ҳосил қилиб, улар тўкилади. Қўлланилгандан кейин иккинчи кунидаёт унинг таъсири сезила бошлайди.

Магний хлорат нисбатан камроқ сарфлаш меъёрларида (15—18 кг/га) дефолиант сифатида ва кўпроқ сарфлаш меъёрларида (25—35 кг/га) десикант сифатида ишлатилади.

Магний хлоратнинг 50 %ли эрувчан концентрати ишлатилади, бунда аввало «она суюқлик» тайёрлаб олинади. Бунинг учун маҳсус идишларда 50 кг препаратни 100 л га қадар сув билан суюлтирилади. Препарат тўлиқ эриб кетгунга қадар аралаштириб турилади. Бундай ишчи суюқликни тайёрлаш учун гектар ҳисобига мўлжалланган препарат миқдори икки ҳисса ортиқ олинади, яъни ҳар гектар майдонга 8 кг препарат олинниши лозим бўлса, тайёрланган «она суюқлик» дан 16 л олинади.

Магний хлорат трактор агрегатлари ёрдамида қўлланилганда, ишчи суюқликнинг сарфлаш меъёри ҳар гектар майдонга 600—1200 л ни ташкил этади, бунда ўсимлик тупининг ривожланиш даражаси ҳисобга олинади. Ишчи суюқлик сарфининг миқдорига қарамай ҳамма вақт ҳам препаратнинг сарфлаш меъёри бир хил бўлаверади.

Магний хлорат ўртача толали гўзани дефолиация қилиш учун ўсимликда 4—6 та кўсак очилганда, ҳар гектар майдонга 8—12 кг дан, ингичка толали ғўзада эса, 8—10 та кўсак очилганда 14—18 кг дан пуркалади.

Десикация мақсадида эса, ғўзада камиди 60 % кўсак очилганда гектарига 25—35 кг дан пуркалади. Шо-

лида эса, десикация мақсадида әкинишинг 70—75 % и тұлық нишиб етилганды, ҳар гектар майдонға 25—50 кг дан пуркалади. Препаратыннан «кутиш вақты» гүзада 6 кун ва шолида 7—10 күндир, ишлов бериш тақрорийдеги 1—2 марта.

Кальций хлорат-хлорид $\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 + \text{CaCl}_2$, тиниқ кулранг суюқлик бўлиб, таркибида 30—32 % кальций хлорат (таъсир қилувчи модда) ва 28—29 % кальций хлорид бўлади. Сувли эритма ҳолида препарат дефолиант ва десикант сифатида қўлланилади. Оддий шароитда препарат сувга нисбатан 1,5 баробар оғирдир.

Препаратни дефолиант сифатида ҳар гектар гўза даласига 20—30 л дан 1—4 та кўрак очилгандага қўлланнилади, десикант сифатида эса, камидаги 50 % кўсаклар очилгандага ҳар гектар майдонға 40—50 л дан қўлланниши тавсия қилинган.

Одам ва иссиққонли ҳайвонлар учун кам заҳарлидир (унинг УД_{50} нинг кўрсаткичи сичқонлар учун 1110 мг/кг га баробар).

11 - б о б. ҮСИМЛИҚЛАРНИНГ ҮСИШИНИ БОШҚАРУВЧИ МОДДАЛАР

Деҳқончилик маҳсулотларини стиштириш технологиясининг муҳим омилларидан бири үсимликлар үсишини бошқарувчи моддалардан фойдаланишdir. Уларга кўпгина табиий ва сунъий моддалар киради, улар организмга бир оз миқдорда тушганда моддалар алмашинуви жараённага таъсир қилиб, үсимликларниң үсиши ва ривожланишини жиддий ўзгаришларга олиб келади.

Табиий (эндоген) үсишни бошқарувчи моддаларга фитогормонлар киради. Бу моддалар үсимликлар томонидан ишлаб чиқарилади ва унинг барча ҳаёттй жараёнларида моддалар алмашинувида иштирок этади. Улар үсимликлар үсишининг хусусиятларини, гуллаш, ҳосил туғиши, үсимликтиннан қишки тиним даврига кириши ва уйғониши каби жараёнларни белгилайди.

Фитогормонларниң асосий хоссаларидан бири уларниң ўзига хос хусусиятидир, чунки улардан ташқари ҳеч қандай модда ва агротехник тадбир әкинларни стиштиришда үсимлиқдаги физиологик жараёнларга таъсир қилмайди.

Хозирги вақтда фитогормонлар 5 гурухдан: ауксинлар, гиббереллинлар, цитокининилар, абсцис кислота ва этилендан иборат. Булардан ташқари юқори физиологик фаоликка эга бўлган бу моддаларнинг сунъий аналоглари ҳам мавжуд. Бу сунъий аналогларни тўғридан-тўғри фитогормонлар деб ҳам бўлмайди, чунки улар бевосита ўсимликлардан ҳосил бўлмайди, бироқ улар ўз фаолликлари билан фитогормонлардан бирмунча устундир.

Таркибий тизимиға кўра эндоген ауксинларга яқин бўлган моддаларнинг физиологик фаолликларини ўрганиш, кўпгина ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи моддалар ва гербициidlар яратилишига сабаб бўлди.

Қишлоқ хўжалигидаги ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини бошқарувчи моддалар 40 йилдан бўён қўлланилиб келмоқда. Ҳар йили бу моддалар рўйхати тўлдирилиб боради. Дунёда 5 мингга яқин тур физиологик фаол моддалар яратилди, улардан қишлоқ хўжалигидаги фақат 1 % қўлланилади, холос.

Ўсимликларнинг ўсишини ва ривожланишини бошқарувчи моддалар ғалла ва бошқа экиниларнинг ётиб қолишига қарши, мева дарахтларининг ўсишини секинлаштириш, уларнинг серҳосил бўлишини тезлаштириш ёки секинлаштириш, гуллаш жараёнини секинлаштириш ёки тезлаштириш, сақланастган илдизмеваларни кўкариб кетишдан асрар, ташқи муҳитнинг ноxуш ҳодисалари (қургоқчилик, совук уриш)га бардошлилигини, ҳосилнинг сифати ва сермаҳсуллигини ошириш ва бошқа шу каби ҳолларда қўлланилади. Қўшгина ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи моддалар ўғитлар, гербициidlар ёки фунгициidlар билан биргаликда қўлланилади.


50-йиллар охирида физиологик тадқиқотлар натижасида 2-хлорэтилtrimетиламмоний хлорид ва шу каби кўпгина моддаларнинг ўсимликларнинг ўсишини секинлаштириш қобилияти аниқланди. 60-йиллар бошларида бу моддаларни амалда ғалла экиниларнинг ётиб қолиши олдини олиш мақсадида қўлланилишига асос солинди. Ана шу даврдан бошлаб қишлоқ хўжалигидаги бу моддалар ретарданлар номи билан кенг миқёсда қўлланила бошлади. Ривожланган мамлакатларда бу моддалар билан ғалла экинзорлари умумий майдонининг 80 % га яқини ишланади. Ретарданларнинг бу қадар кенг миқёсда қўлланилиши бошқа тур ўсимлик-

ларнинг ўсишини бошқарувчи моддалар бўйича илмий изланишларнинг ривожланишига туртки бўлди.

Ретардантлар табиий шаронитда ғалла экинларининг ўсишига 10—35 % га қадар тўсқинлик қиласди.

Айниқса буғдой ва жавдарнинг ўсишига жуда катта таъсир кўрсатади, арпа ва сулида бу таъсир камроқ кузатилади. Узбекистонда қўйидаги ўсимликлар ўсишини бошқарувчи моддалар қўлланилади.

Кампозан-М (этрел, этефон). Унинг таъсир қилувчи моддаси -2- хлорэтил фосфат кислота:




Бу оқ рангли модда бўлиб, ўзига намни ютади ва сувда яхши эрийди. Шуннингдек ацетон ва спиртда яхши эрийди, полярсиз эритувчиларда эрувчанлиги суст. Ишқорий муҳитда этилен ажратиш билан парчаланади. Пўлат ва алюминийга нисбатан унишг эритмалари коррозиялаш хусусиятига эга.

Узбекистонда Олмониянинг «Биттерфельд» фирмаси ишлаб чиқарган кампозан-м экстра препарати қўлланилади, препарат 60 % ли сувли эритма ҳолида ёки 600 г таъсир қилувчи модда 1 л сувда эриган ҳолда ишлаб чиқарилади. Препарат кузги арпанинг ётиб қолиши олдини олиш мақсадида унишг 5% ли эритмаси бошоқ чиқариш босқичидан 10—12 кун олдин пуркалади. Ишчи эритмасининг сарфи 150—300 л/га, гўзанинг кўсаклари етилишини тезлаштириш мақсадида экинларга 1—2 дона кўсак очилганда пуркалади. Ишлов бериш такрорийлиги 1 мартаидир.

Препарат одам ва иссиққонли ҳайвонлар учун кам заҳарли (унинг УД₅₀ нинг кўрсаткичи каламушлар учун 3000 мг/кг дан ортиқ). Асалари ва бошқа фойдали ҳашаротлар учун зарарсиз.

Пикс (ХДП, БАС-08300). Таъсир қилувчи моддаси N, N-диметил пиперидин хлорид:



Оқ рангли кристалл модда бўлиб, унинг эриш ҳарорати 285°C дир. Эрувчанлиги ($\text{г}/\text{кг}$) сувда 1000, апетонда 1, хлороформда II. Уй шароити ҳароратида нордон сувли мухитда турғун, ишқорий мухитда эса бироз парчаланади. Сувли эритмалари металларга коррозияловчи таъсир қиласиди.

Узбекистонда Олмоцияниг «Басф» фирмаси тавсия қилган Пиксииниг 5 % ли сувли эритмаси (с.э.) қўлланилади.

Препарат тўза кўсакларининг стилишини тезлаштириш мақсадида икки марта пуркалади; препаратнинг 0,4—0,6 % ли эритмаси гуллай бошлагандага ва ёппасига гуллаш даврида пуркалади. Ишчи эритмасининг сарфи 250 л/га.

12 - б о б. ПЕСТИЦИДЛАРНИНГ БИРГА ҚУШИЛГАН ҲОЛДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Турли таъсир қилиш хоссаларига эга бўлган пестицидлар, ўсимликлар ўсишини ва ривожланишини бошқарувчи моддалар, шунингдек минерал ўғитларни бирга қўшилган ҳолда қишлоқ хўжалигига кенг қўламда қўлланилади. Пестицидларни бирга қўшилган ҳолда тайёрланади ва қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

- турли хил заарли организмларга нисбатан таъсир қилиш доирасини камайтириш;
- заарли организмларга нисбатан пестицидлар таъсирчанлигини кучайтириш;
- пестицидлар таъсир қилиш муддатини узайтириш;
- ҳимоя қилувчи ўсимликка пестицидларниг зарарлилигини камайтириш;
- кимёвий ишлов беришининг зарарли оқибатларини бартараф қилиш;
- юксак самарадорликка эришиш.

Бунда ишлов бериш такрорийлигини камайтириш ҳисобига унга сарфланадиган харажатлар камаяди, ишунумдорлиги ортади.

Кўпинча пестицидларниг таъсир доирасини камайтириш мақсадида бирга қўшилган ҳолда қўлланилади. Улар таркибига заарли организмларга нисбатан таъсир қилишига кўра бир-бирига яқин ва бир-биридан йироқ

пестицидлар киради. Масалан, уругларни дорилашда қўлланиувчи тигам таркибида ГХЦГ (инсектицид) ва ТМТД (фунгицид) бўлиб, бир вақтнинг ўзида ҳам қасалликка, ҳам ҳашаротларга қарши қўлланилиши мумкин. Нурелл—Д таркибида циперметрин (пиретроид) ва хлорпирифос (фосфорорганик пестицид) бўлиб, бир вақтнинг ўзида ғўзанинг сўрувчи ҳашаротлари, каналар ва кўсак қуртига қарши қўлланилади.

Пестицидларни бирга қўлланилиши фақат заарли организмлар экинзорларда бир вақтда пайдо бўлганидагина амалга оширилади. Бунда дала ва ишлаб чиқариш шароитида синовдан ўтказилган пестицидларнинг аралашмаларигина қўлланилади, холос. Чунки пестицидларни бир-бирига қўшиш оқибатида улар ўзаро физик-кимёвий реакцияларга киришиб, таъсиранлиги камайиши ёки фитоцидлик хоссалари ортиши мумкин. Шунингдек, пестицидларни бир-бирига қўшилиши натижасида уларнинг ташқи муҳитга нисбатан заарлилиги ортишини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Пестицидларнинг аралашмаларини уларнинг қўлланиш шакллари бўйича заводларда тайёрлаш ҳам мумкин. Бундай препаратлар маҳсус синовлар натижаларига кўра «Узбекистонда қишлоқ хўжалигида қўлланишга рухсат берилган ўсимликлар зааркунандалари, қасалликлари ва бегона ўтларга қарши қўлланувчи кимёвий, биологик моддалар ва ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи воситалар рўйхати»да қайд этилади. Бундай препаратлардан Нурелл—Д, хлоронеб ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг самарадорлигини оширишда синергизм ҳодисаси катта ўрин тутади. Синергетик самарадорлик қўйидаги ҳолларда намоён бўлади.

1. Аралашма таркибидаги бир модда иккинчисини заарли организм танасида сўрилишини тезлаштиради. Заарли организмларнинг қишки авлодини йўқотища препарат №30 га фосфорорганик пестицидлардан бирортасини қўшиб ишлатиш яхши самара беради. Бунда фосфорорганик пестицидларнинг сўрилишига минерал мойлар ёрдам беради.

2. Аралашма таркибидаги бир модда иккинчисини заарли организм танасида ёки тупроқда парчаланиб, заҳарлилигини камайтиришга тўсқинлик қиласи. Фосфорорганик пестицидлар ҳашаротлар организмига

тушгач, улардан бири ферментларни кучли даражада секинлаштиради, шу вақтнинг ўзида бу модда иккинчи модданинг парчаланишини камайтиради.

3. Турли таъсир қилиш хоссасига эга бўлган пестицидлардан тузилган аралашма қўлланилганда уларнинг барчаси ҳам бир физиологик мухим жараённи сусайтириши мумкин.

Бироқ пестицидларни бирга қўшиб ишлатилиши ҳамма вақт ҳам ижобий натижага беравермайди. Баъзан бирга қўлланилаётган пестицидлар ўзаро кимёвий реакцияга киришиб, зарарли организм учун заҳарли бўлмаган модда ҳосил қилиши ва бунинг натижасида аралашманинг заҳарлилиги камайиши мумкин. Масалан, фосфорорганик пестицидлар ишқориий мухитда парчалиниб кетиши сабабли улар ишқорлар, бордо суюқлиги ва олтингугуртинг оҳакли қайнатмаси билан бирга қўлланилмайди. Шунингдек, бунда бу пестицидларнинг ҳимоя қила олиш муддати ҳам қисқаради.

Пестицидлар самарадорлигининг камайиши антагонизм ҳодисаси туфайли ҳам юз бериши мумкин. Бу ҳодиса икки ва ундан ортиқ бир хил таъсир қилувчи, аммо турлича фаолликка эга бўлган пестицидлар қўшиб ишлатилганда содир бўлади. Бунида кам заҳарли пестицид заҳарлилиги юқори бўлган пестициддан устун келиши ва унинг таъсири йўқолишига сабаб бўлиши мумкин, оқибатда бирга қўлланилаётган пестицидлар таъсирини камайтиради.

Турли маълумотномаларда мунтазам равишда илмий изланишлар натижасида олинган пестицидларни бирга қўшиб ишлатиш тизими бериб борилади. Биз юқорида 7-жадвалда ана шундай тизимлардан бирини келтирдик. Шу билан бирга бу жадвалда келтирилган маълумотлар, албатта, йил сайнин илмий изланишлар натижасига кўра ўзгара боришини ҳам эслатиб ўтамиш.

АДАБИЁТ

Алимұхамедов С. Н., Хўжаев Ш. Т. Ғўза зааркунандалари ва уларга қарши кураш чоралари. «Ўзбекистон», 1978, 193-бет.

Алимұхамедов С. Н., Адашкевич Б., Адилов З. К., Ходжаев Ш. Т. Биологическая защита хлопчатника. Т., «Меҳнат», 1989, 168 с.

Ходжаев Ш. Т. Основные направления совершенствования химического метода защиты растений в XI—XII пятилетках. В сб. «Перспективы химической защиты сельскохозяйственных культур и продукции при хранении». Т., 1989, с. 123—130.

Алхасияш Э. Л., Юлдашев А., Утанбаев Б. Эффективность новых гербицидов на посевах хлопчатника. В сб. «Перспективы химической защиты с/х культур и продукции при хранении». Т., 1989, с. 12—20.

Шарафутдинов Ш., Заходов М., Файзуллаев Б. Комбинированные препараты комплексного действия. Ж. «Хлопок», 1989, №5, с. 29.

Кимсалбоев Х. Х. Биохимические и физиологические аспекты механизма действия гербицида котрана и родственных препаратов на растения. Ташкент, изд. «Фап», 1983.

Назаров Р. Америка пахтчилиги. Т., «Меҳнат», 1992, 21-б.

Мельников Н. Н. Мировые потребления пестицидов. Ж. «Защита растений», 1991, №7, с. 24.

Новожилов К. В. Защита растений: пути оптимизации. Ж. «Защита растений», 1989, №3, с. 2—7.

Химическая защита растений. (под. ред. Г. С. Груздева. 3-е изд. перераб. и под.). М., «Агропромиздат», 1987, 415 с.

Берим Н. Г. Химическая защита растений. Ленинград. Изд. «Колос», 1966, 176 с.

Ўзбекистон Республикаси Қиплоқ хўжалигидаги ўсимликлар зааркунандалари касаллклари ва бегона ўтларга қарши 1993—1997 йилларда қўллаш учун рухсат этилган кимёвий ва биологик кураш воситалари, дефолпаштлар ҳамда ўсимликлар ўсимили бошқарувчилар рўйхати, Т., 1993, 59-б.

Степанов Ф. А., Юлдашев А. Длительность действия и остаточные количества инсектицидов в хлопчатнике и сопутствующих культурах. В кн. «Итоги научной и производственной деятельности по защите и карантину растений в республиках Средней Азии и Южном Казахстане за 1966—1970 гг». Т., 1972, с. 7.

Закиров Т. С. Химическое удаление листьев и высушивание хлопчатника. Т., Госиздат УзССР, 1962, с. 84.

Зайцев Г. С. Хлопчатник. Изд. Ин-та растениеводства и главного хлопкового комитета. Москва—Ташкент, 1930.

Мельников Н. Н. Пестициды. Химия и технология применения. Москва. «Химия», 1978, 712 с.

Хамраев А. Ш., Алимов Э. А., Юлдашев А. Значение и перспективы применения серных препаратов в интегрированной системе защиты растений. Науч. тр. ТашОДНСХИ, 106, 1983, ст. 3—13.

Edwards A. International code conduct on the olistribution and use pesticides FAO; Rome, 1986, 31 p.

Хўжаев Ш. Т. Нуредд—Д—самарали инсектицид ва акарицид (пахтчилинда ишлатили учун қўлланма), Ташкент, Дау Эланко фирмаси, 1994, 4-бет.

МУНДАРИЖА

Сүз бөни		3
Кириш		6
Үмумий цилем		8
1 - б о б . Үсімліктарни зааралы организмдардан ұмоя қилиш усуллари		
1.1. Ташкилий-хұжалик тәдбиrlари		9
1.2. Агротехник тәдбиrlар		10
1.3. Биологик тәдбиrlар		16
1.3.1. Зааркуандаларга қарши биологик усулда курашын		16
1.3.2. Үсімлік касаллікларига қарши биологик усулда курашын		18
1.4. Үсімліктарнинг карантин тәдбиrlари		19
1.5. Физик ва механик тәдбиrlар		20
1.6. Үсімліктарни ұмоя қилипша кимбейт тәдбиrlарни құллаш ва упнан қысқа тарихи		21
2 - б о б . Пестицидларнинг тасиифланиши		35
3 - б о б . Агрономик токсикологиянынг асоослари		41
3.1. Заңар ва заңарлапаш түрлесінде түпнұча		42
3.2. Пестицидларнинг ұжайраларга кириши ва таъсари		46
3.3. Пестицидларнинг зааралы организмдерге кириштік үйлары		50
3.4. Пестицидларнинг зааралы организмдерге заңарлапшилығы ва ун белгиловчы омыллар		51
3.5. Пестицидларнинг организмде үзгариши ва упдан чыкарылыш үйлары		52
3.6. Пестицидларнинг таплаб таъсир этипи		65
3.7. Зааралы ортализмдарнинг пестицидларга чидамлилігі		67
4 - б о б . Пестицидлар құлланылышыннан санитария-гигиеник асоослари		74
4.1. Заңарлапшинын келиб чықыши шароити ва сабаблары		75
4.2. Пестицидларнинг гигиеник тасиифланиши		77
4.3. Пестицидлар құлланылышыннан чекләнешлери		79
4.4. Пестицидларни сақлаш ва ташиш жараённадагы хавфсиалик қоидалари		80
4.5. Пестицидларни құллаш вақтидагы әхтиёткорлик чоралари		83
4.5.2. Хопаларни фумигация қилишда әхтиёткорлик чоралари		84
4.5.3. Үргуларни доризданда хавфсиалик чоралари		85
4.5.4. Пестицидлар пуркалайтапда ва чапглатилаёттапда әхтиёт чоралари		86
4.6. Транспорт воситалари, идинилар ва иш коржомларни заарсизлантириш		87
4.7. Құлланылышта полойиқ пестицид қолдиқлары ва идишларни йүк қилиш қоидалари		88
4.8. Пестицидларнинг құлланылышында жамоат ва табиат мұхофазасы		89
4.9. Шахсий ұмоя воситалари		91
4.10. Шахсий гигиена қоидалари		96

5 - б о б . Пестицидларнинг тасиқи мұхит омылларига таъсири	97
5.1. Пестицидларнинг ҳаводаги ҳолати	100
5.2. Пестицидларнинг сувдаги ҳолати	101
5.3. Пестицидларнинг түрпроцесстары	102
5.4. Пестицидларнинг биоцеңозга таъсири	106
5.5. Пестицидларнинг одам организмига таъсири	110
5.6. Пестицидларнинг маданий үсімліктерге таъсири	113
6 - б о б . Пестицидлар құлланилишининг физик-хименик асөслари	122
6.1. Пестицидларни құлланиш шарттары	122
6.2. Құпымча моддалар	126
6.3. Пестицидларни құлланиш усуллари	129
Махсус қисм	
7 - б о б . Үсімлік заараркүнделіктілердің қарши курашда құлланиладиган пестицидлар	137
7.1. Хлорорганик пестицидлар	137
7.2. Фосфорорганик инсектоакарицидлар	143
7.3. Махсус акарицидлар	170
7.4. Ниретроидлар	174
7.5. Минерал мөйлар	188
7.6. Родентицидлар	190
7.7. Фумигантлар	192
7.8. Ҳашаротлар ривожланишини бошқарувчи моддалар	194
7.9. Карбамат кислота ҳосиллары	201
7.10. Янги инсектоакарицидлар	204
8 - б о б . Үсімлік касалліклариниң құзаттувчиларига қарши құлланиладиган пестицидлар	206
8.1. Үсімліктернің үсуі даврида құлланиладиган функцицидлар	213
8.2. Үсімліктернің тиім даврида құлланиладиган функцицидлар	235
8.3. Үрге ва әкиш материалдарнің дөрілашда құлланиладиган функцицидлар	236
8.4. Түрпроцесстардың дезинфекция қилингенде құлланиладиган функцицидлар	243
9 - б о б . Бегона үтларға қарши құлланиладиган пестицидлар	243
9.1. Гербицидлар ва уларнинг тасиини	243
9.2. Рұза дақаларидаги begona үтларға қарши құлланиладиган гербицидлар	250
9.3. Дон ва доп-дуккакли әкинлардаги begona үтларға қарши құлланиладиган гербицидлар	256
9.4. Сабазавот әкинларидаги begona үтларға қарши құлланиладиган гербицидлар	260
9.5. Мева бөрлери ва токзорлардаги begona үтларға қарши құлланиладиган гербицидлар	264
10 - б о б . Дефолиантлар ва десикантлар	265
11 - б о б . Үсімліктернің үсіншінің бошқарувчи моддалар	271
12 - б о б . Пестицидларнинг бирга құшылған ҳолда құлланилиши	274
Адабиёт	277

Х. Х. КИМСАНБОЕВ, А. Й. ЙУЛДОШЕВ, Н. Х. ХАЛИЛОВ,
Т. А. ҚОСИМОВ, И. Р. СИДИКОВ, М. М. ЗОҲИДОВ

ЎСИМЛИКЛАРНИ КИМЁВИЙ ҲИМОЯ ҚИЛПИШ

Қишлоқ ҳўжалик институтларининг агрономия
факультетлари талабалари учун дарслик

Тошкент «Ўқитувчи» 1997

Таҳририят мудири *Б. Акбаров*

Мұхаррир *А. Иброҳимов*

Бадиӣ мұхаррир *Ф. Некқадамбов*


Техн. мұхаррир *Ш. Бобохонова*

Мусаххих *С. Абдусалматова*

Териига берилди 8.01.97. Босишга рухсат этилди 2.04.97. Формати
84x108^{1/32}. Тип, қозози. Литературная гарнитураси. Кегли 10
шпонсиз. Шартли б.л. 14,70. Шартли кр.—отт 14,86. Нашр л. 13,52.
Тиражи 2000. Буюртма №10.

«Ўқитувчи» пантиёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома
№19—144—96.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент
китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод да-
гаси, Муродов кўчаси, 4-ий. 1997.



ЎСИМЛИКЛАРНИ КИМЁВИЙ ХИМОЯ ҚИЛИШ

•ЎҚИТУВЧИ•